


ISSN 2181-8738

ВОДИЙНОМА

ЯНВАРЬ-МАРТ
2023 ЙИЛ

№1 (28)



МУНДАРИЖА

«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал
2023 йил №1 (28)

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий
экспедиция жамоат фонди

Ҳамкоримиз: Андижон давлат университети

Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

Таҳрир ҳайъати:

Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Абдулла Расулов – т.ф.д., профессор

Анвармирзо Хусаинов – Халқаро экология, инсон
ва табиат ҳавфсизлиги фанлар академияси мухбир
азъоси

Жамшид Жўразода – т.ф.д., профессор

Кудияров Алишер – т.ф.н., доцент

Мамбет Қойгелдиев – т.ф.д., академик

Муҳаммадҷон Алиқожиёв – т.ф.н., доцент

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Улуғбек Абдуллаев – т.ф.д., профессор

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

Масъул котиб:

Мухтор Худоёров

Техник муҳаррир:

Азизбек Маҳкамов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам
билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсутдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри
Университет кўчаси 129-уй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 04.10.2022 й
Қоғоз бичими 60x84 1/8, Босма тобоғи: 13,5
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 500 дона.

Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 116

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr
NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўғалли ота
кўчаси 5-уй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги
239/5-сонли қарори билан Тарих фанлари бўйича
илмий журналлар рўйхатига киритилган.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ТАРИХИЙ МЕРОСИМИЗ ДАРҒАЛАРИ

Иброҳим Ҳаққул

Шоир ва мутафаккир Жамол Камолдан қолган буюк мерос..... 2

Анвармирзо Хусаинов, Жамол Камол, Азалшоҳ Ҳамроев

Буюклардан буюк Муҳаммад алайҳиссалом..... 10

Хушнудбек Хотамжон ўғли

Японияда масжид очган жадидчи Абдурашид Иброҳим ҳаётидан..... 35

«КАТТА ТЕРРОР» ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Р.Шамсутдинов, К.Балтабаева, Х.Тўйчибоев, А.Маҳкамов, Ж.Иминов

«Чирчиққурилиш қатағони»..... 48

Р.Т.Шамсутдинов, К.Н.Балтабаева, А.К.Маҳкамов

Султон Сегизбоев – қатағон қурбони..... 71

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Р.Т.Шамсутдинов

Илмий ҳақиқатларга содиқликми, туфлашми?!..... 82

ТАНИҚЛИ ОЛИМЛАРГА

БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ АНЖУМАНЛАР

М.Саидов

«Марказий Осиё цивилизацияси: ўтроқ ва кўчманчи маданиятларнинг
ўзаро таъсири» мавзудидаги халқаро илмий конференция..... 87

Рустамбек Шамсутдинов, Дилшодбек Ҳомидов, Азизбек Маҳкамов

Қардош Тожикистоннинг таниқли тарихчи олими
Назиржон Турсунов 80 ёшда..... 91

Таъзиянома..... 96

АКАДЕМИК НАИМ ФОТИХОВИЧ КАРИМОВ 90 ЁШДА!

Озод Шарафиддинов

Олим ҳаётининг саҳифалари..... 100

Ҳамидулла Болтабоев

Олимлик қисмати..... 104

Рустамбек Шамсутдинов

Илм-фан дарғаларидан бири..... 109



ШОИР ВА МУТАФАККИР ЖАМОЛ КАМОЛДАН ҚОЛГАН БУЮК МЕРОС

Иброҳим Ҳаққул

*Кўнгил хун бўлди, кўнгилга не дерман,
Кўнгилни билмаган элга не дерман?...*

Шайх Фаридуддин Аттор

Туғилган жойи, ўсиб-улғайган муҳити шоир ва адибнинг фақат тақдирига эмас, балки унинг ижодига ҳам таъсир ўтказди. Шунингдек, у ёки бу ижодкор шахсиятининг шаклланиши, ижодиётидаги ўзига хос хусусият ва фазилатлар ҳам таваллуд топган жонажон диёр билан мустаҳкам боғлиқдир. Халқимизнинг фидойи ва улкан шоири Жамол Камол – Бухоро фарзанди. У 1938 йилнинг 9 ноябрида Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Читгарон қишлоғида дунёга келган. Бу ёғини айтиш... Бўлажак шоир уч ойлик чақалоқ экан, отасини қамашди. «Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов халқ душмани эмас, дўстлари эди» деган гап – мана шу бир жумла учун уни отувга ҳукм қилишган. Бу мусибат ва айрилиқ мурғак қалбга қандоқ таъсир ўтказиб, чилпарчин айлашини тасаввур қилмоқ қийин эмас.

*Ўттиз беш ёшида отам отилди,
Уч ойлик чақалоқ эдим ўшанда.
Ўша тун ошимда захар қотилди,
Тақдир зарбасини едим ўшанда.
Йўқ деб қичқираман умрим борича,
Лекин қисмат деган турмайди аяб.
Ўттиз беш йилдирки, ҳар ярим кеча
Мени отишади деворга суяб...*



Хайриятки, Аллоҳ таоло инсонга сабр ва бардош ато этган. Лекин кўнгил тош ё темир эмас – уни ғам-андуҳ билан емиради. Камол Ҳусанхўжа ҳажрида шоирнинг онаси Хожалбегим ҳам ўттиз беш ёшида вафот этади.

*Отам дийдорини кўролмадим мен,
Онасиз ўссам-да, бўлмадим етим...*



Бу тасаллининг ортида ўркак-ўркак қайғу ва алам бекиниб ётибди. Шулар қатра-қатра, тўлқин-тўлқин бўлиб Жамол Камол шеърларига сингиб кетган. Унинг сўз ва ифодаларида дард, ҳасрат, армоннинг оловланиши шундан. Хуллас, етим бола бувиси Моҳитоббининг қўлида қолиб, унинг тарбиясида ўсади. Аввал у она қишлоғидаги бошланғич мактабни битириб, сўнг Чандирдаги Абу Али ибн Сино номли ўрта мактабда таҳсил олади. Шоир ўша йилларни хотирлаб шундай дейди:

– Учқун бўлмаса, ўт чиқмайди. Ҳар нечук, қобилият инсоннинг табиатида бўлиши лозим. Адабиётга муҳаббат менинг қонимда бўлган, шекилли. Мактаб ва китоб пуфлаб ўт олдириди, ёндирди уни... Навоий ғазаллари, Бобур рубоийларини илк дафъа ўша йилларда юрагимга жо қилдим. Улар воситасида арузий оҳанглар руҳимга сингди. Кейин Муқимий, Фурқат ғазалларини севиб ўқидим ва ёд олдим. Ўша даврда Гогольнинг «Миргород», Пушкиннинг «Капитан қизи», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Марк Твеннинг «Том Соьернинг бошидан кечирганлари», Жюль Верннинг «Ўн беш ёшли капитан» китобларини ўқиганим ёдимда... Бир оқшом Шекспирнинг «Ҳамлет» асарини ўқишга киришдим. Уйда ёлғиз эдим. Ғожианинг «Арвоҳ кирди...» деган жойига етганда қўриқиб кетиб, китобни бир четга ташлаб, қўшни уйда хотинлар билан чақчақлашиб ўтирган бувимнинг пинжигга суқилганим ҳали-ҳамон кўз ўнгимда турибди...

Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, Шайхзода, Миртемир – улар ёш Жамолнинг яхши кўрган шоирлари эди. У Ойбекка алоҳида меҳр қўйган ва бир умр унинг ижодига боғланиб қолганди. Бироқ ҳаммадан ҳам юксак, ҳаммадан ҳам ёрқин порлаган машғала Навоий эди. У бошқа шоирларни устоз ҳисоблаган бўлса, Навоийни пир деб билганди. Тиниқ ва ёниқ сўз завқи, бадиий тафаккур сеҳри шу йўсинда ёш шоир руҳига кириб борарди. «Адабиёт номли оқ кабутар болалигимда мени кўтариб учди. Шу сабабли бўлса керак, етим бола бўлишимга қарамай, ҳамиша умидларга, завқу шавққа тўлиб юрардим...» – дейди у.

Ҳа, умид – нурли туйғу. Умидсизлик – даҳшат. Ҳамма орзу ва олий ниятнинг кушандаси – умидсизлик. Ноумидлик фақат алоҳида бир инсоннинг эмас, ҳатто бутун миллат руҳини сўндириб, кадр-қиммати, шону шавкати, ғурур ва шижоатини ер билан яксон этиб ташлайди. Бундай аҳволдаги халққа душманнинг кераги йўқ, у – ўзига ўзи ғаним, у – ўзига ўзи гўрков...

Менимча, «Умидли дунё» номли китобни ўқиган шеърхон умидсизликдан ношудлик, ношудликдан ожизу нотавонлик, нотавонликдан қуллик, қулликдан хиёнат, риёкорлик туғилишини Жамол Камол нақадар эрта англаганини осон фаҳмлайди. Албатта, ўқиб-ўрганиш, фикран ўсиш, руҳни чиниқтириш, хиёнат қийинчилиги ва азобларини енгиб ўта билиш ҳаракатига эришилмаса, умидни мақташдан фойда чиқмайди. Зеро:

*Кимга қатра, кимга денгиз,
Кимга бир дунё қадар,
Ким учун оғриқли тандин
Чиқмаган жондир умид.*

«Ўйлаб қарасам, – дейди Жамол Камол, – Бухоро педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга киришим ҳаётимда бурилиш нуқтаси бўлган. Бошда тарихчи бўлишга шайландим. Йўқ, адабиёт мени бағридан бўшатмади. Тўлқин устига тўлқин бўлиб бостириб кираверарди: антик адабиёт, ўрта асрлар адабиёти, замонавий адабиёт... Шекспир, Байрон, Бальзак, Стендаль, Виктор Гюго, Лев Толстой, Михаил Шолохов менинг сеvimли адибларим эди...»

Шоир тўртинчи курсда ўқиётганида Бухорога шоира Зулфия ташриф буюради ва институтда катта учрашув бўлади. Шеърларини унгача институт газетасида чиқариб юрган Жамол Камол кичик ҳажмли илк достони – «Жамила»ни ўқиб беришни машҳур шоирадан илтимос қилади.

Бу ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашган жазоирлик ватанпарвар қиз Жамила Бухерд қиссаси эди. Достон Зул-



фияга маъкул бўлади ва орадан кўп ўтмай у «Ёш ленинчи» газетасида босилиб чиқади. Шеърият майдонига энди-энди қадам босаётган шоир учун бу, албатта, ижодий ғалаба эди. Шундан сўнг «Шарқ юлдузи» журналида унинг шеърлари чоп этилади. Адабий жамоатчиликка Жамол Камолни улар кенгроқ танитади.

Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло Ёзади: «Назаримда, олтмишинчи йилларнинг боши бўлса керак, бухоролик шоир Жамол Камолнинг бир туркум шеърлари «Шарқ юлдузи»да босилди. Нотаниш ёш шоирнинг шеърларини ўқидим. Бу шеърлар мени шу қадар сеҳрлаб олдики, бир неча вақт хаёлим шу билан банд бўлиб қолди. Бу ўзбек шеъриятига катта истеъдод кириб келаётганининг дилимдаги қувончи эди. У вақтда, албатта, Жамол ёш эди, навқирон пайти эди. Лекин унинг шеърлари ўша вақтдаёқ ром қила олиш кучига эга эди.

Жамол Камол шеърлари мени шу қадар тўлқинлантирган эдики, икки оғиз бўлса ҳам хат орқали ўз қувонч ва ниятларимни билдириб қалбимни бўшатмагунча оромим бўлмади».

1962 йилда ўтказилган Республика ёш ижодкорлар семинари Жамол Камолнинг биринчи шеърий тўпламини нашрга тавсия этади. Аммо у олти йилдан сўнг – 1968 йили босилиб чиқади. «Олам кирар юрагимга» кечикиброқ дунё юзини кўрган бўлса ҳам, шеърхонлар юрагидан тез ўрин олган эди. Биринчи бўлиб унга шоир Ҳусниддин Шарипов тақриз ёзиб, «Шарқ юлдузида» эълон қилди. Ўзга тақриз ва танқидий мақолаларда ҳам ёш шоирнинг келажигига катта ишонч билдирилган эди.

Бир пайтлар – ўспиринлик чоғларида сиқинибми, зерикибми, Бухородан кетиб қолгим келарди. Чунки айтарли ҳамма нарса яқраган, турғун, арзимасдай туюларди... Кўпчилик гўё келишиб олгандай бир хилда ўйлар ва бир хил гапларни такрорларди. Қаерга борманг, асосий мавзу дала, пахта, чорва, маърака. Менга бу ёқмасди. «Нечун катталар умуман китоб, адабиёт ҳақида гапиришмай-

ди? Нега уларга илм, адабиёт, санъат деган нарсаларнинг бир чақалик ҳам қизиғи йўқ», – деб ўйлар ва ички норозилигим кундан-кунга кучайиб борарди. Китоб ва ёлғизлик – шу икки нарсани ана ўша йиллардаёқ мен яхши кўрганман, то ҳануз иккисидан ҳам ажралолмайман. Аммо ўйлаб кўрсам, болалик, ёшлик, илк муҳаббат – буларни Тошкентга олиб келолмаган эканман – бари Бухорода қолиб кетган экан. Бизнинг адабиётга, китоб ва ижодкорга меҳр-муҳаббатимиз, ҳозирги навқирон авлодниги билан таққосланса, тўғриси, эртатанга ўхшайди. Бухоролик таниқли адиб, олим ва шоир борки, бошга кўтаргудай эдик. Жамол Камол ва Неъмат Аминнинг илк китобларини ўқиб, талабалар орасида нечоғлик фахр билан муҳокама қилганларимиз сира эсдан чиқмайди. Қизиғи шундаки, Жамол Камолнинг айрим шеърлари худди мен учун – менинг мавҳум ҳолат ва изтиробларимни акс эттириш учун ёзилганга ўхшарди:

*Нега мен баъзида маъюс, безабон,
Сизга баён этсам, дўст-ҳамдамларим,
Мазмундорлигини пеш айлаб мудом
Ортимдан юради дарду ғамларим...*

Дарду ғам доим ҳам ортда юрмас, илгарига ўтиб, моҳиятга йўл очар экан. Шоирнинг мана бу саккизлигини ўқиганда қандай хаёллар кўнгилдан кечганини ҳозир ҳам тўлиқ шарҳлаб беролмайман:

*Мен уни изладим, изладим дилхун,
Тубига етмоққа айладим ният.
Қанчалар бўгилдим, оқибат бир кун
Қаршимда очилди ўша моҳият.
Унга қарайману айланар бошим,
Яна чорасизлик йўлимни боғлар.
Қай тарафдан боқмай, оқизар ёшим,
Қай тарафдан боқмай, кўнглимни доғлар...*

* * *

Умуман, моҳият оғир ва бешафқат эканини, унга қай тарафдан боқма, чорасизлик йўлни боғлаб, кўздан ёшлар оқизишини мен кечикиб



тушундим. Инсон умри руҳоний оламдан борлиқ оламига, ундан яна охират дунёсига муборак бир сафардир. Бу моддий оламда у боқий қолмоқ учун эмас, балки ҳақиқий ватани бўлмиш малакут оламига қайтмоқ учун туғилади. Оралиқдаги йўл – синов йўли. Ўртадаги «Майдон» қувонч ва қайғу, меҳнат ва машаққат, рост ва ёлғон, зафар ва мағлубият, бахт ва бахтсизлик майдони эрур. Хуллас, одамнинг тақдири ва ҳаёт йўли бир сафар, бир ҳижрат мазмунига эгадир. Ҳижрат деганда кўпчиликнинг ҳаёлида буюк жудолик, сўнгсиз ҳижрон, ғам-ғусса, кўз ёши, бир сўз билан айтганда, бахтсизлик гавдаланади. Тасаввуф тилида эса ҳижрат – ёмон ва тубан феъл-атвор, чиркин сифатларни тарк айлаб, гўзал ахлоқ ва латиф фазилатлар юртига бориш демак. Шоирнинг ичдаги юрти, аслида, ана шу юрт. Кўзга кўринмас ана шу ботиний ўлкага чин шоир нафсдан қалбга, қалбдан латифликка, ундан руҳга, руҳдан Ҳаққа ҳижрат қилади. Ва бундай шоир тилнинг эмас – дилнинг, чекланиш ва торликнинг эмас – кенглик ва сўнгсизликнинг қули, шайдоси бўлиб яшайди. Мана шунда кўнгил оламга, олам кўнгилга эшик очади. Сўзни илҳом, туйғуни завқ, фикрни дард бошқаради. Дардли шеър – ҳамиша сирли шеър. Буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий ёзади: «Билурменки, сен дардли яратилмишсан. Дард эса шоирликнинг сармоясидир. Шеър ёзиш учун завқ ва сафо лозимдир дема – дарддан сўзла. Чунки сўз мусобақасида ғалаба қозонадиган дарддир».

Жамол Камол ижодиётининг ҳам сармояси Ҳақиқат ва Ҳуррият дардидир. Мен унинг дил дардларига қарши боргани, энг улуғ армонларига хиёнат қилганини эслолмайман. Шунинг учун шоир шеърлятида кўпчилик қаламкашларга хос икки қиёфалилик офати кўзга ташланмайди. Хавф, яъни кўрқув тавбакорга, севги зоҳидга, яшаётган маънавий ҳоли муштоққа парда бўлгани каби, шеър ҳам шон-шухратга берилган шоир қалбига парда бўлади. Шунда у инсоф, диёнат дардидан йироқлашади ва ўзининг аҳвол-руҳиясини тўғри идрок қилолмай қолади:

*Шоир сўз айтгани келар дунёга.
Индамай, жим туриш – шоирга ўлим.
Қайси тоққа борай, қайси дарёга
Товушларга тўлиб кетганда кўнглим?..*

Ана шу ҳолат – ахтариш, изланиш ҳолати. Ана шу ҳолатдан ажралган шоирнинг фикр манзили турғунликдирки, ундан бирор янгилик кутиб бўлмайди. Жамол Камол – бундай ҳолдан ўзини асрай билган, Ҳақиқат йўлида астойдил заҳмат чеккан шоир. Унинг «Файласуф билан суҳбат», «Сувайдо», «Қўғирчоқлар», «Клубатра», «Ҳамлет», «Хурофот», «Шоирга», «Отам» сингари ўнлаб шеърларида эрк ва ҳақиқат ишқи ёниб-ёлқинланади. Чунки у ҳақиқатни ҳақиқат ўлароқ севган. Юракни тасаввурдаги ҳақиқатларга эмас, ҳақиқатнинг ўзига бағишлаган:

*Ҳақиқат, мен сени севдим.
Сени хор айласа миллат,
Қуюндек боши узра айланур
Ҳар кун қабоҳатлар.
Ҳақиқат, мен сени севдим,
Ўзинг Раббимсан, Оллоҳим,
Сени дерман, сени, гар келса
бошимга қиёматлар..*

Биласизки, ҳақиқат тоқдир, Ҳақдан яралгани боис яккаю ягонадир. Ҳақиқат кўкда ҳам, ерда ҳам ҳоким. Фақат заминдаги ҳукмронлиги кўкдагидан фарқланади. Негаки заминда ёлғон ҳам ҳукм юритади. Самода ёлғоннинг қўлидан ҳеч иш келмайди. У ўз тангриси Шайтон амри фармойишларининг ердаги ижрочисидир. Ёлғон кўкдан гувуллаб тўкилмайди, заминда гуркираб ўсади. Зеро, ёлғон ва риёнинг «тупроғи» инсон – у биргина мана шу жойда томир ёзади, улғаяди ва ҳосил беради. Бошқа кўкарадиган боғу чорбоғи йўқ унинг. Жонзотлар орасида ёлғиз инсонгина ёлғонни ҳақиқат, ҳақиқатни эса ёлғон дея баён айлай олади. Аслида, ҳақиқат ва ёлғон ўйинлари деган ўйин ёхуд талашув йўқ. Ҳамма-ҳаммаси одам нафси ва манфаатидан туғилган зиддият, олишув ва қаҳру ғазабдир. Инсон Ҳаққа



итоат этгандагина ҳаётни ҳақиқат кўзгусида кўриб, қаноат топади ёки ўзи экиб вояга етказган ёлғон зулм қурбони бўлади. Шўро давлати юрт, миллат ҳурриятига қарши тўкилган ҳар қандай ҳақиқат ёлғон, ёлғон эса ҳалокатли бўлишини инобатга олишни истамаганди. Шу боисдан ҳам ҳақиқат ва ҳаёт орасидаги жарлик кенгайгандан кенгайиб борар, эркинлик, тенглик, бахт каби сўзлар хас-хашакка ўхшаб қолганди. Ҳаёт эса ҳурриятни қуллик, бахтни бахтсизлик, шодликни ғам-ғусса мазмунида изоҳларди.

Орадан вақт ўтиб, замонлар кечиб, келажак авлодлар шоир, адиб, олиму уламоларнинг мустақилликдан кейин ёзган нарсаларини ўқишса, шунча зиёли ва ижодкорнинг ичида шундай эътиқод, шу даражала эркинлик истаги қайнаб-тошиб ётган экан, миллат қандоқ қилиб бунча узоқ вақт қуллик ва тобелikka кўниқди экан деган савол туғилиши табиийдир. Лекин айна шу ижодкорларнинг миллий истиқлолдан аввал ёзилган асарларини кўздан кечиришса борми, «Во дариғ, ижодкорлик дегани ҳам сўзбўямачилик ва кўзбўямачиликдай бир иш экан-ку», – демаслигига ҳеч ним қафолат беролмайди. Эврилиш, турланиш шу қадар катта ва ҳайратланарли. Ана шу «жараён»га бундоқ назар ташланса, миллий рух, миллий маслакка содиқ жуда оз сонли шоирлар қатори Жамол Камол ҳам бир ғоявий «майдон»дан иккинчисига сакраб ўтмаганлигига тан бериш керак бўлади. У етмишинчи йилларнинг охирида ёзилган бир шеърида бежиз мана бундай демаган:

*Шоирим, ўтасан сен ҳам муқаррар,
Гарчи ардоқлисан, гарчи суюксан:
Шижоат туйғуси билан мукамал,
Шижоат туйғуси билан буюксан!
Лекин сен ҳам агар этиб номардлик,
Сен ҳам ўз-ўзингни ўйласанг фақат,
Демак, соб бўлибди оламда мардлик,
Демак, рўй берибди қора қабоҳат...*

Қулни озодман деб сайратиш, бахтсизларни ҳамма бахтиёр деб куйлатиш, камбағал ва

қашшоқ элни тўқмиз, бадавлатмиз дея бонг урдириш... Минг афсуски, адабиёт аҳли орасида ана шу қабоҳатга бош қўшганлар ҳам кам эмасди. «Чўққиларга ёғилди ёғду», «Тош туғён», «Тафаккур», «Қадаҳ», «Умидли дунё» деб номланган китобларни бугун бир варақлаб чиқинг, бошқа хаёл, ўзга ўйлар қуршаб олади дилни...

Жамол Камол – турли шеърий шакл ва жанрларда қалам тебратиб келадиган ижодкор. Унинг ғазалнависликдаги тажрибалари ҳам алоҳида диққатга молик.

Менинг билишимча, куйга, мусиқага тобе сўз – қўшиқ. Сўзга, фикрга тобе мусиқа эса шеър. Шунинг учун ҳам «Шеър – сўз билан ифодаланган мусиқа» деган таъриф менга жуда мақбулдир. Навоий, Бобур, Машраб шеърлари, энг аввало, мана шу фикрнинг тўғрилигини исботлайди. Ахир ҳар бир шеър мисраси, ҳамма нарсдан олдин, мавзун, мусиқий бир жумла эмасми? Шеърда ҳижонинг сони эмас, балки унинг саси, оҳанги муҳим-ку! Мусиқа шеърнинг «жавҳари»дан янграб юзага чиқади ва муваффақият воситасига айланади. Хоҳ аруз, хоҳ бармоқ вазнида бўлсин, қолган ҳамма иш, ҳамма нарса айна шу мусиқани таъминлашга хизмат қилмоғи зарур. Шунинг учун шеър ўқиш, шеърнинг руҳий оламига кириб мушоҳада қила билиш улуг бир куйни сўз билан тингловчига етказа олишдек алоҳида салоҳиятдир. Хусусан, арузда битилган шеърларнинг «ноталари», ички ва ташқи оҳанг товланишлари бўладик, буни билиш учун «оҳангшунослик» зарур деб ўйлайман.

Бизнинг танқидчи, адабиётшунос ва ижодкорлар орасида ғалати бир қитмирлик мавжуд: ўзи тушунмаган, ҳис қилмайдиган асарлардан ё айб ахтаришади, ё бефаросатларча уларни инкор қилишади. Аммо ўлса ҳам, бунга тишим ўтмади, менинг қорайган кўнглим, тўнка табиатим бунақа латифлик, бунақа зарифлик ва гўзалликдан завқланмайди демайди...

Эркин Воҳидовнинг арузий шеърлари атрофидаги баҳс-мунозаралар адабиёт аҳлининг ёдидан кўтарилмаган бўлиши керак. Ўшан-



да ўртага ташланган танқидий фикр, тўмтоқ талқинлардан шеър ҳақида ёзиб юрганим учун мен ҳозиргача хижолат чекам.

Шўро даврида Эркин Воҳидовгача ҳам арузда шеърлар ёзилган. Аммо Эркин Воҳидовнинг қасида ва ғазаллари улардан моҳиятда ва ифодада бутунлай фарқланади. Шу фарқланиш, яъни арузни янгилаш, очикроқ айтганда, «замонавийлаштириш» тамойили Жамол Камол ғазаллари ва «Қуёш чашмаси» достонида ҳам ёрқин кўзга ташланади. Шоирнинг ошиқона ғазаллари хусусида биров у дер, биров бу. Бироқ унинг ижтимоий, фалсафий мазмундаги ғазалларига фикри очик ўқувчи сира-сира юза қаролмайди.

*Мен-ку менман, элга элдек
Суврату сийрат қани,
Ўтса умри бир умр
Меҳнатланиб, заҳматланиб.*

*Бир тараф афгон чекарлар
Меҳнату заҳмат билан,
Бир тараф даврон сурарлар
Роҳатланиб, ишратланиб.*

*Бир тараф афтодаҳолдир,
Ҳоли кун-кундан ёмон,
Бир тараф доврўқ солар
Шуҳратланиб, шавкатланиб.*

*Бу замонда аҳли давлат
Эл сотар, иймон сотар
Ғайрилар бирлан мудом
Хилватланиб, улфатланиб...*

Бу байтлар Машраб тилидан битилган бўлса-да, шўро зулмидан жони ҳалқумга келиб, эзилиб ётган ва найрангбоз замон аҳволини шарҳлайди. Ғазал шаклидаги мана бундай ҳасрат ифодасига мен ҳеч дуч келмаганман:

*Талон бўлдинг, элим,
Занжирга тушдинг, нотавон бўлдинг,
Диёнатга тупурган
Шум даюслар озми тарихда?*

*Ўзингдан чиққанинг ҳам гоҳ
Ўзингга сирмади ханжар,
Мунофиқ тўтилар, зоглар,
Товуслар озми тарихда?*

Мустамлакачилик истибдоди ва ҳийланайранглари мозий орқали фош этиш, замон муаммоларини тарих воситасида бадий талқин қилиш олтмишинчи йиллар ва ундан кейинги давр адабиётимиз учун ўзига хос бир йўл ва усулга айланган эди. Бундан Жамол Камол ҳам моҳирлик билан фойдаланган. Шоирнинг араб босқинига бағишланган «Варахша» достонидаги қуйидаги сатрларни одамлар ёддан айтиб берганини мен кўп эшитганман:

*Одам шоҳид, ҳар бир юртга босқинчи
Эзгуликни шиор қилиб киради.
Бошлар узра ўйнар экан қиличи,
Шиорини такрор этиб туради.
Мана бу нур дейди, пуркайди тутун,
Мана поклик дейди, булгайди бугун.
Мана тенглик дейди, лекин қул этар,
Тарихингга ўтлар қўйиб, қул этар...
Бечора эл қолиб бесару сомон,
Шу тариқа яксон бўлар бегумон!
Замин кетар, давлат кетар, дил кетар,
Ўзлик кетар, шавкат кетар, тил кетар...*

Булар тарих «либос»ига бурканган ва маҳрумият азоблари ҳасратга, ночорликка айланган мазлум элнинг ички шарҳи ҳоли экани бугун кундай равшан, албатта.

Жамол Камол – дoston жанридаги асарлари билан ҳам ўз сўзини айтган, шеърятни янги тасвир ва образлар билан бойитган талант. Устоз Миртемир унинг «Армон» достонига уруш мавзусидаги энг яхши асарлардан бири деб баҳо берган эди.

Оллоҳ одамга талант берса, шунга яраша илҳом ва интизом ато этса, унинг қўлидан кўп иш келади. Жамол Камол бугунгача рус, форс, инглиз тилларидан таржима қилган асарлар сони, адашмасам, қирққа яқинлашди. Буларнинг асосий қисми жаҳон адабиётининг дурдоналари: Шекспирнинг ўн иккита драмаси



ва бир юз эллик тўрт сонети, Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», «Илоҳийнома», «Асрорнома», «Панднома», «Булбулнома», «Уштурнома»си. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг олти жилдлик «Маънавийи маснавий»сидир. Бу айтишга осон. Аслида, бағоят сермашаққат ва масъулиятли меҳнат. Шу сабабдан ҳам шоир «Маснавий» таржимаси учун Туркия Жумҳурияти Маданият вазирлигининг Румий олтин медали ва Эрон Ислому Республикасининг давлат мукофоти билан тақдирланди. Зеро, Мавлононинг шоҳ китобини миллатга армуғон этиш ҳар қандай мукофот ва тақдирланишдан юксакдир. «Маснавийнинг бош ғояси ва шиори – ишқ, одамийлик. Одам бўлсанг, одамийлик шарафига лойиқ бўл, доғ туширма. Гул агар хушбўй бўлмаса, у ўтиндур, дейди Мавлоно:

*Одамийро одамият лозим аст,
Гул агар хушбў набошад, хезум аст...*

Дарвоқе, Жамол Камолнинг рус олими ва адиби Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» романини ўзбекчалаштириши Мавлонони халқимизга яқиндан таништиришдаги илк хайрли қадам бўлган эди.

Нақлга кўра, Салжуқий султонлардан бири Румий ҳазратларига беш халтача олтин ҳадя этибди. Талабаларидан бири олтинларни Мавлоно олдиға олиб келганида: «Мени ҳақиқатда яхши кўрсанг, бу олтинларни ташқаридаги анави катта ботқоқликка элтиб ташлагил», – дебди у. Устод фармойиши дарҳол бажарилибди. Ва тезда кўпчилик бундан хабар топибди. Бойликни, хусусан, олтинни жону дилидан севгувчи кимсалар ўша олтинларни қўлга киритиш учун ўзларини балчиққа уришибди. Юзи, уст-бошлари балчиққа буланиб, қараб бўлмас ҳолга келибди. Уларнинг аҳволини Мавлоно талабаларга кўрсатиб: «Бу олтинлар, кўриб турганингиздек, дунё аҳлининг уст-бошини булғаб, кирлантиргани сингари, қалбларини ҳам қорайтириб, чиркинликка чулғайди. Менинг сўзларимни ғалат англаманг. Мол-дунё учун уринманг демайман. Аммо

дунё мол-давлатига муҳаббатни қалбингизга йўлатманг демоқчиман. Ҳақиқий сармоя мол, мулк, беҳисоб пул соҳиби бўлиш эмас, балки маърифат, илм ва ҳунар, ихлос ва ҳур тафаккур соҳиби бўлмоқдир».

Жамол Камол инсоният қалби ва руҳини тадавий айлаш, яъни даволаш, Ҳақ ва Ҳақиқат мақомларига юксалтиришга қодир Шарқ адабиётининг бир неча дурдоналарини таржима қилиб, халққа армуғон этдики, бунинг аҳамиятини сўз билан таърифлаш қийин.

Жамол Камол чиндан сермахсул шоир, моҳир таржимон, билими кенг, диди юксак шеършунос ва адабиётшунос ҳамдир. У шоирларнинг олими, олимларнинг шоири. Унинг илмий-тадқиқот ва мақолалари ижодиётининг муҳим қисмини ташкил этади. Жамол Камол 1971 йили «Лирик шеъриятда композиция» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Орадан бир йил ўтар-ўтмас академик Иззат Султоннинг таклифи билан Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига ишга келган. Иззат Султон раҳбар бўлган Адабиёт назарияси бўлимида ўн тўрт йил ишлаган. У икки томлик «Адабиёт назарияси», икки жилдлик «Ўзбек адабий танқиди тарихи» китобларининг муаллифларидан биридир. Унинг «Лирик шеърият» номли китоби шеършунос ва шеърият муҳиблари орасида қўлмақўл бўлиб кетган бўлса, «Тарихий драма» деган рисоласи драма жанри сир-асрорларини ўрганувчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб эта олган эди. Гоҳо шеърдан ҳам у танқидий тафаккур учун фойдаланган.

Шоирнинг «Умидли дунё» китобида «Адабий танқид» деган ҳазил шеър бор. Шундай сўзлар билан бошланади:

*Ҳамзага этмадинг аввал эътибор,
«Ўтган кунлар» бўлди қўлларингда хор...
Уриб «Қутлуғ қон»нинг бошини ёрдинг,
Кейин «Навоий»ни тупроққа қординг...*

Дарвоқе, адабиётимизда ҳодиса бўлган қайси асарни адабий танқид яхши қарши олиб, уни холис баҳолаган? «Сароб»ними ёки «Мир-



зо Улуғбек»ними?.. Юрак қони билан ёзилган асарларнинг кўпчилигига у болта кўтарган ё милтиқ ўқталган. Нега шундай бўлган? Шеър давомида ўқиймиз:

*Шунчалар қон тўкмиш қаламинг сенинг,
Айт-чи, нимадандир аламинг сенинг?
Қўлингда ҳамиша шайдир бешотар,
Гарчи буюкларни таёқладинг сен,
Лекин пучакларни ардоқладинг сен...*

Сиёсатнинг қули ва қўғирчоғига айланган танқидчилик ҳақиқий талантларнинг бошига кўп балолар ёғдирган. Адабиётга алоқаси йўқ талантсизларни эса оғишмай қўллаб-қувватлаган. Мана шу «ҳиммат» ва «илтифот» то ҳануз давом этиб келади. Жамол Камол адабий танқид тарихи ва унинг кейинги аҳволидан бохабар ижодкор сифатида буни шеъринг шаклда талқин қилиб берадики, «ҳазилнинг таги зил»лигини шеърхоннинг ўзи осон англаб етади.

Бу ёруғ оламда шундоқ омад ва муваффақиятлар бордирки, одамни ич-ичидан кемириб, еб ташлайди. Бунинг акси: шундай омадсизлик ва муваффақиятсизлик борки, инсонга куч-қувват, ҳаракат бағишлайди. Айниқса, ижод аҳли: ҳақиқий ёзувчи, шоир виждонни бузадиган омад, зоҳиран кўз қамаштирувчи зафарлардан қочмоғи керак.

Ардоқли шоир, улкан таржимонимиз Жамол Камол ҳар қандай қийинчилик ва машаққат юзланса, мамнуният кўрсата олиш даражасидаги қудрат соҳибидир. Ҳазрати Али, Шайх Аттор, Мавлоно Румий, Шайх Низомий Ганжавий асарларини таржима қилган киши бошқача бўлиши мумкин эмас:


*Мавлоно Румийнинг дил сўзларидан
Ажаб сархуш бўлиб кечди кунларим.
«Маснавий»нинг ҳикмат юлдузларидан
Ёришди, чарогон бўлди тунларим...*

2018 йил



БУЮКЛАРДАН БУЮК МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ

Анвармирзо Ҳусайнов, Жамол Камол, Азалшоҳ Ҳамроев



Ўндан чапга Анвармирзо Ҳусайнов, Жамол Камол, Азалшоҳ Ҳамроев

... Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ким эдилар? Ул зоти шарифнинг оилалари

Ул зот, яъни Муҳаммад (с.а.в.) – Абулқосим Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб бўлиб, азиз Пайгамбаримизнинг шажаралари ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг фарзанди аржуманди Исмоил алайҳиссалом авлоди

бўлмиш ҳазрати Аднонга бориб туташади. Ҳадиси шарифда: «Аллоҳ Исмоил авлодидан Канъонни, Канъон авлодидан Қурайшни, Қурайшдан Ҳошим ўғилларини, Ҳошим ўғилларидан мени танламиш», – дейдилар сарвари коинот (Муслим ривояти).

Хуллас, шажараси эътибори ила Ул зот ер юзида энг пок насабли, аслзодалар авлодидан эдилар. Бу эътирофга ҳатто душманлари ҳам



шак келтирмайди. Пайғамбар (с.а.в.) душманларига раҳнамолик қилган Макка ҳоқими Абу Суфён ҳали исломни қабул қилмасдан бурун бу ҳақда Шарқий Рим империяси императори Ираклий олдида гувоҳлик беради.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят-дирким, Расулulloҳ алайҳиссалом императорга мактуб йўллаб, уни ислом динини қабул қилишга ундамишлар. Мактуб аввал Дихя Калбийга, ундан Басра ҳоқимига, Басра ҳоқими орқали императорга етказилган. Император мактубни олгач, сўради: «Бу ерда унинг қавмидан бирор кимса борми? Топинг, токи ундан пайғамбар ҳақида савол сўрагаймен».

Ибн Аббосдан ривоят: «Абу Суфён айтдиким, мен ўшанда Шомга савдо-тижорат ила бориб, император пойтахтида ҳозир қурайшийлар орасида эдим. Император одамлари бизни Илия (Қуддус)га элтиб, императорга рўбарў қилишди. У тахтда ўлтирар, бошида тож, атрофида аъён-акобирлари ҳозирнозир туришарди. Император тилмоч орқали сўради: «Орангизда унинг энг яқин қариндоши ва уни пайғамбар деб тан олгувчи киши борми?»

«Мен унинг энг яқин қариндошиман», – деб жавоб бердим.

Император яна сўради: «Нечук қариндошсен?»

«У – амакимнинг ўғли», – дедим мен. Ўша куни саройга таклиф қилинган карвон аҳли орасида Абду Манноф авлодидан ёлғиз мен эдим. Император менга яқинроқ ўлтиришни, шерикларимни эса менинг ортимда тикка туришни буюрди. У тилмоч орқали уларга деди: «Мен Абу Суфённи пайғамбар хусусида сўроқ қиламан. Магар ёлғон гапирса, айтганлари ёлғон деб айтишингизни амр этаман».

«Ўшанда ёлғон гапирмоққа ҳозир эдим, – дейди Абу Суфён, – аммо шерикларим мени шарманда этишидан қўрқдим, шунинг учун бор ҳақиқат гапни айтиб қўя қолдим.

Император сўради: «Унинг насли-насаби нечук?»

«У аслзодалардан», – дедим мен.

«Унинг айтганларини унгача бирор кимса айтганми?»

«Йўқ, ҳеч кимса айтмаган», – дедим мен.

«Унинг илгари ёлғон гапирганини бирор кимса эшитганми?»

«Йўқ, ҳеч кимса эшитмаган», – дедим мен.

«Унинг аждодларидан бирор кимса подшоҳ ўтганми?»

«Йўқ, ўтмаган», – дедим мен.

«Унга кўпроқ ким эргашир, бой-бадавлатларми ё қашшоқ-бечораларми?»

«Қашшоқ-бечоралар», – дедим мен.

«Улар кўпчиликми?»

«Кун сайин уларнинг сони ортиб борапти», – дедим мен.

«Аввал унинг динини қабул қилиб, кейин ундан юз ўгирганлар борми?»

«Йўқ».

«У аҳду паймонида содиқми? Аҳдини ҳеч бузмайдими?»

«Йўқ, – дедим мен, – лекин биз шу онда У аҳду паймонини бузмасмикин деб қўрқиб турибмиз».

«Император пайғамбарнинг фазилатларини камситишимга сабаб бўлгувчи бирор сўз айтмади», – дейди Абу Суфён.

«У сизга қарши, сиз унга қарши урушганмисиз?» – сўради император.

«Ҳа», – деб жавоб бердим мен.

«Ким устун келган?»

«Гоҳ биз, гоҳида улар», – дедим мен.

«У сизни нимага ундайди?»

«Ягона Аллоҳга бош эгишга, унга ширк келтирмасликка, аждодларимиз сиғинган бут-санамлардан воз кечишга ундайди. Тоат-ибодат этиб, хайру эҳсон қилишга, меҳру шафқатли бўлишга, аҳду паймонларда устувор туришга, бузғунчи бўлмасликка даъват этади», – дедим мен.

Шунда император тилмоч орқали менга деди: «Унинг наслини сўрасам, аслзодалардан дединг. Пайғамбарлар аслзодалардан танланур. Унинг айтганларини илгари бирор кимса айтганми десам, йўқ, айтмаган дединг. Агар



айтган эди деганингда, у тақлидчи бўлур эди. У ҳеч маҳал ёлгон гапирганми деб сўрасам, яна йўқ дединг. Демак, у халқ олдида ҳам, Ҳақ олдида ҳам ростгўй экан. Унинг аждодидан бирор кимса подшоҳ ўтганми десам, яна йўқ дединг. Акс ҳолда, у боболари тожу тахтини даъво қиляпти деган шубҳа-гумонга бориш мумкин эди. Унга бойларми ё камбағалларми кўпроқ эргашур десам, камбағаллар дединг. Аслида, пайғамбарларга ўтмишда дастлаб кўпроқ камбағаллар эргашган. Улар кўпчиликми десам, сафлари кун сайин ортиб боряпти дединг. Сирасини айтганда, аҳли иймон ҳам кўпайиб, камол касб этади. Бошда унинг динини қабул қилиб, кейин юз ўғирганлар борми десам, йўқ дединг. Зеро, юракка сингган дину диёнатдан кечиб бўлмайди. У аҳду паймонида собитми, бузмайдими деб сўрасам, яна йўқ дединг. Зотан, пайғамбарлар аҳду паймонда ҳаммиша қатъий туришади. Бир-бирларингга қарши урушганмисиз десам, урушганмиз, гоҳ улар голиб келган, гоҳ биз дединг. Пайғамбарлар гоҳида синов этилади, лекин алалоқибат ғалаба улар томонида бўлади. У нималарга ундайди десам, ёлғиз Аллоҳга бош эгишга, Унга ширк келтирмасликка, ажодлар сиғинган бут-санамлардан воз кечишга ундайди дединг. Тоат-ибодат этишга, рост сўзлашга, меҳру оқибатли бўлишга, аҳду паймонларида устувор туришга даъват этади дединг. Бу хислатлар барча ўтмишдаги пайғамбарларга хос. Унинг Расулуллоҳ – Худонинг элчиси эканига ишондим, лекин у орамизда бўлур деб ўйламаганим. Агар айтганларинг чин эса, у ҳадемай мен эгаллаб турган, мен подшоҳ бўлиб турган мана шу мамлакатни ҳам, ана шу жойни ҳам эгаллайди. Агар учрашиш имкони бўлганида, унинг содиқ сафдошига айланардим, оёқларини ювардим...»

Абу Суфён яна сўзида давом этди: «Сўнгра император Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубини ўқишга буюрди. Унда шундай сўзлар битилган эди:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аллоҳнинг бандаси ва Унинг расули бўлмиш Муҳаммаддан Рим императори Ираклийга:

Тўғри, ҳақ йўлга юргувчиларга Аллоҳнинг саломи бўлсин! Аммо баъд: мен сени ислом динига даъват этаман. Уни қабул эт, токи тинчлик-осойишталик, бойлик-фаровонлик насибинг бўлгай ва Аллоҳ сени икки қарра ажру мукофотиға муяссар этгай... Магар юз ўғирсанг, гуноҳкор бандаларнинг куни бошингга тушгай. Улар хусусида Қуръони каримда шундоқ дейилмиш:

Айтинг (эй Муҳаммад!): «Эй китоб аҳли (яхудийлар ва насронийлар), биз билан сизнинг ўртамизда (аҳамияти) баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб бир-бирларимизни илоҳ қилиб олмайлик!» Агар (бу таклифдан) юз ўғирсалар, (сизлар уларга): «Гувоҳ бўлингларки, биз мусулмонлармиз», – деб айтиб қўйингиз! («Оли Имрон» сураси, 64-оят)¹

Абу Суфён давом этиб деди: «Император буйруғига мувофиқ мактуб ўқилгач, унинг атрофини ўраб турган акобирлари – сарой аъёнлари шовқин-сурон кўтаришди. Шунчалар шовқин-сурон кўтаришдики, уларнинг нималар дейишаётганини тушунмадим. Бизга ташқарига чиқинглар деб буюришди. Шерикларим билан ташқарига чиқдик. Биз ёлғиз қолгач, уларга дедим: «Муҳаммад (с.а.в.)нинг иши чинданам буюк. Қаранг, ҳатто бу насронийларнинг императори ҳам ундан чўчийди...»

Сўнг Абу Суфён яна қўшиб қўйди: «Аллоҳга қасамки, мен ўшанда унинг иши рўёбга чи-

¹ 64-оят. Бу оятдаги аҳли китоблардан мурод асосий аҳолиси насроний динига эътиқод қилувчи Яман диёрининг Нажрон водийсида яшовчи насронийлар ёки мадиналик яхудийлардир. Ҳотамтойнинг ўғли Адий пайғамбаримиз (а.с.)га эътироз билдириб, оятдаги «бир-биримизни илоҳ қилиб олмайлик» деган иборанинг мазмунини аниқлаб олиш учун «улар у пайтда бир-бирларига сиғинмаганлар-ку!» дейди. Расул (а.с.) ундан «сизларга руҳонийлар ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилиб берганларида сизлар шу ҳукмларни қабул қилиб олганмидингиз!?» деб сўрайдилар. Шунда Адий «ҳа» деб жавоб беради. «Шу қабул қилишингиз бир-бирларингизни илоҳ қилиб олиб сиғинганингиздир» деб изоҳ берадилар Расул алайҳиссалом.

Ҳотамтой мислсиз саҳийлиги билан тарихда ном қолдирган машхур шахс бўлиб, у пайғамбаримизнинг даврларига етиб келмаган, балки жоҳилият даврида исломдан бенасиб ҳолда дунёдан ўтган. Унинг ўғли Адий эса имон келтириб саҳобалар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган.



қишига ишондим. Аллоҳ қалбимни исломга очмагунча унга таҳқир назари билан қараб, ўзимни ҳақир ҳис этдим» (Саҳиҳи Имом ал-Бухорий).

Пайғамбар алайҳиссаломнинг таваллудлари ва ёшлик йиллари

У зот (с.а.в.) милодий 570 йилда таваллуд топдилар. Сарвари олам араблар ғоят эҳтиром этгувчи ҳурматли Қурайш қабиласидан эдилар. У киши туғилган Макка шаҳрида муқаддас Каъба жойлашган эди. Бу ер Арабистон яриморалининг диний маркази бўлиб, Каъбани дастлаб пайғамбарлар отаси саналмиш Иброҳим алайҳиссалом билан унинг ўғли Исмоил алайҳиссалом бунёд этишганди. Каъбага ҳар тарафдан зиёратчилар келиб, уни тавоф этишарди. Муҳаммад (а.с.) ҳали онасининг қорнидалигида отаси вафот этади. Ва У зот туғилганидан бир неча йил ўтгач онаси ҳам дунёдан кўз юмади.

Ота-онадан бир йўла саккиз ёшида етим қолган ёш Муҳаммадни бобоси Абдулмутталиб ўз тарбиясига олади. Бобоси ҳам вафот этгач, унга амакиси Абу Толиб пушти паноҳ бўлади.

Қурайш қавми ва бошқа қабилалар ўшанда бут-санамларга сиғинишар, уларни ёғочдан ясар эдилар. Айримларини тошдан йўниб, олтиндан безак бериб, Каъба атрофига тизиб қўйишарди. Улар инсонларга фойда ёки зиён келтиради, деб ишонишарди.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг бутун ҳаёти поклик, ҳалоллик ичра кечди. Ёлғон, хиёнат, бузуқчилик унга тамом бегона эди. Уни қабиладошлари ва Макка шаҳри аҳолиси «ал-амин», яъни ишончли деб аташар, сафарга отланган инсонлар қимматбаҳо ашёларини омонат сифатида Унга топширишар эди. Яна Уни ҳақгўй дейишарди, чунки сўзлагани ҳамиша ҳақ-рост эди. У гўзал табиат соҳиби бўлиши баробарида сўзида, нутқида фасоҳат – донолик барқ уриб турарди. Одамларга яхшилик қилишни севар,

шу сабабдан ҳам кўпчилик уни севиб, хуш кўрарди. Яқинлари ҳам, яқин бўлмаганлар ҳам уни бирдек иззат-эҳтиром этишарди. У келишган, барно йигит бўлиб, унга боққан кўзлар қувончга тўларди. Қадди-қомати расо, хулқ-атвори ҳам шунга мос, монанд эди. Аллоҳ таоло ўзининг муборак Каломида пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳақида: **«Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!»**¹ – дея лутф этади («Қалам» сураси, 4-оят).

Доктор Карлайл ўзининг «Қаҳрамонлар» китобида бу ҳақда шундай деб ёзади: «Кўри-ниб турибдики, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ёшлигиданоқ ўйчан, фикр юритувчи инсон бўлган. Дўстлари уни ишончли деб аташар, ҳамиша ҳақ-рост сўзлаб, омонатга хиёнат қилмас эди. У сўзида, фикру ўйида, иш-аъмолида тўғрилиқ, ҳалолликка суянар, ҳар бир айтган сўзи замирида маъно мужассам эди. Мен биламанки, у камгап, камсуқум эди. Гапиришга ҳожат йўқ экан, гапирмасди. Гапирса, айтгани худди юракка тўқинарди. Яна кўрамизки, у қай бир ишга киришмасин, уни адосига етказмай қўймасди. Қарорлари қатъий, аниқ бўлар, ҳар бир масалани икир-чикиригача аввалдан чуқур ўйлаб, ўрганиб, кейин муайян бир хулоса чиқарарди. У савоқли, номусли, раҳмдил, художўй, олийжаноб ва эркин шахс эди. Бениҳоя ғайратли, очиқкўнгил, самимий инсон эди. Юқоридаги сифатлар баробарида унинг одамлар ила муносабатда юмшоқ табиатли, хушчақчақ, очиқ чехрали, дўст-ёронлар даврасида мақтовга лойиқ хушмуомала эканлигини ҳам таъкидлаш лозим.

У гоҳо ҳазил-ҳузул қилар, самимий табасумидан юзлари ёришиб, уни кўрганни ўзига мафтун этарди... Шу билан бирга, у ғоят ақлли, ўткир зеҳнли, ўта зийрак эди. Бирор мак-

¹ 4-оят. «Буюк хулқ»нинг маънолари ҳақида турли тафсирилар бор. Аввало, хулқ бу ерда ўзининг асл маъносидан ишлатилгани маъқул. Ҳадисда Расул (а.с.)нинг ўзлари: «Мен макорими ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман», – деганлар. Ҳақиқатан, Муҳаммад (а.с.) биринчи даражадаги комил инсон эканлигига асло шубҳа йўқ.

Бошқача тафсир қилувчилар бу оятдаги «буюк хулқ»дан мурод – Куръон ёки улуғ дин, яъни ислом дини деб изоҳлашга ҳаракат қилганлар.



табда ўқимаган, бирор устоздан сабоқ олмаган эса-да, у буюк эди. Унинг одатдаги таълим-тарбияга эҳтиёжи ҳам йўқ эди...

У худди шу алфозда, якка-ягона ҳолда дашту саҳролар қўйнида умрини басар этди.

Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳдан унга ваҳий келгунга қадар якка-ёлғиз юришни севаар, куну тун Ҳиро ғорида тоат-ибодат ила машғул бўлар эди. У халқининг табиатига сингиб кетган жаҳолатлардан йироқ эди. У маст қиладиган ичкиликларни оғзига олмас, бут-санамларга сиғинмас, уларга атаб қурбонлик қилмас, ҳеч қачон уларнинг номини айтиб қасам ичмас эди.

Болалигида Макка аҳлининг қўйларини боқиб тирикчилик қилган ва ўзи бу ҳақда шундай деган эди: «Аллоҳ юборган пайғамбарларнинг барчаси маълум муддат қўй боқишган».

Шунда саҳобалар сўрашган эди: «Ё Расулulloҳ, Сиз ҳамми?» «Мен ҳам. Арзимаган ҳақ эвазига Макка аҳлининг қўйларини боққанман», – деган эдилар Расулulloҳ (Имом ал-Бухорий ривояти).

Муҳаммад (с.а.в.) қирқ ёшга етганда Маккада, Ҳиро ғорида тоат-ибодат ила машғул экан, унга Аллоҳдан илк ваҳий келади. Ойша (р.а.)нинг ривоят қилишича, ваҳий келишидан олдин пайғамбар хайрли тушлар кўра бошлаган, тушлари тонготардаги шафақдек бир рўё, гўзал ва мусаффо эди. Кейин танҳоликка кўнгил қўйиб, кунларни Ҳиро тоғидаги ғорда якка-ёлғиз ҳолда Аллоҳга ибодат ила ўтказган. Ҳар сафар аёли Хадича ҳузурига келиб, озиқ-овқат ғамлар, яна Ҳиро ғорига қайтиб, ибодат ила машғул бўлар эди. Шундай кунларнинг бирида тўсатдан унинг қаршисида фаришта пайдо бўлади ва амр этади: «Ўқи!» «Мен ўқишни билмайман», – дейди Муҳаммад (с.а.в.)

Кейинчалик бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

«Фаришта мени қучоқлаб, шундай сиқдики, нафасим бўғилди. Сўнг мени бўшатиб, тагин буюрди: «Ўқи!»

«Ўқишни билмайман», – дедим мен.

Фаришта яна қучоқлаб, қаттиқ сиқа бошлади. Нафас ололмай қолдим. Сўнг мени бўшатиб, такрор деди: «Ўқи!»

«Ўқишни билмайман», – дедим мен.

Учинчи бор шундай сиқдики, ҳушимни йўқотишимга сал қолди. Кейин мени бағридан бўшатиб, аввалгидек амр этди: «Ўқи! Яратган Раббинг номи билан, У инсонни лахта қондан яратди. Ўқи, Раббинг олийжанобдир...»

Пайғамбар алайҳиссалом ўшанда қўрқиб-қалтираб уйига қайтди. Хадича (р.а.)га юзланиб: «Мени ўраб қўйинглар! Мени ўраб қўйинглар!» – деди. Уни ўраб қўйишди. Қўркуви бир оз тарқагач, бор воқеани умр йўлдоши Хадича (р.а.)га айтиб берди. «Менга бир гап бўлмасайди деб қўрқаман», – деди у. Хадича тинчлантирди. «Йўқ, – деди у. – Аллоҳга қасамки, у сени ёлғиз ташлаб қўймайди. Хешу ақробалар ила аҳилсан, муҳтожларга мададкор, мусофирларга меҳмондўст, қашшоқ-бечораларга пушти паноҳсан».

Кейин Хадича уни ўз қариндоши Варақа ибн Навфал ҳузурига бошлаб борди. У насронийликни қабул қилган, қадим яҳудий тилида бир неча китоблар ёзган, мазкур тилда Инжилдан Аллоҳ хоҳлаганча бир неча саҳифани қоғозга туширган, алаалоқибат кексайиб, кўзлари хира тортиб қолган аллома эди.

Салом-алиқдан сўнг Хадича деди: «Эй амакимнинг ўғли! Куёвингиздан аҳвол сўранг!»

«Гапир, не бўлди?» – сўради Варақа.

Муҳаммад алайҳиссалом кўрганларини айтиб берди. Эшитиб Варақа деди: «Бу Аллоҳ Мусога юборган Жаброил... О, халқинг сени қувиб, ҳайдаганида кошкийди тирик бўлсам!»

Муҳаммад алайҳиссалом сўради: «Халқим мени қувиб, ҳайдайдими?»

Бунга жавобан Варақа деди: «Илгари Аллоҳдан пайғом келтирганларни (пайғамбарларни) душманлик ила қарши олишган. Сени ҳам шундоқ қарши олишади. Ўлмасам, тирик бўлсам, сенга мададкор бўламан!»

Аммо кўп ўтмай Варақа вафот этди. Хуллас, ўша сура Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарлигининг илк нуқтаси бўлди. Кейин Аллоҳдан тагин ваҳий келди:



1. Эй (либосларига) бурканиб олган киши (Муҳаммад!)

2. Туринг-да, (инсонларни охират тўғри-сида) огоҳлантиринг,

3. Раббингизни улугланг,

4. либосларингизни покланг,

5. бутлардан йироқ бўлинг («Муддассир» сураси, 1 – 5-оятлар).

Бу сура Муҳаммад алайҳиссалом рисолати – Расуллигининг аввали, халқни исломга даъват этишнинг ибтидоси эди.

Расули акрам (с.а.в.) Макка аҳлини исломга даъват этаркан, улар юз буриб, қайсарлик билан оёқ тираб олишди. Сабаби, бу даъват ғайриодатий бўлиб, улар ҳаётининг барча жиҳатлари – диний, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини қамраб олар эди. Даъват ёлғиз яккахудолик – ваҳдониятни ёқлаб, Аллоҳдан бошқасига сиғинишни қоралаб, Аллоҳга ширк келтиришни куфр дейиш ила чекланиб қолмасди. Ушбу даъват уларнинг айшу ишрат, молу давлат, фахру ифтихор манбаи бўлмиш судхўрлик, хотинбозлик, қимор ўйнаш, майхўрлик каби машғулотларини йўққа чиқарар эди. Пайғамбар (а.с.) инсонларни адолатга ундар, улар фақат тақводорлик туфайли бир-бирларидан устун ёхуд остин бўлишлари мумкин деб ҳисоблар эди. У ҳолда ўзларини аслзода деб билгувчи қурайшийлар ҳақ-ҳуқуқда қулла ила теппа-тенг бўлиб қолишларига рози бўлишармиди?

Иш фақат даъватга юрмаслик ила чекланиб қолмай, қурайшийлар таҳдид-тазийққа ўтиб, Пайғамбар (а.с.)га тинмай зиён етказишар, сўкиб, ҳақорат этишар, уни ёлғончи, жинни, жодугар деб аташарди. Улар даъватга қадар қилишлари мумкин бўлмаган ишларни қилишди. Бир гуруҳ нодон, безориларни гижгижлаб, Пайғамбар (а.с.)га қўл кўтаришди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят:

«У Каъба олдида ибодатга машғул, бир неча қурайшийлар ҳам ўша ерда ҳозир эдилар. Улардан бири деди: «Ана у мақтанчоқни кўряпсизми? Қани, ораларингда ким бор, янги сўйилган туянинг ичак-човоғи, тапписини

келтириб, саждага эгилганда унинг елкасига чаплайди».

«Мен!» – деди бир бадбахт ва югурганича кетди. Ҳадемай ҳалиги бало-баттарларни келтириб, Пайғамбар (а.с.)нинг елкасига чаплади. Пайғамбар (а.с.) шу алфозда қотиб турди. Қурайшийлар қувончдан бир-бирларини туртишиб, қотиб-қотиб кулишди. Кимдир Фотимага хабар берди. У ёш қизалоқ эди. Югурганича етиб келиб, отасининг елкасини ахлат, нажосатдан тозалади. Кейин қурайшийлар олдига бориб, уларни қаттиқ койий бошлади» (Имом ал-Бухорий ривояти).

Муниб ал-Уздийдан ривоят: «Мен Расулуллоҳни илк бор кўрганимда ҳали мусулмон эмасдим. У тўпланган халойиққа қараб: «Эй инсонлар! Аллоҳдан бўлак илоҳ йўқ деб айтинг, шунда ишларингиз юришади!» – деди. Баъзилар унинг юзига тупуришди, баъзилар бошига тупроқ сочишди, баъзилар сўкиб, ҳақоратлашди. Бу аҳвол бир неча соат, тушгача давом этди. Шунда бир қизалоқ идишда сув келтириб, унинг қўл-бетларини ювди. «О, қизалоғим! – деди Пайғамбар (а.с.). – Отангни хўрлашар, балки, ўлдиришар, аммо сен кўрқма!» (Табарий. Ал-Мўъжам ал-кабир)

Урва ибн Зубайрдан ривоят: «Мен Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Осдан маккалик бутпарастлар Расулуллоҳ (с.а.в.)ни қандай қийнашганини сўрадим. У айтиб берди. Расулуллоҳ Каъба олдида ибодат ила машғул экан, Уқба ибн Аби Мунт келиб, унинг кийимини бўйнига ўраб, бўға бошлади. Шунда Абу Бақр югурганча келиб, Уқбани бир четга итариб ташлади. «Бировни биргина «Раббим Аллоҳдир» деган сўзи учун ўлдирасанми? – деди у. – Ахир у сенга аниқ-тиник ваҳий билан келди-ку!» (Имом ал-Бухорий ривояти).

Бу тазийқу ҳақоратлар, тани-жонига жароҳатлар Расулуллоҳнинг йўлини тўсолмади. У исломга даъват этишда ҳафсала ва қатъият ила давом этаверди. Маккага зиёратга келган, ҳозир Мадина деб аталаётган Ясриб шаҳри аҳли Пайғамбар (а.с.) суҳбатларида бўлиб, даъватларини тинглаб, иймон келтиришди. Агар у Мадинага келса, мададкор бўлишга



ваъда беришди. Пайғамбар (а.с.) исломни ўргатиш учун саҳобалардан бўлмиш Мусъаб ибн Умайрани уларга қўшиб жўнатди. Кейин бир неча йил давом этган таъқиб ва таҳдидлар сўнгида ўзи ҳам содиқ сафдошлари билан Мадинага ҳижрат қилди. Мадина халқи уни зўр қувонч ила қаршилади.

Мадина ислом даъватининг илк таянч нуқтаси, ислом давлатининг илк марказига айланди. Пайғамбар (а.с.) Мадинада ўрнашиб, унинг аҳлига Қуръон қироат этиб, Муқаддас китобни тафсир этиб, ислом дини арконлари ва ақидаларидан сабоқ бера бошлади. Расулulloҳнинг гўзал ахлоқи, мусаффо табиати уларни мафтун этди. Мадиналиклар уни ўзларидан ортиқ севиб қолишди. Улар иймон-эътиқодли жамиятда, жамият аъзолари ўртасида қарор топган меҳру оқибат, дўстлик, биродарлик туфайли пайдо бўлган бахту саодат муҳитида яшай бошладилар. Бой ва камбағал, аслзода ва оддий фуқаро, оқ ва қора танли, араб ва ажам, бошқа миллатларга, элатларга мансуб барча инсонлар буюк ислом дини туфайли тенг ҳуқуқли, мавқеда баробар бўлдилар. Улар фақат тақводорлик даражалари ила бир-бирларидан фарқ қилишарди ва тақводорликда мусобақа қилишни Пайғамбаримиз рағбатлантирар эди.

Пайғамбар (с.а.в.) Мадинада ўрнашгандан бир йил ўтиб Мадина билан ҳамшаҳарлари, маккаликлар ўртасида уруш чикди. Бу ислом тарихида биринчи жанг – Бадр жанги эди. Кучлар тенг эмасди. Мусулмонларда уч юз ўн тўрт нафар жангчи бор эди, маккаликлар қўшини сони мингдан ортиқ, нисбатан яхши қуролланган эди. Аллоҳ мададкор бўлиб, мусулмонлар устун келишди. Яна ораларида жанглар бўлди. Орадан саккиз йил ўтиб Пайғамбар алайҳиссалом ўн минг кишилик қўшин билан Маккага юриш қилди. Маккаликлар бу сафар тўла мағлуб бўлишди. Пайғамбар алайҳиссалом ва унинг сафдошларини йиллар бўйи азоб-уқубатларга дучор этганлар, уларни ватанларидан қувғин қилиб, молу мулкларини тортиб олганлар энди Пайғамбар алайҳиссалом олдида бош эгиб, раҳм-шафқат сўраб ту-

ришарди. Бу сана – милодий 631 йил тарихда Ғалаба йили деб аталади. Аллоҳ Қуръони каримда бу ҳақда шундай деган эди:

1. **(Эй Муҳаммад!) Қачонки Аллоҳнинг нусрати (мадади) ва ғалаба¹ келганида,**

2. **одамлар тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг дини (ислом)га кираётганларини кўрганнгизда,**

3. **дарҳол Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг ва Ундан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул этувчи зотдир** («Наср» сураси, 1 – 3-оятлар).

Пайғамбар алайҳиссалом мағлуб бўлган маккаликларни бир жойга йиғиб, сўради: «Эй Макка аҳли! Сизларга нисбатан нечук ниятда эканимни биласизми?»

«Ниятинг фақат яхшилик, эй аслзода ўғли!» – деб бир овоздан жавоб беришди маккаликлар.

«Боринг, ҳаммангиз озодсиз!» – деди Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам (Ал-Байҳақий. Сунан).

Пайғамбаримизнинг мана шу инсонпарвар фармонлари туфайли кўплаб маккаликлар исломни қабул қилишди. Сўнгра Расулulloҳ (с.а.в.) яна Мадинага қайтди. Орадан бир муддат ўтиб Расули акрам (с.а.в.) ҳаж фарзини адо этиш учун яна Маккага отланди. Унга бу сафарда бир юз ўн тўрт минг киши ҳамроҳлик қилди. Бу Пайғамбар алайҳиссалом адо этган сўнгги ҳаж эди.

Расулulloҳ ҳижрий сананинг ўн биринчи йили (милодий 632 йилда, 63 ёшларида) рабиъ ус-соний ойининг 12-куни вафот этди ва Мадинада дафн этилди. Бу мусулмонлар учун буюк йўқотиш эди. Айрим сафдошлари бунга ишонгилари келмас, буни тасаввур этишдан ожиз эдилар.

Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.): «Ким Муҳаммад алайҳиссалом вафот этди деса, бошини узаман!» – деб ҳайқирди. Шунда Абу Бакр (р.а.) ўрнидан туриб, ҳозир бўлганларга Аллоҳнинг сўзини эслатди:

¹ 1-оят. Бу оят билан Аллоҳ ўз расули ва ҳабибига яқинда Макка аҳлининг ҳаммаси гуруҳ-гуруҳ бўлиб исломга кириши ҳақида башорат берган.



Муҳаммад пайгамбардир, холос. Ундан олдин ҳам пайгамбарлар ўтган. Мабодо у ўлса ёки ўлдирилса, ортингизга (куфрга) қайтиб кетасизми?! Ортига қайтгани билан, ҳеч ким Аллоҳга сира зарар етказма. Аллоҳ шуқр қилувчиларни, албатта, мукофотлагай («Оли Имрон» сураси, 144-оят).¹

Бу оятни эшитган Умар (р.а.) тинчиб қолди. У ҳар сафар Қуръон маъноларини тинглаганда вазмин, сипо тортиб қоларди.

Пайгамбар алайҳиссалом вафот этганда олтмиш уч ёшда эди. У зот то пайгамбар бўлганига қадар Маккада қирқ йил яшади. Кейин ўн уч йил давомида халқни ваҳдоният – яккахудоликка даъват этди. Сўнгра Мадинага ҳижрат этиб, бу ерда ўн йил умргузаронлик қилди. Ана шу давр мобайнида унга Аллоҳдан ваҳий келиб турди ва Қуръони карим китоби адосига етиб, ислом қонунлари ва таълимоти мукамал тус олди.

Франциялик энциклопедист олим Гюстав Лебон ўзининг «Араб тамаддуни» китобида ёзади: «Агар инсоннинг кадр-қиймати у амалга оширган олийжаноб амаллар натижаси ва аҳамияти ила ўлчанса, **Муҳаммад инсоният тарихида ўтган барча буюқларнинг буюғидир.** Афсуски, кўпчилик Ғарб олимлари Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолиятини қаламга олишаркан, бир неча аср давомида диний дунёқарашлари торлиги туфайли кўзлари хира тортиб, исломнинг ёрқин фазилатларини ва оламшумул ютуқларини кўрмай қолишди».

¹ 144-оят. Ухуд жангида «Муҳаммад қатл қилинди» деган мишмиш гап тарқалади. Шундан кейин бир тоифа мусулмонлар жангни тарк этиб кета бошлайдилар. Баъзилари «Пайгамбар ўлган бўлса, унинг дини ҳам тугабди» деган фикрда бўлиб, исломдан воз кечишга ҳам ўтган эдилар. Оятда Муҳаммад (а.с.) оламдан ўтган тақдирда ҳам, ҳеч қайси мусулмон у келтирган диндан қайтмаслиги зарур эканлиги таъкидланмоқда. Бу ҳусуда қадимда ўтган пайгамбарларнинг имонли, садоқатли умматларидан ўрнак олишга чақирилмоқда.

Пайгамбар алайҳиссаломнинг муборак шаклу шамойиллари

Ҳинд ибн Абу Ҳаля ат-Тамимий Пайгамбар алайҳиссаломни тасвирлаб шундай деган эди: «Расулulloҳнинг чеҳраси келишган, гўзал эди. Бамисоли тунда ярқираган тўлин ойдек сиймосида олийжаноблик барқ уриб турур эди. Бўйи ўртадан баланд, аммо новча эмас эди. Боши бўйнига ярашиқ, икки ўрим қўнғироқ сочини ёйганда қулоғидан пастга тушарди. Манглайи кенг, қошлари камондек ингичка, қиррабурун эди. Ғазабланганда икки қоши ўртасидаги томири бўртиб чиқар эди. Пайгамбар алайҳиссаломнинг бутун қиёфасидан нур ёғилиб турарди. У ориқ ҳам, семиз ҳам эмас, қорни ёхуд кўкраги туртиб чиқмаганди. У ҳамиша тамкин сақлаб, камтаринлик ила юрар, қадам босишлари тепалиқдан пастликка энгил тушаётган кишининг қадам босишларига ўхшарди. Ортига қайрилганда бутун гавдаси билан қайрилар, юрганда кўпроқ осмонга эмас, ерга кўз тикиб юрар, учраганларга биринчи бўлиб салом берар эди. Кўпинча ўй-фикрга ботиб, зарурат бўлмаса, гапга оғиз очмас, гапирганда қисқа, маъноли сўзларди».

Пайгамбар алайҳиссаломнинг айрим хислат ва фазилатлари

1. Юксак ақлу заковатлари

Расулulloҳ (с.а.в.) шундай юқори ақлу заковат эгаси эдиким, унгача ва ундан кейин ҳам ер юзида ҳеч кимса бу даражага эриша олмаган.

Қози Иёз ёзади: «Унинг ҳаёт йўли, билими ва ҳикматлари ила танишган ҳар кимса шундай хулосага келиши муқаррар... Унинг айтган ҳар сўзини ҳақиқат деб билишар, илоҳиёт, тиббиёт, мерос тақсимоти ва бошқа илмларга доир ақл салоҳияти барчани ҳайратга солган эди.

У бирор устоздан сабоқ олмаган, бирор мактабда ўқимаган, ўтган олимларнинг китобларини ўқиб ўрганмаган, олиму уламолар



даврасида бўлиб, билим орттирмаган эди. У Аллоҳдан таълим олмагунча дунё илмларидан бебаҳра эди. Кейин Аллоҳнинг лутфу марҳамати ила юксак ақлу заковатига яраша соҳиби илми ладуний – ғайбдан келган илм эгаси бўлди («Аш-шифо бит-таарруф ҳуқуқи-л-мустафо» – «Муҳаммад алайҳиссаломнинг хулқларини билишлик билан шифо топиш»).

2. Аллоҳ ризоси йўлида машаққатларга бардош бериб, фақат Аллоҳдан ажру мукофот кутгани

Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳ ризоси йўлида заҳмат-машаққатларга бардош бериб, Аллоҳдан ажру мукофот кутишда ҳаммага намуна эди. У исломни дунёга ёйиш асносида бошига ёпирилган азоб-уқубатларга мардона сабр-тоқат кўрсатди.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят: «Расулulloҳ (с.а.в.) бир пайғамбар ҳақида ҳикоя қиларди. Халқи уриб, калтаклаганда у юзидаги қонни қўли билан сидириб: «Эй Аллоҳим, халқимни маъзур тут, у ғафлатдадир!» – деган экан. Менинг назаримда, ўша пайғамбар Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ўзи эди» (Имом ал-Бухорий, Муслим ривояти).

3. Чексиз самимияти

Расулulloҳ (с.а.в.) бағоят самимий инсон эди. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда ўз Расулига шундай амр этганди:

Айтинг: «*Албатта, намозим, ибодатим ва ҳаёту мамотим оламлар Рабби бўлмиш Аллоҳ учундир.*

Унга (ҳеч қандай) шерик йўқдир. Мана шу (ақида)га буюрилганман ва мен (Аллоҳнинг буйруқларига) таслим бўлувчиларнинг аввалиман» («Анъом» сураси, 162 – 163-оятлар).¹

4. Гўзал хулқ эгаси эканлиги

Пайғамбар алайҳиссаломнинг хулқи ҳақида завжаи муҳтарамалари Ойша (р.а.)дан сўрашганида у: «Расулulloҳнинг хулқи Қуръон эди», – деб жавоб берган эди. Яъни Расулulloҳ

лоҳ (с.а.в.) Қуръон буюрганни буюриб, Қуръон буюрмагани буюрмас эди. Қуръон ёқлаган яхши хислатларга интилиб, Қуръон қоралланган иллатлардан ўзни йироқ тутар эди. Зотан, «Мен яхши хулқ ва яхши амалларни ҳадди адосига етказиш учун юборилганман», – деган эди Пайғамбар алайҳиссалом.

Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз! («Қалам» сураси, 4-оят)

Ўн йил давомида Пайғамбар (с.а.в.) хизматини қилган, ул зоти шарифни яқиндан таниган Анас ибн Молик (р.а.) дейди: «Расулulloҳ хулқ-атвор бобида инсонларнинг энг баркамолли эди... У ёмон сўзни оғзига олмас, бировни ҳақорат этмас, шаънига лаънат айтмас эди. Бирортамизни койимоқчи бўлса, «Унга не бўлди? Ҳай манглайини чанг боссин унинг!» – деб қўя қоларди» (Имом ал-Бухорий ривояти).

5. Етук одоб соҳиби эканлиги

Саҳла ибн Саад (р.а.)дан ривоят: «Бир куни Пайғамбар алайҳиссаломга бир жом сув тутишди. Расули акрам алайҳиссалом қониб сув ичаркан, ўнг томонида бир бола, чап томонида кексалар туришарди. Пайғамбар алайҳиссалом болага юзланиб деди: «Агар хўп десанг, сувни кексаларга узатсам». Бола эътироз этди: «Йўқ, – деди у. – Мен навбатимни бировга бермайман. Сиздан қолган сувни ўзим ичаман...» Шунда Пайғамбар алайҳиссалом идишни болага узатди» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

6. Ҳамиша одамлар орасини тузатишга интилгани

Яна Саҳла ибн Саад (р.а.)дан ривоят: «Бир гал Мадина яқинидаги Қубо қасабаси аҳолиси ўзаро жанжаллашиб, бир-бирларига тош ота бошлашди. Расули акрам (с.а.в.) бундан хабар топиб, дедилар: «Юринг, уларни яраштириб қўямиз» (Имом ал-Бухорий ривояти).

7. Яхшиликка даъват этиб, ёмонликдан қайтаргани

Абу Саъид ал-Худрий (р.а.)дан ривоят: «Мен Расулulloҳ (с.а.в.)дан шу сўзларни эшитдим...

¹ 163-оят. Яъни ўзим даъват қилаётган динга ўзим биринчи бўлиб кирганман.



дедиларки, ёмонликка дуч келсангиз, уни ўз қўлингиз билан бартараф этинг. Агар бу иш қўлингиздан келмаса, тилингиз воситасида рад этинг. Бу ҳам қўлингиздан келмаса, уни қалбингизда қораланг. Бу энди иймон, диёнатнинг энг заиф кўриниши бўлур» (Муслим ривояти).

8. Тозалик ва озодаликка муҳаббати

Пайғамбар алайҳиссалом тозалик, озодаликни севар, мусулмонларни ҳам шунга даъват этар эди. Абу Малик ал-Ашъарийдан ривоят: «Расулulloҳ (с.а.в.) дедиларким, тозалик иймоннинг тенг ярмидир» (Муслим ривояти).

9. Тилга эҳтиёт бўлишга чақиргани

Абдуллоҳ ибн Авф (р.а.)дан ривоят: «Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳни ҳамиша ёд этар, бекорчи гап-сўзларни хушламас, узоқ ибодат этиб, қисқа ваъз айтар, бева-бечора ва камбағалларнинг оғирини енгил қилишдан чарчамасди» (Термизий ривояти).

10. Астойдил ибодат этгани

Завжаи муҳтарамалари Ойиша (р.а.) айтган эди: «Пайғамбар алайҳиссалом тунлари узоқ тоат-ибодат этгани боис товонлари ёрилиб кетганини кўрдим. «Ё Расулulloҳ, – дедим мен, – ўзингизни асрамайсизми? Аллоҳ таоло Сизнинг ўтмиш ва келажак барча гуноҳларингизни мағфират этган-ку». Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Шунинг шукронасини қилмай, ношукур банда бўлайинми?» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти)

11. Оққўнғил, юмшоқ табиатли бўлгани

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят: «Мен Расулulloҳ (с.а.в.)га Даус қабиласидан Туфайл ибн Амр ҳамроҳлари билан келди деб хабар бердим... Туфайл Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурига кириб: «Даус қавми исломни қабул қилишдан бош тортди, Аллоҳдан сўра, уларнинг жазосини берсин», – деди.

Ҳозир бўлганлар Дауснинг куни битди дейишди. Шунда Расули акрам (с.а.в.): «Эй Аллоҳ,

Даус қавмини тўғри йўлга сол, Ҳақ сари ҳидоят эт!» – деб дуо қилдилар».

12. Келишган қадду қомати, кўркем қиёфати

Бара ибн Узбадан ривоят: «Пайғамбар (с.а.в.) адл қоматли, кенг елкали киши эди. Сочи қулоқларига тушиб турар, бежирим кийинар, айниқса, қизил либоси унга бағоят ярашар эди» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

13. Турмушда камсуқум, камтарлиги

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят: «Расулulloҳ (с.а.в.) бўйра устида ухлар, биқинларида бўйрадан из қолганини кўриш мумкин эди. Биз ул зоти шарифга дедик: «Эй Аллоҳнинг Расули! Сизга тўшак келтирсак бўлмасми?» Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Бу дунёда дарахт соясида бир лаҳза тин олган суворийман. Ҳадемай отимга миниб, йўлга равона бўламан» (Термизий ривояти).

Амр ибн ал-Ҳарис (р.а.)дан ривоят: «Расулulloҳ алайҳиссалом вафот этиб, ўзларидан ҳеч нарса қолдирмадилар. На дирҳам, на динор, на чўри-канизак, на қул-хизматкор... Ул зоти шарифдан бир қилич, бир оқ хачир қолди, холос. Ўзларига тегишли ер-мулкни бева-бечораларга бўлиб берган эдилар».

14. Олийжаноблиги

Саҳл ибн Саъд ривоят қилурким: «Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурига бир аёл кириб, ул зоти шарифга тўн совға қилди. Дедиким, эй Худонинг Пайғамбари, бу тўнни ўзим тўқиб, ўзим тикдим...»

Пайғамбар (с.а.в.) тўнга ҳожатманд эдилар, олдилар. Аммо шу пайт биров ул ҳазратга юзланиб деди: «Ё Расулulloҳ, шу тўнни менга берсангиз...»

Пайғамбар (с.а.в.) дарҳол тўнни ўраб, унга узатдилар.

Ҳозир бўлганлар дедиларким: «Эй фалончи, ўз вақтида сўрадинг. Пайғамбарнинг йўқ демасликларини билардинг».



Ул кимса дедиким: «Мен буни ўзимга кафан қилурмен». Чинданам у вафот этганда тўнни унга кафан қилишди.

**15. Аллоҳга чексиз эътиқод айлаб,
таваккул этгани**

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан ривоят: «Ғорда бошимиз узра маккаликларнинг оёқ товушларини эшитиб, дедим: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари! Уларнинг бирортаси оёқ остига боқиб, бизни кўриб қолмасмикин?» Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Эй Абу Бакр! Сен икки кишининг ташвишини чекасан, учинчи бўлиб ёнимизда Аллоҳ таоло ҳозир эканлигини унутдингми?»

16. Меҳру шафқатли, раҳмдил бўлгани

Абу Қатода (р.а.)дан ривоят: «Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузуримизга чиқдилар. Набиралари Умама ул зоти шарифнинг елкаларида эди. Шу алфозда намоз ўқишга киришдилар. Ҳар сафар рукуга борганда қизалоқни ерга ётқизар, қад ростлаб, қиёмга турганда уни тағин қўлга олур эдилар» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

**17. Ибодатда оғирчиликка йўл
қўймагани**

Анас (р.а.)дан ривоят: «Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Чинданам мен намозга киришиб, уни узоқроқ ўқишни истайман. Аммо чақалоқнинг йиғисини эшитиб, қисқа қиламан. Ахир онанинг қанчалар ташвиш, азоб чекаётганини биламан-да!» (Имом ал-Бухорий ривояти).

18. Нафсини тийишга қодирлиги

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят: «Расулulloҳ (с.а.в.) дедиларким, мен уйимга қайтарканман, йўлда бир дона хурмога кўзим тушди. Олиб, емоқчи бўлдим. Аммо ўзимни тийдим. Балки, бу бировга садақа этилгандир деб қўрқдим» (Имом ал-Бухорий ривояти).

19. Аллоҳ йўлида саховатпеша бўлгани

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят: «Исломни қабул қилганлар Аллоҳ расулидан доимо бир

нарсa сўрашар, ҳазрат ҳеч қачон йўқ демасдилар. Бир гал Расулulloҳ (с.а.в.) ўз ҳузурларига келган бир кимсага шу қадар кўп қўй-қўзи эҳсон этдиларким, улар икки тоғ оралигини тўлдиргудек эди. У кимса қавмига қайтиб, дедиким, эй инсонлар, исломни қабул қилинг, Муҳаммад (с.а.в.) андоқ бир зот эрурким, фақат фақирликдан кўрқмаганлар шундоқ саховатпеша бўлур» (Муслим ривояти).

**20. Инсонларга меҳрибон ва
мададкор бўлгани**

Ойша (р.а.)дан ривоятдирким, Пайғамбар (с.а.в.) уйда нечук ишлар билан машғул бўлур эдилар деган саволга жавобан айтмишди: «Ул Ҳазрат бўш вақтларида оила юмушларига қарашар, намоз вақти етганда эса ибодат ила машғул бўлур эдилар» (Имом ал-Бухорий ривояти).

Бора ибн Азиб демишди: «Мен Аллоҳ расулини жанг куни хандақ бўйида учратдим. Ул ҳазрат қалин сочли киши бўлиб, тупроқ ташиганлари туфайли кўкрак юнглари чанг-ғуборга беланган, Абдуллоҳ ибн Равоҳа (р.а.)нинг шеърини овоз чиқариб ўқур эдилар:

*Эй Аллоҳим! Сен бўлмасайдинг,
Ҳақ йўлига юрмас эдик биз.
Хайру эҳсон қилмасдик асло
Ва ибодат этмас эдик биз.*

*Бизга тинчлик, омонлик юбор,
Жанг-жадалда айла устувор.
Ёв қўзгалди, бошлади хуруж,
Этажакмиз уни тору мор...»*

(Имом ал-Бухорий ривояти)

**21. Ростгўйлик, ҳақгўйлик
хислатлари**

Завжаи муҳтарамалари Ойша (р.а.)дан ривоят: «Расулulloҳ (с.а.в.) учун энг жирканч одат ёлғончилик эди. Бировлар келиб, у кишининг олдида ёлғон гапирганда ул зот кўксида беҳузурлик сезар, то ёлғончи тавба қилмагунча ўша нохуш ҳолатдан қутулмас эдилар» (Термизий ривояти).



Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақгўйлиги хусусида душманлари ҳам гувоҳлик беришган. Бир гал Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ашаддий бир душмани шундай деган эди: «Эй Муҳаммад, мен сени ёлғончи демайман, аммо келтирган пайғомингга ҳам ишонмайман». Шунда Аллоҳдан шундай ваҳий нозил бўлган эди:

Айтган гаплари Сизни маъюс (хафа) қилаётганини яхши билурмиз. Улар, аслида, Сизни ёлғончига чиқармаяптилар, балки (бу) золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор этаётирлар («Анъом» сураси, 33-оят).

22. Амри Аллоҳга изчил риоя этгани

Завжаи муҳтарамалари Ойша (р.а.)дан ривоят: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳамиша икки ишдан бирини, яъни куфру гуноҳдан йироқ бўлганини танлар, шахсан ўзлари учун бировдан қасос олмас, аммо Аллоҳ амрини оёқости қилганлардан Аллоҳ учун қасос олмасдан ҳам қўймасдилар» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

23. Очиқ чеҳрали ва сертабассум бўлгани

Абдуллоҳ ибн Ҳорис (р.а.)дан ривоят: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дек очиқ чеҳра, сертабассум кишини учратмадим» (Термизий ривояти).

24. Ҳалоллиги, сўз ва амалда собитлиги

Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) барча замондошларидан ҳалоллиги билан ажралиб турар эди. Макка бутпарастлари пайғамбар алайҳиссалом билан ўрталарида душманлик муносабатлари бўлишига қарамай, узоқ сафарга кетаётганларида ўз қимматбаҳо ашёларини ул зоти шарифга омонат сифатида қолдирар эдилар.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг беқиёс ҳалоллиги ҳазратнинг Маккадан Мадинага ҳижрат этганида ҳам аён бўлган эди. Ўшанда амакиваччаси Али ибн Абу Толибни ўзлари шаҳарни тарк этганларидан кейин уч кунга Маккада қолдириб, қўлларига омонатларни эгаларига топширишни унга буюрган эдилар (Ибн Ҳишом. Сийрат).

Пайғамбаримизнинг сўзида собитлиги мадиналиклар қурайшлар билан Ҳудайбияда тузган сулҳ шартномасига риоя этишида ҳам ёрқин кўринган эди. Қурайшлар вакили Суҳайл ибн Амр Маккадан Мадинага қочиб ўтган мусулмонларни қайтариш талабини қўйган ва бу нарса мусулмонларнинг ғазабига сабаб бўлган эди. Пайғамбар (с.а.в.) йўқ дейишларига қарамай, Суҳайл ўз талабида қатъий туриб олган эди. Худди шу дақиқада Суҳайлнинг ўғли, қўл-оёғи занжирбанд Абу Жандал Маккадан Мадинага, мусулмонлар ҳузурига қочиб ўтади.

«Эй Муҳаммад! Биринчи бўлиб ана шу қочқинни бизга топширасан!» – дейди Суҳайл.

«Рухсат эт, у менинг ҳузуримда қолсин!» – дейдилар Пайғамбар (с.а.в.).

«Йўқ! – дейди Суҳайл. – Уни бизга топшир!»

«У менинг ҳузуримда қолсин!» – дейдилар яна Пайғамбар (с.а.в.).

«Йўқ! – дейди Суҳайл. – Сўзим қатъий!»

Шунда Абу Жандал халойиққа мурожаат қилади: «Эй мусулмонлар! Наҳотки мени динсизларга топширсангиз?! Мусулмон бўлганим учун мени қандай қийноқларга солишганини кўриб турибсиз-ку!»

Маккада уни исломдан кечасан деб азоб-уқубатларга дучор этишган эди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) битимга мувофиқ уни маккаликларга топширишга мажбур бўладилар (Имом ал-Бухорий ривояти).

«Эй Абу Жандал! – дейдилар Ҳазрат. – Сабр қил ва Аллоҳга таваккал эт. Аллоҳ сенга нажот бағишлар. Биз бу инсонлар билан битим тузганмиз, аҳдимизга хиёнат этмаймиз» (Имом Аҳмад. Муснад).

Сўнгра Пайғамбар (с.а.в.) Мадинага қайтади. Шу орада исломни қабул қилган Абу Басир деган қурайший қочиб, мусулмонлар ҳузурига келади. Маккаликлар уни ҳам топширишни талаб қилишади. Битимга мувофиқ уни ҳам ортига қайтаришга мажбур бўлишади.

25. Жасурлиги ва қатъиятли бўлгани

Ҳазрати Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳудан ривоят: «Бадр жангида биз пайғамбар алайҳиссалом ортида турдик. Душман-



га энг яқин турган, энг жасур жангчи Расулуллоҳ эдилар» (Имом Аҳмад, Муснад).

Пайғамбар алайҳиссаломнинг урушдан ташқари ҳолатдаги жасурлиги хусусида Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят: «Пайғамбар (с.а.в.) ботирларнинг ботири эди. Бир гал Мадина аҳли ярим тунда қаттиқ шовқин-сурондан уйғониб кетди. Одамлар кўчага чиқиб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг уйи томонга ёпирилиб, ул ҳазратга дуч келишди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Талҳанинг отига миниб, қўлида қилич ушлаб, якка ҳолда турар, «Қўрқманглар! Қўрқманглар!» – деб Мадина аҳлини тинчлантирар эдилар» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

Уҳуд жанги олдидан Пайғамбар (с.а.в.) сафдошларига маслаҳат соладилар. Улар жангга отланишган эди. Гарчи Пайғамбар (с.а.в.) ўзгача фикрда бўлсалар-да, қаршилиқ қилмайдилар.

Бу ҳолатни пайқаган ансорийлар: «Эй Аллоҳнинг Расули! Кўнглингга маъқул бўлганини қил!» – дейишади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга жавобан дейдилар: «Жангга шайлангач, жанг қилмай, қилич-қалқонни ечиш Пайғамбарга ярашмайди!» (Имом Аҳмад, Муснад)

26. Қўли очиқ, олийҳиммат бўлгани

Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят: «Расулуллоҳ (с.а.в.) сахийларнинг сахийси эдилар. Айниқса, Рамазон кунларида, ҳазрати Жаброил келиб, Қуръондан таълим берадиган дамларда саховатлари неча чандон ошар, бу борада у кишига учқур шамоллар ҳам қувиб етолмасди» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Зарр ал-Ғифорий (р.а.)дан ривоят: «Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) билан Мадина шаҳрининг бир маҳалласидан чиқиб Уҳуд тоғига рўбарў бўлдик.

«Ё Абу Зарр!» – дедилар.

«Лаббай, Расулуллоҳ!» – дедим мен.

Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Шу тоғ миқдорича олтиним бўлганда, ўзимга бир кечага етқулик бир динор ва қарзимга етқудек уч динор қолдирардим-да, қолганини у ёқ, бу

ёқ ва бу ёққа тарқатардим». Расулуллоҳ(с.а.в.) қўллари билан ўнг ва сўл ҳамда орқа томонга ишорат этдилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят: «Пайғамбар алайҳиссаломдан одамлар доим бир нима сўрар, Ул ҳазрат ҳеч қачон йўқ демасдилар» (Имом ал-Бухорий, Муслим).

27. Уятчанлиги

Абу Саъид ал-Худрий (р.а.)дан ривоят: «Пайғамбар алайҳиссалом ўз уйларида бокира қизлардан ҳам ортиқроқ уятчан, шарму ҳаёли эдилар. Бир нима ёқмай қолса, уятчанликлари ортар, биз бунини юз-кўзларидан кўриб турардик» (Имом ал-Бухорий, Муслим ривояти).

28. Хокисорлиги

Расулуллоҳ (с.а.в.) хокисор инсон эди. Масжидга кирган киши ул зотни бошқа саҳобалардан дарҳол ажратиб ололмасди.

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят: «Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бирга ўлтириб эдик. Биров масжид ҳовлисига кириб, туясини тушовлади ва бизга юзланиб сўради: «Ораларингизда пайғамбар ким?» Биз дедик: «Пайғамбар – ёстиққа ёнбошлаб ўлтирган ана шу оқ юзли киши».

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз саҳобаларидан алоҳида ажралиб туришга интилмади, бева-бечоралар ила ҳамсуҳбат у ҳамдард бўлишдан, уларга ёрдам кўрсатишдан ҳеч қачон чарчамасдилар».

29. Жонкуярлиги

Абу Маъсуд ал-Ансорий (р.а.)дан ривоят: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурига биров келиб, деди: «Аллоҳга қасамки, мен бомдод намози-га ҳар гал кечикиб бораман. Боиси – фалончи имом ибодатни ҳаддан ташқари чўзиб юборади». Бу гапни эшитган Пайғамбар алайҳиссаломнинг жаҳллари чиқиб, ўша кунги намоз сўнгида дедилар: «Эй жамоат! Орангизда дину диёнатдан одамларнинг кўнглини қолдирувчилар бор. Жамоат ила ўқиганда намозни чўзманглар. Намозхонлар орасида ёши кексалар,



заифу нотавонлар, бир ёққа шошиб турганлар бўлишини унутманг» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

Усома ибн Зайд (р.а.)дан ривоят: «Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида эдик. Биров ул ҳазратнинг қизи номидан келиб, «Набирангиз ўлим тўшагида ётибди, тез етиб келинг!» деган хабарни етказди. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедиларки: «Изингга қайт ва қизимга айт, Аллоҳ берганини олади. У бандаси умрини ўлчаб беради. Қизим сабр этсин ва Аллоҳдан мукофотини кутсин».

Пайғамбар (с.а.в.)нинг қизи тағин киши юбориб, отасини чорлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) Саъд ибн Убода ва Муъоз ибн Жабал билан бирга борди. Нафаси узилган болани қўлга олиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг кўзлари жикқа ёшга тўлди.

«Йиғлаясизми, ё Расулуллоҳ?» – сўради Саъд.

«Бу Аллоҳнинг шафқат-марҳамати, – дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.), – Аллоҳ меҳру шафқатли бандалари кўнглига Ўз марҳаматини солур» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

30. Ювош табиатли, кечиримли бўлгани

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)га ҳамроҳ бўлиб бирга борардим. Ҳазрат дағал астарли матодан аҳо кийиб олгандилар. Тўсатдан бир бадавий пайдо бўлиб, ул зоти шарифнинг ёқаларидан силтаб тортди, бўйинларида из қолганини ўзим кўрдим.

«Эй Муҳаммад! – деди бадавий. – Буюр, Аллоҳнинг молидан менга ҳам беришсин!»

Пайғамбар (с.а.в.) кулдилар ва бадавийга байтулмолдан улуш беришни амр этдилар» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

Муҳаммад (с.а.в.)нинг ювош табиатига далил – яҳудий алломаларидан саналмиш Зайд ибн Санодан етган ривоят. Пайғамбар алайҳиссалом ундан исломни қабул қилган киши учун қарз кўтарган эдилар. Зайд ҳикоя қилади: «Қарзнинг тўлов муддатига икки ё уч кун қолганда Расулуллоҳ (с.а.в.) бир ансорийнинг

дафн маросимига бордилар. Абу Бакр, Умар, Усмон ва бошқа саҳобалар ул зотга ҳамроҳ эдилар. Пайғамбар (с.а.в.) марҳумнинг руҳига дуои фотиҳа ўқиб, деворга суяндилар. Мен ул зотнинг кўйлаги этагидан маҳкам тутиб, қовоқ солиб дедим: «Қарзингни узишни ўйласанми, эй Муҳаммад? Мен сенинг Абдулмутталиб уруғидан эканлигингни билмас эканман! Улар қарз олиб, вақтида тўлашмайди!» Шу пайт Умарга кўзим тушди. Унинг кўзлари қинидан чиқаёзганди. У ғазаб билан менга ўшқирди: «Эй Аллоҳнинг душмани! Нима қилаётганинг, нималар деяётганингни биласанми? Аллоҳнинг қаҳридан кўрқмасам, бошингни сапчадек узардим!» Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) хотиржамлик ила унга юзланиб: «Эй Умар, – дедилар. – Сен менга эслатишинг, биз унга қарзни вақтида тўлашимиз лозим эди. У билан бирга бор-да, қарзни қайтар. Уни қўрқитганинг жаримасига яна йигирма соъ (ўлчов бирлиги) қўшиб бер».

Умар қарзни узиб, устига тағин йигирма соъ миқдорда хурмо берди.

Мен ундан: «Мени танийсанми?» – деб сўрадим.

«Йўқ, – деди Умар. – Кимсан?»

«Зайд ибн Сано», – дедим мен.

«Яҳудий алломасими?» – сўради у.

«Ҳа, яҳудий алломаси», – дедим мен.

«Нега Пайғамбарга бундай қўпол муомала қилдинг?» – деб сўради Умар.

Мен дедим: «Эй Умар, Расулуллоҳ (с.а.в.) сиймосида пайғамбарликнинг барча нишонларини кўрдим. Фақат икки хислатини текшириб кўришим зарур эди. Бу юмшоқлиги ва жаҳлидан ҳамиша устун келиши ва бошқалар жаҳл қилганда янада юмшоқ, мулойим тортиши эди. Сен гувоҳ бўлган воқеада ул зотни текшириб, бу хислатлар унда устувор эканига ишонч ҳосил қилдим. Эй Умар, гувоҳим бўл, энди ислом менинг диним, Муҳаммад пайғамбаримдир. Мен бой-бадавлат одамман, мол-бисотимнинг тенг ярмини мусулмонларга эҳсон этаман». Кейин улар Расулуллоҳ ҳузурига боришди. Зайд калимаи шаҳодат келтириб мусулмон бўлди. Пайғамбарнинг барча юриш-



ларида ҳамроҳлик қилди. Табук жангида шахид бўлди. Аллоҳ уни раҳмат айласин! (Ибни Ҳиббон, Саҳиҳ Ал-Имом ал-Бухорийдан).

Расулulloҳнинг қанчалар кечиримли бўлганига ёрқин бир мисол: бир пайтлар уни қувғин қилганлар устидан ғалаба қозониб, Маккага ғолиб ҳукмдор бўлиб киргач, масжид олдида йиғилган халойиққа юзланиб сўради: «Эй маккаликлар! Сиз билан энди қандай муомала қилишимни биласизми?» «Биламиз, – дейишади маккаликлар, – эй олийжаноб биродаримизнинг ўғли! Сен бизга яхшилик қиласан!»

«Боринг, барчангиз озодсиз!» – дейди Расулulloҳ саллolloҳу алайҳи ва саллам(ал-Байҳақий. Сунаан ал-Кубро).

31. Сабру тоқатли бўлгани

Расулulloҳ (с.а.в.) сабру тоқатнинг тимсоли эди. Инсонларни исломга даъват этиб, Маккада не жафолар чекмади! Мадинада мунофиқлардан не хиёнатлар кўрмади! Яқинларидан айрилганда ҳам сабр қилди. Аввал суюкли хотини Хадича, кейин Фотимадан бўлак барча фарзандлари бирин-кетин вафот этишди. Амакилари Абу Толиб ва Ҳамза дунёдан кўз юмишди. Пайғамбар (с.а.в.) буларнинг барчасига чидади, бу синовлар эвазига Аллоҳнинг ажру мукофотини сабру тоқат ила кутаверди.

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят: «Биз Пайғамбар алайҳиссалом билан ул ҳазратнинг ўғли Иброҳимнинг энагаси уйига кирдик. У Абу Юсуфнинг хотини эди. Расулulloҳ (с.а.в.) болани қўлларига олиб, ҳидлаб-ҳидлаб ўпдилар. Бола вафот этгач, тағин шу хонадонга келдик. Пайғамбар (с.а.в.)нинг кўз ёшлари тирқираб оқа бошлади.

«Йиғлаяпсизми, ё Расулulloҳ?» – сўради Абдуллаҳ ибн Авф (р.а.). «О, Ибн Авф! – дедилар пайғамбар (с.а.в.). – Бу Аллоҳнинг шафқат-марҳамати!» Бу сўзларни айтар экан, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг кўз ёшлари яна дув-дув оқди. Дедилар: «Кўзимиз йиғлаб, кўнглимиз ғам-ҳасрат чекаркан, фақат Аллоҳ ризосини сўраймиз!.. Биз сендан айрилдик, эй Иброҳим!..» (Имом ал-Бухорий ривояти)

32. Одиллиги

Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) диний ва дунёвий ишларда бениҳоят одил, адолатли эди. Завжаи муҳтарамалари Ойиша (р.а.)дан ривоят: «Қурайшийларнинг маҳзум уруғидан бўлмиш аслзода бир аёл ўғрилиқ қилиб, қўлга тушди. Жазоланиши муқаррар эди. Уруғдошлари Усома ибн Зайдга ёлвориб, ўртага тушишни сўрашди. Усома ибн Зайд ўртага тушиб, Пайғамбар (с.а.в.)дан жазони юмшатишни сўради. «Аллоҳ жорий этган жазони сен юмшатмоқчи бўласанми, эй Усома? – дедилар пайғамбар (с.а.в.). – Бизгача аслзодаларни аяб, нуқул фуқарони жазолашган. Аллоҳга қасамки, гуноҳкор аёлнинг ўрнида қизим Фотима бўлганида ҳам, аяб-нетиб ўтирмасдим» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

Расулulloҳ (с.а.в.) ўз одиллигини шахсий хатти-ҳаракатларида ҳам намоян этган.

Усайд ибн Худайр (р.а.)дан ривоят: «Бир ансорий латифа айтиб шерикларини кулдиракан, Пайғамбар алайҳиссалом асо ила унинг биқинига туртдилар.

«Мен ҳам биқинингизга туртаман», – деди ансорий.

«Турт», – дедилар Пайғамбар (с.а.в.).

«Мен яланғочман, сиз кўйлақдасиз», – деди ансорий.

Шунда Пайғамбар алайҳиссалом шартта кўйлақларини ечиб, яланғоч бўлдилар. Ансорий ул зоти шарифни қучиб, қоринларидан ўпди. «Менинг мақсадим сизни бир қучиб, ўпиш эди, эй Расулulloҳ!» – деди у (Абу Довуд. Сунаан).

33. Тақводорлиги

Расулulloҳ (с.а.в.) тақводорларнинг тақводори эдилар. Абдуллоҳ ибн Маъсуд (р.а.)дан ривоят: «Пайғамбар алайҳиссалом менга Қуръон ўқишни буюрдилар.

«Эй Расулulloҳ! – дедим мен. – Қуръони қарим сизга нозил этилган, уни мен ўқийми?»

«Ўқи», – дедилар Пайғамбар (с.а.в.).

Мен «Нисо» сурасини ўқишга киришдим.

«**Ҳар бир умматдан (ўз пайғамбарини) гувоҳ сифатида келтирганлимида ва Сиз-**



ни (эй Муҳаммад!) уларга гувоҳ қилиб келтирганимизда (уларнинг ҳоли) не кечур?!»

(«Нисо» сураси, 41-оят)¹ – деб ўқиб тугатишим билан Пайғамбар алайҳиссалом: «Бас, етар» – дедилар. Мен шунда ўгирилиб боқдим, ул ҳазратнинг кўзларидан тиркираб ёшлар оқаётганини кўрдим...» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

Завжаи муҳтарамалари Ойиша (р.а.)дан ривоят: «Пайғамбар алайҳиссалом осмонда булут кўрсалар, ташвишга тушар эдилар. Бир гал сабабини сўрадим. Жавобан қуйидаги оятни ўқидилар:

Бас, қачонки улар ўша (азоб)ни ўз водийларига қараб келаётган бир (қора) булут ҳолида кўришгач: «Бу бизларга ёмғир келтирувчи булутдир», – дедилар. Йўқ, у ўзларингиз қистаган нарса бўрондирки, унда (сизларга аталган) аламли азоб бордир («Аҳқоф» сураси, 24-оят).

34. Фақирона ҳаёт кечиргани, озига қаноат этгани

Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.)дан ривоят: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг уйларига бордим. Ул зот дағал қуруқ бўйра устида ётар, бошлари остида хурмо толасига тўлдирилган чарм болиш, оёқлари учиди ҳам ошланган чарм матоҳ, бошлари устида деворда осиглиқ бир меш турар эди. Мен Пайғамбар алайҳиссаломнинг таналарига бўйрадан излар тушганини кўриб, йиғладим.

«Нега йиғлайсан?» – сўрадилар ул зот мендан.

«Эй Расулуллоҳ! – дедим мен. – Кисро ва Қайсар шоҳлар бу дунёнинг роҳатини суриша-

ди. Сиз Аллоҳнинг расули бўла туриб шундай фақирликда яшайсиз...»

«Уларга бу дунё роҳати, бизга эса у дунё роҳати берилганидан беҳабармисан?» – дедилар Пайғамбар алайҳиссалом (имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

35. Барчага, ҳатто

душманларига ҳам хайрихоҳлиги

Завжаи муҳтарамалари Ойиша (р.а.)дан ривоят: «Мен пайғамбар алайҳиссаломдан сўрадим: «Ҳаётингизда Уҳуд жангидан ҳам оғир кун бўлганми?»

Ҳазрат саволимга жавобан дедилар: «Мен учун энг оғир кун Ақабада бўлган. Ўшанда ибн Ялил ибн Абдулкилалдан мени ўз ҳимоясига олишни сўрадим. У рад этди. Мен қайғу-аламга тўлиб нари кетдим. Бир пайт ўзимни Карнус-салиб олдида кўрдим. Бошимни кўтариб, кўкка боқдим. Бошим узра бир булут соя солиб турар эди. Унда Жаброилни кўрдим. У менга юзланиб деди: «Чинданам, халқинг сенга не йўсин жавоб қилганини Аллоҳ эшитди ва сенга тоғ фариштасини жўнатди. Худосизларга не йўсин жазо беришни истасанг, у адо этгай». Шунда тоғ фариштаси менга яқинлашиб, деди: «Истасанг, Маккадаги икки тоғни душманларингнинг бошига ағдараман!»

«Йўқ, – дедим мен, – умид қиламанки, Аллоҳ уларнинг ортидан янги авлод етиштирар, ўшалар ягона Аллоҳга сиғиниб, Унга ширк келтирмаслар!» (имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти)

Ибн Умар (р.а.)дан ривоят: «Мунофиқларнинг оқсоқоли Абдуллоҳ ибн Салул вафот этганда ўғли Абдуллоҳ (р.а.) кафан учун Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўйлагини сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.) шу ондаёқ кўйлақларини ечиб, унга узатдилар ва ўзлари жаноза ўқишга киришдилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! – деди Умар (р.а.). – Наҳотки динга кирмаган муҳолифнинг жанозасини ўқисангиз? Ахир Аллоҳ буни тақиқлаган-ку!»

Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Аллоҳ менга таълим берган эди: **Улар учун**

¹ 41-оят. Бу ҳолат қиёмат куниди рўй бериши бошқа оятларда, яъни «Наҳл» сурасининг 84-, 89-оятлари, «Ҳаж» сурасининг 78-оятлари ҳам баён қилинган. Уларнинг мазмунига биноан, барча пайғамбарлар ва уларнинг умматлари маъшаргоҳга тўпланган куни Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарнинг умматидан Менинг буйруқларимни сизларга юборилган пайғамбар етказганми деб сўрар экан. Улардан имон келтирганлари ҳа деб, кофирлари эса йўқ деб инкор этар эканлар. Шунда Муҳаммад (а.с.)нинг умматлари ўтган пайғамбарларнинг ҳаммаси ўз умматларига Сенинг буйруқларингни етказганлар, биз буни Қуръондан ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с.)дан эшитиб билганмиз дер эканлар. Аллоҳнинг амри билан Муҳаммад (а.с.) уларни тасдиқлаб гувоҳлик берар эканлар.

Расул (а.с.) Қуръоннинг шу оятига келганда йиғлаб юборар эканлар.



(Сиз) хоҳ кечирим сўранг, хоҳ кечирим сўранг – агар улар учун етмиш бор кечирим сўрасангиз ҳам – Аллоҳ сира уларни кечирмагай.¹ Бу уларнинг Аллоҳ ва Расулига куфр келтирганларидандир. Аллоҳ эса фосиқлар қавмини ҳидоят қилмагай («Тавба» сураси, 80-оят).

Мен эсам етмиш каррадан ортиқ (гуноҳкор умматларимни кечирмоқни Раббимдан) сўрайман» (Имом ал-Бухорий ва Муслим ривояти).

Расулulloҳ(с.а.в.) нинг расму одатлари

1. Расулulloҳ (с.а.в.) ўз саҳобалари, сафдошлари билан яқин муносабатда бўлиб, уларга ҳамиша ҳаётда ҳамдаму ҳамнафас эдилар. Пайғамбар алайҳиссаломнинг бизгача етиб келган шахсий ва ижтимоий ҳаётларига доир тўлиқ маълумотлар бундан далолат беради. Пайғамбаримиз (с.а.в.) барча соҳада ҳаммага ибрат эдилар. Жарир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят: «Мен исломни қабул қилгач, Расулulloҳ (с.а.в.) мени ўзларига ҳаммиша яқин тутар, ҳар сафар учрашганда табассум этардилар. Мен отда юришим қийин деганимда кўксимга шаппатилаб: «Эй Аллоҳ, унга куч-қувват ато эт, уни тўғри йўлга ҳидоят айла!» – деб дуо қилдилар» (Имом ал-Бухорий ривояти).

Ул зоти шариф саҳобалари билан гоҳо ҳазил-ҳузул қилар, уларни кулдирад эдилар. Анас ибн Молик (р.а.) дейдики, Расулulloҳ (с.а.в.) гўзал ахлоқ соҳиби эдилар. Анаснинг

¹ 80-оят. Бу оят нозил бўлишининг сабаби тўғрисида бир неча фикрлар бор. Масалан, Абдуллоҳ ибн Убай Расул (а.с.) ҳузурларига келиб, куфрдаги отаси ўлим тўшагида ётганини айтиб, унинг истиғфор айтиб, гуноҳларига кечирим сўраб беришини илтимос қилганида шу оят нозил бўлган. Бошқа тафсирига кўра, мунофиқларнинг сири очилиб қолгач, улар Расул (а.с.) ҳузурларига келиб, узр айтишиб, Аллоҳдан кечирим сўраб беришни илтимос қилишганда нозил бўлган. Заҳҳок тафсирига кўра, мазкур оят нозил бўлгач, Расул (а.с.) етмиш марта истиғфор айтсам, кечирмайдиган бўлса, ундан кўпроқ айтсаммикан деб турганларида «Мунофиқун» сурасининг 6-оятини нозил қилиб, унда улар учун истиғфор айтсалар ёки айтмасалар ҳам, сира кечирилмаслигини билдирган.

иниси бўлиб, уни Абу Умайр деб аташарди. Пайғамбар (с.а.в.) ҳар сафар уни кўрганда: «Эй Абу Умайр! Ўйнайдими сен билан Нуғайр?» – деб ҳазиллашардилар. Нуғайр Абу Умайрнинг севимли кушчаси эди.

Расулulloҳ (с.а.в.) фақат сўзда эмас, хатти-ҳаракатлари билан ҳам инсонларга қувноқ кайфият бахш этардилар. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят: «Бадавийлардан бўлмиш Зоҳир ибн Ҳирам пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига совға-салом билан келди. Расулulloҳ (с.а.в.) уни кузатиб: «Зоҳир – кўчманчи, биз эса, унинг наздида, ўтроқ инсонлармиз», – дедилар. Бир гал Зоҳирни бозорда учратиб Пайғамбар алайҳиссалом орқа томондан келиб, уни қучоқладилар. Зоҳир: «Кимсан? Мени кўйвор!» – деб қичқирди. Орқасига ўгирилиб, Расулulloҳни кўргач, ул ҳазратнинг пинжигасуқилди.

Пайғамбар (с.а.в.) ҳазиллашиб: «Бу қулни сотиб оладиган борми?» – деб сўрадилар. «Эй Расулulloҳ! – деди Зоҳир. – Қулингизга харидор йўқ». Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ олдида қадр қийматинг баланд». Бу гўзал лутфга жавобан Зоҳир деди: «Эй Расулulloҳ! Аллоҳ олдида Сизнинг қадр қийматингиз ҳаммадан баланд!»

2. Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳдан аниқ йўл-йўриқ тушмаган масалалар ечимда саҳобалар ила кенгашиб, улардан маслаҳат сўрар эдилар.

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят: «Мен Расули ақрам каби ўз саҳобалари ила кенгашиб иш кўрадиган раҳбар кимсани учратмадим» (Термизий ривояти).

3. Расулulloҳ (с.а.в.) мусулмон ва мусулмон бўлмаган беморларнинг ҳузурига бориб, аҳволини сўрашдан чарчамасдилар. Саҳобаларнинг ишларини суриштирад, ёрдам қўлини чўзишга ҳаммиша ҳозир эдилар.

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят: «Пайғамбарга хизмат қиладиган бир яҳудий йигитча хасталаниб, ётиб қолди. Расулulloҳ (с.а.в.) уни кўргани бордилар. Боши устида ўлтириб, унга: «Мусулмон бўл», – дедилар. Йигит-



ча отасига қаради. Отаси: «Абул Қосимнинг (пайғамбарнинг) айтганини қил», – деб ишорат этди. Йигитча калимаи шаҳодат ўгириб, мусулмон бўлди... Расулуллоҳ беморнинг ҳузуридан чиқаркан мамнуният ила дедилар: «Аллоҳга беадад шукрки, уни дўзах оловидан халос этди» (Имом ал-Бухорий ривояти).

4. Расулуллоҳ (с.а.в.) яхшиликка яхшилик ила жавоб берар, шундай дердилар: «Аллоҳ ҳаққи, ҳимоят истаб келганларни ҳимоят айланг, Аллоҳ ҳаққи, садақа сўраганларга садақа беринг, чақирган жойга боринг, яхшилик қилганларга яхшилик қилинг, яхшилик қилолмасангиз, Аллоҳдан унинг хайрини сўранг» (Имом Аҳмад ривояти).

Завжаи муҳтарамалари Ойиша (р.а.)дан ривоят: «Пайғамбар алайҳиссалом биров совға-салом келтирса, олар, аммо ўша совға келтирганни ҳеч қуруқ қайтармасдилар» (Имом ал-Бухорий ривояти).

5. Расулуллоҳ (с.а.в.) барча яхши инсонларга меҳрли, мурувватли эдилар. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят: «Мен Пайғамбар алайҳиссалом қўлларидек юмшоқ шоҳи ёхуд атлас матоҳ кўрмадим. Улардан таралган атру уфордек муаттар ҳидни ҳам туймадим».

6. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳамиша яхшилик йўлида ўртага тушишни, ишни яхшилик ила адосига етказишни севар эдилар. Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят: «Бариранинг эри қул эди. Муғийс деб аташарди. Мен бир гал Расулуллоҳ (с.а.в.)га дедим: «Ўз кўзим билан кўрдим, ҳамон кўз ўнгимда. Муғийс Бариранинг изидан эргашиб борар, кўз ёшлари соқолига оқиб тушарди...» Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Эй Аббос! Муғийс Барирани севишию Барира уни севмаслигини билмайсанми?» Сўнг Барирани учратиб, сўрадилар: «Унга (Муғийсга) қайтмайсанми?» «Қайтишимни амр этасизми, ё Расулуллоҳ?» – деди Барира. «Мен ўртага тушяпман, холос», – дедилар Пайғамбар алайҳиссалом. «Унга (эримга) эҳтиёжим йўқ», – деди Барира (Имом ал-Бухорий ривояти).

7. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз юмушларини ўзлари бажаришни хуш кўрардилар.

Завжаи муҳтарамалари Ойиша (р.а.)дан ривоят: «Пайғамбар алайҳиссалом (бўш вақтлари бўлганда) кийимларини ўзлари тозалар, совлиқни ўзлари соғар, уй юмушларига қарашар эдилар» (Абу Яғла, Муснад).

Яна Ойиша (р.а.)дан ривоятким, Расулуллоҳ (с.а.в.) оила-рўзғор юмушлари ила машғул бўлиб, азон айтилгандагина масжидга чиқар эдилар (Имом ал-Бухорий ривояти).

Пайғамбар алайҳиссаломнинг жуфти ҳалоллари

Пайғамбаримиз (с.а.в.), суюкли жуфти ҳалоллари Ҳадича (р.а.) вафот этгач, яна ўн бир аёлга уйландилар. Уларнинг барчаси турмуш кўрган, бева аёллар бўлиб, фақат Ойиша (р.а.) бокира қиз эди. Олти аёл Қурайш қабиласидан, қолганлари бошқа араб қавмларидан, биттаси Мариам қибтий насроний бўлиб, пайғамбарга ўғли Иброҳимни туғиб берган эди.

Бу Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзидирким: «Қибтийлар устидан ҳукмронлик юритганда улар билан яхши муомалада бўлинг. Уларда масъулият туйғуси бор ва улар қариндошлик алоқаларини маҳкам тутишади» (Абдурраззоқ, Мусаннаф).

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг кўп аёлларга уйланиш сабаблари қуйидагича:

Биринчидан, диний-шаръий сабаб. Зайнаб бинт Жаҳшга уйланиши шу туфайли эди. Араблар исломдан илгари асранди ўғлининг аёлига уйланмас, буни ўз ўғлининг аёлига уйланиш ила баробар деб билишарди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда дейди:

(Эй Муҳаммад!) Эсланг, Аллоҳ ва Сиз (неъматларни) инъом этган кишига (Зайд ибн Ҳорисага): «Жуфтингни ўзингда сақла (талоқ қилишга шошма)! Аллоҳдан кўрққин!» – деб Аллоҳ ошкор қилувчи бўлган нарсани ичингизда яширган эдингиз ва Аллоҳдан кўрққинга ҳақлироқ бўлган ҳолингизда Сиз одамлардан (таъналаридан) кўрққан эдингиз.



гиз.¹ Бас, Зайд ундан (Зайнабдан) ҳожатини адо этгач (уни талоқ қилгач), Биз Сизни унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болалари ўз хотинларидан ҳожатларини адо этишгач (талоқ қилишгач), уларга (уйланишларида) қийинчилик бўлмаслиги учун (шундай қилдик). Аллоҳнинг амри эса бажарилувчидир («Аҳзоб» сураси, 37-оят).

Иккинчидан, сиёсий сабаб. Қабилаларни ўзаро қуда-андачилик риштаси ила бойлаш, уларнинг бошини қовуштириш истаги. Шу мақсадда Расулуллоҳ (с.а.в.) қатор қудратли, нуфузли араб қавмларига куёв бўлиб, саҳобаларни ҳам шунга ундаганлар, чунончи, Абдурраҳмон ибн Авфга Дауматул ҳокими Жандалнинг қизига уйланишни таклиф этган эдилар.

Американинг Принстон университети профессори Стивен Фрэннд Коэн ёзади: «Эҳтимол, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаётининг айрим жиҳатлари бизнинг замонавий тафаккуримиз нуқтаи назаридан ғайритабиий туюлар, аммо шу нарса ҳақиқатки, унинг кўп марта уйланишлари замирида сиёсий манфаатлар ётар, мақсад бир қатор аслзода, нуфузли хонадонларнинг, қавмларнинг исломни қўллаб-қувватлашига эришмоқ эди. Зеро, арабларнинг тафаккур тарзига кўра, инсон Аллоҳ ато этган табиий хислатлардан, жумладан, қариндошлик алоқалари ўрнатишдан фойдаланишга ҳақлидир».

Учинчидан, ижтимоий сабаб. Расулуллоҳ (с.а.в.) ислом йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлган саҳобаларнинг аёллари ва болаларини никоҳ воситасида ўз паноҳларига олган эдилар. Бу ҳақда Наполи Шарқшунослик институти профессори, араб ва ислом дунёси бўйича мутахассис-эксперт Лаура Вецция Ваглиери «Ислом ҳимояси» китобида батафсил ёзади:

¹ 37-оят. Муҳаммад (а.с.) Зайнаб бинт Жаҳшни асранди ўғлига, яъни Зайд ибн Ҳорисага никоҳлаб беришларидан олдин ўзларида у аёлга нисбатан мойиллик сезмаган эдилар. Никоҳдан кейин кўрганларида дилларида бир туйғу пайдо бўлганди. Шунда беихтиёр: «Субҳоналлоҳи муқаллибил-қулуб», – деб тасбеҳ айтиб юборадилар. Буни Зайнаб эшитиб, эри – Зайдга гапириб қўяди. Шундан бошлаб Зайд ундан совий бошлайди ва бир куни Расул (а.с.)га: «Мен ундан ажралмоқчиман. Зеро, у ўзини мендан юқори тутмоқда», – деганида Расул (а.с.) бундан уни қайтардилар. Зеро, одамларнинг «Ўғлининг хотинига уйланибди» деган таънасидан кўрқадилар. Лекин Аллоҳнинг иродаси устунлик қилади ва Зайнаб Зайддан ажралиб, Расул (а.с.)га турмушга чиқади.

«Дарҳақиқат, Муҳаммад (с.а.в.) ҳали ёш йигит экан, қони қайноқ палла, кўпхотинлилик жамиятда одат бўлган, уйланиш ҳам, ажралиш ҳам осон бўлган бир муҳитда ўзидан ўн беш ёш катта ёлғиз бир аёл Ҳадича билан соф муҳаббат ва садоқатга асосланган ҳолда ҳалол умргузаронлик қилди, ундан кўп фарзандлар кўрди, хотин устига хотин олишни истамади. Энди ёши элликка етганда ва жамиятдаги мавқеи кескин ўзгариб, миллат ва давлат раҳбари бўлганда кетма-кет уйланишлар замирида сиёсий ёхуд ижтимоий сабаблар ётиши аниқ. Ойиша (р.а.)ни ҳисобга олмаганда, Пайғамбар алайҳиссалом уйланган аёллар ёш ҳам, гўзал ҳам эмасди. Бас, шундоқ экан, уни хотинбозликда айблаш мумкинми? У барча хотинларига бирдек адолатли муомала қилар, бирини иккинчисидан устун қўймасди. У кўп хотинли бўлган Мусо алайҳиссалом ва ўзга пайғамбарлар йўлини тутган эди».

Ўн тўққизинчи асрда яшаб ўтган таниқли инглиз ёзувчиси, тарихчиси, файласуф олими Томас Карлайл ўзининг «Муҳаммад Аллоҳнинг Расули эканлиги ҳақиқати ҳақида» китобида ёзади: «Муҳаммад шаҳватпараст эмасди. Уни Ғарбда шундоқ деб тинимсиз ва ҳақсиз айб-лашади. Уни хотинбозликда айблаш, аслида, хато. Бу унга нисбатан ўта адолатсизликдан бўлак нарса эмас... Зеро, Муҳаммад алайҳиссалом бутун ҳаёти давомида ҳар қандай эрмаклар, ҳойу ҳаваслардан йироқ эди!»

Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари хусусида қудсий-илоҳий ҳадислар

Қуръони каримда Аллоҳ таоло дейди:

Муҳаммад сизларнинг эркаларингиздан бирортасига ота эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир.² Аллоҳ барча нарсани билувчи зотдир («Аҳзоб» сураси, 40-оят).

² 40-оят. Бу ерда Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.)ни «Пайғамбарларнинг муҳри» деб атади. Зеро, ҳар бир муҳим ёзма ҳужжат сўнгида муҳр босилгани каби, охириги пайғамбар келгач, пайғамбарлар китобига ҳам муҳр босилгандек бўлди.



Исо алайҳиссалом Инжилда Муҳаммад алайҳиссалом келишидан мужда, хушхабар беради. Бу ҳақда Аллоҳ таоло дейди:

Эсланг, Исо ибн Марям: «*Эй Исроил авлоди! Мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайгамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайгамбар ҳақида хушхабар берувчиман*»¹, – деган эди. **Бас, қачонки (Исо) уларга (пайгамбар эканига) ҳужжат (мўъжиза)ларни келтиргач, улар:** «*Бу аниқ сеҳр*», – дедилар («Саф» сура-си, 6-оят).

Суннатдан шаҳодат. Ҳазрати Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадислардан бирида деганлар: «Дарвоқе, менгача бўлган пайгамбарларнинг иши мисоли уй қуриб, унга ранг-пардоз бериб, аммо тамал тошини қўймаган кишиларнинг ишига ўхшар... Одамлар уй атрофидан айла-ниб, уни ёқтириб, сўрашади: бу уйнинг тамал тоши қани? **Уйнинг тамал тоши, пайгамбарларнинг муҳри, ҳотами мен бўламан**» (Имом ал-Бухорий ривояти).

Аввалги самовий китоблардан шаҳодат. Ато ибн Ясир (р.а.)дан ривоятдиким, у Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос (р.а.)ни учратиб, сўра-миш: «Расулulloҳ алайҳиссаломнинг Тавротдаги тасвири баён эт». **Абдуллоҳ ибн Амр** демиш: «Аллоҳга қасамки, унинг Тавротдаги тасвири Қуръоннинг «Фурқон» сурасидаги тасвиридан фарқ қилмайди». Эй Пайгамбар! Дарҳақиқат, мен сени аҳли авом учун гувоҳ, хушхабарчи, огоҳ этувчи ва ҳимоячи қилиб юбордим. Сен Менинг қулим ва расулимсан. Мен сенга суянганнинг номини атадим. У қўпол ҳам, қаттиққўл ҳам эмас. Бозорларда қичқирмас, ёмонликни ёмонлик ила даф этмас. Шафқатли, кечиримли бўлур. Токи бузилиб, айниган жамоа унинг воситасида тузалиб, «Ла илаҳа иллаллоҳ» демагунча уни ҳузуримга чақирмагаймен. Мен уларнинг кўрмас кўзлари-

ни, эшитмас қулоқларини, тамбаланган юракларини очгаймен» (Байҳақий. Сунан).

Профессор Абдул Аҳад Дауд – собиқ католик динининг юқори мартабали арбоби Давид Бенжамин Кельдани. У ўзининг машҳур «Муҳаммад пайгамбар Инжил китобида» дейди: «Мен баҳс этарканман, Муқаддас китоб – Тавротнинг айрим бўлимларига суянишга ҳаркат қилдим. Уларда лингвистик тафовут кўзга чалинмайди. Мен лотин, юнон, оромий тилларига мурожаат этмайман, чунки фойдаси йўқ. Мен Британиянинг Муқаддас Китоб жамяти томонидан тузатилиб, тарқатилган нусхадан сўзма-сўз иқтибос келтираман. Келинг, Таврот китоби «Иккиламчи қонун» мажмуасидан ўн саккизинчи бобнинг ўн саккизинчи шеърини ўқийлик: «Мен уларга уларнинг ўз биродарлари орасидан сенга ўхшашини бунёд этгаймен. Мен сўзларимни унинг тилидан баён қилгаймен». Бу сўзлар Муҳаммад алайҳиссаломга аталмаган бўлса, унда Тавротдаги илоҳий башорат рўёбга чиқмади дейишга тўғри келди...»

Тавротнинг йигирма биринчи боби йигирма биринчи жумласида яна ўқиймиз: «Онаси уни мисрлик бир қизга уйлантирди. Биринчи фарзандини Аднон деб аташди».

Исмоил алайҳиссаломнинг набиралари – араблар ўшандан буён Макка даштликлари, Фаран саҳросида муқим яшай бошладилар. Биламизки, Муҳаммад алайҳиссалом – Исмоил зурёди, Аднон авлоди. У Пайгамбар бўлиб, ўн минг мўмин-мусулмон билан Макка шаҳрига кириб борди. Ўз халқига исломий қонун-қоидаларни тақдим этди... Шундай экан, Тавротда келиши ваъда этилган ўша пайгамбар Муҳаммад алайҳиссалом эканлиги равшан-аён эмасми?

Инжилдан шаҳодат. Инжил китобида **Варнави** келтирган ривоятда айтилишича, Исо алайҳиссалом дейди: «Аллоҳ мени ердан осмонга кўтаради ва хоиннинг қиёфасини шундай ўзгартирадики, кўрганлар уни мен деб ўйлашади. У азоб-уқубатда жон беради. Узоқ замонлар бу маломат менга тақилади.

¹ 6-оят. Исо (а.с.) Исроил авлодидан чиққан пайгамбарларнинг энг охириги сифатида Мусо (а.с.)нинг Таврот китобидаги тавҳид дини ва шариатнинг кўп қисмини тасдиқ этган ҳолда ўзига нозил қилинган Инжил китобида охириги пайгамбар – Муҳаммад (а.с.) тўғрисида башорат берган. Расул (а.с.)нинг муборак исмларидан бири Аҳмаддир.



Аммо Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) келиб, бу маломат доғини ювиб, мендан аритади».

Яна **Варнавидан** келтирилган ривоятда, китобнинг ўттиз тўққизинчи бобида ўқиймиз: «Одам оёққа туриб, ҳавода қуёшдек ярқираб, товланган ёзувга кўзи тушди. У «Ла илаҳа ил-лаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ» деган ёзув эди.

Одам Ато ёзувни меҳру эҳтиром ила ўпди. Кўзидан оққан ёшини артиб дедик: «У таваллуд топиб, дунёга кўз очган кун мубораққидир!»

Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбар эканликларини тасдиқловчи мантиқий далиллар

1. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) саводхон эмасди, ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмасди. Кўпчилиги бесавод, оми бўлган халқ орасида ўсиб-улғайган эди. Шунинг ўзи унга нозил бўлган ваҳийларнинг илоҳийлиги белгиси, уларни унинг ўзи тўқиб чиқаряпти деган маломатларнинг пучлиги, асосизлиги далилидир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда дейди:

Сиз илгаридан бирор китобни тиловат қилувчи эмас эдингиз ва қўлингиз билан хат ҳам ёзган эмас эдингиз. Акс ҳолда, бузғунчилар, албатта, шубҳага тушган бўлур эдилар (Анкабут сураси, 48-оят).¹

Расулуллоҳ (с.а.в.) келтирган пайғом шундай балоғату фасоҳат тимсоли эдики, эшитганлар мафтун, шеъриятни яхши билган араблар унга ўхшашини топишга ожиз эдилар. Қуръони карим Аллоҳ таолодан Муҳаммад алайҳиссаломга инсониятга етказиш учун нозил этилган абадий мўъжиза ва неъмат эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзи: «Дунёга келган барча пайғамбарлар борки, Аллоҳ уларга бир мўъжиза ато этган. Инсонлар ўша мўъжизани кўриб, Аллоҳга имон келтиришган. Менга берилган мўъжиза Аллоҳнинг пайғоми, ваҳий-

дир. Умид улким, Қиёмат куни умматларим сони ҳаммадан зиёда бўлур» (Имом ал-Бухорий, Муслим ривояти).

Араблар сўзамол халқ бўлган, чиройли, фасоҳатли сўзлашга моҳир эдилар. Аммо Қуръони карим фасоҳати, ундаги теран маъно ва мантиқ уларни тамом лол қолдирди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда дейди:

Агар бандамизга (Муҳаммадга) туширилган нарсамиздан (Қуръондан) шубҳада бўлсангиз, бас, сиз ҳам унга ўхшаш (биргина) сура (ёзиб) келтиринг ва Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг – агар ростгўй бўлсангиз («Бақара» сураси, 23-оят).²

Аллоҳ таоло Қуръони каримда яна дейди:

Айтинг: «Қасамки, агар инсу жин ушбу Қуръоннинг ўхшашини келтириши учун бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг мислини келтира олмаслар» («Исро» сураси, 88-оят).

2. Расулуллоҳ (с.а.в.) халқини исломга даъват этаркан, қаттиқ қаршиликларга учради. Уни йўқ қилиш ила таҳдид этишди, оқибат Маккадан қувғин қилишди. Пайғамбар алайҳиссалом бу йўлда кўп заҳмат, машаққатларга дучор бўлди, бўҳтон, маломатлар остида қолди. Лекин ҳеч иккиланмай, ўзига етган машаққатларни писанд қилмай, инсонларни исломга даъват этишда давом этаверди. Агар у ҳақиқий пайғамбар эмас, ёлғончи, сохтакор одам бўлганида, бу қадар сабру сабот кўрсатолмасди.

Англиядаги Брэдфорд университети профессори, асли покистонлик олим ва ёзувчи **Атташ Дурроний** ёзади: «Чинданам, Муҳаммад алайҳиссалом кўрсатган бу иймону эътиқод, ўзи бошлаган мислсиз улўғ ишни зафарли якунига етказган бу саботу қатъият чинакам пайғамбарлик фазилатлари намоишидир.

² 23-оят. Таврот, Забур, Инжил қисман-қисман эмас, балки яхлит китоб шаклида, Қуръони карим эса 23 йилда сура ва оятлар шаклида нозил қилинган.

Қуръони карим оятларининг 114 та катта ва кичик сураларга бўлиб қўйилганининг сабаби қироат қилувчи ҳар бир сурани ўқиб бўлганидан кейин ўзида бир енгиллик ва фароғатни сезиб, кейинги сурани ўқишга тетиклик ҳосил қилишидир.

¹ 48-оят. Улар: «Муҳаммад Қуръонни ўзи тўқиб ёзаётир», – деб шубҳа қилишган бўларди.



Агар унинг қалбида ўзининг ва динининг ҳақлигига заррача иккиланиш ёхуд шубҳа-гумон бўлганида, йигирма йил унга қарата узлуксиз давом этган таҳдиду ҳужумларнинг шиддатли бўронига бардош беролмасди. У зот тутган йўлнинг ҳаққонийлигини кўрсатувчи бу далиллар, бу маънавий улуғворликдан келиб чиқадиган ягона хулоса шуки, Муҳаммад алайҳиссалом чинданам Ҳақ пайғамбари ўлароқ ҳалоллик ва олийжаноблик, эзгулик ва самимият, инсофу адолатнинг тимсоли эди. Унинг ҳаёти ва Унга нозил этилган пайғом – Қуръони каримни холисанлиллоҳ ўрганган ҳар бир тадқиқотчи шундай хулосага келиши муқаррар».

3. Маълумки, инсон зоти бу дунё роҳатларини хуш кўради, чунончи, молу маблағга эга бўлиб, мазали таомлар тановул этиб, айшу ишрат қилишни ёқтиради. Бировлар ҳалол меҳнат қилиб, бировлар эса қинғир йўллар, ҳаром-хариш воситаларни ишга солиб ана шу неъматларни қўлга киритишни истади....

Одамларга аёллар, фарзандлар, уюм уюм олтин-кумушлар, саман отлар, чорва моллари ва экинларга нисбатан меҳр қўйиш зийнатли қилиб қўйилди.¹ Булар (аслида) дунё ҳаётининг (ўткинчи) матоҳидир. Аллоҳнинг ҳузуринда эса (бундан-да) чиройли жой (жаннат) бордир («Оли Имрон» сура-си, 14-оят).

Расулulloҳ (с.а.в.) халқни исломга даъват этаркан, уни душмани бўлган маккалик муҳолифлар бошда ана шу дунёвий неъматларни таклиф қилиб, уни йўлидан чалғитмоқчи бўлишди. «Марҳамат, – дейишди улар, – ҳокимият истаса, ҳокимият олсин, истаган чиройли қиз-жувонларга уйлансин, истаганча молу давлатга эга бўлсин, фақат янги дину диёнатидан воз кечсин!..»

Пайғамбар алайҳиссалом бу кучли таклифни қатъий туриб рад этди. «Аллоҳга қасамки, – деди у, – агар ўнг қўлимга қуёшни, чап қў-

лимга ойни қўндиришса ҳам, Аллоҳ зафарга еткизмагунча ёки ўзим ҳалок бўлмагунимча мен бу ҳидоят йўлидан қайтмайман» (Ибни Ҳишом. Пайғамбар таржимаи ҳоли).

Агар у алдоқчи, сохтакор, нафсига қул бўлган одам бўлганида, бу таклифни қабул қилар эди. Дунёвий ҳаёт лаззатларини танлаган инсон учун бундан ортиғи бўлмасди.

Яна профессор Атташ Дурроний ёзади: «Ул зот (с.а.в.) Маккада ўн уч йил, Мадинада саккиз йил меҳнат-машаққат остида яшади. Аммо ўз йўлида собит турди, қилт этмади. Халқи уни подшоҳ сайлаб, дунё бойликларини унинг оёқлари остига тўкмоқчи бўлди. Бироқ у бу таклифни рад этиб, меҳнат-машаққат йўлини танлади. Нега? Нега ул ҳазрат (с.а.в.) тожу тахт, бойлик-бисот, шон-шухрат, роҳат-фароғатга қайрилиб боқмади? Ҳар бир инсон бу ҳақда чуқур ўйлаб кўрмоғи ва холис хулосалар чиқармоғи лозим».

Шу нарса аниқ ва ҳаммага аёнки, ҳокимият эгаси бўлган кимсага барча неъматлар муҳайё, инсонлар унга бўйсунди. Муҳаммад алайҳиссалом билардики, бу дунё – ўткинчи бир манзил, доимий қароргоҳ эмас.

Нўъмон ибн Башир (р.а.)дан ривоят: «Мен пайғамбар алайҳиссаломнинг бир неча дона хурмога муҳтож бўлган кунларини биламан» (Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра (р.а.) демишки: «Расулulloҳ (с.а.в.)нинг оиласи сурункасига уч кун тўйиб овқатланганини билмайман. Ул ҳазрат шу аҳволда дунёдан ўтди» (Имом ал-Бухорий ривояти).

Ойиша (р.а.)нинг айтишича, бир гал Аллоҳнинг Расули совут-қалқонини гаровга қўйиб, бир яҳудийдан қарз кўтарган. Пайғамбарнинг издошлари орасида бой-бадавлат кишилар ҳам бўлиб, улар мол-бисотларини унинг оёғи остига тўкишган. Пайғамбар алайҳиссалом уларни йўқсил-бечораларга тарқатган.

«Аллоҳга қасамки, – дерди Муҳаммад алайҳиссалом, – фоний дунё ҳаёти боқий дунё ҳаёти олдида арзимас бир нарсадир. Чунончи, киши бармоғини денгизга ботирсин-да, боқсин, қанча сув юқаркан бармоғига?...» (Муслим ривояти)

¹ 14-оят. Уларни ким зийнатли қилиб қўйди деган табиий саволга кўпчилик уламолар Аллоҳнинг Ўзи бандаларини имтиҳон қилиш учун дунё матоҳларини марғуб ва жозибали қилиб яратган деб таъкидлайдилар. Ҳасан Басрий эса бу оят тафсирида инсонга дунёни яхши кўрсатувчи Аллоҳ эмас, балки шайтондир деганлар. Ҳар икки тафсир ҳам таъвил билан жоиздир.



Инглиз аристократ аёли **Е.Коболд** ўзининг «Макка зиёрати» (Лондон, 1934) китобида ёзади: «Муҳаммад алайҳиссалом Арабистон яри-морелининг амалдаги ҳукмдори бўлса ҳам, ўзига бирор унвон ёхуд имтиёз истамади. Балки аввалгича камтарона яшайверди. Ўзи, оиласи фақирона ҳаёт кечирса-да, бева-бечоралардан ҳимматини, мададини аямади».

4. Пайғамбар алайҳиссалом баъзида моддий томондан жуда танг аҳволга тушиб, бунинг ортидан Аллоҳдан ташвиш ва ҳаяжон ичра ваҳий кутиб яшаган дамлари ҳам бўлган. Чунончи, унинг умр йўлдошини маломат қилишганда шундай аҳволга тушган эди. Душманлари шунда унинг шаънига уйдирмалар тўқиб, турли мишмишлар тарқатишган, фақат бу ҳақда Аллоҳдан ваҳий келгач, тилларини тийишган эди. Агар у енгилтабиат, ҳавойи, иззатталаб шахс бўлганида, муаммони ўйлаб-нетиб ўтирмасдан адолатсиз ҳал қилган бўлур эди. Йўқ, ул зот (с.а.в.) хулоса чиқаришга шошилмади, охиригача вазмин, босиқ бўлди.

Пайғамбар алайҳиссалом ўзини бошқалардан устун қўймас, уни улуғлаб гапиришларига рўйхуш бермасди. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят: «Расулulloҳ (с.а.в.) кириб келганда одамларнинг уни қаршилаб ўриндан туришларини хуш кўрмасди» (Термизий ривояти).

Америкалик адиб, улуғ инсонлар ҳаёти тадқиқотчиси **Вашингтон Ирвинг** ёзади: «Пайғамбар алайҳиссалом жангларида ғалаба қозонаркан, кибру ҳавога берилмади. У ислом учун жанг қилди. Шон-шуҳратининг авж палласида ҳам оддий ва камтарин инсон бўлиб қолаверди. Буюк Ислом давлатини тузиб, ҳамиша адолат ила иш кўрди. Ҳокимиятни мерос этиб, оила аъзоларига қолдиришни ўйламади ҳам».

5. Қуръони каримнинг айрим оятларида Аллоҳ таоло пайғамбар алайҳиссаломнинг баъзи хатти-ҳаракатларини ёқламайди. Масалан, хотинларнинг ҳийласига учиб асал емай кўйганда ушбу оят нозил бўлган эди: **Эй Пайғамбар! Нега хотинларингизнинг розилигини истаб, Аллоҳ Сиз учун ҳалол қилган нарсани (асал-**

ни) ҳаром қилиб олурсиз? Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир («Таҳрим» сураси, 1-оят).¹

Бошқа бир сурада Аллоҳ таоло дейди:

1. (Муҳаммаднинг) қовоғи уйилди ва юз ўгирди.

2. Зеро, унинг ҳузурига кўзи ожиз одам келган эди.²

3. (Эй Муҳаммад!) Сиз қаердан ҳам билурсиз, эҳтимол, у (Сиздан фойдаланиб ўз гуноҳларидан) покланар («Абаса» сураси, 1 – 3-оятлар).

Профессор Лихтер «**Ислом дини**» китобида шу ҳақда ёзади:

«Бир гал Аллоҳ ўз Расулига оят нозил этиб, бадавлат кимса олдида кўзи ожиздан юз ўтиргани учун унга танбеҳ беради. Расулulloҳ ушбу оятни ҳаммага ошкор этади. Шунинг ўзиёқ айрим насроний гуруҳларнинг унинг тўғрисидаги турли тўқиб-бичишларини чип-пакка чиқаради».

6. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ҳақ пайғамбари эканлигини тасдиқловчи яна бир далил Қуръони каримнинг бир юз ўн биринчи «Масад» сурасидир. Унда амакиси Абу Лаҳабнинг дўзахга тушиши қатъиян башорат этилади. Агар Муҳаммад алайҳиссалом сохта пайғамбар бўлганида, амакисининг жаҳаннамда

¹ 1-оят. Пайғамбар (а.с.) бир куни Зайнаб бинт Жаҳш исмли хотинлари ҳузурида асал истеъмол қилиб, бироз қолиб кетадилар. Буни пайқаган бошқа хотинлари – Ойша билан Ҳафса оналаримизнинг рашклари келиб, ул зотни «жазолаб кўйиш»га ўзаро келишиб оладилар ва он ҳазрат чиқишлари билан: «Оғзингиздан бадбўй ҳид келмоқда, нима едингиз?» – дейдилар. Бадбўй ҳидни ёқтирмайдиган Пайғамбар (а.с.) бироз қизишиб: «Асал егандим», – дейдилар ва бундан кейин асал емасликка қасамёд қиладилар.

² 2-оят. Бу келган одам Абдуллоҳ ибн Умми Мактум исмли кўзи ожиз киши эди. У Расул (а.с.)нинг банд эканларини сезмай, ўзининг саволларига жавоб олишга ҳаракат қилади. Ундан малолланган Пайғамбаримиз (а.с.)нинг кайфиятлари бузилиб, саволларига жавоб ҳам бермайдилар. Бу муомала Ҳақ таолога хуш келмади ва мазкур оятлар билан танбеҳ берди. Танбеҳни ҳам «қовоғинг уюлди» демасдан, «қовоғи уюлди» деб учинчи шахс шаклида айтди. Бу эса унча қаттиқ ботмайди. Пайғамбарнинг ўзлари олий хулқ эгаси бўла туриб, кўзи ожиз одамга шундай совуқ муомала қилдиларми деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, асло! Биринчидан, ўзлари Макка зодагонларини ҳидоят сари йўналтира олармиканман деб ҳаракат қилиб турганларида биров келиб бундан чалғитган ҳолатни тасаввур қилиб кўринг. Бошқа ҳар қандай одам ул зотнинг ўрнида бўлганида, уни жеркиб ташлаган бўлур эди. Лекин Расул (а.с.) юзларини буриштириш билан кифояландилар. Буни у киши пайқагани ҳам йўқ. Лекин улуғларнинг озгина саҳву хатоси ҳам бошқаларга нисбатан катта нуқсон ҳисобланади. Бинобарин, Ҳақ таоло ўз ҳабибини огоҳлантириб кўйди. Чунончи, тасаввуфда бир ибора бор: «Оддий яхши одамларнинг савобли ишлари Аллоҳга яқин зотларнинг гуноҳлари билан баробардир». Яъни улар буюк амалларни қилишлари матлуб.



ёнишини бу қадар қатъий тарзда баён этмаган бўларди. Негаки амакиси келажақда исломни қабул қилиб, бу аянчли қисматдан қутулиб қолиши мумкин эди.

Доктор Жерри Миллер ёзади: «Абу Лаҳаб исломдан шу қадар нафратланар эдики, Пайғамбар (с.а.в.) қайга бормасин, изидан эргашиб, уни одамлар кўзи ўнгида таҳқир этишга интилар, Расулulloҳ одамлар ила гаплашса, бир четда кутиб турар, сўнг уларга яқинлашиб дерди: «Муҳаммад сизга нималар деди? Ишонманглар, оқ деса, қора деб, кун деса, тун деб тушунинглар!»

«Масад» сураси Абу Лаҳаб ўлимидан ўн йил муқаддам нозил бўлиб, унинг дўзахга тушиши башорат этилган эди.

Саҳобаларнинг гувоҳлик беришича, пайғамбар алайҳиссалом амакиси билан гаплашиб деган: «Сен мени хуш кўрмайсан, айтганларимга ишонмайсан... Унда Аллоҳ сўзини амалда инкор қил...» Бироқ орадан ўн йил ўтса ҳамки, Абу Лаҳаб Аллоҳ сўзини амалда инкор этмайди, мажусий ҳолича дунёдан кўз юмади. Ҳолбуки, у исломни қабул қилиши ва ўзи ҳақидаги илоҳий башоратни бир зумда йўққа чиқариши мумкин эди. Йўқ, у бундоқ қилмади. Шунинг ўзиёқ мазкур суранинг илоҳийлиги, Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳ пайғамбари эканлигини яна бир карра исбот этади:

1. **Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин (ҳалок бўлсин)! Ҳалок бўлди ҳам.**
2. **Мол-мулки ва топган-тутгани (бойликлари) унга асқатмади.**
3. **Яқинда (у) алангали оловда куяжак.**
4. **Шунингдек, ўтин ташувчи хотини ҳам.**
5. **Бўйнида пухта эшилган арқони ҳам бўлур** («Масад» сураси, 1 – 5-оятлар).¹

¹ 5-оят. Абу Лаҳабнинг асл номи Абдулузо бўлган. Маъноси «Узо деган бутнинг қули» демақдир. Аллоҳ таоло ўз қулини «бут қули» деб атамади, балки уни «Абу Лаҳаб» – алангали деб лақаблади. Бу ердаги аланга икки нарсага далолат қилади. Бири унинг юзи доимо қизариб турганидан шу лақаб берилган бўлса, иккинчидан, охиратда дўзах алангасида ёниши муқаррар эканига далолатдир.

Абу Лаҳаб билан унинг хотини Муҳаммад (а.с.)га энг кўп азият етказган кофирлардан ҳисобланади. Бу бетавфиқ хотин тиканли ўтинларни териб келиб, Расул (а.с.) юрадиган йўлларга ташлар экан. Сурада унинг бўйнида ўтин боғлаб юрган арқони боғлиқ ҳолда эри билан бирга жаҳаннамга тушажаги тўғрисида хабар берилган.

7. Қуръони каримда Аллоҳ таоло сўзида Муҳаммад ўрнига Аҳмад номи келтирилади:

Исо алайҳиссалом Инжилда Муҳаммад алайҳиссалом келишидан мужда, хушхабар беради. Бу ҳақда Аллоҳ таоло дейди:

Эсланг, Исо ибн Марям: «Эй Исроил авлоди! Мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушхабар берувчиман»², – деган эди. Бас, қачонки (Исо) уларга (пайғамбар эканлиги) ҳужжат (мўъжиза)ларни келтиргач, улар: «Бу аниқ сеҳр», – дедилар («Саф» сураси, 6-оят).

Агар Муҳаммад алайҳиссалом ёлғончи, сохта пайғамбар бўлганларида, Қуръони каримда бу ном келтирилмас эди.

8. Муҳаммад (с.а.в.) дини бизнинг кунларимизгача етиб келди. Инсонлар ҳозир ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб исломга киришяпти, гарчи исломга даъват илгаригидек эмас, бир оз сусайган бўлса ҳам. Зеро, Аллоҳ таоло бу динни Ўз ҳифзу ҳимоясида сақлашни ваъда қилган. Чунончи, Қуръони каримнинг «Ҳижр» сураси 9-оятда ўқиймиз:

Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагувчидирмиз («Ҳижр» сураси, 9-оят).

Инглиз адиби **Томас Карлайл** Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида шундай ёзади: «Бирор алдоқчи одамнинг шундай ажойиб бир дин яратганини ҳеч эшитганмисиз? Ахир алдоқчи одамнинг ҳатто ғиштдан кўнгилдагидек уй қуриши амри маҳол.

Оҳақ, ганж, тупроқ хусусиятларидан беҳабар киши уй эмас, қурилиш ашёлари уюмидан иборат бир чордевор қура олади, холос. Ҳолбуки, Муҳаммад алайҳиссалом қурган иморат, асрлар ўтса ҳамки, қимирламай, собит, устувор турибди, унинг паноҳида миллион-миллион инсонлар истиқомат қилишяпти. Ме-

² 6-оят. Исо (а.с.) Исроил авлодидан чиққан пайғамбарларнинг энг охиргиси сифатида Мусо (а.с.)нинг Таврот китобидаги тавҳид дини ва шариятнинг кўп қисмини тасдиқ этган ҳолда ўзига нозил қилинган Инжил китобида охирги пайғамбар – Муҳаммад (а.с.) тўғрисида башорат берилган. Расул (а.с.)нинг муборак исмларидан бири Аҳмаддир.



нинг ишончим комилки, инсон табиат қонунларига риоя қилиши керак, акс ҳолда, табиат унга қайрилиб боқмайди. Ачинарлиси шундаки, ҳақиқат бир четда қолиб, бутун бошли халқлар, жамоалар ёлғонга ишониб, сарсонсаргардон бўлиб юришибди».

Қуръони каримни ўқиш, ўрганиш, ёд олиш, ўзгаларга ўргатиш узлуксиз давом этмоқда. Зеро, Расулulloҳ алайҳиссалом ўз ҳадисларида айтган эдилар: «Аллоҳ наздида энг яхшиларингиз Қуръони каримни ўрганиб, уни ўзгаларга ўргатувчилардир» (Имом ал-Бухорий ривояти).

Тарихда Қуръони каримга ўзгартишлар киритиш, қисқартириш ёхуд қўшимчалар қилишга уринишлар бўлгани маълум. Аммо ҳеч кимса Каломуллоҳга бир ҳарф қўшишга ёки ундан бир ҳарф камайтиришга муваффақ бўлмаган.

Ислоннинг иккинчи манбаи – Пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари ҳам асрлар давомида етук муҳаддислар томонидан ўрганилиб, сараланиб, авлоддан авлодга ўтиб, инсонлар йўлини ёритиб турибди.

Америкалик машҳур астрофизик олим ва адиб Майкл Харт ўзининг «**Биринчи юз йилликни ўрганиш**» китобида ёзади: «Муҳаммад алайҳиссалом дунёнинг энг буюк динларидан бирига асос солди ва дунёнинг энг буюк лидери ўлароқ майдонга чиқди. Вафотидан ўн уч аср ўтса ҳамки, унинг дунё миқёсидаги таъсири юксак ва беқиёсдир».

9. Пайғамбар алайҳиссалом жорий этган қонун-қоидаларнинг ҳаққонийлиги, ҳар нечук замон ва макон учун ҳаётийлиги ислом дини эришган оламшумул натижалардан ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Шунинг ўзи уларнинг илоҳийлигига далил эмасми? Ахир унғача ҳам Аллоҳ таоло ўз элчиларини юборган эди-ку! Бу борада на мантиқий, на диний нуқтаи назардан зиддият йўқ. Бас, шундоқ экан, нега

унғача бўлган пайғамбарларни тан олишиб, Муҳаммад алайҳиссаломни инкор этишга интилишади?

10. Муҳаммад алайҳиссалом ижтимоий муносабатлар, урушлар, никоҳ, иқтисод, сиёсат ва тоат-ибодат борасида яхлит бир тизим, тартиб-интизом низомини яратди. На ўқиш, на ёзишни билмайдиган, бесавод бир киши дунё тартиботига камолот бағишлаган бу ишларни нечук амалга оширди? Шунинг ўзи унинг илоҳий мажбуриятларни елкасига олган Ҳақ пайғамбари эканлигига далолат эмасми?

11. Муҳаммад алайҳиссалом ўз даъватини бошлаганда қирқ ёшда эди. Бу ёшда, одатда, кишининг ақлу идроки тўлишиб, ҳис-туйғулари жиловланиб, босиқ, етук инсонга айланади.

Томас Карлайл «**Қаҳрамонлар**» китобида ёзади: «Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигига шак келтирганларга жавоб шуки, у ўзининг қайноқ ёшлигини Хадича (р.а.) билан тинч-осуда бир шароитда яшади, обрў, шон-шухрат, ҳокимият таллашиб, шовқин-сурон кўтармади... Ёшлик ўтиб, соч-соқолига оқ оралагандан сўнг унинг кўксидаги вулқон ҳаракатга келди ва у ўзининг буюк миссиясини амалга ошириш учун оёққа турди».

Р.Ландау «Ислон ва араблар» китобида алоҳида қайд этади: «Муҳаммад (с.а.в.) олдидаги вазифа бағоят буюк эди. Бу айрим ғарб ёзувчилари ёзганидек худбин бир кимсанинг муваффақиятга кўз тикиб, уриниб-чиранишлари эмасди. Унға эргашганлар унға Аллоҳдан ваҳий келишига қатъий ишонишар ва бу нарса кейин асрлар синовидан ўтиб, унға нисбатан тўқилган барча айбловларни йўққа чиқарди. Бирор диний уйдирманинг узоқ яшаб қолганини тарих кўрганми? Ёхуд бирор ёлғончи, риекор кимсанинг империя қуриб, тамаддун яратганига тарих гувоҳ бўлганми?»




ЯПОНИЯДА МАСЖИД ОЧГАН ЖАДИДЧИ АБДУРАШИД ИБРОҲИМ ҲАЁТИДАН

Хушнудбек Хотамжон ўғли,

Истанбул университети Фалсафа бўлими талабаси

Абдурашид Иброҳим Ғарбий Сибирь генерал-губернаторлигининг Тобольск губернияси Тара¹ шаҳрида дунёга келди. Бухородан Сибирга кўчиб борган Умар исмли ўзбек киши ва бошқирд Афифа хонимнинг фарзанди эди. Етти ёшидан мадрасада таҳсил олган Абдурашид 14 – 15 ёшларида бирин-кетин ота-онаси оламдан ўтди. Камбағал оилада туғилгани ва ота-онасидан ҳеч қандай мерос қолмагани боис ўқиш билан бир вақтда ишлаб пул топишга мажбур бўлган.

Қозон атрофида юрганида турмага тушган Абдурашид бир йил кейин озод бўлди. Ўзига тўқ қозоқ оиланинг фарзандларига ўқитувчилик қилиб кун ўтказа бошлади, кейинги йил (1879 й.) Оқмўла вилоятига бориб, имомлик билан машғул бўлди. Қишлоқ бойларидан бирининг ёрдамида таҳсилни давом эттириш учун Мадина шаҳрига отланган Абдурашид пули тугагани сабабли бир муддат Истанбулда қолиб кетди. Россиядан ҳажга кетаётган бир бой татарнинг хизматкори бўлиб денгиз орқали Арабистонга етиб борди. Бир неча кун Маккада бўлгач, Мадинага йўл олди (1880 й.). У ерда беш йил таҳсил кўрди.



Абдурашид Иброҳим
(1857 – 1944)


Кейинчалик Мадинадан Россияга қараб йўлга чиқди ва денгиз орқали Истанбулга келди. Бу ерда Аҳмад Вафиқ пошо², Муаллим Нажи³, измирлик Исмоил Ҳаққи⁴ сингари бир қатор олим ва зиёлилар билан мулоқот қил-

² Турк дипломати ва ёзувчиси (1823 – 1891).

³ Турк тилшуноси ва адабиётшуноси (1850 – 1946).

⁴ Турк файласуфи, динлар тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борган олим (1868 – 1946).

¹ Ҳозир Омск вилоятига қарашли шаҳар.



ди. Сўнг Одесса орқали 1885 йил ватани Тарага қайтди. Халқнинг илтимоси билан маҳаллий мадрасада дарс беришни бошлади ва шу йил Тара бойларидан бўлган бир оиланинг қизи билан турмуш қуриб, уч фарзандли бўлди.

Тарада олти ой қолгандан кейин Мадинада ўқишлари учун укаси Исмоил ва қариндошларининг беш фарзандини олиб Одесса орқали Истанбулга келди. Бу ерда маориф нозири Муниф пошо билан бир неча бор учрашди. Мазкур учрашувлардан кейин Муниф пошо Истанбулдаги «Умрон» газетасида «Россия мусулмонларининг истиқболи» номли туркум мақолалар чиқарди. Укаси ва қариндошларининг фарзандларини Мадинага олиб бориб қўйган Абдурашид Иброҳим яна Истанбулга келди. 1885 йили Тарага қайтди.

Бу ердаги мадрасаларни ислоҳ қилиш, янги мактаблар очиш, усули жаҳид мактабига асос

солган. Бу илм даргоҳида ўқитиладиган дарсликлар Исмоил Гаспирали билан ҳамкорликда яратилган. Омск вилоятидаги Тарада етти йил ўқитувчилик билан машғул бўлган. Айни вақтда, Туркия, Саудия ва Европа мамлакатларидаги дўстлари билан ҳамкорлик қилган. Улар орасида Шаҳобиддин Маржоний, Ризоиддин ибн Фахриддин, Исмоил Гаспирали сингари зиёлилар бор.

1890 йили Тарадан ўн нафар толиби илм билан Истанбулга келади, уларни «Дор уш-шафақа» ва «Дор ут-тадрис» мактабларига жойлаштиради. Бир неча ой Истанбулда бўлиб яна Тарага қайтиб келади ва таълимдаги фаолиятини давом эттиради. Айни вақтда, Истанбулга талабаларни жўнатиб туради.

1891 йили Уфада русчадан имтиҳон топшириб, Оренбург диний мажлисида қозилик қилган. Оренбург диний маҳкамаси раиси ҳаж сафарига кетиши муносабати билан саккиз ой давомида унинг вазифасини бажариб турган. Шу вақтда етимлар ва фақирларни моддий жиҳатдан таъминловчи хайрия жамиятларига асос солган. Санкт-Петербургда ички ишлар ва маориф вазирлари билан учрашиб, мусулмонларнинг масалаларини ҳал қилишга бел боғлаган. Аммо бу соҳада тегишли натижага эриша олмагач, маҳкама раислигидан истеъфо берган ва 1887 йили Истанбулга келган. Бу ерда «Лива ул-ҳамд» номли китобини нашр қилдирган, «Чўпон юлдузи» рисоласи ҳам Истанбулда босилган.

1897 – 1900 йилларда Истанбул, Миср, Фаластин, Ҳижоз, Франция, Италия, Австрия, Сербия, Болгария мамлакатлари, Россия жануби орқали Кавказга, кейин Бухорога, Етгисувга сафар қилган. Шундан сўнг Тарага қайтган, 1902 – 1903 йилларда Японияда бўлган. Бу пайтда Россияга қарши тарғибот ва ташвиқот олиб борган. Натижада Россия элчиси япон ҳукуматига илтимос билан мурожаат қилиб, Японияни тарк этишини талаб қилган. Япониядалигида Усмонли султони Абдулҳамид II га мактуб ёзиб, кунчиқар мамлакатда исломни ёйиш учун ёрдам беришини сўраган.



1933 йили яна Японияга келган, Токиодаги жоме масжиди қурилишига бош-қош бўлган. Бу масжид 1937 йили очилган. У япон газеталари ва «Янги Япония» журналарида ижтимоий мавзулардаги мақолалари билан қатнашиб турган, мусулмонларнинг фарзандларига дарс берган, Токио жоме масжидида имом бўлган, унинг саъй-ҳаракатлари билан кўпгина японлар ислом динини қабул қилган.

1939 йили Япония парламенти исломни расмий дин сифатида тан олган. Бу эса Абдурашид Иброҳимнинг энг катта хизматларидан бири эди. Унинг ташаббуси билан Япониядаги дарсликларда ислом дини ҳақидаги бўлимлар қайтадан кўриб чиқилган.

Японияда исломни яхшироқ таништириш мақсадида инглизча-арабча журнал чиқармоқчи бўлган, аммо бунинг имкони бўлмаган. У 1944 йил 17 августда 87 ёшида Токиода бандаликни бажо келтирган ва Токиодаги ўзи имомлик қилган масжид ҳовлисида дафн қилинган. Япония ва дунёнинг турли бурчакларидан жаноза намози учун келувчилар кўплиги сабабли уч кун кейингина дафн этилган.

Абдурашид Иброҳимнинг маданий, диний, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида унинг ота юрти Бухорои шариф ва бутун Туркистондаги

фожиалар, рус империясининг мустамлакачилик зулмига қарши курашни акс эттирувчи «Олами Ислом» китоби орқали маълумотга эга бўлиш мумкин. Ундан кичик бир парча келтирамиз:

ТУРКИСТОН

Милодий 1907 йилнинг охирида оиламни асл ватаним бўлмиш Тара шаҳрида қолдириб Туркистонга қараб йўлга чиқдим.

Тошкентгача бўлган йўлда учрайдиган шаҳарлар (қуйидагилардир): Омск, Петропавловск (Кизиляр), Чилияби, Уфа, Кенил (Кинел), Оренбург, Оқтўбе (Актюбинск), Оқмасжид, Туркистон, Тошкент.

ТОШКЕНТ

Тошкент бундан роппа-роса 40 йил олдин мусулмон юрти эди, бугун Россиянинг бир вилояти ҳамда Туркистон, Фарғона ва Сирдарё вилоятларининг маъмурий марказидир.

Ташқаридан қараганда Тошкент яхлит шаҳардек кўринса-да, ичкаридан иккита давлат каби икки даҳага (маҳаллага) бўлинган, яъни битта шаҳар бўлса ҳам, икки хил шаклда – руслар маҳалласи ва мусулмонлар маҳалласи ўлароқ бошқарилади.

Руслар маҳалласида руслар яшайди. Мусулмонлар ҳам бор, лекин жуда оз. Уларнинг аксари маҳаллий аҳолидан бўлмай, Россиянинг ичкарисидан келган татарлардир (маҳаллий аҳоли татарларни нўғой деб атайдилар, зеро, бутун Туркистон аҳолиси Россия татарларини нўғой дейди).

Рус Тошкентида тартибли бинолар ва дўконлар, мукаммал кўчалар, тартибли йўл-калар қилинган, электр чироқлар ва ҳоказо... Худди Европанинг бир намунаси. Аммо мусулмон Тошкентида бунинг акси (ҳолат), бундан беш юз йил аввал қандай бўлса, ҳали ҳам шундай: баҳор ва кузда (бир) уйдан (бошқа) уйга юриб боришнинг иложи йўқ, шунча-



лик лой бўладика, таърифлашга тил ожиз, ҳатто баъзи кўчалардан ҳайвонлар ўтолмай қолади. Ҳолбуки, бу битта шаҳар – Тошкент. Бошқаруви ҳам, даромади ҳам битта, аҳолининг катта қисми мусулмон. Даромад ва солиқлар мусулмон хонадонлардан олинади, лекин харажатлар насронийлар кўчаларида қилинади.

Фақат Тошкентда эмас, бутун Туркистонда аҳвол шундай. Рус Самарқанди обод ва тоза, мусулмон Самарқанди эса ботқоқлик... Рус Қўқони обод ва тартибли, мусулмонлар Қўқонидан юриб ўтиш, ҳатто бирор ҳайвонга миниб ўтишнинг иложи йўқ... Рус Марғилони ҳам худди шундай (обод ва тартибли), мусулмонлар Марғилони ҳар доим мусулмонларга муносиб! Мана шундай... Қаерда бўлса ҳам, ҳукмрон куч русларда, мамлакатнинг бошқаруви ва тасарруфи уларнинг қўлида, уларнинг кўчаларидаги барча харажатлар умумий даромаддан қопланади. Мусулмонлар кўчаларида не бўлса ҳам, пул сарфланмайди: на йўлка бор, на фонар, ҳеч нарса йўқ.

Мусулмонларга бунчалик интизомнинг кераги ҳам йўқ-да! Фақат асосий масала бу эмас, зеро, тартибли йўлкалар бўлмаса-да, ақалли қўшничиқига қийналмасдан бориб келиниши учун бирор нима қилган бўлишарди. Лекин ташқаридан келадиган ажнабийларга: «Мана, кўриб қўйинглар мусулмонларнинг ношудлигини, ҳеч йўқ қўшниларида ўрнак олишмайди, ислом буларни мана шундай тарбиялайди», – деб бу ердаги камчиликларни исломга тўнкашдан тап тортишмайди. Инсондаги кўрлик ажойиб, шунча зулм ва марҳаматсизликка эътибор бермайди-да, камчиликларни нуқул исломга тўнкашга журъат қилади, ҳатто кўчаларда йўлка йўқлиги учун ҳам динни айблайди.

Ҳақиқатан ҳам, мусулмон Тошкенти эски бўлгани учун кўчалари тор, лекин бу тор кўчалар таъмирланмайди дегани эмас-ку. Аксинча, тор кўчаларда йўлка қуриш осонроқ, озгина маблағ билан таъмирлаш мумкин. Модомики шаҳар ҳокимлиги битта, даромад битта, йўлкалар ва кўчаларнинг ёритилиши ҳокимият-

нинг вазифаси ҳисобланади. Рус маҳалласини таъмирлаб, ёритиб қўйган ҳокимлик нима учун мусулмонлар маҳалласини ёритишга эътибор бермайди? Нима учун тозалигига қарамайди? Нима учун таъмирлаш ишларини олиб бормайди? Булар ўйлаб кўриладиган ҳолатлар эмасми?..

Ҳақиқатни яхшилаб тушуниб олиш учун мана бу рақамларни кўриб чиқайлик: Тошкент аҳолиси 200 000 бўлиб, шундан 18 000 нафар насроний, қолгани мусулмонлар. Тошкент шаҳар ҳокимлиги аъзоларининг умумий сони 72 нафар ва уларнинг 24 нафари мусулмон, қолгани эса насронийлар. Буларнинг ҳаммаси сайлов билан бўлади. Лекин ҳокимлик тўғрисидаги қонунда шундай дейилган: руслар ва мусулмонлар аралаш бўлган шаҳарларда мусулмонларнинг сони кўп бўлса ҳам, ҳокимликда мусулмон аъзолар сони 1/3 нисбатида бўлади, бундан кўп бўлиши мумкин эмас. Маълумки, ҳокимлик муносабатлари ҳам овозларнинг кўплигига қараб кўриб чиқилади. Шундай экан, инсонийлик қани? Тенглик қаерда? Буларнинг муносабати қаерда? Мана сизга XX аср маданияти!..

Тошкент шаҳри ва бутун Туркистонда яна бир ажойиб ҳолат борки, таажжуб ва ҳайратга лойиқ. Бу ерда Россиянинг ичкарасидан келган татарлар жуда кўп. Туркистоннинг барча вилоятларида татарлар бор ва Туркистон аҳолиси уларни нўғой деб аташини юқорида айтиб ўтдик. Шу нўғойлар учун ҳам тенглик йўқ. Нўғойларнинг аксарияти Туркистон истилосида ҳарбий хизматда бўлган, рус аскарлари билан Туркистонга келиб, дин биродарларига қарата ўқ узган, Туркистон босиб олинганидан кейин шу ерда қолиб кетган. Баъзилари бу ерда уйланиб, бола-чақали бўлган, баъзилари эса бутунлай ўрнашиб, ўз уйларига эга бўлган.

Энди бўлса охири кунларда рус ҳукумати томонидан Туркистон вилояти учун махсус қонун чиқарилди: «Нўғойлар бутун Туркистон ҳудудида кўчмас мулкка эгалик қила олмайди». Шу қонун сабабли Туркистондаги барча нўғойлар уйларини сотишга мажбур бўлди.



Нуқул сотишди. Агар ўз хоҳишлари билан сотмайдиган бўлса, ҳукумат кимошдида сотяпти. Бу эса нўғойларнинг Туркистон истилосида мўмин биродарларига қарши тўккан қонларининг мукофотидир!..

Мен Тошкент шаҳрида чамаси бир ой яшадим, бир қанча уламо ва аъёнлар (етакчилар) билан учрашиб, танишдим ва кўпгина дўстлар орттирдим. Уларнинг ёрдами билан олган маълумотларимнинг хулосасини шу ерда баҳам кўрмоқчиман.

Рус ҳукумати бутун Туркистон вилоятининг бошқаруви учун алоҳида қонун чиқариб, Туркистон бошқарувини Россияникидан буткул айириб, бўлиб қўйган. Туркистоннинг мусулмон халқи Россия фуқаролари эга бўлган ҳуқуқларга эга эмас, Туркистондаги барча қонун ва қоидалар маҳаллий аҳолининг феъли ва табиатига кўра ишлаб чиқилган. Аввал ҳам айтиб ўтганимдек, Тошкент ҳозирги кунда Россиянинг бир вилояти ҳисобланади. Лекин тошкентликлар Россия фуқароси ҳисобланмайди. Тошкентлик бир мусулмонга «фуқаро» дейишдан кўра «асир» дейиш тўғрироқ бўлади, зеро, тошкентлик киши фуқаро ўрнида кўрилмайди. Айниқса, Тошкентда яшовчи нўғойлар фуқаро эмас. Агар фуқаро бўлишганда эди, Тошкентни ўзлари учун ватан ёки макон қила олган бўлишарди.

Бу ерда шу нарсани ҳам айтиб ўтмоқчиман: Тошкент бир вилоят ҳисобланади, фақат бу ерда волий (губернатор)дан ташқари фавқулодда ҳарбий қўмондон ҳам бор, уни «генерал-губернатор» (бош волий) деб аташади. Бундай мансабда бўлган шахс фақатгина Тошкент эмас, бутун Туркистон вилояти учун мутлақ ҳоким бўлиб, зарур ҳолларда Туркистонга оид масалаларда қонунга бўйсунмаслик ҳуқуқига эга. Фақатгина Туркистон вилояти эмас, Бухоро амирлиги ҳам кўпгина масалаларда ушбу мансабда ўтирган шахснинг аралашуви ва назоратига учрайди. Шахсан Бухоро амирининг ўзи бирор ҳолат бўйича Петербургга мурожаат қилмоқчи бўлса, буни шу мансабда бўлган шахснинг розилиги ва ёрдами билан

амалга ошириши мумкин. Бу маҳаллий аҳоли назарида шунчалик буюк ва олий мансабки, уни эгаллаган муҳтарам зотни «ярим подшоҳ» деб аташади. Туркистоннинг ҳақиқий ҳаёти ва тақдири мана шу «ярим подшоҳ»нинг назорати ва ихтиёридадир. Тошкент мазкур мансабнинг маркази бўлгани боис катта мавқега эга бўлиши керак деб ўйланса-да, шу марказдаги мусулмон маҳаллаларининг ботқоқлик ҳолатида қолишини тушуниш маҳол. Шундай марказда, биз баён қилиб ўтганимиздек, (бир уйдан наригисига) бориб келишнинг иложи бўлмаган маҳаллаларнинг борлигига одамнинг ишонгиси келмайди. Шунақа ҳам шаҳар бўладими? 180 000 аҳолига эга маҳалла! Ишонч билан шуни айта оламанки, европалик сайёҳлардан бирортаси Туркистон вилоятида шундай шаҳарларнинг борлиги ҳақида ҳеч нарса ёзмаган. Ёзган бўлса ҳам, албатта, исломиятни қоралаб ўтган.

Тошкентда яшовчи мусулмон аҳоли ҳар томонга ёйилган бундай ачинарли ҳолат юзасидан бир неча марта ҳукуматга мурожаат қилган ва ҳануз мурожаат қилмоқда. Ҳатто Петербургга махсус вакиллар ҳам юборишган. Иккинчи Дума мажлисидаги тошкентлик депутатлар дума (парламент)да ҳам бу масалани кун тартибига киритди, лекин уларга эътибор қаратадиган ҳеч ким топилмади. Ҳатто баъзи Дума аъзолари тошкентлик депутатларнинг сўзларига ишонгиси келмади.

Тошкент бугунги кунда Туркистоннинг йирик тижорат маркази ҳисобланади. Европа марказларидан савдогарлар келиб, савдотик қилади. Мусулмонлар ичида ҳам сармоядорлар бор. Тижоратчиларнинг аксари маҳаллий яҳудийлардан (бўлиб) ва савдо ишлари уларнинг қўлида бўлишига қарамасдан, мусулмонлар орасида ҳам йирик ва ҳурматли тужжорлар учрайди. Охирги йилларда Туркистоннинг барча ҳудудларида «америкача» деган пахта тижорати жуда ҳам машҳур. Ҳозирда кўплаб пахта тозалаш корхоналари мавжуд. Мақтагулик томони, кўпгина ишлар мусулмонларнинг қўлида.



Фақат шуниси ачинарли ва ҳайратланарлики, шу кунгача Туркистон мусулмонлари учун мактаблар йўқ. Маҳаллий халқ орасида русча биладиганлар жуда ҳам оз. Миссионерлардан қўрққан мусулмонлар ўз фарзандларини рус мактабларига бермаган. Шу ҳолатда бутун Туркистон мусулмонлари жаҳолат дарёсида ғарқ бўлиб, уларнинг орасида ахлоқсизлик ва ичкиликбозлик шитоб билан ортиб бормоқда. Бундай аянчли ҳолатни кўрган инсон ўз-ўзидан: «Туркистон миллати ўлимга маҳкум бўлган миллатдир», – дегиси келади. Шундай бўлса-да, узун қоронғи кечаларда ора-сира чақнаган чақмоқ мисоли Туркистоннинг ҳар шаҳрида мусулмонларнинг ҳиммати билан очилган кичик бошланғич мактаблар, эски замонлардан қолган мадрасалар мавжуд бўлиб, озгина умид шуъласи шу масканларда порламоқда. Ҳаёт қайтадан уйғонадиган бўлса, албатта, шу масканларда уйғониши мумкин. Туркистон истило қилинганидан бери 45 йил ўтган бўлишига қарамай, рус олий мактабларини битирган бирорта ҳам мусулмон йўқ, яқин замонларда бўлишига умид ҳам йўқ.

Тошкент халқи меҳмондўст, олижаноб, мунис, истеъдодли ва закий бўлиб, ораларида (сонлари оз бўлса ҳам) ўқимаган бўлса-да, мукамал даражада русча ва немисча гаплаша оладиган кишилар учрайди. Афсуски, миллий таълим-тарбиянинг зарурат эканига ҳалигача эътибор қаратилмаган. Умид бағишлайдиган биргина жиҳат бор, у ҳам бўлса, Тошкент мусулмонлари савдо мақсадида хорижга чиқиб туришади, Москва, Петербург ва бошқа катта шаҳарларда савдо эшикларини очишган. Уларнинг фарзандлари, албатта, борган жойларида миллият фикри билан танишишади ва шу йўсинда келажакда ўзлари сезмаган ҳолатда ўзгаришларга қадам қўйишлари мумкин.

Тошкент халқи асл ўзбек ёки аралаш туркий халқлардан бўлиб, соф туркий ўзбек шевасида гаплашишади. Форсча гаплашадиганлар ҳам топилади. Форсча шеър ва адабиёт билан шуғулланадиганлар ҳам оз эмас.

Негалигини билмайман, бутун Туркистон ва Бухоро мусулмонларини сарт¹ деб аташ одатий ҳолатга айланган. Айниқса, татарлар ва руслар сарт сўзини кўп ишлатади. Лекин сартларнинг кўпчилиги бу номни қабул қила олмайди, ҳатто баъзилари умуман ёқтирмайди, ўзларини «шаҳарлик» деб атайди.

Тошкентда тарихий обидалардан бир қанча мадраса ва катта масжидлар сақланиб қолган. Ҳукумат томонидан очилган кичик кутубхона ва кичик музей бор. Айтишга арзигулик бошқа ҳеч нарса йўқ.

ҚАДИМИЙ БУХОРО

Бухоронинг қадимги шарафи ва ҳозирги кундаги бошқаруви.

Тошкентдан йўлга чиқиб, Бухорога етиб бордим. Бу қадим замонларда илмнинг бешиги ҳисобланган, «шариф» унвонига сазовор бўлган шаҳардир. Шунинг учун ҳам Бухорои шариф деб аташади.

Ҳақиқатан ҳам, Бухоро ўз вақтда мақташга арзигулик шаҳар бўлган. Агар ислом динидаги машҳур уламоларнинг тарихига назар ташланса, муҳаддисларнинг имоми Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, (Қози) Байзовий² сингари зоҳирий ва ботиний илмлар билан шуғулланган кўплаб улуғ зотларнинг исмларини учратиш мумкин. Бу шаҳар «Мовароуннаҳр уламиси» номини олиб, ўз вақтида ҳақли равишда «Бухорои шариф» унвонига эга бўлган ҳамда ислом салтанатининг қароргоҳи, диний олимларнинг бешиги ва шунга ўхшаш кўплаб олий сифатларга муносиб кўрилган.

¹ Турк ва мўғуллар томонидан баъзи қабилаларга берилган ном. Туркистонда мўғуллар босқини даврида турклардан бўлмаган қабилаларга нисбатан қўлланилган, Абулғози Баҳодирхон эса Хива ўзбекларидан бошқа барча халқлар учун ишлатган. Бухоро ва Қўқонда шаҳарлик ва деҳқон бўлмаган кўчманчи қирғизлар шу ном билан қақирилган. Қозоқлар ўтроқ аҳолини (тилларига қарамасдан) сарт деб атаган. Расмий манбаларда тожиклардан ташқари турклардан халқлар шу ном билан қайд этилган. «Радлоф лугати»да Ўрта Осиёнинг қишлоқ аҳолиси ва ўзбеклардан ташқари туркий тилда гаплашадиган шаҳар аҳолиси сарт деб аталган.

² Қози Байзовий (650/685-691) – калом олими ва муфассир. «Анвар ут-танзил ва Асрор ут-таъвил» номли машҳур тафсирининг муаллифи (э.ў.).



Ҳозирги кунда Бухоро қандай аҳволда ва шаҳарда нималар бор, келинг, унга бир назар ташлаб кўрамиз. Ҳозир ҳам Бухоро ўзига хос ислом амирлиги ҳисобланади. 2 000 000 га яқин аҳолига эга давлатдир, унчалик хабари бўлмаганлар уни мустақил давлат деб ўйлайди. Чиндан-да Бухоро мустақил бошқариладиган давлатга ўхшаб кетади: салтанат соҳиби Абдулаҳадхон ҳозирги ягона амир ҳисобланади. Ҳатто ўзидан ҳам сўрасангиз, амир эканини айтади, бироқ: «Юртнинг эгасиман», – дея олмайди. Аслида, Абдулаҳадхон рус герцоги, генералидир, Бухоро шаҳрига ҳатто киролмайди ҳам. Бухородан 20 – 30 км наридаги Кармана деган қишлоқда яшайди. Бухородаги салтанат саройи бўлмиш Арк неча йилдан бери бўш турибди. Бухорода амирнинг исми бор-у, жисми йўқ десам ҳақиқатга тўғри келади деб ўйлайман.

Ҳозир Бухорода ижроия ишлари қушбеги деб аталувчи мулозимнинг қўлида бўлиб, бошқарув «қавонийи самоийя», яъни «қонунлашган одатлар»га кўра олиб борилади. Шаръий ишлар эса фикҳ китобларига мос равишда амалга оширилиши шарт билан қозикалон зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, раис ва муҳтасиб номли маҳаллий бошқарувчига ўхшаш, юқоридагидек «қавонийи самоийя» – қонунлашган одатларга боғлиқ маъмур лавозими мавжуд бўлиб, таъзир, таҳдид, таъдиб шу муҳтарам зотнинг вазифасига киради. Ўзи қанчалик шариятга хилоф иш қилмасин, ҳеч қандай зиёни йўқ, лекин кимдир шариятга зид иш қиладиган бўлса, шу заҳоти ерга ётқизиб калтаклайди.

Бу калтаклаш ҳам шариятга мослаштирилмай қолмаган. (Калтаклайдиган кишининг) қўлининг тирсақдан юқори қисми ҳаракатланмайди, қўли фақатгина елкасигача кўтарилади. Аммо дарра деб аталадиган жазолаш қуролининг вазни Фаҳимнинг¹ Бурса шаҳридаги музейда сақланаётган тўрт килодан оғирроқ ҳассасига ўхшаб кетади.

¹ Фаҳим – Фаҳим пошшо. Абдулҳамид II нинг ёрдамчиси ва шахсий айғоқчиси (1873 – 1908). Баъзи чет эллик элчиларнинг шикоятни сабабли Бурсага жўнатилган.

Буларнинг барчаси адолат номидан амалга оширилади.

Хуллас, Бухоронинг бошқаруви шулардан иборат. Вилоятларда мазкур уч маъмурнинг вакиллари бор, улар ўз вилоятида деярли мустақил ҳисобланади. Бухоро ва унинг туманларида шаръий ҳукмларнинг бажарилишига руслар ҳеч қандай тўсиқ қўймаган. Ҳатто шаръий қасос ҳам жорий этилган.

ЗИРОАТ ВА ТИЖОРАТ

Бухоро тупроғи ғоят унумдор бўлиб, ҳосили ҳам шунга яраша. Ҳозир Бухорода ҳар турли экин бор. Чорва ҳайвонлари, айниқса, қўй жуда кўп боқилади, халқ учун маъқул ва мақбул бўлиб, баҳор ойларида кўзи териси савдоси ниҳоятда авж олади. Кўзи териси савдоси Европада ҳам анчагина машҳур. Қўзичоқ туғилгач, тахминан 10 ёки 15 кун кутиб, кейин уни сўйишади ва терисини олишади. Бундан узоқ кутишмайди, чунки терининг майинлиги ва жингалаклиги кетиб қолиши мумкин. Бундай терилар жуда ҳам қиммат бўлади, нархи 10 рублдан 25 рублгача (100 қуришдан 300 қуришгача) етади. Айниқса, аёллар учун қимматбаҳо зийнат ҳисобланади. Бундай териларни «қоракўл» дейишади, улар фақатгина Бухоро ва Афғонистонда тайёрланади, дунёнинг бошқа бирор бурчагида топилмайди. Европаликлар бир замонлар ўз мамлакатларида етиштиришга ҳаракат қилиб кўришди, лекин уддасидан чиқа олишмади. Онадўлидаги ангор эчкиси жунига ўхшаб уларга қоракўл инъом қилинган. Бир йили 5 000 000 рубллик қоракўл териси сотилади. Бухоро амирига қарашли қоракўл савдосининг ўзидан 1 000 000 рубль даромад келади. Охириги йилларда татарлар Америкага жуда катта миқдорда қоракўл жўнатиб, йирик савдо ишлари билан шуғулланишмоқда. Пахта иши ҳам ниҳоятда ривожланган. Шу икки тижоратнинг ўзида миллионлаб маблағ айланади.



УЛАМОЛАР, ТАЛАБАЛАР, МАДРАСАЛАР ВА ТАЪЛИМ

Бухорода қанча уламо борлиги маълум эмас, тахминан 200 мадраса ва 27 000 чоғли талаба мавжуд. Мадрасалар орасида қадимий ва ғоят катта бинолар бор. Мадраса бинолари тартибли, вақфлари ҳам жуда кўп. Бухоронинг энг кўп даромад келтирадиган соҳаси мадрасалар ҳисобланади. Мадраса хужраларида ўтирадиганлар талаба бўлса ҳам, хужраларнинг ҳақиқий эгалари сармоядорлар ва бойлардир.

Ҳатто қозикалон ва муфтийлар олий мадрасаларнинг энг яхши хужраларини ўзлаштириб олган, вақфлардан келадиган даромадни еб ётишибди. Бечора талабалар эса бўм-бўш хужраларда ётганига хурсанд (текинга қолишаётган бўлса, албатта). Баъзи мадрасалар хужраларга текинга талаба қўймайди, хужранинг вақфини еганлари етмагандек, талабадан ҳам бир миқдор ҳақ олишади, ҳеч бўлмаганда шу йўл билан талабани ўз дарсларини тўхтатмасдан давом эттиришга мажбур қилишади. Баъзи бечора талабалар шу хужраларнинг ҳурмати учун жоҳил мударрисларнинг ҳузурини умрларини зое қилишга мажбур.

Мадрасалар учун ҳақиқатан мақташга арзигулик вақфлар бор, бироқ улар бойлар учун мунтазам даромад манбаига айланиб қолган. Мадрасалар ҳар доим вақф шаклида бўлиб, вақф ва вақфиятлари боқийдир. Маккаи мукаррамада Ҳарам шариф атрофидаги мадрасаларга ўхшаб бутунлай холис мулк шаклида эмас.

Бухорода вақф ҳар доим вақф бўлиб қолаверади. Мадраса хужралари мол (мулк) сифатида сотилмайди, балки уларнинг даромади сотилади. Яъни (хужрани харид қилган) харидор хужранинг эгаси бўлмай, фақатгина хужранинг йиллик вақф даромадига эгалик қилади, вақфини олади.

Бухорода нега мадраса кўп? Бу нарса анчагача хаёлимга келмабди. Кейинроқ амин бўлдимки, Бухоро ва бутун Туркистонда бойларнинг асосий эҳсони мадраса қуриш экан.

Кимдир бой бўлиб кетса, ўз имкониятидан келиб чиқиб мадраса қуради. Ҳар ким пул топиб, фойда кўришни бошлаши билан бир бино барпо этишни хаёлидан ўтказар экан. Фақатгина бойлар эмас, касб-ҳунар эгалари ҳам шундай ва бу ҳозир ҳам давом этмоқда. Мадрасалар 15 – 20 ёки 40 – 50 хужрадан иборат, хужралар шаклида қурилади. Ҳатто 140 – 150 хужрали мадрасалар ҳам бор. Ҳукумат бундай мадрасаларни қуришга рухсат бериш учун аввало мадрасанинг боқийлиги ва унда таълим оладиган талабанинг тирикчилиги таъминланишини шарт қилиб қўйган. Шу сабабли кимда-ким мадраса қурадиган бўлса, хужраларга камида 1 фодла¹ келтирадиган даромадни вақф қилиши керак бўлган. Бу ҳолат бизнинг замони-мизгача ўзгармай етиб келган.

Бир гўрковнинг мадрасасини томоша қилдим, гўр қазишдан топган пулига 20 хонали мадраса қурдирибди. Бир оз кичкина бўлса-да, ғоят тартибли эди, мадраса эгаси билан учрашганимда менга шундай деди: «Шу кунгача кўп тер тўқдим, кўп инсонни кўмдим. Ўша инсонлар шу мадраса боис кўтарилишини умид қилдим».

Бухоро халқининг барида шундай тушунча мавжуд бўлса ҳам, уламо (олимлар) бундай ўйламайди. Таълим усули расво, бир китобнинг муқаддимасини беш йил ўргатишади, 20 – 30 йиллаб мадраса хужраларида ўтириб, умрларини восита ва лисон каби дарслар билан ўтказишади. Таҳсилнинг охирида икки оғиз арабча гапиролмаганлари етмагандек, арабчада ҳатто бир сатр нимадир ёзишдан ожиз бўлишади. Таълим усуллари жуда ҳам ачинарли аҳволда. Мадрасалардаги талабалар бундай умидсизлик ҳолатидан нолиб шундай фарёд қилишади: «Хужраларда зое бўлган ва бўлаётган умримизнинг ҳисобини рўзи маҳшарда (қиёмат кунинда) вақф эгалари ҳузурини қандай қилиб бера оласиз?...»

Бухоролик уламо ва талабалар орасида уйғониш буткул йўқ эмас, аввалгиларнинг

¹ Фодла (ёки фодула) – бурунги замонларда камбағалларга тарқатиш учун оддий ундан ёпилган нон. Мадрасалар талабалари, яничарлар ва сарой хизматкорларига берилган (Э.У.).



қилган ишлари ёш мударрисларнинг фикр тарозисида аллақачон тортилишни бошлаган. Катта эҳтимол билан буларнинг ортидан уйғониш ҳам содир бўлади. Баъзи мадрасаларда бугунданоқ бир ташаббус кераклигини эътироф этаётган кишилар пайдо бўла бошлагани рост. Фақат талабаларда кўп учрайдиган танбаллик, ланжлик каби ҳолатлар бирдангина йўқ бўлиб қолмайди. Уламолардан баъзилари билан учрашдим, собиқ қозикалон жаноблари билан ҳам бир неча маротаба суҳбатлашдим. У киши таълим усулининг ислоҳини лозим деб кўрмаётган бўлса-да, талабалар учун кераксиз баъзи таклифлар-юклар олиб ташланишига қарши эмас. Масалан, *ифтитоҳ* (очилиш) дейиладиган бир бало борки, ҳар йил дарс бошланишида талабани қийин аҳволга солиб қўяди. Очилиш дарси мударрисларнинг манфаатини кўзлаб ўйлаб топилган бўлиб, ҳар ўқув йили охирида келаси йил учун шундай дарс ўтилади.

Қоидаси шундай: талаба очилиш дарсига турли ширинликлар олиб келади (булар фақатгина кўзкўзлаш учун қилинадиган, бефойда харажатлар), кейин мударрис жанобларига сарпо кийдирилади ва пул йиғиб берилади.

Қисқача тушунтириладиган бўлса, бу нарса талаба учун тоқатидан ортиқ солиқдир, худди фарз амалдек риоя қилишади. Қозикалон бунинг кераксиз юклигини эътироф этган, бироқ бу одатдан буткул воз кечишни хоҳламаган эди, сарпони фойда деб ўйларди.

ТИЛАНЧИЛИК

Бухоронинг айтишга арзугилик яхши таърифларидан бири шаҳар ичида тиланчиларнинг йўқлигидир. Бухоро халқи асосан касбхунар ва тижорат аҳлидир. Қаерга боришмасин, пул топиш ва тижорат билан машғул бўлишади. Шаҳарда баъзан учраб турадиган ҳожи қиёфасидаги тиланчилар Чин Туркистонидан келган бўлиб, бухоролик тиланчилар йўқ.

ҚАДИМИЙ ОБИДАЛАР

Бухорода кўриш мумкин бўлган қадимий обидаларнинг кўпи масжид ва мадрасалардан иборат. Бу ерда Темур давридан қолган, инсонни ҳайратга соладиган тўплар ва эски қурол-аслаҳалар мавжуд. Булардан ташқари, Эски Арк ҳудудидаги эски китоблар хазинасида 800 – 1000 йил аввал ёзилган қўлёзма асарлар учрайди. Нафис китоблардан ташқари бир қанча рубъи мужаййаб¹ лавҳлари ҳам топилади.

ЛИСОН

Бухоро халқининг аксарияти тожик бўлиб, тиллари форсчадир. Кўпчилиги туркчада ҳам сўзлаша олади.

МУОШАРАТ

Бутун Шарқ халқларида бўлганидек, меҳмондўстлик ва керагидан ортиқ тавозе, тўғрироғи, бир-бирларига нисбатан хўжақўрсинга муомала қилиш буларда ҳам учраб туради. Айниса, ҳали соқоли чикмаган ёш болалар учун таъзим қилиш ибодат даражасига кўтарилган. Яна кўпгина нарсалар борки, улар ҳақида ёзиладиган бўлса, қалам уялиб қолади. Ахлоқсизлик, тарбиясизлик ва бир-бирини ўлдириш одатий ҳолга айланиб қолган.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ

Бухорода ҳарбий хизмат дейишга арзийдиган деярли ҳеч нарса йўқ десам адашмаган бўламан. «Сипоҳилар» деб аталадиган гуруҳ бор, аммо улар танбалхоналарда еб-ичишдан бошқа ишга ярамайди. Бу гуруҳда 8 яшар бо-

¹ Атрофи бўлимларга ажратилган, чорак ҳажмдаги доирадан ташкил топган руб доиранинг бир юзи деб аталган, улар синус ва косинус бўлимларидир. Кейинги юзаси эса рубъи муқантара (даражали бўлимлар) дейилган.



лани ҳам, 80 ёшли чолни ҳам кўриш мумкин. Зеро, қонунга биноан ҳарбий хизматга бир марта кирган киши ундан озод бўлмайди, бўлмайди. Бу гуруҳда кўрлар, чўлоқлар, букрилар ҳам оз эмас. Шу билан бирга, ўзларига муносиб амир ва зобитлари ҳам бор, тўғрироғи, Бухоро аскарлари тинчлик ва осойишталик йигитларидир.

Бухорода ҳарбий хизматга олиш умумий бир қоидага боғлиқ эмас. Кимдир жиноятга қўл урса, унинг жазоси ҳарбий хизмат бўлади. Бундан ҳам ғалатиси шуки, ҳеч қандай айби йўқ бир одамнинг эшиги ёнида икки безори жанжаллашса ва: «Биз шу одамнинг ўғли сабабли жанжаллашдик», – деса, ўша бечоранинг ўғлини ҳарбий хизматга олиб кетишади. Мазкур ёмон одат бир қанча гуноҳсизнинг бошига оғир кунлар тушишига сабаб бўлмоқда. Бухорода бундай иш билан тирикчилик ўтказадиган безорилар жуда кўп, яъни гуноҳсиз одамларни қўрқитиб пулларини олишади.

БУХОРОНИНГ ПУЛ БИРЛИГИ

Бухоронинг ўз тангаси бор: олтин, кумуш ва бошқа майда тангалар. Майда тангалар «пули сиёҳ» деб номланади ва тахминан 1 пул қийматига эга. Муомаладаги асосий пул мана шу «пули сиёҳ» ҳисобланади. Унда зарб қилинганини кўрсатадиган ҳеч қандай белги йўқ, шунчаки қуйма бронза парчасидир.

Мана шу пул нима бўлганда ҳам Бухоронинг истиқлоли, мустақиллигини ифодалайди. Руслар бу пулни йўқ қилиш учун анчагина уриниб кўрганди, лекин ҳечам уддасидан чиқа олишмади. Руслар Бухоро учун махсус қоғоз пул босмоқчи бўлган, лекин амирлик розилик бермаган, улар ҳам тихирлик қилиб ўтирмаган.

Шу сабабли Бухоро амирлиги ўзини мустақил деб ўйлайди. Лекин ҳақиқат шуки, Бухоронинг ичида рус маъмурлари йўқ, бухорликлар ўз ёғларида ўзлари қоврилиб ётибди. Рус маъмурлари ва аскарлари Бухородан 9 км наридаги Когон деган жойда яшайди. Агар

керак бўлиб қолса, рус маъмури келиб, истаган ишини қилади ва истаган нарчасига аралашади.

БУХОРОНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Бухоро ҳукуматидан на ҳозир, на келажакда бирор яхшилик умид қилиб бўлмайди. Бухороликлар учун ҳам, бошқа мусулмонлар учун ҳам диёнат ёки инсонийлик нуқтаи назардан бирор фойда келтириши даргумон.

Биргина амир унвонига эга ва русларга хизматкорлик қилаётган Абдулаҳадхоннинг измидаги, Бухоро халқининг фитрий қобилиятларини ўлдиришдан бошқа ишга ярамайдиган мустабид ҳукумат борки, очикчасига Бухоро халқини талаб, тўпланган пулларни Петербургга жўнатиш учун бир сабаб ва баҳона, холос. Бухоро амири шунчалик «олижаноб»ки, руслар қаерда бирор иш бошласа, ўша ерда ҳозир нозир. Болтиқ денгизда зирҳли ҳарбий кема бутунлай амирнинг пули билан ясалибди. Айтишларига қараганда, япон-рус урушида Бухоро амири русларга 5 000 000 рубль ёрдам жўнатибди.

Илм олаётган талабалар билан бир неча марта учрашиб гаплашдим, уларнинг фикрий қобилиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлдим. Бухоролик талабаларда қисман қобилият борлиги боис керак бўлса мақсадни ифодалаш мумкин. Бухородалигимда Россиянинг Когондаги маъмури Бухоронинг баъзи саройларини тафтиш қилишни бошлади. Ўша кунларда талабалар орасида зарарли варақалар нашр қилиниб, баъзи кўчаларда одамларни қўзғатиши мумкин бўлган мақолалар ёпиштирилган эмиш. Шунга ўхшаш хабарлар Бухородан тезгина чиқиб кетишимга сабаб бўлди.

САМАРҚАНД

1908 йил февраль ойининг бошларида Бухородан чиқиб, Кармана ва Каттақўрғон орқали Самарқандга бордим.



Ўрта Осиёнинг маркази ва (ўзларининг эътирофига кўра) ер юзининг сайқали бўлган бу қадимий шаҳар бир вақтлар Осиё қаҳрамонларининг пойтахти эди, бугун эса ислом обидаларининг харобаларидан бошқа нарса эмас. Самарқанд аҳолиси тахминан 70 000 атрофида бўлиб, бари ўзбеклардир. Самарқанд бир вақтлар Бухоро хонларининг ёзги қароргоҳи бўлган экан. Аввалги замонларда эронликлар шаҳарга кўчиб келган, шу сабабли Самарқанд халқи ҳам форсча, ҳам туркча сўзлашади. Ҳатто ўқиш ва ёзишни билмайдиган авом халқ ҳам икки тилда гаплаша олади. Зеро, Самарқанд халқи эронликлар ва ўзбекларнинг аралашувидан ташкил топган.

Самарқанд бир пайтлар илм-фаннинг дарвозаси бўлиб, катта-катта дорилфунунлар (университетлар), расадхоналар Самарқандга шараф ва зийнат бағишлаган эди. Бугун Тиллакори ва Шердор каби мадрасаларнинг харобалари, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг мақбараси Самарқанд чиндан-да бир вақтлар илм-фаннинг маркази бўлганига гувоҳлик бермоқда. Хароба ҳолатига келиб қолган мадрасалар, масжидларнинг ичи ва таши нафис кошинлар билан безатилган бўлиб, маҳобатидан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Хусусан, Тиллакори мадрасасида жуда баланд икки минора бор, агар бугун шундай минора қуриш керак бўлса, бунинг учун катта фидокорлик кўрсатишга тўғри келади. Лекин фан (илм ва техника) ҳамда меъморчилик жиҳатидан ҳайратланарли бундай санъат ва нафосатни қайта вужудга келтиришнинг иложи бўлмаса керак.

Ачинарли тарафи, XX аср маданияти туфайли ушбу қадимий обидалар бутунлай йўқ бўлмоқда, томоша қилиш учун тўхтовсиз келаётган европалик сайёҳлар санъат асарини бўлган биноларнинг ғиштларини кўчириб олмақда. Яна бир қизиқ томони, буларни «ёввойи» мусулмонлар барпо этган, «маданий» европаликлар эса бузган ва ҳалигача бузмоқда. Шу вақтгача бу обидаларни қадимий нодир асарлар сифатида муҳофаза қилиш учун зарра қадар эътибор қаратилмаган ва ҳалигача

шундай бўлиб қолмоқда. Устига-устак, (улар қонхўр ва маданият душмани деб гумон қилган) Темурнинг мақбараси ва катта кутубхонасини кўриб одам қон йиғлайди.

Темурнинг мақбараси ҳақида русларнинг машҳур ёзувчиларидан Чокмалдин шундай дейди: «Темур мақбарасидаги меъморчилик услуби янги меъморчилик услубларининг мезонларидан анчагина устун. Афсуски, бугун буларнинг ҳеч бирига басират ва инсоф кўзи билан қарамай, марҳумнинг фақатгина ёмонликлари ҳақида сўз юритишмоқда».

Бугун ҳам Самарқанддаги мусулмонлар орасида шу нафис санъат учун хизмат қилаётганлар учраб туради. Русларнинг зулм ва қаршиликларига қарамасдан, Аминжон исмли қадрли баланд зот мозаика услубида ғоятда гўзал, (лекин кичкина) 20 ҳужрадан иборат мадраса очибди. Ҳозир ички безаклари қилинган. Ташқаридан манзараси ғоят чиройли, латиф. Мадрасани қурдирган Аминжоннинг ўзи ўғли билан бирга ишлаяпти. Аминжон қотмадан келган, оқсоқланиб юрадиган одам, бой эмас, аммо ҳиммати баланд. Ота-боболаридан мерос мазкур санъатнинг бир намунасини ўзининг абадий ҳаёти учун ёдгорлик қилиб қолдиришга ғайрат қилмоқда.

Самарқандда исмлари муқаддас лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзилишга арзийдиган зоти киромлар ва асҳоби ҳиммат бугун ҳам бор, истибодга дучор бўлмасликлари учун исмларини зикр қилмаймиз, албатта, ислом тарихи бу зотларнинг исмларини муҳофаза қилгуси. Самарқандда асҳоби ҳиммат очган бошланғич ва ўрта мактаблар бутун Туркистон учун намуна бўла олади. Мактаб асосчиси Абдулқодир ва мактаб ҳомийси муфтий Маҳмудхўжа жаноблари ўзбек қаҳрамонларидир.

Самарқанддаги турли мақбаралар, зиёратгоҳларнинг барчаси қадимий ислом обидаларидан бўлиб, меъморчилик намуналари ҳисобланади, ҳозирги меъморлар уларга қараб ҳайратга тушмоқда. Ҳатто шу кунларда Петербургда қурилиши бошланган масжиднинг режаси учун муҳандисларга 10 000 рубль (1200



лира) мукофот тайинланибди, бир қанча европалик меъмор ва муҳандислар тайёрлаган режалар орасидан Самарқанд меъморчилик услубига ўхшаш режа қабул қилинибди.

Петербургу масжидини Самарқанддаги Те-мур мақбарасига ўхшаш қилиб қуриш кўзда тутилган. Биргина фарқи шуки, мақбаранинг минораси битта, масжидда эса иккита бўлади. Мақбаранинг ички ва ташқи томони кошнлар билан қопланган, Петербург масжидининг ташқариси оҳак, ички қисми эса ёғли бўёқ билан бўялади. Масжид қурилиши ҳали тугагани йўқ.

Ҳозирча Самарқандда шу тарихий бинолардан бошқа кўришга арзирли ҳеч нарса йўқ. Тарихий асарларнинг барчаси рус истилосида Петербургга олиб кетилган. Петербургдаги император кутубхонасида мавжуд қадимий исломий асарлар ва ободончилик бўйича нафис асарларнинг бари Самарқанддан келтирилган. Ҳатто Петербург кутубхонасидаги Усмон мусҳафи ҳам Самарқанддан олиб келинган. Бу мусҳафдан ташқари Петербург кутубхонасида қанча нафис китоб бўлса, ҳаммаси Самарқандники.

УСМОН МУСҲАФИ

Петербургудаги император кутубхонасида қадимий мусҳаф мавжуд бўлиб, кўплаб хорижлик сайёҳлар уни кўргани келмоқда. Мазкур мусҳафи шариф ҳазрат Усмонга тегишлидир.

Мусҳафи шариф русларнинг истилосидан аввал Самарқанддаги Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор масжидида сақланган. У ерда мазкур Қуръони каримни қўйишга мўлжалланган мармар лавҳ ҳозир ҳам бор, бироқ мусҳафнинг ўзи Петербург кутубхонасида. Руслар Самарқандни босиб олганида, милодий 1869 йил 24 сентябрда машҳур генерал Кауфман уни Петербург кутубхонасига юборган. Аслида, мусҳафи шарифни генерал-лейтенант Абрамов Аҳрор масжиди уламоларидан Абдулжалил ва муфтий Мулла Муиннинг фатвосига биноан 100 рубллик ҳадя эвазига олиб, Кауфманга тақдим қилади.

Муфтий Мулла Муин ва Мулла Абдулжалилнинг айтишича, мусҳафи шариф бундан 400 йилча аввал Хожа Аҳрорнинг ҳиммати билан Истанбулдан Самарқандга келтирилган эмиш. Мусҳафда ҳазрат Усмоннинг қон излари шу кунгача сақланиб қолган. Ривоятга кўра, ҳазрат Усмон шаҳид қилинган пайт шу мусҳафни ўқийётган бўлган, ўлдирилганда қони мусҳафга оққан.

Машҳур рус тарихчиси Шибонин бу мусҳаф ҳақида алоҳида асар ёзган бўлиб, унинг бунчалик қадимий эканига раддия билдирган.

Қолаверса, ҳазрат Усмон мўминларнинг онаси ҳазрат Ҳафсадаги мусҳафи шарифдан нусха кўчиришни буюрганида «Қоғознинг таъминоти каффатайни мустариҳатайн бўлсин» деган. Петербургдаги мусҳафи шарифнинг қоғози эса камида тўрт каффаи мустариҳадир. Мусҳафда қон изига ўхшаш нимадир бор, бироқ қон экани аниқ эмас. Қисқаси, мазкур Қуръон Усмон мусҳафи эмас дейилса ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Бу Қуръон шу кунга қадар император кутубхонасида сақланмоқда, баъзи саҳифалари етишмайди. Сибраков исмли киши бу Қуръонни тошбосма усулида 200 нусха чоп эттириб, донасини 200 рублдан сотган эди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Самарқанддан Фарғона вилоятига қараб йўлга тушдим. Қўқон, Наманган, Марғилон ва Андижонни кезиб чиқдим.

Уларнинг бари (аввал ҳам айтиб ўтганимдек) икки маҳалладан иборат: руслар ва мусулмонлар маҳаллалари. Қўқоннинг аҳолиси 95 000 бўлиб, шундан 3000 нафари руслардир. Руслар маҳалласи ғоятда тартибли, мусулмонлар маҳалласида эса юриб бўлмайди. Бутун Туркистон бўйича илм-маърифат бобида Қўқон иккинчи ўринда туради, биринчи ўринда Бухоро. Бу ерда хонлар замонидан қолган катта мадрасалар бор. Шунингдек, гўзал ислом обидаси намунаси бўлган Худоёрхон ўрдаси номли сарой ҳам мавжуд, ҳозир ҳарбий казар-



мага айлантирилган. Бундан 35 йил аввал мусулмон подшоҳнинг саройи эди, айна пайтда русларнинг ҳарбий казармаси.

Қирқ-эллик йил муқаддам аввал ичкарис ва ташқариси оятлар билан безатилган сарой бугун ўзи тушиб қолган аянчли аҳволдан норози бўлиб фарёд қилмоқда: «Шарманда бўлдим, фисқу фужур жойи бўлиб қолдим! Қирқ йил аввал ичимда Қуръон тиловат қилинарди, энди эса турли фитналар содир бўлмоқда, уятсиз сўзлар янграмоқда! Ёмон сўзлар айтadиган, ота-онадан сўкадиган маст-аластларга, ахлоқсизларга макон бўлиб қолдим!..»

Бундай разолат Қўқон халқининг кўз ўнгида содир бўлмоқда. Қўқонликлар бу ҳолат учун қон йиғласа оз, лекин инсон асирликка жуда тез кўникар экан.

Қўқонда олим ва фозиллар бор, адиблар, шоирлар кўп. Фақат ҳамият йўқ, ғайрат, ҳиммат, қавмият, миллият йўқ. Шу сабабли мусулмон ҳукмдорнинг саройи ҳумоюни русларга гарнизон бўлиб қолган.

Марғилон, Наманган, Ўш, Чуст ва бошқа бутун Фарғона шаҳарларининг халқи ўзбеклардир. Ғоят оддий ва қобилиятли халқ бўлишларига қарамай, жаҳолат сабабли асирликка маҳкум бўлишган.

Фарғонадан яна Сирдарё вилоятига, Тошкентга қайтдим. Бу ерда 15 кун бўлдим. Кейин Чимкент, Авлиёота, Пишпак, Тўқмоқ орқали уловда 1000 км йўлни босиб ўтиб, Еттисув вилоятидаги Олмаота шаҳрига етиб келдим. Ватаним Тара шаҳридан бу ерга қадар босиб ўтган йўлим жами 5900 км га яқин бўлиб, шундан 1300 км масофа улов билан босиб ўтиш мумкин йўллар, қолгани темирйўллардир. Бу ерларда яшайдиган халқларнинг катта қисми мусулмон. Айниқса, Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари халқларининг барчаси мусулмон десак адашмаган бўламиз, лекин охириги йилларда бу ерларга русларни жойлаштириш ишлари бошланиб кетган. Охириги йилларда Россиянинг ички ҳудудларидан кўп киши Туркистонга кўчиб келмоқда.

Россия бу борада анчадан бери бир услубни қўллаб келмоқда: бир мамлакатни ўз ҳудуди-га қўшиб олмоқчи бўлса, дастлаб ўша жойни руслар билан ассимиляция қилишга (руслаштиришга) уринади.

Шу мақсадда ҳукумат русларни Туркистоннинг Еттисув вилоятига жойлаштириш учун миллионлаб маблағ сарф қилмоқда. Фақат ассимиляциянинг бўлиш-бўлмаслиги қийин масала. Россиянинг ички ҳудудларида – Уфа, Қозон, Нижний ва бошқа бир қатор вилоятларида татарлар асрлар давомида руслар билан аралашган ҳолатда яшаяпти. Кўпгина вилоятларда руслар сони кўп бўлишига қарамай, руслашиш у ёқда турсин, татарларнинг миллиятчилиги тобора ўсиб бормоқда. Руслар «татар» сўзидан ҳақорат маъносида фойдаланган, баъзан жоҳил татарларни «татар» сўзини мажусий маъносида ишлатишга мажбурлаган. Бечора татарлар бундай чалкашликдан халос бўлиш, яъни мажусийликни эсламаслик мақсадида «татар» ўрнига «мусулмон» сўзини ишлатишарди. Ҳозиргача «татар тили» эмас, «мусулмон тили» дейишади. Руслаштириш (ассимиляция) бугунгача амалга ошмади дейишимиз мумкин. Шундай экан, Туркистонда ҳам ассимиляциянинг амалга ошиш эҳтимоли узоқ, зеро, насронийлик ассимиляцияга қарши. Тарихни яхши биладиганлар буни инкор қилолмайди. Россияда татарлар ёки бухороликлар у ёқда турсин, руслар билан тили, насл-насаби бир бўлган маларус, беларус, истлар ҳам руслашмади ва руслашмайди ҳам. Арабистонда яҳудийлар, Сурияда дурзийлар ва исроилийлар, Мисрда қибтийлар, Африкада ҳабаш ва барбарларнинг араблашувига ислом дини катта таъсир кўрсатган. Бу жараён шундай амалга ошганки, улар ўз тилларини унутибгина қолмасдан, миллатини ҳам унутган. Бугун уларнинг кўпчилиги ўзини араб деб ҳисоблайди. Гувоҳи бўлганингиздек, зулм ва босқинчилик каби ёмон фикрлардан узоқ бўлиб, адолат қилганларга чиройли натижалар насиб этади.



«ЧИРЧИҚҚУРИЛИШ» ҚАТАҒОНИ

Р.Шамсутдинов, К.Балтабаева, Х.Тўйчибоев, А.Маҳкамов, Ж.Иминов

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бутун мамлакатни электрлаштириш мақсад қилинганди. Чунки электрлаштириш нафақат совет кишилари уйларини ёритиш учун, балки ишчилар ишлаётган, янги қурилаётган завод ва фабрикаларни электр қуввати билан таъминлаш учун зарур эди. Шу вазифадан келиб чиқиб ГОЭЛРО давлат комиссияси 1923 йили академик И.Г.Александровга Чирчиқ дарёсининг юқори оқимида илмий экспедиция ташкил қилиш вазифасини топширган, Чирчиқ дарёси гидроресурсларини тадқиқ этиш натижасида 1926 йили Чирчиқ дарёси улкан ресурсларга эгаллиги ва унинг асосида гидроэлектростанция қуриш мумкинлиги аниқланган.

1891 йили Туркистонда туғилган, бутун меҳнат ва илмий фаолияти Ўрта Осиё билан боғлиқ бўлган, Чирчиқ дарёсидан минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ғоясини биринчилардан бўлиб илгари сурган олим, муҳандис **Константин Алексеевич Дреннов** эди. 1926 йилдаёқ унинг «Ўзбекистон ва Тожикистонни электрлаштириш режаси» китоб ҳолида нашр этилган. У Ўрта Осиёни электрлаштириш бўйича йирик асар эди. К.А.Дренновнинг навбатдаги «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун азот саноати тараққиётининг муаммолари» номли китоби ўша давр ирригацияси тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1932 йилнинг баҳорида Чирчиқ қурилиш давлат бошқармаси ташкил этилди.

1932 йил 28 апрелда СССР Меҳнат ва Мудофаа кенгашининг Чирчиқ гидростанциясини

қуриш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унда Меҳнат ва Мудофаа кенгашининг 1931 йил 9 декабрдаги Чирчиққурилиш бўйича қабул қилинган қарорини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди (1931 йилда *Энергетика маркази СССР Халқ хўжалиги Олий Кенгаши қошидаги Бош электр бирлашмаси Марказий электротехника кенгаши томонидан ишлаб чиқилган Чирчиқ ГЭСи лойиҳасини тасдиқлади, у йилига 60 минг тонна азот ўғитлари ишлаб чиқарилишини таъминлаши кўзда тутилганди (Қаранг: ГАРФ – Россия Федерацияси давлат архиви, 5446-фонд, 12-рўйхат, 552-ш, 3-варақ).*

Унда масаланинг туб моҳияти қуйидагича кўрсатиб берилган: **Биринчидан**, Оғир саноат халқ комиссарлиги томонидан 280 000 киловатт-соат қувватга эга бўлган икки босқичли гидростанцияни ва йилига 80 минг тонна аммиак ишлаб чиқарадиган ҳамда уни селитрага айлантирадиган азот заводини қуриш режаси тасдиқланди (1931 йил 9 декабрда Меҳнат ва Мудофаа кенгаши яқин 3 йилга азот саноати режаси ишлаб чиқилгани муносабати билан Чирчиқ энергокимё комбинати қурилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, электролиз асосида ишлайдиган Чирчиқ азот заводини барпо этишни зарур деб топди (*Музей истории города Чирчика, ГАРФ, 5674-фонд, 1-рўйхат, 47-ш, 296-варақ).* **Иккинчидан**, Чирчиқ электрокимё комбинати қурилишининг календар-режаси тасдиқланди. 1932 йил II кварталдан



иш бошланиши ва 1935 йил IV кварталда бутун комбинат қурилиши тугалланиши кўрсатилди. **Учинчидан**, Бирлашган Чирчиқ комбинати қурилишини таъминлаш учун Магнитогорск ва Кузнецк типида Оғир саноат халқ комиссарлигига бўйсунувчи Чирчиққурилиш давлат бошқармаси ташкил этишга қарор қилинди. **Тўртинчидан**, Оғир саноат халқ комиссарлиги томонидан 1932 йил 1 июнгача Чирчиққурилишга зарур қурилиш материаллари ва жиҳозлар фонди ажратиладиган бўлди, бунда биринчи навбатда қурилишни электроэнергия билан таъминлаш ва Қадрия – Ғазалкент вақтинчалик электрузатиш тармоғини барпо этиш; ёрдамчи корхоналар ва устахоналарни қуриш ҳамда жиҳозлаш, уй-жойлар қуриш, шунингдек, қурилишни транспорт воситалари билан таъминлаш чоралари белгиланди. **Бешинчидан**, 1932 йил 1 октябрдан бу вазифаларни бажариш ҳамда Меҳнат ва Мудофаа кенгашига Чирчиққурилишдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ҳисобот бериб бориш Оғир саноат халқ комиссарлиги зиммасига юклатилди (*Музей истории города Чирчика, ГАРФ, 5674-фонд, 1-руйхат, 49-иш, 193-варақ*).

1932 йил 8 – 11 июнь кунлари ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси пленуми бўлиб ўтган, унда Чирчиқ электр станциялари қурилиши тўғрисидаги масала алоҳида кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган. Иттифоқ ҳукуматининг Чирчиққурилиш ва СССРда энг йирик электрокимё заводи қурилиши шу йилдан бошланиши кераклиги тўғрисидаги қарори пленум иштирокчилари томонидан қизгин маъқулланган. Ўрта Осиё республикаларидаги барча партия ташкилотларига пахта ҳосилдорлигини оширишда, колхозчилар ва меҳнаткашлар иш унумдорлигини юксалтиришда Чирчиқ электрокимё заводи қурилишининг аҳамияти ниҳоятда катталигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиш ва зифаси белгиланган.

Бу қурилиш Ўрта Осиё республикалари индустриал тараққиётини таъминлайдиган асосий омил – оғир индустриянинг барпо этилиши билан боғлиқ эди. Чирчиққурилиш билан биргаликда Ўрта Осиё республикаларида йирик гидроэлектроқурилиш ва электрлаштириш ҳамда кимёлаштириш учун кўп сонли миллий кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилди.



Чирчиққурилиш бошқармаси, 1930-йиллар ўрталари



Бу вазифалардан келиб чиқиб ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси, ВКП (б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан қуйидаги тадбирлар белгиланди:

а) электролит усулида водород олишга асосланган азот заводини лойиҳалаштириш ва қуришга юқори малакали техник кучларни жалб этиш;

б) Оғир саноат халқ комиссарлиги зиммасига Чирчиққурилишни яқунлаш учун зарур бўлган миқдорда қурилиш механизмларини ажратиш вазифасини юклаш;

в) Чирчиққурилишни ўта зарбдор қурилишлар қаторига киритиш;

г) ҳозирги вақтда Чирчиққурилишнинг асосий қурилиш материаллари (ёғоч, темир, транспорт воситалари) билан таъминланиши мутлақо қониқарсизлигини эътиборга олиб унинг қурилиш материаллари ва транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, хусусан, комбинат эҳтиёжи учун 1932 йилда асосий темирўл ва унинг қўшилувчи қисмла-

ри учун юз километрлик темирўл материали билан ноябргача, яъни кузги лойгарчиликка қадар таъминлаш вазифаларини Оғир саноат халқ комиссарлигига топшириш.

Пленум Чирчиққурилиш бошқармасининг 1932 йил учун иш режасини маъқуллади. Режа бўйича бутун қурилишни 1935 йилда яқунлаш, 1932 йилда комбинат иншоотларини, йўллар қурилиши, ёрдамчи корхоналар қурилишини лойиҳалаштириш ишларини тугаллаш, қурилиш ишларини механизациялаштириш учун зарур бўлган жиҳозларни олиш ва жойлаштириш тадбирлари белгиланди. Чирчиққурилиш ходимлари СССРдаги йирик қурилишлар – Днепрострой, Магнитострой ва бошқа комбинатлар қурилиши тажрибасидан ҳар томонлама фойдаланиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди (Изоҳ: И.Г.Александров лойиҳаси бўйича Чирчиққурилишнинг биринчи навбати 43 минг киловатт қувватли Комсомольск ГЭСининг иккита турбинаси ўрнатилишини ўз ичига олиши керак эди. Қурилиш 1932 йилда бошланди: тураржой учун бараклар, гишт заводи,



Чирчиққурилишдаги ишчи аёллардан бир гуруҳи



шоссе йўллари ва бошқалар қуриб битказилди («Узбекистанская правда» газетаси, Тошкент шаҳри, 79-сон, 1933 йил 5 апрель). Комсомольск ГЭСида бетон ётқизиш ишлари 1937 йил 30 сентябрда бошланди, 1940 йил 30 сентябрда 21,5 минг киловатт қувватли станциянинг биринчи турбинаси илк бор саноат токини бера бошлади («Правда Востока», Тошкент шаҳри, 229-сон, 1940 йил 2 октябрь). 1940 йил 5 ноябрда саноат эксплуатацияси учун иккинчи турбина ишга туширилди («Правда Востока», Тошкент шаҳри, 259-сон, 1940 йил 6 ноябрь). Товоқсой ГЭСига илк бетон 1939 июлда қуйилди («Правда Востока», Тошкент шаҳри, 152-сон, 1940 йил 4 июль).

Ўша йилнинг майида махсус комиссия томонидан бу қурилишнинг асосий объектлари аниқланди. Паргос ва Қирғизқулоқ қишлоқларида гидроэлектростанция қурилиши бошланди. ГЭС гидротурбиналарини қуриш орқали Чирчиқ водийсидаги эски суғориш каналларини тиклаш, Ниёзбек қишлоғининг жануби-ғарбида, Бўзсув канали ўнг қирғоғида азот-ўғит комбинати қуриладиган бўлди. Улардан бири – Комсомольск ГЭСи 88 мегаватт қувватга эга бўлиб, ўша вақтда бутун Ўзбекистон электростанцияларидаги қувватга нисбатан 3,1 маротаба ортиқ эди. Товоқсой ГЭСининг лойиҳавий қуввати 73,6 мегаваттни ташкил этган. Чирчиқда амалга оширилган бетон ишларининг кўлами Днепрострой, Беломорстрой ва Кузнецкстройга нисбатан катталиги билан ажралиб турган.

1932 йил майида махсус комиссия томонидан қурилишнинг бош объектлари ва уларнинг жойлашуви аниқланган. Ёмонжар жарлиги яқинида, Бараш ҳамда Ғазалкент қишлоқларида тўғон ва сув олиш қурилмасидан иборат бош иншоот қурилиши белгиланган. Паргос, Қирғизқулоқ қишлоқларида гидроэлектростанция, шу жойдан Чирчиқ водийси бўйлаб канал қурилиши режалаштирилган.

Тўғон қурилишига Днепрострой қаҳрамони бўлган аёл – Шуламис Зильберштейн раҳбарлик қилган. Кейинчалик бу объектни А.С.Вавилов бошқарган. 1934 йил июнида Чирчиқ

қурилиши иттифоқ аҳамиятига эга бўлган Чирчиққурилиш бошқармаси мақомини олган. 1935 йил 6 мартда, бошқа манбаларга кўра, 14 майда Ғазалкентда муҳим аҳамиятга молик дастлабки воқеа юз берган. Жўшқин Чирчиқ дарёсининг эски ўзани тўсилиб, унинг суви янги қурилган айланма каналга оқа бошлаган.

Гидроэнергетика иншоотлари қурилиши бўйича катта мутахассис, кейинчалик фан доктори, профессор Иннокентий Иванович Кандалов Ғарбий Европа ва АҚШдаги донгдор гидроиншоотлар лойиҳалари ва қурилиши тажрибаси билан танишиб чиққан, 1935 йил июлида 120 кунлик хизмат сафаридан Чирчиққурилишга қайтиб келган. Ана шу сафарда у кўрган ва



Шуламис Ароновна
Зильберштейн
(1903 – 1967)



Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети раиси
Йўлдош Охунбобоев Чирчиққурилишда



билган билимлар, ечимларнинг энг саралари Чирчиққурилиш иншоотига жорий этилган.

Маълум салбий омилларга қарамай, Чирчиққурилиш ўз олдидаги вазифани шараф билан бажарди. 1936 йил 28 декабрда Чирчиқ иссиқлик электростанцияси дастлабки электр токини бера бошлаган. 1937 йили шағал заводи ишга тушган. Товоқсой ГЭСи котлованидан тупроқ қазиб чиқариш ва Комсомольск ГЭСи

биноси қурилиши бошланган. Товоқсой ГЭСи қурилаётган жойда Товоқсой янги ишчилар посёлкаси бунёд этилган. Кўчалар, уйлар, водопровод, ошхона, мактаб, клублар қад кўтарган. Бу посёлка эски Паргос қишлоғини ҳам ўз таркибига олган. Гидротехник объектлар билан бир қаторда катта кўламдаги завод қурилиши ҳам бошланиб кетган. Чирчиққурилиш йил давомидаги фаолияти натижасида СССРда электр станциялар ва электр саноати қурилиши тизимида олдинги ўринлардан бирини эгаллашга муваффақ бўлган.

Ўз даври учун ноёб ҳисобланган бош тўғон иншоотининг узунлиги 200 метр, ер сатҳидан баландлиги 12 метр бўлган. Чирчиқнинг икки қирғоғини бирлаштирувчи кўприк қурилиши режалаштирилган. Йигирма йил ўтгач шу кўприкда темирйўл қурилиб, Чорвоқ ГЭСи қуриладиган жойгача етказилган.

Чирчиқда белгиланган иш режаларини амалга ошириш ўша йилларда улкан вазифа эди. Қурилиш бажарилган тупроқ ва бетон ишлари ҳажми бўйича Днепрострой, Беломорстрой, Кузнецстройдан устун бўлган. Қурилиш



Дав Петрович Розит (ўртада)



бораётган район қурилиш материаллари, механизмлар ва малакали ишчи кучи билан таъминлаш марказларидан олисда жойлашган. Чирчиқ электрокимё комбинати, мамлакатдаги барча азот заводларидан фарқли ўлароқ, сув электролизи усулида водород олиш асосида азот ўғитлари ишлаб чиқариши керак эди.

Чирчиққурилиш бошқармасининг бошлиғи Дав Петрович Розит эди. Латиш миллати фарзанди, 1916 йилдаёқ инқилобий тарғиботи учун қамоққа олинган, 1917 – 1938 йилларда Вилькен волости совети раиси, Москва ва Омск озиқ-овқат комитети агенти вазифаларида ишлаган, фуқаролар уруши даврида Сибирдаги партизанлар отряди сафида жанг олиб борган. Перм губернияси ер бўлими муdiri, Уралск халқ комиссарлари совети деҳқончилик комиссарининг ўринбосари, РКП (б) Марказий Комитети ҳузуридаги латиш секцияси инструктори, Смилтен уезди партия комитети котиби, 15-армия махсус полкининг комиссари сифатида фаолият кўрсатган. 1921 йилги Кронштадт исёнини бостиришда қат-

нашган. Я.М.Свердлов номидаги Коммунистик университетни, Қизил профессорлар институтини битирган. Москва давлат университетининг 1-ишчи факультети мудир, Бухарин тарафдорларидан бири, Троцкийга қарши курашган, ВКП (б) Марказий назорат комиссияси аъзоси, РСФСР Деҳқончилик халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси бўлган. Бухаринни ҳар томонлама ёқлаб чиққан, бунинг учун Сталиндан қаттиқ дакки эшитган, 1929 йилдан Ўрта Осиё Давлат план комиссияси раиси, Қозоғистон Ер ишлари халқ комиссарлиги режа-иқтисод бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлаган. 1932 йилдан Чирчиққурилиш давлат қурилиш бошқармаси бошлиғи вазифасида хизмат қилган. Чирчиққурилиш ўз замонида Ўрта Осиё Днепростройи деган ном олган.


Қурилиш бўйича электростанциянинг бош муҳандиси С.П.Вершинин, Чирчиққурилишнинг бош муҳандиси К.А.Дреннов бўлган. К.А.Дреннов кейинчалик кимё бўлими бўйича бош муҳандис ўринбосари сифатида намунали фаолият кўрсатган.



Чирчиққурилишда ишлаганлардан бир гуруҳи (1933 – 1936 йиллар)



Чирчиққурилиш ишчиларидан бир гуруҳи



Чирчиқ станциясига биринчи поезднинг келиши



Чирчиққурилиш қурувчилари даставвал 45 километрлик шоссе йўлини, 50 километрлик темирйўлни, 8000 ишчи учун тураржойларни, ёғочга ишлов бериш, ғишт ва қамиш заводларини, авторемонт устaxonаларини, омборларни барпо этишган. Бу гигант қурилишда ишлаш учун бутун мамлакат бўйлаб қурувчилар сафарбар этилган. Ўзбекистондаги бундай улкан қурилишга ташриф буюрган чех ёзувчиси Юлиус Фучик бутун дунёга овоза бўлган «Днепрострой» каби Чирчиққурилиш ҳам тез орада машҳур бўлишини ёзган. XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистондаги бу зарбдор қурилишда юқоридан тайинланган партия, совет ва техник раҳбарият, коммунистлар ва комсомоллар, турли мутахассис ва малакали эркин ёлланган ходимлар, турли ҳолатлар бўйича кўнгилилмажбурий сафарбар қилинган одамлар, ўз ихтиёрсиз қурилиш районларига олиб келинган махсус кўчкиндилар, улар сафида 1937 йили Узоқ Шарқдан кўчириб келтирилган корейслар, турли жойлардан келтирилган маҳбуслар ва бошқа контингентдаги ишчилар бўлган.

Чирчиққурилишда илк бор тупроқни жойдан кўчиришда гидротранспортдан, канал ёнбағирларини бетонлашда металл қолиплардан, тўғонларни зичлаш учун тирноқли ғалтак-молалардан, сув ўтказгичларни бетонлаш учун кўчма исканадан, бетон тайёрлашда цементни тежаш учун майдаланган қўшимчалардан, бир хил турдаги уйларни қуришда тезкор-поток усулидан, маҳаллий қурилиш материаллари ва бошқалардан фойдаланилган.

1932 йилнинг ўзидаёқ 1-ГЭС (Комсомольск ГЭСи) учун чуқур қазиш ишлари бошланган. 4,4 миллион куб метр тупроқни олиб ташлаш ва 0,2 миллион куб метр бетон ва темир-бетон ётқизиш керак эди.

15 сентябрь куни Тошкентдан «Чирчиққурилиш» бекати (ҳозирги Чирчиқ бекати)га Яланғоч ғишт заводидан ёғоч ва ғишт ортилган биринчи поезд етиб келган.

Поездни кутиб олишга Чирчиққурилишдан кўплаб одамлар келишган, вокзал биноси ва станция байрамона тус олган. Тошкентга олиб борадиган темирйўлга шпал ва рельслар ётқи-

зиш ишлари темирйўл батальони аскарлари томонидан амалга оширилган.

Йўлсозлар ҳали ҳам Зах канали бошидан Чирчиқ дарёсига сув ўтказгич орқали кўприк қуришлари ҳамда темирйўлни Барраз қишлоғига етказишлари керак эди. 1935 йил 7 ноябрда тўғон ва унинг бош тузилмаси қурилиши бошланди ҳамда 1936 йил бошида тажрибали гидротехник Ф.Г.Логоинов бошчилигидаги Чирчиққурилиш инженерларининг катта гуруҳи бу ерга юборилди.

1936 йил 31 августда қуриб битказилган экспериментал электрокимё заводида жорий этилиши керак бўлган технологияларни ишлаб чиқишга киришилган.

1936 йил 17 ноябрда Ўзбекистон ССР раҳбарияти иштирокида ўтказилган тантанали митингда бўлажак Комсомольск ГЭСи котлованига қуйиладиган бетоннинг дастлабки кубометри ётқизилган. Д.П.Розит электростанциянинг биринчи агрегати октябрь инқилобининг 20 йиллигига электр токи беради деб ишонч билдирган. Розитнинг бу баёноти ишни жадаллаштиришга қаратилганди. Чунки объектларни ишга тушириш режаси бажарилмаётганди. Материаллар ва жиҳозлар вақтида келтирилмаётган, ишлар етарли молиялаштирилмаётган эди. Бўлимлар ишида ҳам камчиликлар бор эди. Айрим участкаларда меҳнат унумдорлиги паст, бунинг устига, кадрлар кўнимсизлиги юқори, қурилиш сметаси қийматини ошириб юбориш каби ҳолатлар мавжуд эди. Юқорида қайд этилган омиллар бутуниттифоқ қурилишида фожиали кўринишларда намоён бўлди.

1937 – 1938 йилларда бутун Совет мамлакати ҳудудида содир этилган мудҳиш «катта



К.А.Дреннов



Д.П.Розит



К.А.Дреннов



Сақланиб қолган фотосуратда
Д.П.Розит, Файзулла Хўжаев ва бошқалар

террор»нинг ўткир тиғи Чирчиққурилишдаги бир қанча раҳбар ходимлар, таниқли ишчи-хизматчиларни ҳам ўз гирдобига тортди. 1937 йил январида Чирчиққурилишнинг бош муҳандиси Д.П.Розит қамоққа олинди. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси қарори билан 1937 йил 1 июлда у олий жазога ҳукм этилди. Маълум вақт ўтгач Константин Алексеевич Дреннов ҳам ҳибсга олинди.



«Стахановец Чирчикстроля» газетасининг 1938 йил 14 мартдаги сониди мана бу машғум хабар эълон қилинган: «... Ватан хоинлари Икромов, Хўжаев, Розитлар ўзларининг жирканч чангалини «Чирчиққурилиш» ишига ҳам солдилар. Ўзларининг қабиҳ ният, мақсадлари билан қурилишни тугаллашни пайсалга солдилар, давлат маблағларини шамолга учирдилар ва қурилишдаги софдил ишчиларни хизматдан сиқиб чиқардилар. Шу билан бир қаторда, улар қурилишни ёт, бегона кишилар, ҳар турли бандит-қотиллар билан тўлдириб юборганлар. Биз Чирчиққурилиш жамоаси Олий суднинг бу ашаддий фашизмнинг ёлланма бандит тўдала-

рини йўқ қилиш тўғрисидаги ҳукмини қўллаб-қувватлаймиз».

К.А.Дреннов эса турмадан В.М.Молотовга бир неча бор хатлар юборган, ўзининг ва Розитнинг пок номини тиклашга уриниб кўрган. Аммо К.А.Дреннов 1941 йили қамоқдалигида ҳалок бўлди. 1957 йили у реабилитация қилинди.

Чирчиққурилиш раҳбари Д.П.Розит қатағон қилинган, бошқармага Федор Георгиевич Логинов раҳбарлик қила бошлади. У 1900 йили рус деҳқони оиласида туғилган. 11 ёшидан меҳнат қила бошлаган, Чирчиққурилиш иншоотларига катта ҳисса қўшгани учун муносиб тақдирланган. Комсомольск ГЭСида қурилган Қирғизқулоқ посёлкаси унинг номи билан аталган. Бу энергетик олим ва ташкилотчи 1954 йили электр станциялари қурилиши министри лавозимига кўтарилган. 1957 йилдан эса электростанциялар министрининг ўринбосари бўлиб хизмат қилган.



Ф.Г.Логинов

«Логинов и его время» китобида Чирчиққурилиш таркибида гидростанциядан ташқари азот-ўғит заводи, иссиқлик электростанцияси, Тошкент-Чирчиқ темирйўли, илғор «Красный грабарь» артели бўлгани қайд этилган.



Шу вақтда Дав Розит Чирчиққурилиш бошлиғи этиб, Константин Дреннов эса бош инженер этиб тайинланган.

Логиновнинг ёзишича, 1936 йили Николай Иванович Бухарин меҳнат таътили чоғида Помирга келган. Бизнинг асарларимиздан бирида (*Шамсутдинов Р.Т. Жертвы Репрессии. – Андижон: Мерос, 1994. – Б.98*) Бухариннинг Помирга кетаётган Андижон шаҳридаги ҳозирги Алишер Навоий номли истироҳат боғининг юқори қисмида жойлашган Андижон округ партия ташкилотининг меҳмонхонасида маҳаллий партия ва совет раҳбар ходимлари билан мулоқотда бўлганлиги қайд этилган.

Бухарин келиши ва кетиши чоғида андижонлик раҳбарлар билан мулоқотда бўлгани учун бир гуруҳ маҳаллий раҳбар ходимлар 1937 – 1938 йиллардаги «Катта террор» даврида «халқ душманлари Бухарин ва Икромов билан

алоқада бўлган» деган айблар билан қатағон қилинган.

Н.И.Бухарин Тошкентда бўлган вақтда ўзининг эски таниши Дав Розит билан учрашган. Чирчиқдаги қурилишни улар биргаликда кўриб чиқишган. Бухарин Чирчиққурилиш учун керак нарсалар ҳақида Серго Оржоникидзе ва Сталинга хат ёзишни маслаҳат берган. Бу зудлик билан амалга оширилган. Шундан сўнг Бухарин Андижон шаҳрига келиб, бу ердан Ўшга, ундан кейин Помирга кетган. Қайтишда ҳам Андижонда тўхтаб, маҳаллий раҳбарлар билан учрашган, қизгин суҳбатлашган.

Тез орада троцкийчи-зиновьевчи блок иштирокчилари устидан суд жараёни бошланган. Бухарин Помирдан қайтишда Фрунзе (Бишкек) шаҳрида тўхтаб, у ерда газеталар билан танишган. Уларда қамоққа олинган партия аъзолари унинг ўзини (Бухаринни) аксилин-



Чирчиққурилиш тарғибот плакати



Чирчиққурилиш тарғибот плакати

килобчиларга шерикликда айблашаётгани ҳақида ёзилган эди. Бухарин шу заҳотиёқ Тошкентга қайтиб келади ва Сталин котибиятига телеграмма йўллаб, ўзига қўйилган барча айбларни рад этади.

Розит ва Дреннов қамоққа олингач, Чирчиққурилишнинг бошлиғи лавозимида вақтинчалик И.И.Кандалов тайинланган. У яхши мутахассис бўлгани ҳолда одамлар билан муносабатда ҳаддан ташқари юмшоқ эди. Логинов эса 1937 йилда хизмат зинапоялари бўйича Кандаловдан қуйи поғонада эди. Бўлажак энергетика министри Петр Непорожний Чирчиққурилиш техник бўлими бошлиғи, айна дамда, бош муҳандиснинг ўринбосари бўлган. У тўғридан-тўғри Логиновга бўйсунмаган, аммо ёш бўлганлиги учун унинг биринчилигини эътироф этган. Петр Непорожний шундай ёзади: «Чирчиқ ГЭСи қурилиши мен учун мактаб бўлди ва ташкилий соҳада жуда ҳам фойдали бўлди. Федор Георгиевич Логинов ва Иннокентий Иванович

Кандалов менинг устозларим бўлган. Бу одамлар ўзаро муносабатларида, ишда бир-бирларини ҳайрон қоларли даражада қўллаб-қувватлаган омадли дўстлар эди».

ВКП (б) Сиёсий бюросининг 1937 йил 15 июндаги мажлиси кун тартибига Чирчиққурилиш бошлиғини тайинлаш тўғрисидаги масала қўйилган. Логиновнинг ёзишича, бу қарор матнини топа олмаган, афтидан, қарор қабул қилинмаганга ўхшайди.

1930 йил августида СССР оғир саноат халқ комиссари этиб Лазар Моисеевич Каганович тайинланган. Тез орада у Чирчиққа келган. И.И.Кандалов халқ комиссарини қурилишнинг барча объектлари билан, етакчи инженерлар билан таништиради. Каганович улар орасидаги Логиновнинг бўйи ва қоматига эътибор билан қараган.

Кандаловнинг қурилишнинг аҳволи ва истиқболи ҳақидаги фикрлари Кагановични мутлақо қониқтирмаган. 1937 йил ўтиб бораётган



Чирчиққурилиш тарғибот плакати

эди. Л.М.Каганович қаттиққўл халқ комиссари бўлган, Марказқўмнинг март пленумида янги қатагон ўтказишга чақирган. Кандалов ўз иш кабинетида юрак хуружига гирифтор бўлади. Уни касалхонага юборишади. Бош муҳандиснинг 27 ёшли ўринбосари Петр Непорожний ҳукумат учун маъруза лойиҳасини тайёрлаган.

Непорожний кўрқмасдан Москвага келади. У қурилишни фақат 1940 йилга келиб яқунлаш мумкинлиги ҳақидаги ҳисоботни тақдим этган. Бу катта муддат эди. Бироқ таҳлил ишонarli бўлиб, Чирчиқдаги қурилишни зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлашга қарор қилинди. Эндиликда унинг муваффақияти кўп жиҳатдан бошлиқ шахсиятига боғлиқ эди. «Кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади» – бу Сталиннинг севимли ибораларидан бири эди. Чирчиққурилиш бошлиқсиз қолди. Унинг функциясини аввалгидек бош инженер бажарди. Бу эндигина касалхонадан чиққан Иннокентий Иванович Кандалов эди.

Объектив ва субъектив омилларга қарамай, Чирчиқдаги қурилиш катта суръатларда давом этарди. 1936 йил 28 декабрда Чирчиқ иссиқлик электростанцияси биринчи ток берди. 1937 йили шағал заводи ишга туширилди, Товоқсой ГЭСи чуқурлигидан тупроқ чиқариш бошланди. Шунингдек, Комсомольск ГЭСи учун бино қурилиши бошланди. Товоқсой ГЭСи қурилиши билан ёнма-ён янги ишчи посёлкаси бунёд этилди ва у тўғри кўчалар, шинам уйлар, сув қувурлари, ошхона, мактаб ва клублардан иборат бўлди. Бу посёлка эски Паргос қишлоғини ҳам қамраб олди.

Гидротехник объектлар қурилиши билан параллель равишда катта кўламдаги завод қурилиши ҳам амалга оширила бошлади. Комбинат қурилиши, дастлабки режага кўра, 1936 йилда яқунланиши керак эди, аммо бир қанча сабаблар билан бу иш чўзилиб кетди. Қурилиш ниҳоясига етказилмаган режа асосида бошлаб юборилганди.

Бу улкан иншоотни барпо этишда маҳаллий миллат вакилларининг ҳам роли бениҳоя катта бўлган. Аммо уларнинг маълум қисми сиёсий қатагон домига тортилган. Улардан бири қо-зоқ халқининг ажойиб фарзанди Нисамбаев Дуйсебайдир. Тошкент



Д.Нисамбаев

шаҳри Зелёный тор кўчаси 2-уйда истиқомат қилувчи Нисамбаев Дуйсебайнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Чирчиққурилиш бўйича комиссияси раиси Пётр Андреевич Устиновга 1937 йил 10 мартда ёзган шикоятда 1937 йил 2 февралда Чирчиққурилиш партия ташкилотининг ёпиқ мажлисида Чирчиққурилиш партия ташкилоти котиби Калистратов ҳисобот бергани, маъруза бўйича 13 киши, жумладан, унинг ўзи ҳам нутқ сўзлагани, Чирчиққурилиш фаолияти бўйича нотиклар бирин-кетин ўз фикрларини баён этишгани, «Стахановец Чирчиқстроя» газетасининг 1937 йил 21 январдаги сониди



Калистратов ва Ҳамидхоновлар имзолари билан эълон қилинган хабарда Чирчиққурилиш фаолияти юзасидан нотиклар «душман айёр», «душман ўз жиноий ёрдамчилари орқали партия ва совет ҳукуматига нисбатан душман бўлган кишиларгагина тарқатаётганлари» ҳақида фикрлар берилгани, душман партия ва совет ҳокимиятига қарши курашда ҳар қандай воситаларни қўллаётгани, Розит у ёки бу ходимни ишдан олаётганда унинг қўл остидагилар ҳар қандай ёлғонларни тўқиганлари, шунинг учун Розитнинг Чирчиққурилишдаги барча «ишлари» унинг кетиши билан амалда тўхтаб қолганини қайд этиб, Розитнинг қурилишдаги иши ва фаолиятини шундай таърифлаган: **«Розитнинг барчага таъсири бор эди ва ҳаммага буйруқ берарди, унинг тарафдорлари Лесковский, Платонов, Давидов ва Креч аввал Балакин партия комитети секретари бўлиб ишлаётганидаёқ фош этилганди. Шунга қарамасдан, Розит уларни қўллаб-қувватлаган. Розитнинг бундай ёндашуви ҳаммага маълум эди. Агар газетадаги мақолада улар зараркундалар сифатида тилга олинган бўлса, у ҳолда... буни изоҳлаб бериш керак бўлади. Чирчиққурилишдаги қозоқ газетаси ҳақида гап кетганда Калистратовнинг «Колумбия» номли мақоласининг айрим тафсилотларига тўхталиб ўтишга тўғри келади. Мен айтган эдимки, газета қозоқ миллатига мансуб ишчилар оммасини таъминлай олмайди. Чунки уни камсаводли шахс бошқараётган эди. Бу ҳолат ўртоқ Калистратовга яхши маълум эди. Газета ва унинг раҳбариятининг камчиликлари ҳақида мен бир неча бор Калистратовга айтганман. Унинг кўрсатмаси билан мен бир қанча малакали ходимларни газета учун келтирганман, Калистратов турли хил важлар билан уларни ишга олмаган. Ваҳоланки, ўз маърузасида у қозоқ газетаси ишини танқид остига олган, бу иш юқори савияда эмас эди. Шунда мен очиқ-ойдин қилиб Чирчиққурилиш ҳозиргача бошқарма учун, қозоқ ишчилари учун биронта ҳам қозоқ газетасига обу-**

на бўлмаслигини айтганман. Чирчиққурилиш ҳудудида эса қозоқлар анча кўп ва улар газетага қизиқадилар... Розит – катта одам, у атроф муҳитда катта таъсирга эга, бу факт эътирозга муҳтож эмас. Бизнинг ўзимиз айбдормиз, бизнинг кўпчилигимиз унинг таклифи ва кўрсатмаларини қўллаб-қувватлаганмиз, худди шундай ҳолат ўртоқ Зельберштейн билан ҳам юз берган... (Изоҳ: Ш.А.Зельберштейн – (1903 – 1967) Одесса шахридан узоқ бўлмаган Балта шахрида туғилган. Халқ мактабини битирган, ёшлигидан ишлай бошлаган, 1920 йилда комсомол сафига ўтган, Одесса индустриал (политехника) институтини битирган, 1924 йилдан партия аъзоси, ўқишни тугатгач, 1927 йили Днепростройда стажёр, кичик техник, кейин катта техник, прораб ёрдамчиси, прораб, қурилиш охирида плотинанинг катта прораби, ДнепроГЭСдан кейин Ўзбекистондаги Чирчиққурилишдаги бош тўгон қурилиши участкасига бошлиқ бўлиб келган. Чирчиққурилишдан кейин Углич ва Рибинск ГЭСлари қурилишига ўтказилган. Рибинск ГЭСида уч йил давомида плотина қурилишида участка бошлиғи бўлиб хизмат қилган. «За оборону Москвы» медали билан тақдирланган.)

Менинг нутқим шу жойга етганда Чирчиққурилишдаги НКВД бошлиғи ўртоқ Сорокин гапимни бўлган ва нутқимни давом эттиришга имкон бермаган ҳамда у навбатдан ташқари сўзга чиқиб: «Нисамбаевнинг чиқиши йўл қўйиб бўлмайдиган аксилпартиявий ва меньшевикчадир», – деган. Шундай қилиб, мен сўзлашдан маҳрум қилиндим ва айрим ходимларнинг қурилиш ишларидаги кўзбўямачилиklarини очиб ташлашимга имкон берилмади. Кўп нарсани айтиш мумкин эди.

Шу мажлис бошланишидан олдин бошлиқ ўринбосари Ҳамидхонов мени олдига чақириб: «Қария, бош бухгалтер бизники, бугун эрта Москвага доклад билан кетади ва у ерда Чирчиққурилиш ходимларига тўланиши лозим бўлган 30 000 рубль масаласини кўяди. Шу жумладан, биз сендан 2500 рубль авансдан воз кечишинг ҳақидаги масалани кўямиз. Мендан



хафа бўлмагин. Сенинг моддий аҳволинг оғирлиги менга яхши маълум. Аввал сендан воз кечишни рад этган бўлсам, бунинг сабаблари бор эди», – деди. Сени бемор хотининг ҳамда болаларинг билан ёзда Оқтошдаги курортга биринчи навбатда жойлаштирамиз деб айтганди. Ҳамидхонов мени нима учун бундай сийлагани менга тушунарсиз бўлди. Шу нарса аниқки, Ҳамидхоновнинг менга нисбатан ёмон фикрдалиги ишонарли эмас эди».

Д.Нисамбаев «Чирчиққурилиш» партия комитети бюросининг 1937 йил 9 мартдаги 4 пунктдан иборат қарорига нисбатан норозилигини изҳор этган. Бюро қарорида Д.Нисамбаевга Чирчиққурилишнинг яширин қарорларини партиясизларга эълон қилгани, қурилишдаги ишчи ва хизматчилар орасида миллий низо кўзгагани, қурилиш бошлиғининг ўринбосари Разумов ва режа бўлими ходими Рубановга Осиповнинг аёли тергов органлари томонидан қийноққа солингани ва бунинг учун бирон-бир кўрсатма бермагани, Пятаков мусибатига ҳамдardлик билдиргани каби айблар қўйилган. Д.Нисамбаев 1937 йил 5 мартда ВКП (б) сафидан чиқарилгунга қадар Чирчиққурилиш бошлиғи вазифасини бажарган бош инженер Кандаловнинг 250-сонли буйруғи билан эгаллаб турган лавозимидан, яъни Ёғочга ишлов бериш заводи (ДОЗ) директорининг ўринбосари лавозимидан озод қилинганини айтган.

У партия комитети бюросининг қарори ва Чирчиққурилиш бошлиғи вазифасини бажарувчининг 250-сонли буйруғи нотўғрилиги учун уни бекор қилиш зарурлигини ҳар жиҳатдан асослаб берган. Бу масаладаги унинг асосли фикрлари 31 бетлик аризасида аниқ ва равшан ифодаланган. Бу ҳужжатни батафсил шарҳлаш анча кўп вақтни олади. Унинг ўзига нисбатан қўйилган айблар асоссизлиги ҳар жиҳатдан исботланган 8 банддан иборат хулосасини қуйида келтиришни лозим деб билдик:

1. Чирчиққурилиш айрим бўлимларининг масъул ходимлари ишида бузилишларга йўл қўйилган, айниқса: а) кадрлар бўлими ишчиларни сафарбар қилиш ва ишчи кучини ёллаш

бўйича; б) кадрлар тайёрлаш бўлими; в) ЎзССР, Қорақалпоғистон АССР ва бошқа районлардаги колхозчилар, яқка хўжаликларни ер ва мулкларидан жудо қилиш, Чирчиққурилиш ёғочга ишлов бериш заводида моддий зарар келтириш.

2. Ҳукуматнинг айрим ходимларининг суиистеъмоллари, ҳуқуқ доирасидан четга чиқиши, шунингдек, уларнинг ноқонуний ҳаракатлари.

3. Айрим ходимларнинг ошкора ичкилик-бозлик билан шуғулланиши, хусусан: Горба, Санбеков, Раҳмонов, Яковлев, Юркин ва Чирчиққурилиш ҳудудидаги ДОЗ, ходимлар квартирасидаги машғулот соатларида ва ётоқхоналарда уларнинг жинояткорона хатти-ҳаракатлари туфайли ишчи ва хизматчиларга нисбатан қўлланилган тартибсизлик, бефарқликка аҳамият бермаслиги.

4. Айрим ходимлар ва ишчилар томонидан Чирчиққурилиш давлат мулкларининг камомадига йўл қўйилиши, созурилиши, ўғирланиши ва сотилиши.



Чирчиққурилишдаги транспортнинг икки тури

5. Чирчиққурилиш НКВД бошлиғи ўртоқ Сорокиннинг менга нисбатан ғаразли ва кўра олмаслик муносабати.

6. «Стахановец Чирчикстроя» газетаси ҳамда унинг 1937 йил 21 январь кунги 17-сонида Калистратов ва Ҳамидхонов имзолари билан чоп этилган мақола.



7. Сорокин томонидан Нисамбаевнинг троцкийчилик ва тор миллатчиликда асоссиз айбланиши.

8. Айрим ходимларнинг унга нисбатан кўзгаган фитнаси, уни таҳқирлашлари, уларнинг душманлиги ва у билан шахсий ҳисоб-китоблари (Горб, Китновский, Долгов, Добриня ва бошқалар).

Дуйсебай Нисамбаев ўз аризасида яна қуйидагиларни таъкидлаган: «Душманларим менга қарши йиғилишлар сирини ошкор этиш ҳамда ишчилар ва хизматчилар ўртасида миллий адоват кўзгаш бўйича сохта айбловларни илгари суришди. Менга қарши эълон қилинган бу тухматдан иборат айблов ҳеч қандай асосга эга эмас. Улардан бирортаси менга қўйилаётган айбни исботлай олмайди. Уларнинг ҳамма чиқишлари гумонларга ва тахминий хулосаларга асосланган. Йиғилишда сўзга чиққан нотиклар қаердан олинганлиги номаълум бўлган бемаъни мишмишлар ҳақида гапиришди. Улардан ҳеч бири менга қарши бирорта исботли далил келтира олмади. НКВД бошлиғи Сорокин Осипова бўйича мен олиб борган музокаралар, Разумов ва Рубановга таяниб айтган фикрлари уйдирмадир. Шундай қилиб, менга қарши далил бўла оладиган бирорта ҳам аниқ факт йўқ. Менга қарши иш душманларим томонидан тўқиб чиқарилган. Калистратов (Чирчиққурилиш партия кўмитаси котиби) ва Ҳамидхонов (Чирчиққурилиш бошлиғининг ўринбосари) имзолари билан «Стахановец Чирчиқстроля» газетасининг 1937 йил 21 январдаги 17-сонида чоп этилган «Душман» мақоласи, энг аввало, Калистратов ва Ҳамидхоновнинг ишига ойдинлик киритади. Мақолада кўпчилик (Москвин, Калистратов, Забелин, Ҳамидхонов, Горб, Шейко ва бошқалар)нинг афт-башараси яққол намоён бўлди.

Ҳамидхоновлар партия ташкилоти номи билан ҳимояланиб, ўзлари содир этган фожиадан нажот излаб, ўзларини қутқариб қолишмоқчи.

Ҳамидхоновлар ҳозиргача менинг партия сафидан чиқарилишимга ва лавозимдан бўшатилишимга эришишди. Ҳамидхоновларнинг мақсади уларнинг бўлғуси айбловчиси сифатида мендан халос бўлишдир.

Аmmo менинг йўлим битта – мен содиқ коммунистман. 20 йиллик большевик партия стажига эгаман. Мен сотилмаганман ва сотилмайман ҳам. Менинг қурилиш ва партия йўналишининг турли жабҳаларидаги 20 йиллик ҳалол большевистик фаолиятим, қатъий таъкидлайманки, душманларимга менинг номимни булғашларига имкон бермайди ҳамда Ленин ва Сталин партияси ташқаридан бўладиган кўмаксиз мени ҳимоя қилади».

1937 – 1938 йиллардаги «катта террор»нинг даҳшатли зарбаси гирдобига Чирчиққурилиш жамоаси ҳам тортилган. Ўзбекистон ССР НКВД ҳузуридаги учликнинг 1937 йил 5 ноябрдаги йиғилишида 739-сонли иш бўйича қуйидаги икки маҳбус отувга ҳукм этилган:

1. Босий Тимофей Петрович – 1893 йили туғилган, Киев области Михайловка қишлоғидан, собиқ қулоқ, Гайдамак контрразведкасининг махфий хабарчиси бўлган, ҳибсга олинган вақтда Чирчиққурилиш депоси бошлиғи, отувга ҳукм қилинган. Совет ҳокимиятига душманлик кайфиятида бўлиб, аппаратда социализм тузумига бегона элементларни жорий қилганликда, шу билан бирга, темирйўл хўжалигида қўпоровчилик ишларини амалга оширганликда, меҳнат ҳақи тўлашда давлатга қарама-қаршиликни яратганликда, ишчиларнинг таклифларини йўққа чиқарганликда айбланган.

2. Кочан Антон Афанасьевич – 1880 йили туғилган, Винница области Ивановка қишлоғидан, 1922 йили япон интервентларига ёрдам берганлиги учун 10 йил озодликдан маҳрум қилинган, ҳибсга олинган вақтда Чирчиққурилиш темирйўл хўжалигида кондукторлар бригадасининг бошлиғи. Поездларнинг аварияга учрашини ташкил қилганликда, бошқа айбдорлар томонидан содир этилган аварияларни доимий равишда яширганликда, меҳнат интизомини бузганликда, бир-бирига кафилликни жорий этганликда, соф кўнгилли ишчиларнинг орасига нифоқ солишда қатнашганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган.

3 маҳбус 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган:



3. Мовчан Иван Демьянович – 1907 йили туғилган, Харьков области Матвеевка шаҳридан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда Чирчиққурилиш темирйўл хўжалигида машинист, унинг жазо муддати 1937 йил 15 февралдан ҳисобланган. 13 марта авария содир этиб, темирйўл транспорти шикастланишига сабабчи бўлганликда, бу билан давлатга катта моддий зарар етказганликда, доимий авариялар бўлиб туришини яширганликда, соф кўнгилли ишчиларнинг орасига нифоқ солишда қатнашганликда айбланган.

4. Яковецкий Владимир Васильевич – 1897 йили туғилган, Ленинград области Поток қишлоғидан, диндорнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда Чирчиққурилиш темирйўл хўжалигида машинист, унинг жазо муддати 1937 йил 16 февралдан ҳисобланган. Доимий равишда темирйўл транспортида авария содир этиб, давлатга катта моддий зарар етказганликда, соф кўнгилли ишчиларнинг орасига нифоқ солишда қатнашганликда айбланган.

5. Кириченко Степан Яковлевич – 1897 йили туғилган, Днепропетровск области Конские раздори қишлоғидан, Махно бандаси ва Гайдамаклар армиясида хизмат қилган, ҳибсга олинган вақтда Чирчиққурилиш вагон-паровоз хўжалиги бошлиғи, унинг жазо муддати 1937 йил 10 майдан ҳисобланган. Транспорт аварияси ҳақида атайин акт тузмасликда, айбдорларни моддий ва жиноий жавобгарликдан яширганликда, ишчиларнинг иқтисодий қимматли таклифларини саботаж қилганликда, меҳнат интизомининг тўлиқ бузилишига йўл қўйганликда, темирйўл транспорти ишлари барбод бўлишига шароит яратганликда ва қурилиш режаларини бажармаганликда айбланган (*Шамсутдинов Р. Қатагон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.453*).

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 13 ноябрдаги йиғилишида Чирчиққурилишдан қуйидагилар отувга ҳукм этилган:

1. Лялин Михаил Иванович – 1893 йилда Кобринна шаҳрида (Польша) туғилган, деҳқон оиласидан, рус, СССР фуқароси, собиқ чор

офицери, оқ подшо кўшинлари билан Руминия ва Болгарияда бўлган, 1923 йилда СССРга ноқонуний реэмиграция қилинган, чегарани ноқонуний кесиб ўтгани учун ҳибсга олинган, 1926 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган, 1933 йилда РСФСР Жиноят кодексининг 58/14-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилган. Чет давлатлар (Польша, Харбин)да қариндошлари бор. Ҳибсга олинган вақтда Чирчиққурилишда ишлаган.

2. Лялин Виктор Иванович – 1901 йили Польшанинг Вильно шаҳрида туғилган, мешчан, рус, СССР фуқароси, собиқ оқ офицер. 1933 йили 5 йилга қамоққа ҳукм этилган, хорижда қариндошлари бор, ҳибсга олинган вақтда Чирчиққурилишда бухгалтер бўлиб ишлаган, аввалдан душман кайфиятида бўлган, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик характеридаги террорчилик кайфиятини изҳор этганликда айбланган. Хориж (Харбин)даги акаси Лялин Евгений оқ гвардиячи террорчи ташкилот аъзоси сифатида айбланган. Бу ҳақда Смирнов маъруза қилган (*Репрессия 1937 – 1938 гг. Документы и материалы, выпуск 3, Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. – Ташкент: Шарқ, 2007. – С.125*).

3. Нисамбаев Дуйсебай – 781-иш, ЎзССР НКВД учлиги 1937 йил 13 ноябрда ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган, қамоқ жазоси 1937 йил 23 мартдан ҳисобланган. Д.Нисамбаев 1880 йилда Қозоғистон ССР Янгиқўрғон райони Журак овулида туғилган, чор армияси амалдори, 1931 йили ВКП (б) дан чиқарилган. Чирчиққурилишда ёғочга ишлов бериш заводи директорининг ўринбосари, 1919 йили Туркистон Марказий Ижроия Комитети аъзоси, Осиповнинг аксилинқилобий исёнини бостиришда қатнашган, «Қозоғистонни қутқариш» аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, Қозоғистонда қозоқларни ўтроқлаштириш бўйича иш олиб борганликда, аксилинқилобий миллатчилик руҳида тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган (*Кўрсатилган манба. – С.209*).



Унинг таржимаи ҳолидан айрим лавҳаларни келтирамыз:

«... Менинг маълумотим инқилобгача тўлиқсиз ўрта. Мен нолегал тўғарак иштирокчиси бўлганман, Перовскда (ҳозирги Қизил Ўрда) шахрида инқилобий ҳаракатда иштирок этганман, Перовск шахридаги мактабларда ҳукм сурган адолатсизликларга қарши кураш олиб борганман, шунингдек, ўқувчилар орасида варақалар тарқатганман, ўшанда ёшим 15 да эди. Шаҳардаги 3 синф билим юртини тугатганимдан сўнг тарбиям қониқарсиз бўлгани учун ўқишни давом эттиришимга рухсат беришмаган. 1917 йилдан бошлаб эса Совет Туркистони ва Қозоғистонидаги қўзғолонларда фаол қатнашдим, ўша 1917 йилдан бошлаб қулоқлар, бойларни тугатиш бўйича бетиним иш олиб бордим, ер ислоҳоти, сув ислоҳоти, аксилинқилобий кучлар, кафандозлар, чайқовчиларга қарши кураш олиб бордим. Ўлка партия комитети ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети, Туркистон фавқулодда комиссияси аъзоси сифатида «босмачи»ларни тугатиш бўйича кураш олиб бордим. Собиқ Тошкент уезди Хонобод участкаси волостларида тартиб ўрнатдим. Аблиқ ва Туяулда аҳолини ишга, тинч ҳаётга чақирдим, ҳамма жойда босмачилар пайдо бўлишига қарамасдан, Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ташкил этилган дастлабки кунлардан бошлаб унинг айрим комиссарликларида фаолият кўрсатдим. Ўшанда 1917 йилларда генерал-губернатор Куропаткин лавозимидан олиб ташланганида, шунингдек, унинг тилмочи Нуриддин Аминович Худоёрхонов ҳам ишдан олинган, унинг ўрнига мен ўтирганман. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги уй (Оқ уй)да тилмочлик қилганман.

Туркистон ўлка партия ташкилоти топшириги бўйича мен собиқ Сирдарё областининг Авлиёта (ҳозирги Жамбул), Чимкент ва Тошкент уездларида жиддий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, оч қолган аҳоли учун овқатланиш пунктларини ташкил этиш

бўйича иш олиб борганман, катта сумма пул билан жойларга бориб, қайси бурчакда оч одамлар учун ошхона ва чойхоналар очиш мумкинлигини ўрганиб чиққанман. Туркистон ўлкаси Ички ишлар халқ комиссарлигида сўл эсерлар зўравонлиги даврида қишлоқ ва волость комитетларида сайловлар ташкил қилиш бўйича Тошкент уезди бўйича катта инструктор бўлиб ишлаганман.

Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигига аъзо бўлиб, ҳозирги кунда иттифоқ аҳамиятига эга Янгиқўрғондаги «Тузли курорт»ни очиб берганман.

Шунингдек, Тошкент уезд ижроқўмининг фавқулодда комиссиясига 1917 йил 31 декабрдан 1919 йил 10 апрелгача аъзо бўлганман. 1918 – 1920 йилларда мен РКП (б) МК ўлка партия комитети топшириги бўйича қишлоқлар ва овулларда ўлканинг маҳаллий аҳоли орасида партия ва совет ташкилотларини тузишда, маҳаллий ҳукумат органларига бой ва қулоқ унсурларнинг кириб қолишига қарши кураш олиб бориб, мусодара қилинган галла, чорва, мол ва инвентарларни камбагал ҳамда батраклар орасида тақсимлаб берганман. «Қўшчи» союзи ва камбагаллар комитетларини тузишда ҳамда Туркистон меҳнаткаш деҳқонлар ташкилотини юзага келтиришда ташкилотчилик қилганман.

1919 – 1921 йилларда Туркистон уезд ижроия комитети раиси, кейинчалик Туркистон уезд ҳарбий инқилобий комитети раиси лавозимида ишлаганимда уездда партия раҳбарлигида катта ишларни олиб борганман. Шунингдек, Туркистон уезди партия ташкилотининг VII съездини ўтказишга раҳбарлик қилганман, шунда сўл эсер фаолларнинг жойларда очиқдан-очиқ зўравонлик ишлатганлари, меньшевик ва буржуа миллатчиларига қарши кураш масаласининг съездда ва ҳарбий инқилобий трибуналда кўрилишига эришганман.

Ана шу VII съездда мен кўпчилик овоз билан Туркистон уезди раиси ва РКП (б) ўлка партия конференциясига вакил этиб сайланганман, менга Туркистон уездининг бар-



ча жойлардаги ячейкалари, партия ташкилотларига инструкторлик қилиш вазифаси юклатилган эди. Москвадан кенг ваколатга эга бўлган Турккомиссия раиси 1920 йили «Қизил Шарқ» поездида келган меньшевик Сафаров (III Интернационал раиси Зиновьевнинг котиби) ва партиясиз Хўжанов Султонбек ички ишлар комиссари лавозимига ва Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети раиси ўринбосарлигига қўйилган. С.Хўжанов ташаббуси билан мен (Шарқ халқлари съездида фақат халқ ичидаги эски коммунистлардан сайланиши баҳонаси остида) Боку шаҳридаги Шарқ халқлари съездида делегат этиб сайланганман. Бокудаги съезддан қайтганимдан сўнг менга Туркистон, Перовский (ҳозирги Қизил Ўрда) ва Казалинск уездларида кредит функциялари мавжуд бўлган бошланғич кооперацияларни ташкил этиш вазифаси юклатилган.

РКП (б) Марказий Комитети Туркистон бюроси ва Ижроия бюросининг 1920 йил 9 октябрдаги Г.Сафаров раислигидаги, Л.Каганович, Назир Тўрақулов, Қайғусиз Отабоев, Сольци, Лена иштирокидаги йиғилишида бир неча масала кўрилган. Бухородаги ишлар тўғрисида Г.Сафаров ахборот берган. Қабул қилинган қарорда Бухоро Компартияси Марказий Комитети таркибидан Хўсаинов Иброҳимни чақириб олишга, реорганизация ўтказишга, унда Марказий Комитет аъзолигига ўзбеклардан жалб этиш, Коминтернга вакил кўрсатиш, Коминтерн вакили В.В.Куйбишевга Бухоро Компартияси Марказий Комитетига номзодлар кўрсатиш талаб этилган. Навбатдаги масала проскрипцион (қонундан ташқари деб эълон қилинган шахслар – Р.Ш.) рўйхатни тасдиқлаш масаласи бўлган. Унга мувофиқ 36 шахс номлари кўрсатилган. Мана улар: 1. Нисамбаев Дуйсебай (Туркистондан). 2. Салимхон Тиллахонов (Тошкент эски шаҳаридан). 3. Муҳаммаджон Азизхонов. 4. Мунавварқори Абдурашидхонов. 5. Саримулдаев. 6. Жонузақов. 7. Дербисалин (ишчи, эски шаҳардан, мустамлакачилардан). 8. Жедизбоев (қоч-

қинда). 9. Отарбоев (турмада ўтирибди). 10. Иброҳимов (собик коммунист). 11. Низомиддин Хўжаев (икки акаси). 12. Шарип Каримов. 13. Муҳаммаджон Битбеков (Андижондан). 14. Жўрабек Есенов. 15. Алиев (собик ер-сув комиссари). 16. Азиз Лазиззода. 17. Миёров (эски шаҳар ЧК). 18. А.Муҳаммаджонов. 19. Тўхтабеков Султонбек (Андижондан). 20. Турсунхўжаев Саъдуллахўжа. 21. Мусахонов Файзираҳмон. 22. Мусахонов 2-чиси (Тошкент уезд милиция бошлигининг ўринбосари). 23. Юнусов Ғози. 24. Илёсов (эски шаҳар милиция бошлиги). 25. Муҳитдинов Абдуқодир (Бухородан). 26. Ялимов. 27. Саидвали Хўжаев (эски шаҳардан). 28. Ашимбек Алимбеков. 29. Бағиев (Авлиёта). 30. Юнусов Муҳаммадғози (РОСТА). 31. Афандиев. 32. Субҳи. 33. Шокиров. 34. Шарафий (Қўқон). 35. Абдулин. 36. Мангелдин.

Учинчи масалада рус мустамлакачиларининг янги рўйхатини тузиш ва уни муҳокамага қўйиш Сольцага топширилган. РКП (б) Марказий Комитети Туркистон бюроси котиби Альфред Карлович Ленага агар Павлов, Попов ва Воробьев пайдо бўлса, уларни дарҳол қўлга олиш ҳақида кўрсатма берилган.

Туркбюро мажлисидаги бешинчи масалада зарбий фронтга сафарбарлик қилиш яқунлангани қайд этилган. Сольцага сафарбарлик қандай натижалар берганлигини ва унинг кутилган сиёсий натижаларини аниқлаш, қайси белгилар бўйича жойларда айблари аниқлангани ва яна қанча мустамлакачи унсурлар қолганини аниқлаш вазифаси топширилган.

Фарғонадаги сафарбарлик тўғрисидаги маълумот ахборот учун қабул қилинган.

Туркистон Марказий Ижроия Комитети котиби лавозимида ишлаш учун 10 кундан сўнг Файзийни чақириб олишга, Назир Тўрақуловни Ҳарбий инқилобий кенгаш таркибига киритишга, Кушнер кетиши мумкинлигини аниқлаб, унинг номзодини тавсия этишга қарор қилинди (РИСДА – Россия ижтимоий-сиёсий ташкилотлар давлат архиви, 61-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 1 – 9-, 10-варақлар).



1922 йил декабрида Оренбург шаҳридаги бутунқирғиз (бутунқозоқ – Р.Ш.) советлари съездида мени Ички ишлар комиссарлиги коллегияси аъзолигига сайлашди ва ҚирССР (Қозоғистон ССР – Р.Ш.) бош милицияси бошлиги лавозимига сайлашди ва менга Қозоғистон ССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети топшириги бўйича кўндан бери мавжуд бўлган Акмолинск губернияси ва Туркистон уезди ўртасидаги муносабатларда юзага келган тортишувларни муросага келтириш вазифаси юклатилди. Бу соҳада кўчманчи халқ билан ерли аҳоли ўртасидаги адоват узоқ сақланди. Бир-бирларидан чорвани олиб қочиш, одамларнинг қурбон бўлиши каби масалаларга қарши чора-тадбирлар кўришга тўғри келди.

Губерния район марказидаги Бетпақдала бош чўлида уч ойдан кўпроқ оғир шароитларда иш олиб бордим, фавқулодда съездлар чақирдим. У ердаги ихтилофларга барҳам бердим. Қабилаларни яраштирдим, улар ўртасидаги тортишувларга барҳам бердим. Оренбург шаҳрида милиция бошлиги лавозимидалигимда область ва районларда отда юриб милиция ишларини яхши йўлга қўйдим, менинг ташаббусим бўйича халқ милициясининг ўрта командирлик таркиби икки йиллик курс очди ва менинг вақтимда милиционерларни аттестациядан ўтказиш ишлари амалга оширилди, область милицияси ким бўлиши, уезд милициясида ким бўлиши масалалари билан шугулландим. Қозоғистон ССР Молия халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси сифатида Халқ хўжалиги марказий совети ҳузуридаги Унсирзаг, Саксаултрест, Рыбтрест ревизион комиссияси раиси, шунингдек, Қозоғистон ССР Сув хўжалиги бошқармаси қошидаги Ташкилий мелиорацион бюро раиси лавозимида ишладим».

Дуйсебай Нисанбаев 1930 йилдан 1937 йил мартгача Ўрта Осиё кимё қурилиши хўжалик ишларида, кейинчалик Кимёқурилиш ва Чирчиққурилишни қайта ташкиллаштиришда фаолият кўрсатган, Чирчиқ электрокимё ком-

бинатида масъул лавозимларни эгаллаган. Бу вақтда муҳим қурилишларни ишчи кучи билан таъминлаш, уларни муносиб кадрлар билан таъминлаш, юқори малакали ходимларни тайёрлаш орқали Чирчиққурилиш фаолиятини юксалтириш талаб қилинган. Дуйсебай Нисанбаевнинг фаоллиги, меҳнатдаги ютуқлари туфайли Ўзбекистондан 9 та колхоз, Қозоғистондан 5 колхоз ва совхозлар янги районларга кўчирилган.

Унинг ҳаёти Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларининг эришган ғалаба ва муваффақиятлари билан бевосита боғлиқ бўлган. У совет аппаратини миллийлаштиришга кўп куч сарфлаган. Д.Нисамбаев зиммасига қатор ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим ишлар ҳам юклатилган.

Дуйсебай Нисамбаевнинг таржимаи ҳолидан ўқиймиз:

«Бундай улугвор ишларни амалга оширишда ундан партия ва ҳукуматнинг сиёсий йўлини яхши ва мустаҳкам билиши, айни вақтда, туб аҳолининг турмуш шароитларини яхши билиши талаб қилинарди. Ишнинг мураккаблиги ва вақт сарфлашга қарамасдан, партия ва ҳукумат томонидан менга юклатилган вазифани сидқидилдан бажардим. Менинг бутун ишим халқ кўзи ўнгида амалга оширилди. Мен ўз вақтида совет раҳбариятига олиб борган ишларим ҳақида баённома ва маълумотларни бериб бордим.

Партиянинг мен томонидан бажарилмаган биронта ҳам буйруғи бўлмаган. Айнан шунинг учун 1917 йилдан 1937 йилгача мени энг масъулиятли ва сиёсий ҳудудларга жўнатишганди.

Менинг тақдим этган ҳужжатларим, яъни Туркистонда бирга ишлаган юқори ташкилотлардаги ходимлар билан тўлдирилган карточкаларим ва анкеталарим асосидаги мукамал инқилобий ишимни инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети 1932 йил 9 январдаги №107 қарори билан менга республика аҳамиятига эга 175 сўмлик нафақа тайинлади,



1937 йил 13 мартда бу сумма ойига 250 сўмгача оширилди (ўша вақтда республикалардаги партияда меъёр ойига 200 рубль, Москвада ойига 300 рублни ташкил қиларди). Марказий Ижроия Комитетининг бу қарори менинг инқилобий ишим учун мукофот эди.

Мен коммунистик гояни амалга ошириш ва кўзга кўринган совет партия ходимларини сақлаб қолиш учун оғир вақтларда ҳам ўз жонимни аямадим, яъни шахсан Ленин томонидан Туркистон ўлкасига фавқулодда комиссар сифатида юборилган, хорижий интервенция ва фуқаролик урушида ҳарбий ходим бўлиб ишлаган йирик совет арбоби Петр Алексеевич Кобозевнинг ҳаётини сақлаб қолганман. Ўша пайтда унинг ҳаётига сўл эсер ва бошқалар хавф солаётганди. Шунингдек, машҳур совдепчи, «Рўзи Эрон» китобининг муаллифи Собир Шарипов, колчакчи жаллодлардан ҳамда алаш-ўрдачиларнинг қамоқ жазосидан қочган большевик-шоир ва инқилобчи ўртоқ Сакен Сайфуллин, бундан ташқари, йирик адабиётшунос олим, Ленин мукофоти совриндори, фуқаро Мухтор Умарович Авезовнинг ҳаётини сақлаб қолдим. У 1932 йилда Тошкент шаҳар НКВД махсус бўлими раҳбари Воскин томонидан қамоққа олинган ва шу йилнинг ўзида озодликка чиққач ўз айбини, гоявий хатоларини, буржуа-миллатчилик таъсирига тушиб қолганини тан олиб, ўзининг ижодий хатоларини танқид қилишга, ўша йилдан бошлаб совет ёзувчиси, қозоқ адабиёти тадқиқотчиси, қозоқ олий таълим муассасаларида педагог ва маърузачиси сифатида янгича иш олиб боришга ваъда берганди.

У 1932 йилдан буён ўлимигача бўлган даврдаги ёзган оммабоп асарлари ҳақидаги ваъдасини тўла бажарган.

1917 йилдан ҳозирги вақтгача даврдаги бутун инқилобий фаолиятини ёзган. Чунки бу бутун бир китоб тарихидир, агар зарурият бўлса, бу ҳақда ёзишга тайёрман. Бироқ у кўп вақтни олади. Мен ҳозирда 80 ёшни қоралаб қолдим.

Мен 1937 йил 21 мартда Тошкент шаҳридаги Чирчиққурилиш тизимида сув бетига чиқиб қолдим, айбсиз бўлганим ҳолда мафкуравий масалалар бўйича ганимларнинг қурбони бўлдим. Улар уюшган ҳолда тўғри ва нотўғри айблар қўйишди. Чирчиққурилишдаги ёпиқ мажлисда Чирчиқда Валхстрой қурилиши чоғида уч марта орден голиби Зельберштейннинг йирик камомадини фош этдим.

Шундай қилиб, мен Ўзбекистонда 24 йил давомида айбсиз азоб чекдим, ҳаётнинг чидаб бўлмас ҳар қандай зулмини тортдим, совет қонунларига ва катта қийинчиликларга қарамасдан, менинг ноқонуний қамоққа олинганлигимни одилона ҳал этишга эришдим. 1956 йил апрелида тўлалигича реабилитация қилиндим».¹

Дўйсебай Нисамбаев билан яқиндан алоқада бўлган, биргаликда меҳнат қилган Чирчиққурилиш ходимларидан яна бир гуруҳи 1937 – 1938 йиллардаги «Катта террор»нинг қурбонлари бўлган. Уларни номма-ном келтирамай:

1. Шомансуров Шоғофур – ЎзССР НКВД давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлими томонидан 7263-сонли иш бўйича айбланиб, 1937 йил 13 ноябрда 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. У 1888 йили Фарғона области Чуст қишлоғида бой оиласида туғилган, аксилинқилобий фаолияти учун ВКП (б) дан чиқарилган, қамоққа олингангача Чирчиқ сўл қирғоғи бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган, доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийсига бўҳтон уюштирганликда, Ўзбекистондан партия олиб борган сиёсатни «мустамлакачилик» сиёсати деган бўҳтон фикрларни тарқатганликда айбланган.²

2. Крилов Павел Никонович – 1892 йили Челябинск области Зверингол посёлкасида туғилган, қулоққа тортилган, собиқ оқ офицер,

¹ Қозоғистон Республикаси Президенти архиви, 811-фонд, 23-рўйхат, 66-иш, 31 – 36-варақлар.

² Репрессия 1937 – 1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год ноябрь. – Ташкент: Шарк, 2007. – С.291.



подполковник, отаси 25 коммунистнинг оти-лишида иштирок этган, қатағон қилинган, П.Н.Крилов Чирчиққурилишда ўнбошилиқ қилган, собиқ Колчак армиясида бўлган, армия тор-мор этилгач, Хитойга ўтиб кетган, 1921 йили қайтиб келган, Зверинголск посёлкасида қозоқларнинг кўзғолончи гуруҳида аксилинқилобий фаолият кўрсатган, Ўрта Осиёда бўла туриб хориждаги оқ эмигрантлар билан алоқа ўрнатганликда, бир гуруҳ қозоқларнинг аксил-инқилобий ташкилотини қўллаб-қувватлаганликда айбланиб, мулки мусодара этилиб, ўзи отувга ҳукм қилинган.¹

3. Василий Лаврентьевич Озеров – ЎзССР НКВДси Чирчиқ шаҳар бўлими томонидан 1937 йил 7 декабрда 6880-сонли иш бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, у 1909 йили Оренбург области Грачев райони Кузминовка қишлоғида туғилган, қулоқ сифатида ҳибсга олинган, ҳибсга олинган вақтида Чирчиқ-трансда эксплуатация бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий мағлубиятчилик характеридаги фаолияти учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан айбланган. Меҳнат-тузатув лагерига 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган, қамоқ жазоси 1937 йил 2 октябрдан ҳисобланган.

4. Пузирков Николай Игнатьевич – ЎзССР НКВДси Чирчиқ шаҳар бўлими томонидан 1937 йил 7 декабрда 7375-сонли иш бўйича 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, у 1917 йили Оренбург области Свердловск райони Казелевка қишлоғида туғилган, қулоқ фарзанди, ҳибсга олинган вақтида Чирчиқстройда бош механик бўлиб ишлаган, ишчилар орасида советларга қарши аксилинқилобий тарғибот ўтказганликда, мағлубиятчилик характерида сўзлаганликда айбланган, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан меҳнат-тузатув лагерига 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, қамоқ жазоси 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.²

¹ Репрессия 1937 – 1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год декабрь. – Ташкент: Шарк, 2008. – С.32.

² Кўрсатилган асар. – С.234.

ЎзССР НКВД учлигининг 1938 йил 21 сентябрдаги йиғилишида 30 нафар маҳбус устидан ҳукм чиқарилган. Улардан 8 маҳбус отувга, 14 маҳбус 10 йил муддатга МТЛ қамоғига, 2 нафар маҳбус 8 йил муддатга МТЛ қамоғига, 4 нафар маҳбус 5 йил муддатга МТЛ қамоғига, 2 нафар маҳбус иши қайта кўриб чиқиш учун ҳарбий инқилобий трибуналга юборишга қарор қилинди. Уларни бирма-бир келтирамиз:

1. Мэр Эрих Оскарович – 1889 йили туғилган, Латвия – собиқ Лифляндия губернияси Пернов шаҳридан, немис, партиясиз, агроном бўлиб ишлаган, 1935 йили ЎзССР Олий суди Махсус коллегияси томонидан антисовет фаолияти учун 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Мазкур иш қўзғатилгунга қадар НКВДнинг Ўрта Осиё лагерига жазони ўтаган.³ 1923 йили немис резиденти Ламнек томонидан Германия жосуслик хизматида қабул қилинган. Унинг топшириғи билан Тошкент шаҳридаги ҳарбий химоя аҳамиятига эга бўлган корхоналар ва Ўзбекистоннинг пахта етиштирувчи имконияти ҳақида маълумотлар берган, шу билан бирга, Ламнек учун Ўрта Осиё давлатларининг иқтисодий аҳволи ҳақида маълумот тайёрлаган, 1928 йили унинг топшириғи билан немис жосуси Шукин билан алоқа ўрнатиб, у билан бирга Чирчиқ кимё комбинати қурилиши ҳақида маълумотлар тўплаган. Ламнек бошчилигида фашистлар гуруҳининг йиғилишларида бўлиб, Гитлер ва фашистлар Германияси шарафига қадаҳлар кўтаришган, махфий жосус бўлган, жосуслик иши учун Ламнекдан ёрдам ва мукофот олган деб айбланган. Айбига иқроп бўлган, буни Шукин ва Фрейлар тасдиқлаган. Отувга ҳукм қилинган.

2. Клаузен Павел Иванович – 1884 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, немис, офицер, партиясиз, шартли судланган, ҳибсга олинган пайтда Чирчиққурилиш тайёрлов бўлими бошлиғи. «Карл Шпанг ва унинг ўғиллари» номли немис фирмаси тарбияланувчиси, Германия, Австрия, Финляндия давлатлари, Рига ва Либава шаҳарлари билан алоқада бўлган ва ак-

³ Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. – Тошкент: Шарк, 2009. – Б.320



силинкалобий фаолият олиб борган, империалистик уруш вақтида Руминия ва Галицияда бўлган, доимий равишда антисовет тарғиботи олиб борган, монархия тузумини мақтаган деб айбланган.¹ Отувга ҳукм қилинган.

«Учлик»нинг 1938 йил 14 февралдаги йиғилиши 78-сонли баённомасида 70 маҳбус отувга, 14 маҳбус 10 йил МТЛга ҳукм қилинган:

1. Сидоров Емельян Кунриянович – 1893 йили туғилган, Оренбург области Еленск райони Затопло қишлоғидан, собиқ қулоқ, 3 йилга қамалган, оқ армия сафида хизмат қилган – офицер, ҳибсга олинган пайтда Чирчиққурилишда омбор мудирини бўлган. Ишчилар орасида исёнчилик ва тушкунлик кайфиятини тарқатганликда, партия ва ҳукуматга қарши ёлғон уйдирмалар гапирганликда, совет ҳукуматига қарши қурол билан чиқишга тайёр эканлигини айтганликда айбланган. Отувга ҳукм қилинган.

2. Смагин Сергей Никифорович – 1903 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Петровок райони Ломовка қишлоғидан, собиқ қулоқ, қулоқлар исёни иштирокчиси, жинойий ҳаракатлари учун судланган, жазодан қочган, ҳибсга олинган пайтда Чирчиққурилишда бетончи бўлиб ишлаган. Колхоз қурилишига қарши курашганликда, қишлоқ фаолларига пўписа қилиб уларни террорчилик ҳаракатларига йўллаганликда, аҳоли орасида доимий равишда совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий мишмишлар тарқатганликда айбланган.² Отувга ҳукм қилинган.

3. Демченко Дмитрий Данилович – 1899 йили туғилган, Полтава губерниясидан, собиқ йирик қулоқ, ҳибсга олинган пайтда Чирчиққурилишда гараж мудирини бўлиб хизмат қилган.³ Фуқаролар уруши даврида ихтиёрий равишда коммунистларга сотқинлик қилувчи Анненков отрядига қўшилганликда, қизил партизанларга нисбатан ваҳшиёна муносабатда бўлганликда айбланган. Отувга ҳукм қилинган.

¹ Кўрсатилган асар. – Б.324.

² Кўрсатилган асар. – Б.214.

³ Кўрсатилган асар. – Б.213.

4. Ҳамутхонов Ғанихон – 1891 йил 12 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган, отаси Тошкентда бозор оқсоқоли бўлган, Тошкент шаҳрида бошланғич мактабни битиргач, рус-тузем мактабининг 2-синфини битирган. 1907 – 1917 йилларда савдогар Орифжон Маллабоевда 6 ой, кейин савдогар Малкинда хат ташувчи, 1917 йили Тошкент эски шаҳар ишчилар иттифоқи аъзоси, 1918 – 1919 йилларда шаҳар тураржой бўлими идорасида хизматчи, Тошкент совети аъзоси, 1919 – 1920 йилларда Тошкент эски шаҳар совети бўлими коллегия аъзоси, Тошкент шаҳар ижроқўми аъзоси, ижтимоий таъминот, партия суди, озиқ-овқат комитети, очларга ёрдам бериш жамиятларида хизмат қилган. 1920 йил майдан Андижон эски шаҳар совети ижроия комитети раиси ўринбосари, раиси, Андижон уезд инқилобий комитети раиси Андижон уезд партия комитетининг аъзоси, 1920 йил ноябридан 1921 йил майга қадар Туркистон АССР меҳнат ва ижтимоий таъминот коллегияси аъзоси, 1921 йил майдан 1923 йил 14 ноябргача Туркистон АССР ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари лавозимида ишлаган. 1921 йил 23 – 28 декабрь кунлари Москва шаҳрида РСФСР Советларининг IX съездида вакил бўлиб Ғ.Ҳамутхонов ҳам қатнашган. У Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети аъзоси ҳам эди. Съездда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети аъзолигига Акмал Икромов, Абдулла Раҳимбоев, Назир Тўрақулов, Д.Устабоев, С.Хўжанов, Иномжон Хидиралиев билан бирга Ғанихон Ҳамутхонов ҳам аъзо бўлган.⁴

1923 йил декабрдан 1924 йил декабргача Самарқанд область партия комитетининг масъул котиби, бир вақтнинг ўзида Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказиш комиссияси аъзоси, 1924 – 1925 йилларда Ўзбекистон ССРни ташкил этиш бўйича ревком аъзоси, 1924 йил декабрдан 1926 йил сентябргача Ўзбекистон ССРнинг СССР Бутуниттифоқ халқ хўжалигидаги вакили, 1926 – 1929 йилларда Ўрта Осиё иқтисодий бўлимида Ўзбекистон ССРнинг

⁴ Шамсутдинов Р.Т. Делегаты Туркестана на Всероссийских и Всесоюзных съездах советов // История СССР. – Москва, 1987. №1. – С.119 – 120.



вакили, 1928 – 1929 йилларда Ўрта Осиё давлат университети иқтисодиёт факультетида ўқиган. 1929 – 1930 йилларда Ўзбекистон ССР совхозлар трести раиси, 1930 – 1931 йилларда ЎзССР Ер-сув ишлари комиссарлигида масъул ходим, 1931 йил октябрдан 1932 йилгача Марғилон шаҳар совети аъзоси, раис ўринбосари, 1931 йилдан Марғилон районларида қулоқларни синф сифатида тугатиш бўйича партия училигининг аъзоси, 1932 йил октябридан Чирчиққурилиш бошлиғи ўринбосари вазифасида ишлаган. 1920 – 1924 йилларда Туркистон Марказий Ижроия Комитети, Туркистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзоси. 1933 – 1937 йилларда Чирчиққурилиш трести бошлиғи ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатган, 1937 йил 3 августда қамоққа олинган.¹ Россия

Федерацияси Президенти Архивида сақланаётган 383 рўйхатдан бири – 1938 йил 28 март санаси қўйилган рўйхатга И.В.Сталин, В.М.Молотов, К.Е.Ворошилов, А.А.Ждановлар имзо чекканлар. Ўша рўйхатда ўзбекистонлик 165 кишининг исм-фамилияси кўрсатилган, холос. Ана шу 165 нафар ўзбекистонлик маҳбуслардан бири Ҳамутхонов Ғанихон бўлган. Аммо ҳарбий коллегиянинг мазкур сайёр йиғилишида 7 нафар маҳбус тергов жараёнида вафот этган:

1. Исҳоқов Ғани. 2. Мажидов Сайфулғобит. 3. Мамасодиқов Каримохун. 4. Сейфулмулюков Аҳмад Комолидинович. 5. Ҳайдаралиев Мунобар. **6. Ҳамутхонов Ғанихон.** 7. Юрченко Владимир Самойлович (Юрсил Вольф Самоилович). Аксилнқилобий троцкийчи ташкилот аъзоси сифатида айбланган.

¹ <https://centrasia.org/person2.php?st=1070139440>



СУЛТОН СЕГИЗБОЕВ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ

Р.Т.Шамсутдинов, К.Н.Балтабаева, А.К.Маҳкамов

2021 йил 6 октябрда Қозоғистон пойтахти Олмаота шаҳрида «**XX асрнинг 20 – 50-йилларида Ўрта Осиё Республикалари ҳудудида қозоқлар орасида сиёсий қатағон**» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди. Бу анжуманда Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистондан тарихчи олимлар иштирок этдилар. Биз ҳам бу анжуманда «**Давлат арбоби ва дипломат Акбар Бойтурсунович Ўразалиевнинг ҳаёти ва фаолияти**» мавзуида илмий чиқиш қилдик. Маъруза Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 31 августда Тошкентдаги Қатағон қурбонлари хотираси музейига ташрифи чоғида айтган «**Бу инсонлар ҳақиқий етакчилар, илғор зиёлилар, адабиёт, маданият намояндалари, бошқача айтганда, миллатимизнинг, халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Тасаввур қилинг, агар улар қатағон қилинмаганида, Ватанимиз ривож учун, илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва адабиётимиз учун қандай буюк ишлар қилган бўлар эди, халқимизни олдинга бошларди... Бугун буни армон билан эслаймиз**» деган пурмаъно фикри билан бошланган. 2021 йили шу конференция материаллари катта китоб ҳолида Олмаота шаҳрида нашрдан чиқди. Анжуманда Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университети илмий ходими, тарих фанлари номзоди Кулгазира Нурановна Балтабаева «Наперекор ударам судьбы: Пидахмет Бобкин и его потомки» мавзуидаги маърузасини қуйидагича бошлади: «Маърузамни

бугунги онлайн конференция иштирокчиси – тарих фанлари доктори, профессор, Андижон давлат университети қошидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, ҳурматли Шамсутдинов Рустамбек Темировичга миннатдорчилик сўзлари билан бошламоқчиман. У ўтган асрнинг 20 – 50-йилларидаги тоталитаризм ва сиёсий қатағонларнинг мураккаб муаммосини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишга, ҳужжатлар ва материалларнинг илк тематик тўпламларини нашр этишга, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган. Биз Қозоғистонда Совет Иттифоқи таркибига кирган Ўзбекистон ССР ҳудудида қозоқларнинг қатағон қилиниши мавзусини ўрганишни айнан унинг фундаментал асарларидан бошладик. Олимнинг Ўзбекистон, Россия ва Украина архивларида олиб бораётган тадқиқот ишлари туфайли кўплаб қозоғистонликларнинг номлари том маънода тикланди. Улар орасида Пидахмет (Бидахмет, Фида Ахметович) Бобкин (қозоқ тилида Бидахмет Бабикенов, Бидахмет Бокюли) бор.

2007 йилнинг ўзида профессор Р.Т.Шамсутдинов томонидан Пидахмет Бобкин номи «Хотира» китобига («Репрессия 1937 – 1938 годы. Документы и материалы. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. 3-том») киритилган. 1937 йил 13 ноябрдан 28 ноябргача 1611 киши ҳукмга тортилган. ЎзССР НКВДси ҳузуридаги учликнинг 30 та йиғилишида 164 жиноий иш кўрилган, улар орасида жамоавий ва индивидуал ишлар бўлган. Уч-



ликнинг 145-, 146- ва 147-сонли баённомаларида қозоқ миллатига мансуб бўлганлардан Нисанбаев Буйсеба, Садирмеков Исмоил ва Бидахмет Бобкинлар ҳақида ноёб материаллар бор». Ана шу қозоқ миллатига мансуб қатағон қурбонлари тақдири, ҳаёти ва фаолияти ҳақида туркум мақолалар эълон қилдик. Ўзи ўзбекистонлик, миллати ўзбек, таниқли сиёсий ва давлат арбоби, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россияда фаолият кўрсатган, қатағон қурбони бўлган Султон Сегизбоев тақдирини тадиққи этишда илмий ҳамкорлик қилдик. Ана шу инсон ҳақида архивларда сақланаётган ҳужжат ва материаллар асосида қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг фарзанди Султон Сегизбоевнинг ибратли ҳаёт йўлидан айрим лавҳаларни Сиз мухтарам журналхонларга тақдим қилмоқдамиз.



Усмон Юсупов

1938 йил 17 январь. Москва. Кремль. Съездлар саройи. Минбарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов. У Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари, Москва ва Москва области депутатлари гуруҳи номидан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси, СССР Олий Совети депутати Султон Сегизбоев номзодини СССР Олий Совети раиси ўринбосари лавозимига сайлаш тўғрисида таклиф киритганда бутун зал қарсақлар билан кутиб олган. Султон Сегизбоевнинг СССР Олий Совети Миллатлар Кенгаши раиси ўринбосари лавозимига сайланиши бутун зални ларзага келтирган эди.¹

Эндигина 38 ёшга кирган бу ўзбек фарзандининг СССРдек улкан давлатнинг арбобларидан бири бўлгани бутун Ўзбекистон халқини чексиз қувонтирган эди. Қозоқ халқи ҳам беҳад мамнун бўлган эди. Чунки С.Сегизбоев Қозоғистонда ҳам қатор раҳбарлик вазифаларида самарали фаолият кўрсатган. Аммо орадан 7 ой ўтиб –

1938 йили бу давлат арбоби қамоққа олиниб, 1939 йил 25 февралда Москва шаҳрида халқ душмани сифатида қатл этилган.

Султон Сегизбоевнинг ўзи томонидан 1937 йил 6 августда Олмаота шаҳрида рус тилида ёзилган таржимаи ҳолида манзилни Шимолий Қозоғистон области Петропавловск шаҳри Ленин кўчаси 47-уй деб кўрсатган.²



Султон Сегизбоев

У 1899 йили Тошкент уезди Оққўрғон волости Жағалбойли қишлоғида бой хўжаликда туғилган, отаси 1925 – 1926 йиллардаги ер ислоҳотини ўтказишда бой хўжалик эгаси, эксплуататор бўлгани учун хўжалиги тугатилган, унгача Пскентдаги маҳаллий эшон, мулла, тўра, хўжа ва бойларда 40 йил батрақлик қилган. 1916 йилдаги Ўрта Осиё қўзғолонида отаси ва акалари фаол қатнашган, акаси қамоққа олинган, қариндошларидан биронтаси оқ гвардиячиларда хизмат қилмаган, аксинча, отрядда босмачиларга қарши уруш олиб борган, отаси 1931 йили вафот этган, онаси эса 1919 йили, энг катта акаси 1930 йили, опаси 1923 йили, яна бир акаси 1916 йили вафот этган, ҳозирда эса битта акаси ва битта укаси колхозда ишлаётгани, синглиси юк ташувчи куёви билан бирга пахтачилик совхозида ишлаётгани, энг кичик укаси Олмаотадаги транспорт техникумида ўқиётгани кўрсатилган.

Таржимаи ҳолида у қариндошларидан биронтаси ҳам оқлар ҳукумати ва уларнинг қўшинларида хизмат қилмагани, шунингдек, қариндошларидан биронтаси хорижда бўлмагани қайд этилган.

С.Сегизбоев 11 ёшигача ота-онаси тарбиясида, 11 ёшдан бошлаб татар ўқитувчисида савод чиқарган, ўқитувчининг кучи билан рус тилини яхши ўрганган, Тошкентдаги гимназияда ўқиган. 1917 йил ўқишдан кетиб, 8-синфни битириб, қишлоқда ишлай бошлаган.

¹ ТАСС. Советская Сибирь. 1938 г. 14 января. №11 (5479).

² Қозоғистон Республикаси Президенти архиви, 141-фонд, 1-руйхат, 13135-иш, 203 – 212-варақлар.



1918 йил волость ижроқўмида ишлай бошлаган, 1918 йили партиёга кирган, волость ижроия комитети раиси, сўнгра волость инқилобий комитетига раҳбарлик қилган.

1919 йили оқ гвардиячи Осиповнинг Тошкентдаги қўзғолони даврида волость партиё комитети раиси, ревком раиси ва Пскентдаги қуролли партиё дружинаси билан биргаликда Тошкентда советларга ёрдам бериш учун қатор чоралар кўрган. Оқ гвардиячилар Тошкентда большевиклар ҳукумати аъзоларини қатл қилганларга қарши жангларда иштирок этган.

Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг контрибуция ҳақидаги декретига жавобан бедани конфискация қилиб Тошкентга жўнатган. Исёндан қочиб кетган эшонлар, хўжалар, муллалар, бойлар, тўралар, собиқ подшо судьялари, волость бошқарувчиларини бозор куни тўплаб, уларни бозор кўчаларини тозалашга, ариқлар қовлашга сафарбар этган. Душман кучлари С.Сегизбоевни қамоққа олишиб, терговчи уни 41 кун давомида қамоқда ушлаб турган. Шунда у 20 ёшда эди, Туркистон Компартияси Марказий Комитети ёрдами билан озод қилинган. 1920 йили Тошкент уезди ижроия комитети котиби лавозимида маълум муддат хизмат қилган. 1920 йил охирида Туркистон Компартияси Марказий Комитети томонидан Фарғона областига юборилган. Бу ерда у Андижон уезди Жалолобод районида ер ислоҳотини ўтказиш бўйича фаолият кўрсатган, кейин босмачиларга қарши кўнгилли отрядлар ташкил этган ва кўнгилли отряд билан биргаликда Қизил Армия қисмлари таркибида Ўзган ва Жалолобод районларида босмачиларга қарши кураш олиб борган.

1921 йили Жалолобод район партиё комитети бюроси аъзоси ва Жалолобод ижроия комитети раиси лавозимида ишлаб, Андижон уезди ва Фарғона областидаги советлар съездларида иштирок этган. Бу ерда Туркистон АССР советлар съездига сайланган ва бу ерда Туркистон Марказий Ижроия Комитетига аъзо этиб сайланган, бу аъзолик 1924 йил охиригача, яъни Москвага съездга боргунгача давом этган.

1921 йили РКП (б) Марказий Комитетининг партиёда тозалов ўтказиш бўйича раиси

В.П.Ногин бошчилигидаги партиёнинг Туркистон республикаси бўйича тозалов комиссиясининг Чимкент уезд партиё ташкилоти комиссияси аъзоларидан бири С.Сегизбоев бўлган. Ўша йилнинг ўзида у Туркистон ўлка съездида Туркистон «Кўшчи» союзи Марказий Комитети котиби этиб сайланган.

1922 йили Фарғонадаги «босмачилик»га қарши кураш олиб боришга сафарбар этилган. Шундан сўнг Туркистон Компартияси Марказий Комитети С.Сегизбоев ихтиёрига Туркистон Марказий Ижроия Комитети тасарруфидаги отрядга раҳбарлик қилиш ҳуқуқини берган, айни вақтда Пскент райони инқилобий комитети раиси этиб тайинланган. У бу ерда Фарғона областида кўнгилли отрядлар ташкил этган ва шу отрядга раҳбар бўлиб, босмачиларга қарши кураш олиб борган. Бир вақтнинг ўзида район ҳарбий комиссари лавозимини ҳам бажарган. Бу лавозимдан қайтгач, у яна «Кўшчи» союзи Марказий Комитети котиби сифатида фаолият кўрсатган. Шундан сўнг Туркистон Компартияси Марказий Комитети қарори билан Фарғона область партиё комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини бўлиб хизмат қилган, бир вақтнинг ўзида ўзбек тилидаги область газетасига муҳаррирлик ҳам қилган. Кейинчалик Фарғона область партиё комитети раиси этиб тасдиқланган, бу лавозимда 1923 йил охиригача хизмат қилган. Шунда у эндигина 24 ёшга тўлган эди.

Айни шу даврда «босмачилар» билан бўлган курашда Фарғона область «бешлиги»да фаолият кўрсатган. «Босмачи»лар билан кураш олиб боргани учун аввал Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Туркистон fronti ҳарбий инқилобий совети томонидан олтин соат билан, кейин 1924 йили Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети томонидан «Қизил байроқ» ордени билан тақдирланган.

1924 йили Туркистон Компартияси Марказий Комитетида инструктор, кейин Тошкент уезд партиё комитети секретари, Сирдарё область партиё комитети аъзоси, Туркистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, Ўрта Осиёда Миллий чегаралашни ўтказиш бўйича марказий комиссия аъзоси, Миллий чегараланишдан



сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий бюро аъзоси лавозимида фаолият кўрсатади.

Миллий чегаралаш даврида, 1924 йили С.Сегизбоев Тошкент уезд партия комитетининг котиби, бир вақтнинг ўзида Ўрта Осиёда миллий чегараланиш комиссиясида фаолият кўрсатган. Ўша йил кузида комиссия ишини тугатган. Комиссия Марказий Комитетга келади, натижалар Марказий Комитет томонидан қабул қилинади. Аммо шундан сўнг ўзбек комиссиясида бўлиниш юз беради. Ўзбек комиссиясининг кўпчилик овози билан (Бухоро ва Хива вакиллари ҳам) қабул қилган таклифлари тақдим этилади. Аммо Акбар Исломов (Халқ Комиссарлари Совети раиси) нотўғри йўл тутиб, ҳар доим раҳбарликка ёшларни тортишга қарши туриб, Тошкент эски шаҳарида Иноятов, Маллабоев, Эрғозиев, Мадалимов каби консерватив унсурларга суяниб иш олиб боргани маълум бўлади. Шу масала борасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ВКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раҳбарияти ўртасида келишмовчилик юзага келган.

Ўзбек комиссияси аъзоларининг кўпчилиги бухоролик ва хивалик вакиллар билан биргаликда Сталин қабулида бўлишган¹ ва Туркистонга оид бир қанча масалалар ҳал этилган. Шундан сўнг С.Сегизбоев Тошкентга келган, чунки бу ерда уезд партия конференциясини тайёрлаш керак эди. Ўзбек комиссиясининг ўзида А.Исломов билан Москвадаёқ келишмовчилик юз берганди. Шунда А.Исломов Москвадан конференцияни тайёрлаш тўғрисида кўрсатма бериб юборган.

Тошкентга келган С.Сегизбоевга Тошкент уезд партия конференциясини ўтказиш ҳақидаги Туркистон Марказий Комитетининг топшириғига мувофиқ белгиланган муддатдан

олдин конференцияни уезд партия комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими билан бирга ўтказиш белгиланган. Уезд партия комитети раиси С.Сегизбоев томонидан конференцияни ўтказиш учун ҳаракат қилаётган бир пайтда унга нисбатан ишончсизлик билдирилган. Аммо С.Сегизбоев бунга аҳамият бермаган, оқибатда конференцияни очишга изн берилмай қолган. С.Сегизбоев ишдан олинмаганига қарамасдан, унинг функционал вазифасини бажаришга асосиз йўл қўйилмаган. С.Сегизбоев бунга қаршилик кўрсатмаган. Шунда партия уезд комитети ҳисоботини топшириш унга эмас, ана шу тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирига топшириш кўрсатилган. Чунки у Акбар Исломовга қарашли ҳодим эди. Бунга ҳам С.Сегизбоев аҳамият бермаган. С.Сегизбоев бундай аҳволни гуруҳбозлик, А. Исломов билан Москвадаги келишмовчиликлар натижаси деб билган. Шунга қарамай, С.Сегизбоев конференцияни очиб берган, чунки бу ерда область партия комитети аралашган эди. С.Сегизбоев обкомнинг ижроия бюроси аъзоси эди. У уезд партия конференциясидан чиқиб кетишга мажбур бўлган.

Конференция у томонидан эмас, аксинча, А.Исломов тарафдорлари томонидан тайёрланган. Бироқ конференциядагиларнинг деярли барчаси С.Сегизбоев кетидан конференциядан чиқиб кетишган. Бунда С.Сегизбоев ўзини айбдор деб билган. Эртаси куни Султон Сегизбоевнинг ўзи яна конференцияни тўплашга ёрдам берган, аммо конференция очилишига ўзи келмаган. Бу хатосини Ўзбекистоннинг бирон-бир жойида тан олмаган. Аксинча, ўзининг ҳақлигини исботлаган.

Бир неча кун ўтгач айрим ўртоқларни обкомга, Марказий назорат комиссиясига чақиришган ва бунда ҳам у ўзининг ҳақлигини айта олган. Буларнинг барчасида Акбар Исломовнинг қўли борлигини, Сегизбоевнинг ўзига қарши нопартиявий усулда кураш олиб борганини ҳис этган.

Обком ва Марказий назорат комиссиясидагилар С.Сегизбоевни сўкишган, насиҳат қилишган, у билан баҳслашишган, аммо у ҳам улар билан баҳслашган, эътирозлар бил-

¹ Қаранг: На приеме у Сталина. Тетради (журналы) записей лиц, принятых И.В. Сталиным (1924 – 1953 гг.): Справочник / Авт.-сост. А.В. Коротков, А.Д. Чернев, А.А. Чернобаев. – М.: Новый хронограф, 2008. – 784 с.

² Сталин қабулида Иномжон Хидиралиев 1924 йил 21 июлда, 1925 йил 20 сентябрда, Акбар Исломов 1925 йил 7 январда, 1925 йил 25 майда, Недирбай Айтаков 1925 йил 25 майда, Қайғусиз Отабоев 1925 йил 25 майда, Акмал Икромов 1925 йил 22 майда, 1926 йил 13 апрелда, Файзулла Хўжаев 1926 йил 20 январда, 22 мартда, 23 апрелда бўлганлар. Шамсутдинов Р., Худоев М., Маҳкамов А. Улар Сталин қабулида бўлган эдилар // Водийнома. 2022. №3. – Б.30 – 36.



дирган. Обком ва МНКдагилар уни партиядан ўчириш билан қўрқитмоқчи бўлишган. Аммо на обком, на МНК бундай қилишга журъат этмаган. Чунки улар унинг қўрқмаслигини, Марказий Комитет сари бўлган йўлни яхши билишини, Москвада МКга бор ҳақиқатни айта олишини ҳис қилишган. Обком ҳам, МНК ҳам унга нисбатан кескин чоралар кўра олмаган, чунки улар мавжуд вазиятдан келиб чиқиб С.Сегизбоевнинг ишини кўриб чиқиш учун ВКП (б) Марказий назорат комиссиясига берилишини, бу ерда холисона кўриб чиқилишини (С.Сегизбоев шу вақтда ВКП (б) Марказий Комитети тасдиқлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий бюроси аъзоси эди) талаб этган.

С.Сегизбоев Ўрта Осиё бюросидан уни (Тожикистонда мавжуд бўлган «босмачилик»ка қарши кураш учун) фронтга юборишини сўраган. Натижасиз баҳслардан кўра фронтга бориб кўпроқ фойда келтиришни афзал билган.

Марказий Комитет Ўрта Осиё бюроси уни ВКП (б) Марказий Комитети ихтиёрига юборган. С.Сегизбоев 1924 йил декабрь ойи охирида Тошкентдан чиқиб кетган. Шундан сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ижроия бюроси унинг ишини кўриб чиқиш масаласини Москва олдига қўйган.

Москвага келган С.Сегизбоев ВКП (б) МК Ташкилий бюроси аъзоси Л.М.Каганович қабулида бўлган ва ундан ўқишга рухсат беришини сўраган. Л.М.Каганович ўшанда С.Сегизбоевга раҳми келиб уни ё Уралда, ё Донбассда ишлашга таклиф қилган. У бунга рози бўлган. Шу орада унинг иши ВКП (б) Марказий назорат комиссиясида кўрилади, шунда у биринчи бор уезд конференциясида ўзи йўл қўйган хатосига иқроп бўлган. Шу боис бўлса керак, ВКП (б) Марказий назорат комиссияси унга ҳеч қандай жазо бермаган. Ваҳоланки, Тошкентда уни қўрқитишган эди. Бирон-бир жазо берилмаган ва унинг Донбассда фаолият кўрсатишига изн берилган.

1925 йилда Донбассда Старобельск округ партия комитети инструктори бўлиб ишлай бошлаган. 1925 йилнинг кузида Донецк губернияси ва Украина Компартияси Марказий

Комитетининг йўлланмаси билан Москвада Қизил профессорлар институти тайёрлов бўлимига юборилган. Қизил профессорлар институтида 1930 йилгача хизмат қилган ва институтнинг иқтисодий бўлимини муваффақиятли тамомлаган.

Хамовник район назорат комиссияси 1928 йили С.Сегизбоевнинг эски ишини қайта кўриб чиқишни бошлаган. Шунда С.Сегизбоевга Хамовник район назорат комиссияси томонидан қўйилган айбловда А.Икромовнинг рафиқаси Зелькина ва Мавлонбеков (шунда улар қамоқда ўтирган бўлган) ва бошқалар кўрсатмаларини тақдим қилишган. Бунгача махфий кўрсатмалар берилган. Хамовник РККда иш кўрилганда С.Сегизбоев ҳақидаги мавжуд материалларнинг барчаси тақдим этилган. Иш кўриб чиқилган, натижада 1926 йили таътил вақтида Ўрта Осиё бюроси ва Тошкент обкоми рухсати билан отасини кўриб келгани учун С.Сегизбоевга ҳайфсан берилган. Бу унга берилган бирдан-бир партиявий жазо бўлган, тез орада жазо олиб ташланган. Устидан ёзганларга бу эски фактлар бўйича масала кўтарилмаслиги ҳақида маслаҳат берилган.

1930 йил кузида ВКП (б) МК қарори билан С.Сегизбоев Ўрта Осиёга юборилган. ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси қарори билан Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтига директор этиб тайинланган, бир вақтнинг ўзида Ленин номли Қишлоқ хўжалиги академиясининг Ўрта Осиё филиали раиси вазифасини ҳам бажарган.

1931 йил охирида ВКП (б) МК қарорига биноан Ўрта Осиё бюроси МК қарори билан Москвага юборилган, бу ерда 1931 йил октябрида Марказий назорат комиссияси Ишчи-деҳқон инспекцияси иштирокида гуруҳ раҳбарларининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

1932 йил декабрида ВКП (б) Марказий Комитети Сийёсий бюроси қарори билан Қозоғистонга хизматга юборилган. Қозоғистон ўлка партия комитетида аввал ташкилий бўлим мудирининг ўринбосари, 1933 йил мартдан ўлка партия комитети ташкилий-конструкторлик бўлими мудирининг ўринбосари, 1933 йил мартдан ўлка партия комитети ташкилий-конструкторлик бўлими мудирининг ўринбосари, кейин қишлоқ хўжалиги бўлими мудирининг ўринбосари лавозимида хизмат қилган.



1934 – 1937 йилларда ВКП (б) Қозоғистон ўлка комитети қишлоқ хўжалиги бўлими мудири, Қозоғистон ўлка партия комитетининг 1937 йил 23 мартдаги йиғилишида биринчи котиб Л.И.Мирзояннинг тавсияси билан Султон Сегизбоев Ўлка партия комитетининг қишлоқ хўжалиги бўлими мудирлиги вазифасидан Шимолий Қозоғистон область партия комитетининг биринчи котиби лавозимига тавсия этилган. Бу лавозимда самарали фаолият кўрсатган.¹ 1937 йил апрель – ноябрида Шимолий Қозоғистон область партия комитети биринчи котиби, 1937 – 1938 йилларда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимига фаолият кўрсатган, 1937 йили СССР Олий Советида депутат, 1938 йил 12 январда СССР Олий Совети раиси ўринбосари этиб сайланган.

Айрим тарихчи ва сиёсатчилар Акмал Икромов, Усмон Юсупов, Султон Сегизбоев ва бошқалар мудҳиш учлик аъзолари бўлиб, қатағон машинасини тортганлар деган фикрдалар. Шунга ўхшаш ҳақиқатга зид мулоҳазалар, ёндашувлар онда-сонда учраётганига жавобан баъзи фикрларни айтишни лозим кўрдик.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 30 июлдаги №00447 директиваси асосида учлик тузилган. Унинг 1937 йил октябрь – декабрь ойларидаги таркиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар халқ комиссари (Д.З.Апресян), ЎзССР прокурори (Б.В.Шейндин), Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари (П.Н.Яковлев), Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимига фаолият кўрсатаётган С.Сегизбоевлардан иборат бўлган. Бу учликнинг 1937 йил 14, 19, 25, 28, 28, 28 октябрь, 3, 5, 13, 18, 21, 28 ноябрь, 1 декабрь кунларидаги йиғилишларида 1611 нафар ўзбекистонлик қатағон қилинган, уларнинг маълум қисми отувга, катта қисми 8 – 10 йил концлагерларга ҳукм этилган.

А.Икромов, Усмон Юсупов, С.Сегизбоев, Ж.Тўрабековларнинг учликдаги иштироки формал характерга эга бўлган. Улар ҳал қилувчи овозга эга бўлмаганлар. Қолаверса,

¹ Қозоғистон Республикаси Президенти архиви, 141-фонд, 1-руйхат, 13135-иш, 215 – 227-варақлар.

улар аксарият ўзларининг функционал вазифаларини бажариш билан машғул бўлганлар. Иш кўплиги учун учлик йиғилишларига кела олмаслик ҳоллари кўп бўлгани ҳолда баённомаларга расмийтачилик нуқтаи назаридан имзо чекканлар.

Айблов хулосалари, отув ва қамоққа ҳукм чиқариш лойиҳалари республиканинг округ, шаҳар, район НКВД, КГБ ходимлари, секторлар ходимлари томонидан олдиндан тайёрланиб, баённома тарзида ЎзССР НКВД ҳузуридаги учликка топширилган. Масалан, учликнинг 1938 йил 4, 7, 9, 10, 13, 14, 16, 17 февралдаги, 21, 22 сентябрдаги йиғилишларида расмийлаштирилган 34 та баённомага кўра, бор-йўғи 10 кун ичида деярли 3000 маҳбус устидан Тошкентдан ва областлардан, шаҳарлардан келтирилган айблов хулосаларигагина асосланиб тезкорлик ва шошма-шошарлик билан ҳукм чиқарилган. Ўз навбатида, жойлардаги НКВД оператив секторлари ва Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари ана шу айблов хулосаларини шошма-шошарлик билан, аксарият ҳолларда ноқонуний йўл ва методлар билан, маҳбусларга жисмоний, руҳий азоб бериб, тергов ишларини бузиб, сохталаштириб, хилма-хил «жиноятлар»ни тўқиб, бўҳтонларни ишга солиб юқоридан белгилаб берилган лимитни тўлдириш учун ҳаракат қилганлар. Бу ўринда биргина Андижон шаҳар секторида тергов жараёнида кўпол процессуал қонун бузилишлари ҳақида мисоллар келтирамиз.

Айбланувчиларга тергов тугагандан сўнг «айблари» айтилмаган. Айбланувчилар ва гувоҳлар тилмочсиз ва прокурор санкциясиз қамоққа олинган. Ноқонуний усуллар билан қамоққа олиб, тергов ишларини сохталаштириб, отувга, қамоқ жазосига ҳукм қилиш учун сохта айблов хулосаларини тайёрлагани учун Андижон махсус сектори бошлиғи **Александр Андреевич Стасин** (у бу лавозимга 1937 йил 3 сентябрда тайинланган эди) кейинчалик жавобгарликка тортилган.

Ҳужжатларда қайд этилишича, НКВД Андижон секторидагилар – Стасин, Кулиничев ва Макаревичлар ҳибсга олинган гувоҳ Ниёзовга нисбатан бир неча бор куч қўллаб, Усмон Хол-



бековни фош қилувчи, айбловчи кўрсатмалар олишган. Ниёзов калтак ва қийноқлардан ҳалок бўлган.

Ўша Стасин, унинг ўринбосари Кулиничев, 4-бўлим бошлиғи Макаревичлар 1938 йилда жиноий ишларни сохталаштириб, тергов ҳужжатларини имзолаб, тасдиқлаб, кўплаб маҳбуслар тўғрисида ноқонуний ҳукм лойиҳалари тайёрлагани учун Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий трибунали томонидан олий жазога ҳукм қилинганлар.¹ Кулиничев 1939 йил 25 ноябрда отувга ҳукм этилган.

НКВД Андижон секторидаги бошқа ходимлар маҳбус Холботиров ва бошқаларнинг тергов ишларини олиб боришда ҳам сохталаштиришларга йўл қўйганлари учун 1939 йили жавобгарликка тортилганлар.

Учлик йиғилишида кимлар отувга, кимлар 10 йил муддатга, кимлар 8 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиниши тўғрисидаги баённомаларни: **Тошкент шаҳри бўйича** Шарипов, Петров, Анискеевич, Фролов, Аванесов, Абрамсян, Богданов, Берёзин, Здоровлар; **Марғилон бўйича** Поликарпов, Разумний, Бобржинский, Ўзбекистонда хизмат қилаётган, лекин Россия ва бошқа жойларда туғилган маҳбуслар бўйича Крейднейтер, Катиков; **Андижон сектори бўйича** Макаревич, Берг, Наумов, Туниянц, Гнилошков; **Самарқанд сектори бўйича** Байбеков, Акимов, Смирнов, Лисин; **Қўқон сектори бўйича** Фонкин, Штенгарт; **Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл сектори бўйича** Олсўфиев; **Наманган сектори бўйича** Кузнецов; **Сурхондарё сектори бўйича** Ризаев; **Қашқадарё сектори бўйича** Дегтяров; **Фарғона сектори бўйича** Баранов; **Бухоро сектори бўйича** Римский, Ушаков, Филатов, Семёнов, Чесалов; **Чирчиқ сектори бўйича** Святкевич; **Хоразм сектори бўйича** Ференц, **Ховос сектори бўйича** Елькин, **Тошлоқ сектори бўйича** Лебедевлар тайёрлашган ва уни тасдиқлаш учун ЎзССР НКВД ҳузуридаги учликка тақдим этишган. Баённомаларнинг бир нусхаси жойлардаги НКВД секторларида қолган. ЎзССР НКВД қошидаги учликнинг бу йиғилишларида

маҳбуслар иштирок этишмаган, улар жойлардаги ҳибсхоналарда сақланиб турган. Учлик йиғилишида қабул қилинган қарор, отувга, қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар устидан жазо ижросини таъминлаш вазифаси жойлардаги НКВД секторлари зиммасида бўлган.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги учлиги котиби Я.М.Яковлев шундай эслайди: «Учлик ҳар соатда 100 га яқин иш кўрган, ҳукм эса икки хил: олий жазо – отиб ўлдириш ёки 10 йил ёзишма олиб бориш чекланган ҳолда қамоқ бўлган. Буларнинг иккаласи ҳам ўлим дегани эди. Ишни текшириш, муҳокама қилиш деган амалиёт қўлланилмас эди. Учликнинг қарори менинг иштирокимда НКВД комендан-ти Шишкин томонидан дарҳол ижро этиларди. Маҳбус отиб ташланарди. Ҳукм қилинганлар орасида ўлими олдидан «Яшасин Сталин, яшасин Совет ҳокимияти!» деган хитоблар айтилганини кўп бора эшитганман...»

1967 – 1970 йилларда мен Москвадаги СССР Фанлар академияси Тарих институтида аспирантурада ўқиганман, 1971 йил 4 мартда «Революционные комитеты Советского Туркестана (1918 – 1923 гг.)» мавзуида ўша институт илмий кегашида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилганман. Москва шаҳри Вавилов кўчаси 4-уйдаги Фанлар академияси Аспирантлар уйи ётоқхонасида яшаганман. Шу ётоқхонада Тошкент вилоятининг Оққўрғон районидан келган аспирант, математика бўйича тадқиқот олиб бораётган Эрбўта Файзиев билан гоҳ-гоҳ учрашиб турардим. У Москва архивларида, кутубхоналарда бўлиб, тоғаси, Ўзбекистонда таниқли давлат арбоби Султон Сегизбоев босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида тегишли ҳужжат ва маълумотлар олган эди. С.Сегизбоев 20-йилларда Москвада Свердлов номли Коммунистик университетда, кейинчалик Москвадаги Қизил профессорлар институтида бирга ўқиганини аниқлаган. Шу билан бирга, тоғаси билан бирга ўқиган таниқли партия арбоби М.А.Суслов билан учрашиб, суҳбатлар қурган, архивларда сақланиб қолган айрим ҳужжатлардан нусхалар олган. У тўплаган расмлар, ҳужжатларни кўрганман ва тарихчи сифатида унга тегишли маслаҳатлар берганман.

¹Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.9.



Мен диссертацияни ёқлаб Андижонга қайтдим, шундан бери ҳамсуҳбатим Эрбўта Файзиев билан учрашиш имкониятим бўлмади, ҳозирда бу дўстимиз қаерда ва нима билан машғул эканидан бутунлай беҳабарман.

Ўзбекистон миллий кутубхонасида излашнишлар олиб бораётган чоғимда, 1978 йили Тошкентдаги «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган таниқли тарихчи, тарих фанлари доктори Кўчқор Ҳасанов ва ҳаммуаллифи Ф.Муҳиддинованинг 42 саҳифадан иборат «Султон Сегизбоев» номли рисоласи билан танишиб чиққан эдим. Шунда бу ажойиб сиймо ҳақидаги Эрбўта Файзиев қўлида мужассам бўлган ҳужжат ва материаллар кўз ўнгимда намоён бўлди. Унинг материалларидан рисола муаллифлари Кўчқор Ҳасанов ва Ф.Муҳиддиновалар маълум даражада фойдаланганлари аниқланди. Бу ҳақда улар шундай ёзишган: «Материалларни тўплашда С.Сегизбоевнинг жияни, техника фанлари кандидати Эрбўта Файзиев катта ёрдам кўрсатди». Муаллифлар унга миннатдорчилик билдирганлар.

Мен ҳам докторлик диссертациямни тайёрлаш жараёнида Султон Сегизбоевнинг ҳаётига оид айрим воқеаларни келтирганман. 1921 – 1922 йилларда Фарғона водийсида ер-сув ислоҳоти ўтказилган. Бундан мақсад ер-сув масаласида маҳаллий туб аҳоли билан келгинди рус деҳқонлари ўртасидаги адолатсизликка барҳам бериш эди. Рус мужиклари қўлидаги маҳаллий аҳолидан тортиб олинган ерлар яна ўз эгаларига қайтариб берилганди. Маҳаллий деҳқонлар ер-сув масаласида оз бўлса-да ўз ҳақларига эга бўлган эди. Султон Сегизбоев Фарғона областининг Андижон уезди Жалолобод, Кўгарт, Бозоркўрғон, Хонобод, Қорасув ҳудудларида ер-сув ислоҳотини ўтказишга бевосита бошчилик қилган. Султон Сегизбоев Жалолобод райони ижроия комитети ва район партия комитети бюросининг аъзоси сифатида ер-сув ислоҳотини ўтказишда катта ўрин тутган. Натижада шу ҳудуддаги мустамлакачи қулоқларнинг хўжалиги тугатилган, маҳаллий камбағал деҳқонларга ер ажратиб берилган. Маҳаллий деҳқонлар 154 кооператив артелларга бирлашганлар.

Султон Сегизбоев Фарғонадалигида бу ерда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маърифий соҳаларда катта ташкилотчилик ишларини олиб борган. Ўша вақтда Компартия ва советлар олиб бораётган сиёсатга бошқалар қатори С.Сегизбоев ҳам қарши тура олмас эди, партия аъзоси сифатида советлар сиёсатини ҳаётга татбиқ қилиш борасида ташкилотчилик ишларини олиб борган.

Султон Сегизбоев Туркистон «Кўшчи» союзи Марказий Комитетининг котиби лавозимида ишлаган, бунда деҳқонларни социалистик қурилишга жалб этишда катта хизматлар қилган. Масалан, 1921 йили Туркистон Республикаси «Кўшчи» союзи аъзоларининг сони 50 минг, 1922 йилда 60 минг нафарга етганди. У Фарғона областида экин кампаниясини ўтказишга масъул бўлган. Хўжанд, Жалолобод, Андижон ва бошқа жойдаги қишлоқларни бирма-бир кўриб чиқиш имкониятига эга бўлган. Экин кампаниясини ўтказишда моддий-молиявий, техник ёрдам кўрсатиш, камбағал деҳқонлар ва батракларни уруғлик, кредит, трактор, машиналар, қишлоқ хўжалиги инвентарлари билан таъминлаш амалга оширилган. 1923 – 1925 йилларда Фарғона область партия комитетининг секретари, Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказиш бўйича марказий комиссия аъзоси сифатида сермазмун фаолият кўрсатган.

Тез орада у Туркистон Компартияси Фарғона область партия комитетининг масъул котиби лавозимида жўшқин фаолият кўрсата бошлади. 1924 йил апрелидан Тошкент уезд партия комитети раиси лавозимида фаолият кўрсатди. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилишидан сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий бюроси аъзоси сифатида Андижон уезд-шаҳар ва Фарғона области советлари съездида иштирок этди. 1925 йили ВКП (б) Марказий Комитети йўлланмаси билан Донбассда Старобельский округ партия комитетида инструктор бўлиб хизмат қилди. 1930 – 1931 йилларда Тошкент шаҳрида Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг директори, Ленин номидаги Фанлар академияси Ўрта Осиё филиали раиси лавози-



мида ишлади. Айни вақтда, Тошкент давлат университети иқтисодиёт кафедраси мудир лавозимида фаолият кўрсатди. ВКП (б) МКнинг 1931 йил охиридаги қарори билан Москвага СССР ишчи-деҳқон инспекцияси Марказий назорат комиссиясига ўтказилди. 1932 йил декабрида ВКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қарори билан Қозоғистонга партиявий раҳбарлик ишига юборилди, бу ерда ВКП (б) Ўлка комитети ташкилий-инструкторлик бўлими мудир ва ўлка партия комитети аъзоси бўлиб хизмат қилди. 1937 йил мартдан сентябригача ВКП (б) нинг Шимолий Қозоғистон область партия комитети котиби лавозимида фаолият кўрсатди.

Ғайрат-шижоати ва билимдонлиги эътиборга олиниб ВКП (б) Марказий Комитетининг секретари И.В.Сталин, Халқ Комиссарлари Совети раиси В.М.Молотов, Марказий Ижроия Комитети раиси М.И.Калинин розиликлари ва тавсияси билан 1937 йили Султон Сегизбоев Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимида кўтарилди.

1937 – 1938 йилларда бутун мамлакат бўйлаб, жумладан, Ўзбекистонда «катта террор» сиёсати ва амалиёти олиб борилган ниҳоятда оғир ижтимоий-сиёсий вазиятда қатағон қилинган кўплаб маҳаллий партия, совет, хўжалик органлари раҳбарлари ўрнини қоплаш учун янги кадрларга зарурат туғилган эди. Шу «катта террор»нинг қурбони бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Акмал Икромов, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаевларнинг ўрнига бошқа бир лаёқатли раҳбар ходимлар қўйилиши керак эди. Бу масала билан Марказда бевосита И.В.Сталин ва унинг қўл остидагилар машғул бўлишган.

Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари лавозимида муносиб кадрлар тайёрлаш ва уларни тарбиялаш, кадрларни жой-жойига қўйиш масалалари ВКП (б) Марказий Комитети, Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия Комитетининг зиммасида бўлган. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларни тарбиялаш функцияси ВКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси, айниқса, ВКП (б) Марказий Ко-

митетининг биринчи секретари И.В. Сталинга тегишли эди. 1937 йил август-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси партия, совет раҳбарлик органларига тегишли кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш масаласи кўндаланг бўлган. Ўша кунлари Тошкентга И.В.Сталин топшириғи билан Марказий Комитет секретари А.А.Андреев келган. У вазият билан танишгач, 1937 йил 17 сентябрда ВКП (б) МК котиби Сталинга мана бу хатни йўллаган:

«Кеча МК пленуми очилди, мен МК мактуби, кўрсатма ва зарур тушунтиришларни ўқиб чиққач, Икромов сўзга чиқди, асосан ўз баёнотининг мазмун-моҳиятини барча гувоҳликларни инкор этиш билан такрорлади. Мен барча ўткир саволларни, масалан, Зелкина билан, Цехер ва Болтабоевнинг у ҳақида пленумда эълон қилган янги гувоҳликларини четлаб ўтдим. У душман муҳитига кўр ва ишонувчан бўлиб чиққанини тан олди.

Баҳс бошланди, 12 киши, жумладан, 10 нафар ўзбекистонлик сўзга чиқди. Икромов ташкилотни уйқуга қўйгани, душманлар аллақачон мағлубиятга учрагани, ташкилот ўтмишда меньшевиклар, социалистлар-революционерлар билан курашда тарбиялангани, лекин аввалдан мавжуд бўлган буржуа-миллатчилик ташкилотлари: «Миллий иттиҳод», «Иттиҳод ва тараққий» ва бошқаларни эҳтиёткорлик билан яширганлиги учун қаттиқ танқид қилинади. Икромовни троцкийчиларга мансуб деган даъво билан биринчи марта 23 – 24-йилларда чиқиш қилган эдилар. Улар Афғонистон билан чегара чизигининг собиқ қулоқлар ва босмачилар томонидан тартибга солинганини билишар эди. Бундан фойдаланиб улар Икромов томонидан Каримов, Болтабоев, Шермухамедов ва бошқаларни доимий ҳимоя қилгани, Икромовнинг Файзулла Хўжаевга қарши турган танқидчиларни ҳимоя қилган ва бошқа бемаъниликлар ҳукм сурган кўплаб фактларни келтирган эдилар. Троцкийчилар ва буржуа миллатчилари ҳақида пастдан келаётган гапларга эътибор бермаслик, Қосимов ва бошқалар каби Совет Иттифоқига қарши унсурларнинг Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан очилган ишларига сиёсий доғлар ёғдирилиб, ташкилотдан



яширилган. Хулоса сифатида сўзга чиққанларнинг кўпчилиги Икромовга ишониб бўлмайдилар ва уни бўшатиш керак деган фикрда, икки нафари Икромовнинг ўнг-троцкийчи ташкилотга мансублигини шубҳа остига олдилар.

Маълум бўлишича, масала пленум муҳокама-масига қўйилган, райком котиблари ҳам ҳозир. Пленум яна бир ярим кун давом этади. Мен кейинги муҳокамалар ва юзага келадиган хулосалар ҳақида қўшимча маълумот бераман.

Андреев. Эслатмалар:

1. Турк миллатчи партияси «Иттиҳод ва тараққий» (Бирлик ва тараққий) 1899 йилда ташкил топган; 1926 йилгача мавжуд эди.

2. Ўзбекистон КП (б) МК пленуми 1937 йил 16 – 20 сентябрда бўлди. Пленумда ВКП (б) Марказий Комитетининг мактуби ва Андреевнинг «Дастлабки Ўзбекистон партияси МК котиби Икромов Москвадаги антисовет ва ўнг-троцкийчи гуруҳлар ва ўзбек халқининг буржуа-миллатчи сотқинлари билан боғлиқ жиноятларни фош этувчи тергов материаллари тўғрисида»ги хабари эшитилди. Икромов «халқ душманлари»га (жумладан, Файзулла Хўжаев, Цехер, Болтабоев, Каримов, Шермухамедов, Зелкина) «асосий партия ва совет раҳбарлик лавозимларига киришга тўлиқ имконият берганлик»да, жосусликда айбланиб, уларнинг фош этилишига йўл қўймаган. У «Москвадаги антисовет ўнг қанот троцкийчи гуруҳлар раҳбарлари» (Бухарин, Антипов, Полонский ва бошқалар) билан алоқадор эканлиги; унинг 1923 йилдан «троцкийчилар»га аъзоси эканлигини Ўзбекистон партия ташкилотидан яширган». Пленум Икромовни биринчи котиблик лавозимидан четлаштириш, уни партиядан ўчириш, «у ҳақидаги ишни зудлик билан қўзғаш ва ҳибсга олишни талаб қилиб тергов органларига топшириш» тўғрисида қарор қабул қилди. Икромов 1938 йил март ойида «антисовет ўнг қанот аксилинқилобий блоки» деб номланган судда ўлимга ҳукм қилинган».

1937 йил 19 сентябрь соат 19:52. Тошкентда турган А.Андреевга Сталин ва Молотовдан қуйидаги мазмунда хат келган: «Агар пленум Икромовни ҳибсга олишни талаб қилса, уни ҳибсга олиш мумкин, гар бўлмаса, биз уни

ҳозирча котиблик лавозимидан озод қилиш ва ВКП (б) ихтиёрига бериш билан чекланиб қоламиз. Икромовнинг кейинги тақдири Сиз Москвага қайтганингиздан кейин Москвада ҳал қилинади.

Сегизбоев номзодига маҳаллий масъул ходимларнинг муносабати қандай? Тўрабеков қандай одам? Халқ Комиссарлари Совети раиси бўлиб ким қолади? Ўзбекистон Марказий Комитетининг вақтинчалик биринчи котиби ким бўлади? Тожикистонга боришни истаяпсизми? Қачон?»

Бу хатга мувофиқ А.А.Андреев Тошкентдан 1937 йил 20 сентябрда ВКП (б) Марказий Комитети, Сталинга мана бу хатни йўллаган: «Икромовнинг душман эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқлиги сабабли Ўзбекистон МК Пленуми бир овоздан Икромовни ҳибсга олишни талаб қилди ва уни котиблиқдан четлаштириш ва партия сафидан чиқариш тўғрисида ўзбек масъул ходимлари томонидан тақдим этилган қарор бир овоздан қабул қилинди. Шундан сўнг Икромов ҳибсга олинди. Пленум Яковлевни иккинчи котиб этиб тасдиқлади ва янги бюро ва биринчи котибни сайлаш учун бир ҳафта ичида пленум чақиришга қарор қилинди. Пленум давомида мен одамларга диққат билан қарадим, уларнинг турли хил номзодларга муносабатини сўрадим.

Мен қуйидагиларни айтишим мумкин: 1) Сегизбоевга қулоқлар оиласидан келиб чиққанлиги ва 24 ёшгача бўлган даврда буржуа миллатчилари билан алоқадорлиги сабабли аҳамиятсиз муносабатда бўлишди. Шунингдек, ҳибсга олинган Мўминов Муҳаммад, Турсунхўжаев Саъдулла, Мирзараҳматов ва бошқаларнинг 24 – 25-йилларга оид тегишли кўрсатмалари бор; 2) Тўрабеков ишбилармонлик ва сиёсий хислатлари бўйича раҳбарликка ярамайди, унга бўлган муносабат ёмон, Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари сифатида сақлаб қолиниши мумкин бўлган шахс. Биринчи котибликка номзодлар ичида Сегизбоев тушиб қолса, ҳозир Акмалобод райком котиби, қобилиятли, саводли, ўзбек ишчиларининг энг кўзга кўринганларидан бири Ризаев мос келди. Учинчи котибликка партия ишида жиддий



тажрибага эга бўлган Беҳбудий райком котиби Мақсумов ёки Зомин округ комитети котиби Абдукаримов мос бўларди. Халқ Комиссарлари Совети раисига ҳозир озиқ-овқат саноати халқ комиссари лавозимида ишлаётган Юсупов ёки Каганович райкомининг котиби Каримов номзоди кўрсатилиши мумкин. Уларнинг барчаси пленумда ўзини яхши тутиб, жиддий таассурот қолдирди, умуман олганда, бу ерда номзоди кўрсатилиши керак бўлган одамлар бор. Мен улар аллақачон ўз халқига топширишга киришган одамларни, жумладан, ҳибсга олинган Цехер, Болтабоев, Шермухамедовларнинг кўрсатмаларини тўғри текшириш учун таклифлар беришга шошилмадим. Номзодлар турли манбалар орқали текширилади. Икки-уч кундан кейин Марказий Комитетга якуний таклифларимни билдираман. Ҳозирча бюронинг ҳозирги аъзолари ва Яковлев ишлайди, мен эса биринчи котибнинг вазифаларини бажаришим керак. Пахта терими ва йиғим-теримига яхши тайёргарлик кўрилмагани учун пахта устида қаттиқ ишлашга мажбур бўлдим. Мен бу масала бўйича котиблар билан йиғилиш ўтказдим, яхшиланиш учун барча чораларни кўряпмиз, ҳосил жуда яхши. Бу ерда партия совет ҳокимиятини тузиб, ташкилотларни душманлардан озгина тозаласак, албатта Тожикистонга бораман. Мен 26-куни кетмоқчиман. Андреев. 20.IX.37».

Хатнинг эслатмасида 1937 йил 29 сентябрда Сиёсий бюро Ўзбекистон КП (б) МК томонидан тақдим этилган Бюронинг янги таркибини тас-

диқлади: Юсупов (биринчи котиб), Яковлев (иккинчи котиб), Худойқулов (учинчи котиб), Сегизбоев (Халқ Комиссарлари Совети раиси), Охунбобоев, Ризаев ва бошқалар. Телеграмма жўнатилганда охирида шундай ёзув ёзилган эди: «Бундан ташқари, Фарғона, Самарқанд, Бухоро пахтакор районлари ва колхозларига ҳам боришим керак».

Хуллас, И.В.Сталин Султон Сегизбоев ҳақидаги бор ҳақиқатни билиб, ўша шароитда унинг Ўзбекистон ҳукумати раиси лавозимига муносиб эканига ишонч ҳосил қилган. Султон Сегизбоев Файзулла Хўжаевдан кейин Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси вазифасида фаолият кўрсатди. Айни вақтда, унга катта ишонч билдирилиб, СССР Олий Совети раиси ўринбосари лавозимига ҳам кўтарилди. Бироқ бу вазифада узоқ хизмат қила олмади. Қатағоннинг кучли бўрони кўплар қатори уни ҳам ўз домига тортди. Совет, партия, давлат арбоби, журналист, партия X съезди делегати, Кронштадт исёнини бостиришда иштирок этган, «Фарғона» газетасининг редактори, ВКП (б) нинг XVI ва XVII съездлари вакили Султон Сегизбоев 1939 йил 25 февралда Москва шаҳрида халқ душмани сифатида отувга ҳукм этилган. Унинг жасади Москва шаҳридаги қабристонлардан бирида дафн қилинган. Унинг номи Тошкент вилоятидаги 2-Оққўрғон совхозига, Гулистон шаҳридаги тиббиёт билим юртига, Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига берилган. Султон Сегизбоев хотираси халқлар қалбида ҳамisha барҳаётдир.



ИЛМИЙ ҲАҚИҚАТЛАРГА СОДИҚЛИКМИ, ТУФЛАШМИ?!

Р.Т.Шамсутдинов,

тарих фанлари доктори, профессор


Зокиржон Машрабов, Боқижон Матбобоевларнинг «Фарғона водийси тарихига чизгилар» номли китоби чоп этилди. Китобнинг масъул муҳаррири тарих фанлари доктори Бахтиёр Расулов, тақризчилар тарих фанлари номзоди Сойибжон Ҳошимов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Ҳикматилла Ҳошимов, Бобур номли жамоат фонди тасарруфидаги «Андижон шаҳар-созлик маданияти тарихи» музейи директори Холида Шамсиевалардир.

Тўплам кириш қисми ва 15 та мақоладан иборат. Киришнинг изоҳида: «Таъкид жоизки, ҳавола этилаётган мақолалар бир-бири билан узвий боғланган қадимги деҳқончилик, илк шаҳарлар ва дастлабки давлатчилик муаммоларига бағишланган. Мамлакатимиз тарихининг қизиқарли ва суронли даври – Амир Темур ва темурийлар ўтмиш тарихи янги саҳифаларида қизиқарли археологик маълумотлар билан эълон қилинмоқда», – деб ёзилган (4-бет). Бизнингча, бундай таъриф китобнинг мазмун ва моҳиятига мос тушмаган.

Мундарижада Фарғона водийси тарихига бутунлай алоқаси бўлмаган мақолалар ҳам келтирилган. Масалан, «Амир Темурнинг Волга соҳилларидаги ҳарбий қароргоҳи: мунозара ва

мулоҳазалар» (88 – 104-бетлар). Бу материаллар 2011 йили Бобур фонди томонидан «Соҳибқирон Амир Темур қадамжолари бўйлаб» уюштирилган навбатдаги илмий-амалий экспедиция ҳисоботини ўз ичига қамраб олган. Унда «Олтин Ўрда ва Соҳибқирон», «Амир Темурнинг Дашти Қипчоққа юришлари», «Кондурча жанги ва унинг ҳарбий-сиёсий аҳамияти» ҳақида сўз боради. Китоб муаллифларининг ёзишича, шу экспедиция олиб борган ишлар ҳақида «Ўзбекистон овози», «Миллий тикланиш» газеталарида мақолалар эълон қилинган ва «Буюк Соҳибқирон изидан» номли фильм ойнаи жаҳонда намойиш этилган. Аммо бу мақолада Фарғона водийси тарихига дахлдор бирон-бир маълумот келтирилмаган.

Китобнинг «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб...» деб номланган қисми «Яна Кондурча жанггоҳи ҳақида», «Олтин Ўрданинг савдо-иқтисодий марказлари» (Ҳожи Тархон, Сарой, Янги Сарой, Белжамин), «Амир Темурнинг Кавказ юриши ва Терек жанги», «Тоғли Қорабоғ», «Кўҳна Ҳоразм», «Бобур халқаро жамоатчилик фонди экспедициясининг 2012 йил 27 сентябрдан 24 октябргача босиб ўтган йўл харитаси» мавзулари, фойдаланилган адабиётлардан иборат. Бу бўлимда ҳам Фарғона водийси тарихига оид биронта ҳужжат ёки маълумот кўрсатилмаган.





10-мақола «Ўн олтинчи аср бунёдкори» деб номланган. Шу номдаги китоб 1918 йили Рашбрук Уильямс томонидан ёзилган. Унда Бобур том маънода олим, шох, бунёдкор деб тан олинган. Мақолада Бобур номидаги халқаро жамғарманинг 2000 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида сафарга чиққан илмий экспедицияси давомида хориждаги бобурийлар тарихига оид 35 та ноёб китоб ва қўлёзма асарлар қўлга киритилганига, Бобур мирзонинг Ҳиндистондаги фаолиятига доир маълумотлар келтирилган. З.Машрабов, Б.Матбобоевлар китобининг 124-саҳифасида шундай ёзилган: «Кейинги сафарлар даврида яна бир бобурий авлод – Покиза Султонбегим кашф этилган эди. Унинг хонадонига ташрифимиз ва қизиқарли суҳбат-мулоқотимиз бу галги сафаримизнинг сермазмун бобларидан бири бўлди десак янглишмаймиз. Покиза Султонбегим уйдаги тарихий суратлар, ҳужжатлар, газета ва журналларда чоп этилган мақолалар, эсдаликлар бу мўътабар аёлнинг Баҳодиршоҳ II Зафарга, яъни бобурийларга бошқалардан ҳам кўра яқинроқлигини тасдиқлар эди...»

Бундан 30 йил аввал, яъни 1992 йил сентябрь ойи охири, октябрь ойи бошларида аёлим Фотимахон билан Ҳиндистонга сафар қилганмиз. 1992 йил октябрида самолётда Деҳлидан Тошкентга учиб келаётганда Харьков тиббиёт институтининг аспирантурасида ўқиётган Нажиб ул-Раҳмон исмли деҳлилик йигит билан танишиб қолгандим. Суҳбатда Нажиб ул-Раҳмондан ҳозир бобурийларга мансуб кишилар бор-йўқлиги ҳақида сўраганимда у шундай жавоб қилганди:

– Деҳлида бир аёл яшайди, унинг исми – Покизабегим. Ёши 50 – 55 ларда. Хорижий мамлакатлар билан маданий алоқа қилиш ташкилотига қарашли катта кутубхонага директорлик қилади. Ўзи бева, онаси бор. Мен у билан бир неча бор кўришганман. Покизабегим – холамнинг дугонаси. У Бобур авлодидан эканлигини кўп айтган.

Бу маълумот 1995 йили «Буюк бобурийлар салтанати» номли китобимизда ҳам келтирилган эди. Демак, Зокиржон Машрабовдан 8 йил олдин Деҳлида бобурийлар сулоласига мансуб



АҚШдаги Индиана университети профессор-ўқитувчилари билан. 1995 йил октябрь

Покизабегим борлиги ҳақида маълумот биринчи бор қайд этилган. З.Машрабов қандай қилиб бу маълумотга эга бўлган? Бунинг тафсилотини ёзиши, манбани эслаб ўтиши зарур эди. Унгача 1993 йили биринчи бор менинг «Бобур изидан» номли китобим нашрдан чиққан. Биринчи экспедициямиз 1992 йил июль – август ойларида уюштирилган эди. Шу экспедицияда Ҳиндистонга борилмаган эди. Шу боис ўша йил сентябрь ойи охири – октябрь ойи бошларида мен Ҳиндистон сафарида бўлдим. Сафар натижалари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ўзбекистон овози», «Туркистон», «Андижоннома», «Зиёкор», «Олтин водий» газеталарида 40 га яқин сафарнома эсдаликларимда эълон қилинган. Ҳиндистонга сафарим натижалари ҳақида Андижон вилояти телевидениеси орқали 6 та тематик кўрсатув, 2 та радиоэшиттириш намойиш қилинган эди. Шунда Зокиржон Машрабов Андижон телевидениесига бориб, бўлим бошлиғи Абдураҳмон Тўлановга эътироз билдириб, «Нечук Р.Шамсутдиновнинг бобурийлар ҳақидаги, Ҳиндистонга қилган сафари ҳақидаги кўрсатувларни эфирда бердингиз?» – деб сўроққа тутган. Бунинг тафсилотини эшитиб, З.Машрабовнинг иш жойига бордим, орамизда анча қаттиқ тортишув бўлиб ўтган эди. Шунини мамнуният билан айтаманки, 1994 йили Анқарада Туркий дунё тарихчиларининг конгресси бўлиб, унда кўпжылдлик туркий дунё мамлакатлари тарихини яратиш масаласи муҳокама этилган. Конгрессни тайёрлаш ишчи гуруҳи таркибида ўзбеклардан Олмониядаги доктор



Боймирза Ҳайит, Ўзбекистондан академик Аҳмадали Асқаров, Андижон давлат университетидан камина бор эди. Ўша йилнинг сентябрида конгресс бўлиб, унда мен буюк Бобурийлар салтанати тарихини халқаро миқёсда тадқиқ этиш ва тарғиб этиш масаласи бўйича маъруза қилганман.

1995 йил октябрида профессор Назиф Шаҳроний таклифи билан АҚШнинг Индиана университетига бориб, магистрларга буюк Бобурийлар салтанати тарихидан маъруза қилганман. 1997 йили Англиянинг Оксфорд университетига таклиф қилинганимда ҳам темурийлар, бобурийлар тарихи ҳақида маърузалар ўқиганман.

Китобдаги «Ўн олтинчи аср бунёдкори» сарлавҳали мақола умуман «Фарғона водийси тарихига чизгилар» тўплами мазмун-мундарижасига мувофиқ эмас. З.Машрабов, Б.Матбобоевларнинг бу китобидаги «Султон суягин хўрламас» сарлавҳали мақола ҳам Фарғона водийси тарихига бевосита дахлдор эмас.


Китобнинг 13-мақоласи «Илмий ҳақиқатларга содиқ бўлайлик» деб номланган. Мақоланинг бошидаёқ «XX асрда Ўзбекистонда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишда анча-мунча иш қилинди» деган жумла ноўрин қўлланган. Аксинча, XX асрда бу икки буюк даҳо – Навоий, Бобурнинг ҳаёти, илмий, адабий, бадий меросини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилиш борасида улкан ишлар олиб борилгани барчага яхши маълум.

Китоб муаллифлари 1991 – 2010 йиллар оралиғида Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий-оммабоп нашрлар, бадий-адабий асарлар (Сабоҳат Азимжонов, Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасанов, Дилором Юсупова, Иброҳим Ҳаққулов, Неъматуллоҳ Отажонов, Ваҳоб Раҳмонов, Ҳасан Қудратиллаев, Сайфиддин Жалилов, Ансориддин Иброҳимов, Ғофуржон Сатимов, Иқболлой Адизова, Раҳим Воҳидов, Каромат Муллахўжаева сингари олимлар, Пиримқул Қодиров, Хайриддин Султон, Сирожиддин Саййид, Қамчибек Кенжадек шоир ва адиблар) тўфайли бобуршунослик илми шаклланди, бу хайрли ишда халқаро Бобур жамоат фонди фаол қатнашгани қайд этилган.

Шунингдек, китобда хориждаги бобуршунослар: Япониядан Эйжи Мано, АҚШдан Уеллер Текстон ва Стефан Дейл, Германиядан Клаус Шонинг ва Ян Хонзел, Туркиядан Билол Южел ва Танжу Сейхан, Ҳиндистондан Мансура Ҳайдар, Франциядан Грамон Беке, Шотландиядан Ҳасан Бек, Афғонистондан Шафиқа ва Ҳалим Ёрқин, Арабистондан Магда Махлуф, Венгриядан Бенедек Пери, Озарбайжондан Рамиз Аскер, Қозоғистондан Ислоҳ Жемене, Туркменистондан Раҳиммамет Куреновлар номлари қайд этилган (155-бет).

Бироқ бобурийлар тарихи билан узвий боғланган Фарғона водийси тарихи ҳақида салмоқли ишлар қилган маҳаллий олимлардан айримлари ҳатто эсланмаган. Бунинг ёрқин мисоли Андижон фарзанди Шокирхон Рустамхўжаевнинг ижодидир. Унинг 2016 йили Москвада чоп этилган «Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бабуриды. Библиография» номли 134 босма табоқ, 1180 бетлик улкан китоби З.Машрабов ва Б.Матбобоевлар томонидан ҳатто элатиб ўтилмаган. Бу китобга Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси А.В.Дибонинг ёзган сўзбошиси рус, ўзбек ва инглиз тилларида берилган. Тузувчи-муаллиф Ш.Ш.Рустамхўжаев китобнинг яратилиш тарихига оид мулоҳазаларини рус, ўзбек, инглиз тилларида баён этган.

Мазкур библиографиянинг 113 – 114-саҳифаларида Рустам Шамсутдинов билан биргаликда шогирдларининг ёзган асар ва мақолаларидан 17 таси, 254-саҳифасида ўзбек ва рус тилларида «Бобурийлар даврида тасвирий санъат» мақоласи, китобнинг 393 – 394-саҳифаларида «Бобур изидан Покистон диёрида», «Бобурийлар боғлари», «Бобурноманинг йўқолган саҳифалари», шогирди М.Абдуллаев билан «Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни», «Гултож нисбатини олган салтанат», «Қатағон қилинган бобурийзодалар» номли мақолалари, 91-бетда «Бобурноманинг йўқолган саҳифалари», 149-саҳифада В.Долговнинг «Андижанская правда» газетасида «Об ученом Р.Шамсутдинове и его трудах о З.М.Бабура и бабуридах» мақоласи ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, 47-саҳифада 1995



Рустамбек Ҳожи Шамсуддин ўғли

БОБУРНИ ИЗЛАБ BOBURNI IZLAB



Р. Шамсуддинов, Ф. Абдуллаев,
М. Абдуллаев.



Б У Ю К
БОБУРИЙЛАР
САЛТАНАТИ

„МЕРОС“

Йил 9 декабрда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Андижонда ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллари Р.Т.Шамсуддинов масъул муҳаррирлигида нашр қилинган, бу китобдаги Бобур авлодлари, Бобур боғи, Бобур майдони, Бобурнинг рамзий мақбараси, Бобур музейи, Бобур номли илмий экспедиция ҳақидаги қайдлар, «Бобурий маликалар», «Буюк мўғуллар империяси» мақолалари қайд этилган. Шу саҳифада С.Жалиловнинг «Бобур ва Андижон», Рустамбек Шамсуддин ўғлининг «Бобурни излаб» номли китоблари босмадан чиққанлиги «Андижоннома»нинг 1993 йил 18 декабрь сонида хабар қилинган. Мазкур китобнинг бошқа саҳифаларида ҳам Р.Шамсуддиновнинг Бобур ва бобурийларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги бошқа асарлари, мақолалари эслаб ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, Зокиржон Машрабов, Боқижон Матбобоевларнинг «Фарғона водийси тарихига чизгилар» китобидаги «Илмий ҳақиқатларга содиқ бўлайлик» номли 13-мақолада Ш.Рустамхўжаевнинг ҳам, Р.Шамсуддиновнинг ҳам асар ва мақолалари умуман тилга олинмаган. Шу ҳам илмий ҳақиқатга содиқликми? Яна таъкидлаш жоизки, «Фарғона водийси тарихига чизгилар» деб номланган китобда Фарғона водийси тарихини ўрганган археолог, тарихчи Б.Матбобоевнинг мақолаларида мутахассислиги геолог бўлган З.Машрабов муаллиф сифатида биринчи ўринда турибди. Фарғона водийси тарихига мутлақо

алоқаси бўлмаган бир қанча тарихий воқеалар келтирилганини юқорида қисман кўрсатиб ўтдик. Бизнингча, китоб ўта шошилиш тарзда тайёрланиб, нашрга берилган. Китоб титул varaғининг орқасида З.Машрабов, Б.Матбобоев. *Фарғона водийси тарихига чизгилар*, 256 бет деб кўрсатилган. Ваҳоланки, китобнинг матни 222-бетда тугаган.

Шундан сўнг янги саҳифа «ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚАДИМИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ» сарлавҳаси остида Боқижон Матбобоевнинг докторлик диссертациясига ва бундан олдинги монографиясига илова қилинган 31 саҳифалик археологик, этнографик, нумизматик, картографик расмлар изоҳлар билан келтирилган. Китобнинг биринчи муаллифи бўлиб турган З.Машрабовнинг бу материалларга қандай алоқаси бор экан? Бизнингча, тарих фанлари доктори Боқижон Матбобоев ўзининг тарихчи-археолог сифатида профессионал бурчига зид равишда илмий тадқиқот ишларининг йўл-йўриқларини писанд қилмаганлиги яққол намоён бўлмоқда. Илм-фанда ҳар қандай ошна-оғайнигарчиликка, таниш-билишчиликка, манфаатпарастликка, хушомадгўйликка йўл қўйилмаслиги керак.

Қолмишига, китобнинг масъул муҳаррири тарих фанлари доктори Бахтиёр Расулов масалага жиддий эътибор бермаганини ҳам қайд этиш лозим.

Китобни нашр этиш учун тақриз берган Б.Матбобоевнинг ўғли Ҳикматилла Ҳошимов-



нинг тақризи билан танишиш учун нашриётга мурожаат қилдик, аммо бунга рад жавоби олинди. Тақризчи доцент, тарих фанлари номзоди С.А.Ҳошимов ўзининг тақризида бир қатор камчиликларни кўрсатиб ўтган. Аммо китоб муаллифлари уларни инобатга олишмаган. Ана шу тақризда кўрсатиб ўтилган камчиликлар қуйидагилар эди: «1. Тадқиқот тили жуда ҳам илмий бўлиб қолган. Кенг китобхон оммаси ўқиганда тушунишда қийинчиликлар туғдиради. 2. Мустақиллик йилларида ёзилган Фарғона водийси шаҳарсозлигига оид янги тадқиқотлардан, жумладан, Андижонда яратилган тадқиқотлардан проф. Р.Т.Шамсутдинов, Б.Матбабаев, А.Мамажонов, Қ.Бозоровнинг «Кўҳна ва навқирон Андижон тарихи», Р.Шамсутдинов, Х.Исҳоқовларнинг «Андижон тарихидан лавҳалар» китобларидан, шу-

нингдек, С.Жалиловнинг «Андижон» номли рисолаларидан ҳам фойдаланиш лозим эди. 3. Менимча, рисола «Фарғона водийси тарихига чизгилар» деб номлангани ҳолда кўпроқ матнлар Андижон тарихига бағишланиб қолган. 4. Иловалар сифати паст».

Хуллас, шошилинич тарзда нашр этилган мазкур китоб тарихшунослик, манбашунослик, элшунослик нуқтаи назаридан қараганда ҳозирги талаблар даражасида эмас.

Муаллифларнинг **«Китоб мутахассислар-археологлар, тарихчилар, этнографлар, шарқшунослар ҳамда олий ўқув юртлари талабалари, магистрантлари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган»** деган тавсияси мутлақо ўринсиздир ва мазкур китобни талабалар жамоасига тавсия этиш умуман мумкин эмас.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ:

ЎТРОҚ ВА КЎЧМАНЧИ МАДАНИЯТЛАРНИНГ ЎЗARO ТАЪСИРИ»
МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

М.Саидов,


тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

2022 йил 7 октябрда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази томонидан Фарғона водийсининг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи бўйича йирик мутахассис, археолог олим, тарих фанлари доктори, профессор А.А.Анарбаев таваллудининг 75 йиллигига бағишланган «Марказий Осиё цивилизацияси: ўтроқ ва кўчманчи маданиятларнинг ўзаро таъсири» мавзуда халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Конференция ишида хориж ва юртимиздаги илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларидан келган тарихчи ва археолог олимлар, Наманган ва Фарғона вилояти ҳокимияти, Кўқон ва Марғилон шаҳарлари ҳокимияти ҳамда республика илмий жамоатчилиги вакиллари иштирок этишди. Конференция иши Миллий археология маркази директори Ф.Мақсудов томонидан очилиб, унинг ялпи мажлисида академик А.Асқаров, проф. Т.Ширинов, проф. Р.Шамсутдинов, проф. Д.Алимова, проф. С.Каримова, проф. Н.Мустафаева, проф. Б.Бажанов ва бошқа тарихчи олимлар сўзга чиқиб, профессор А.А.Анарбаевнинг Ўзбекистоннинг қадим ўтмиш тарихини ўрганишдаги ўрни борасида ўз фикрларини билдириб ўтишди. Сўзга чиққанлар Ўзбекистон археологияси равнақиға муносиб ҳисса қўшган, меҳнат фаолияти давомида ўзининг юксак билими ва ҳаётий таж-

рибасини, раҳбарлик қобилиятини намоён этган А.Анарбаевнинг Марказий Осиё археологияси ва тарихидаги энг долзарб муаммолар ҳисобланган суғорма деҳқончилик, шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва тараққиёти, илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганишга катта ҳисса қўшгани эътироф этилди.

Хусусан, проф. Т.Шириновнинг қайд этишича, А.Анарбаевнинг илмий фаолиятида Фарғона тарихи ва археологияси, жумладан, Ахсикент ёдгорлиги муҳим ўрин эгаллаган. Ахсикентда олиб борилган бир неча ўн йиллик қазималар натижасида милоддан аввалги II аср Хитой манбаларида, милодий VII – VIII асрлар араб манбаларида тилга олинган қадимги Фарғона давлатининг пойтахти «Фарғона» (Юан) шаҳри Эски Ахси (Ахсикент) ёдгорлиги ўрнида бўлганлиги, IX асрнинг иккинчи ярмидан Фарғона-Ахсикат, фақат XI асрнинг иккинчи ярмидан Ахсикат деб атала бошлаганлиги археологик ва нумизматик материаллар асосида исботлаб берилган.



Профессор А.Анарбаев



Шу билан бирга, IX – XII асрларда «Дамашқ қиличлари» номи билан бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган қурооллар Фарғона-Ахсикат ҳунармандлари томонидан ясалганлигини аниқлашда А.Анарбаевнинг хизмати катта бўлди. Ўрта аср Европа рицарларини ҳайрон қолдирган бундай қурооллар 1650 – 1700 даража иссиқликка чидайдиган махсус каолин идишларда тайёрланган соф пўлатдан («булат») ясалганлиги аниқланди. Бундан ташқари, Ахсикент ёдгорлигида X – XII асрларга оид ерости водопроводи қурилишида физикадаги туташ идишлар қонуни амалда қўлланилганлиги аниқланди. Шунингдек, шаҳар топографияси, ривожланиш босқичлари, ҳунармандчилиги ижтимоий ва маданий ҳаётига доир кўплаб янги илмий маълумотлар қўлга киритилди. Ушбу илмий янгиликлар А.Анарбаевнинг 2013 йили нашр қилинган «Ахсикет – столица древней Ферганы» деган фундаментал илмий монографиясида ўз аксини топган.

ЎзР ФА Сейсмология институти етакчи илмий ходими М.Усманова А.Анарбаев раҳбарлигида ўзбек археологиясида янги йўналиш ҳисобланган археосейсмологик тадқиқотлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади. Жумладан, Россия Фанлар академиясининг Отто Шмидт номидаги Ер физикаси институти ва Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти мутахассислари билан биргаликда Фарғона водийси сейсмик хавфини аниқлаш ва ушбу ҳудудда содир бўлган энг кучли zilзилалар ҳақида хулосаларни тўплаш мақсадида илк бор археосейсмологик дала тадқиқотлари ўтказилди. Ахсикент, Эйлатан, Қуюлтепа, Муғқалъа, Муғтепа ва Қирққужра каби йирик ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида минтақанинг сейсмик тарихи ҳақидаги билимларни кенгайтиришга имкон берадиган маълумотлар олинди. Тадқиқот натижалари дунёнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган 10 га яқин мақолаларда ўз аксини топди. Ушбу тадқиқотлар Фарғона водийсидаги археология ёдгорликлари асосида минтақанинг сейсмологик фаоллигини ўрганишга қаратилган дастлабки илмий тадқиқот ҳисобланади.

Профессор Р.Т.Шамсутдинов сўзга чиқиб, А.Анарбаевнинг Фарғона водийсининг узоқ ўтмиш тарихини ўрганишдаги хизматлари ҳақида батафсил тўхталди. Жумладан, Фарғона тарихи бўйича қўлга киритилган илмий янгиликлар А.Анарбаев томонидан «ВОДИЙНОМА» журнали саҳифаларида мунтазам эълон қилиниб келмоқда.

Миллий марказ директори Ф.А.Мақсудов томонидан А.Анарбаевнинг илм-фанни омма-



Ўнгдан чапга: Д.Алимова, Н.Мустафоева, А.Асқаров, Р.Шамсутдинов, Т.Ширинов, М.Исҳоқов, Б.Исоқов



лаштириш ва тарғиб қилиш борасидаги амалий ишлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Унинг қайд этишича, Ахсикент археология ёдгорлигида олиб борилган кенг кўламли археологик қазишмалар натижасида аниқланган ероти сув қувурлари, баландлиги ва эни 20 метр бўлган, икки минг йиллик тарихга эга қалъа деворлари, ўрта аср устахоналари, тураржой қолдиқлари, жамоат ҳаммомлари ва бошқа иншоотлари музейлаштирилди. Мажмуа 2019 йил февраль ойида Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилояти Тўрақўрғон туманига қилган амалий ташрифи чоғида намойиш этилди. Ҳозирги кунда мажмуа фаолиятини янада ривожлантириш борасида А.Анарбаев томонидан амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Умуман олганда, сўзга чиққанлар А.Анарбаевнинг Марғилон, Қўқон шаҳарлари қадимий тарихини ўрганишга қаратилган комплекс изланишлар, Ғовасойнинг қуйи қисми ва у ерда жойлашган бронза даврига оид Чуст ёдгорлиги, илк темир даврига оид Қирққўжра, илк ўрта асрларга мансуб Баландтепа, Мунчоқтепа ёдгорликлари ва уларда ўтказилган кенг кўламли археологик, палеогеографик ва археосейсмологик тадқиқотлар, илк ўрта асрларда Хитой, умуман, Узоқ Шарққа тижорат қилиб бориб қолган ўрта осийлик суғдларнинг тари-

хий тақдири борасида илмий қарашлар, Амир Темури ва теурийлар даврида Самарқанд шаҳрида қурилган улкан биноларнинг меъморий кўринишлари бўйича ўтказган илмий ишлари ҳақида ижобий фикрлар билдиришди.

Конференциянинг шуъба йиғилишида Россия, Қозоғистон ва республикаимизнинг турли хил илмий марказлари ва олий таълим муассасаларидан келган археолог тарихчи олимлар Марказий Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлардаги моддий ва маънавий маданияти, санъати, шаҳар (ўтроқ) ва кўчманчи маданиятларига бағишланган мавзуларда ўз маърузалари билан чиқиш қилишди. Хусусан, Россия Фанлар академияси Ер физикаси институти бўлим бошлиғи профессор А.М.Корженков ва профессор А.Анарбаевнинг «Буюк ипак йўлининг Фарғона ҳудудидаги тарихий сейсмологик офатлар» мавзуидаги чиқиши йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, археологик ва археосейсмологик тадқиқотлар ёрдамида Фарғона водийсида ҳар 500 – 600 йилда 9 – 10 баллик кучли ер қимирлашлари бўлиб турганлиги ҳақида янги маълумот берилди. Маърузачиларнинг таъкидлашича, охириги шундай ер қимирлаши 1620 йили юз берган. Натижада теурийлар даври Ахсикат (Ахси) шаҳри ер билан яксон бўлади.



Президиумда ўнгдан биринчи А.Асқаров, иккинчи юбиляр Абдулҳамид Анарбаев, учинчи Фарҳод Мақсудов



Шу билан бирга, Жанубий Қозоғистон давлат педагогика университети профессори А.Н.Подушкиннинг «Қанғуй тарихи янги палеолингвистик, нумизматик ва археологик манбалар асосида» мавзуидаги маърузаси тингланди. Маърузачи Жанубий Қозоғистон ҳудудидаги милоддан аввалги II – милодий III асрларга оид Учбастобе манзилгоҳи ва Қиличжар қабристонни ёдгорликларини археологик тадқиқ этишининг натижалари асосида Қанғуй давлатининг тарихий, маданий, этник-ижтимоий ва диний аҳамияти контекстидаги тавсифларни ёритиб, Қанғуй давлатида бадий ижод, тасвирий санъат юқори даражада ривожланганини кўрсатиб берди.

Бундан ташқари, ЎзМУ профессори Р.Сулаймоновнинг Марказий Осиёда кўчманчиларнинг ўрни, академик А.Асқаровнинг Учтепа ёдгорлиги мисолида археологик ёдгорликларни туризм объектига айлантириш масалалари, Самарқанд археология институти катта илмий ходими А.Атахожаевнинг X асрга оид Робинзон хазинасининг янги талқини борасидаги

маърузалари конференция иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Конференцияда Тарих институти бош илмий ходими Д.Алимова, Шарқшунослик институти профессори Б.Бабажанов, Миллий археология маркази етакчи илмий ходимлари Ф.А.Мақсудов, Дж.Мирзаахмедов, С.Баратов, М.Филанович, С.Ильясова, Ғ.Бобоёров чиқишлари Марказий Осиёда ўтроқ ва кўчманчи маданиятларнинг ўзаро алоқадорлиги, таъсири, моддий маданияти, диний қарашлари, санъати каби жиҳатларини ёритиб беришга қаратилди.

Конференция сўнгида юқоридаги маърузалар қизгин муҳокама қилиниб, Марказий Осиё шаҳар маданиятининг келиб чиқиши, Буюк ипак йўлидаги қадимги шаҳарлар, шаҳар ва дашт, шаҳар ва кўчманчи маданиятларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш, замонавий археологиянинг аниқ ва табиий фанлар билан ўзаро алоқадорлигини кучайтириш ҳозирги кунда долзарб вазифа эканлиги таъкидланиб, бу боладаги илмий ишлар кўламини кенгайтиришга келишиб олинди.



ҚАРДОШ ТОЖИКИСТОННИНГ ТАНИҚЛИ ТАРИХЧИ ОЛИМИ НАЗИРЖОН ТУРСУНОВ 80 ЁШДА

Рустамбек Шамсутдинов, Дилшодбек Ҳомидов, Азизбек Маҳкамов,

Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг катта илмий ходимлари

Ён қўшнимиз, тарихий ва ҳамиша навқирон Хўжанд шаҳрида 1942 йили таваллуд топган Назиржон Турсунов катта ҳаёт ва фан мактабини ўтаган, бутун Тожикистон халқининг, жумладан, Хўжанд вилояти тарихининг қадимги давридан ҳозиргача бўлган даври бўйича жуда катта илмий ва оммабоп асарлар ёзиб кенг халқ оmmasида шуҳрат қозонган алломалардан биридир. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли, илм-фанда, маданий-маърифий соҳада халқнинг чинакам ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган, иззат-икромини қозонган забардаст фан кишиси сифатида Тожикистондагина эмас, бутун Ўрта Осиёда ҳам маълум ва машҳурдир. Камтарин, хокисор бу табаррук олимнинг тарих ва этнография фанига қўшган ҳиссаси унинг «Хўжанд ҳунармандчилигига доир» (1974 йил), «Шимолий Тожикистон шаҳар ва қишлоқлари пайдо бўлишига ва ривожланишига доир» (1976, 1991 йиллар), «Хўжанд шаҳри пайдо бўлиши, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожланишига доир» (1989, 1999, 2012 йиллар), «Тожик халқи этнографиясига доир» (1992 йил), «Истаравшан ҳудуди этнографиясига доир» (1992 йил), «Тожик халқи тарихига доир» (2001 йил), «Темурмалик ўғлон қаҳрамонлигига доир» (2003 йил) каби ўнлаб китоблари, кўпдан-кўп илмий мақолалари, қатор иқтидорли, садоқатли шогирдлари ардоғи-



да азиз-мукаррам бўлиб яшаётган бу устознинг қўтлуғ 80 йиллиги Хўжанд халқи томонидан кенг нишонланди.

Марказий Осиёнинг қадимий цивилизация марказларидан бири Хўжанддан кўплаб алломаю авлиёлар, шоиру ҳофизлар, машҳур кишилар чиққан. Улар қаторида қардош Ўзбекистонда илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган академик Тошмуҳаммад Қори Ниёзий, Андижонда жадид мактабини битирган академик Зариф Ражабов, Тошкент давлат университети ректори бўлиб ишлаган Солиҳ Ражабов, Ўзбекистон

Компартияси Марказий Комитети котиби, тарих фанлари доктори, профессор Мавлон Ваҳобов ва бошқаларни эслаш жоиздир. Юбиляримиз Назиржон Очилович Турсунов ҳам ана шундай сиймолардан биридир. 2022 йил 8 октябрда академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети мажлислар залида олим таваллудининг 80 йиллиги кенг илмий жамоатчилик томонидан юқори савияда ўтказилганлиги Андижон давлат университети делегациясини ҳам бениҳоя хушнуд этди. Хўжанд ва Андижон давлат университетлари профессор-ўқитувчиларининг ўзаро ҳамкорлиги ва дўстлиги ўтган асрнинг 60 – 70-йиллариданоқ бошланган. Бу қардошлик, дўстлик анъаналари мустақиллик шароитида янги мазмун билан





бойитилмоқда. Бунинг ёрқин мисолларидан бири оиласи билан узоқ Шимолий Кавказга сургун қилинган, сургунда ўрта мактабни битириб, Тошкент олий ўқув юртида тарихчи касбини эгаллаган, тарих фанлари доктори, профессор, Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Хўжанд университети тарих кафедрасида узоқ йиллар мудирлик қилган Ғафуржон Ҳайдаров билан 40-йиллар бошларида Хўжанд шаҳрининг ўзбеклар яшайдиган «Бешкапа» маҳалласида истиқомат қилган Темиров Шамсутдиннинг фарзанди ҳозирда тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият арбоби, Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори Рустамбек Шамсутдинов билан илмий ҳамкорлиги, дўстлиги маълум эди. Бу икки тадқиқотчи советларнинг Ўрта Осиёда олиб борган қулоқлаштириш, сургун қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатларини кенг

ва катта режада амалга оширганлари бу икки қардош республикалар тарихшуносларига маълумдир.

Бизни қардош Тожикистон диёрида Назиржон Турсуновнинг шогирдлари кутиб олдилар ва Қайроққум сув омбори қирғоғида жойлашган шоҳона меҳмонхонага жойлаштирдилар. Бир кун шу ерда қолиб, эртасига эрталаб конференцияда қатнашиш учун Хўжанд давлат университети тарих ва филология факультети талабалари ўқийдиган бинога бордик.

Университетнинг «Тожиқ халқи тарихи» кафедрасини ташкил қилган ва унга раҳбарлик қилган, тарих фанлари доктори, профессор, фан арбоби Ғафуржон Ҳайдаров хотирасига аталган музейга ташриф буюрилди, Р.Шамсутдинов ҳамроҳлари билан бирга тарих факультети профессор-ўқитувчилари иштирокида музейга қадам ранжида қилиб, дўсти, маслакдоши профессор ҳақиқа атаб Қуръон тиловат қилди, тарихчи талабалар





икки китоби 1989 ва 2013 йилларда кўп тиражда нашр этилган бўлса-да, аммо ҳозирга қадар шу университет музейи яратилган эмас. Шу боис ҳам Хўжанд давлат университети музейи биз учун муҳим янгилик бўлди. Бу музей директори Юлдошев Рустам Рўзиевич билан Р.Т.Шамсутдинов АндДУ музейини яратиш масаласида келишиб олишди.

Хўжанд сафаридан қайтилгач Р.Т.Шамсутдинов ректор Акромжон Султонмуратович Юлдашев билан Бобур номидаги Андижон давлат университети музейини барпо этиш хусусида суҳбат ўтказди. Яқин орада бу ишга киришилади.

билан учрашувда у раҳматли Ғафуржон Ҳайдаров ҳақида ўз эсдаликларини изҳор этди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Хўжанд давлат университети тарихи музейи яратилган бўлиб, у бизда жуда катта таассурот қолдирди. Гарчи Андижон вилоятидаги биринчи олий ўқув юрти – Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети профессори Р.Т.Шамсутдиннинг мана бу

Талабалар билан учрашувдан сўнг университетнинг тадбирлар залида Назиржон Турсунов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бошланди. Анжуманни академик Бобожон Ғафуров номли Хўжанд давлат университети ректори, тарих фанлари доктори профессор Усмонзода Аюб Ислом очиб бер-





ди. Хўжанд шаҳри ҳокими Фирдавс Шарифзода сўзга чиқиб, олимнинг фандаги ютуқлари ва шаҳар учун қилган маънавий-маърифий соҳадаги хизматларини юксак баҳолади. Ленинобод шаҳрининг қайта ўз тарихий номи Хўжандни олиши учун «Эҳёи Хужанд» номли жамиятни ташкил этиш борасида кўрсатган жонбозликларини, шаҳарда икки музей – суратлар галереяси ва «Эргашбой» тарихий-этнографик уй-музейини шахсан ташкил қилганлигини алоҳида таъкидлади.

Сўғд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Анвар Ёқубий юбилярни табриклади ва вилоят ҳокими Ражаббой Аҳмадзоданинг табригини ўқиб берди.

Шунингдек, юбилярни дўстлари, шогирдлари, оила аъзолари, меҳмонлардан Душанбе шаҳридан келган академик Ҳайдаршо Пирумшоев, академик Кароматулло Олимов, тарих

фанлари доктори, профессор Баҳром Қурбоннов, Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси вакиллари Хайринисо Юсуфий, Абдурахим Холиқзода, Насиба Содиқий, Мавзуна Шамсиддинзодалар ўз табриклари билан чиқишлар қилдилар.

Олимнинг шогирдларидан Тожикистон Республикаси илм ва маориф вазири биринчи ўринбосари профессор Жўразода Жамшид Ҳабибулло «Zoom» орқали «Тожиқшунослик илмининг етук донишманди» мавзуидаги чиқишида устозининг серқирра фаолиятини батафсил очиб берди. Душанбедан ташриф буюрган академиклар Кароматулло Олимов ва Ҳайдаршо Пирумшоевлар Н.О.Турсуновнинг серқирра илмий фаолиятини юксак баҳоладилар. Иқтидорли шогирдларидан бири, таниқли тарихчи олим Ж.Б.Исомиддинов устоз илмий-ижодий меросининг турли қирраларини анжуман аҳ-





лига очиб берди.

Меҳмонлар, ҳамкасблар, шогирдлар, дўстлар табриги бошланди. Жумладан, юбилярнинг яқин дўсти, Андижон давлат университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг самимий, меҳрга тўла табриги анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. 2019 йили профессор Назиржон Турсуновнинг Андижон давлат университетига ташрифида ҳамкасби шаънига айтган илиқ, дўстона, пурмаъно фикрлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Андижон ва Хўжанд тарихчи олимлари, устоз ва шогирдлари билан биргаликда аввал азалдан бу икки қардош халқнинг ҳавас қилса арзийдиган тарихнинг мустабид советлар томонидан бузилган, сохталаштирилган саҳифаларини қайтадан тиклаш, бу икки қардош, жондош юрт тарихини тиклаш борасида елкама-елка туриб ҳамкорлик қилиш масалаларига анжуман иштирокчилари эътиборини қаратди.

Юбилярнинг ардоқли фарзанди, иқтисод фанлари доктори, профессор, Тожикистон миллий банки раиси ўринбосари Гулбаҳор Назирийнинг падари бузрукворининг ҳаёт йўли, илм-фанга қўшган ҳиссаси ва жонажон, қадимий ва ҳамиша навқирон Хўжанд тарихи, этнографияси меъмори бўлган профессор Назиржон Турсунов ҳақидаги юқори савиядаги маърузаси анжуман иштирокчиларини ҳайратга солди. Бу нотик ҳеч қандай қоғозга қарамасдан падарининг илмий-ижодий, ҳаётий йўли порт-

ретини ўта маъноли, гўзал сўзлар билан чизиб бергани бутун анжуман аҳлига кучли таъсир этди. Фарзанднинг отаси босиб ўтган машаққатли, лекин шарафли йўлни шу қадар чуқур билиши, кишини мафтун этувчи гўзал сўзлар билан, ўзига хос нотиклик санъатини намойиш этиб падари бузрукворига бўлган меҳр-муҳаббатини изҳор этиши зални гулдурас қарсақларга тўлдириб юборди.

Андижон делегацияси қардош Тожикистон олим-уламолари билан, оддий аҳоли, талабалар, юбиляр, профессор, Хўжанд биографи Назиржон Турсунов билан бўлган учрашув ва суҳбатлардан олам-олам таассурот билан Андижонга қайтди.

Делегация аъзолари – Р.Т.Шамсутдинов, Д.Ҳомидов, А.Маҳкамов. 2022 йил 7 – 9 октябрь Хўжанд.

Ўша куннинг ўзида анжуманга ташриф буюрган Душанбе ва Андижон вакиллари университетнинг тарих факультети талаба, магистр, профессор-ўқитувчилари билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Душанбедан келган академиклар Ҳайдаршо Пирумшоев, Кароматулло Олимовлар, Андижон давлат университетидан тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов, унинг шогирдлари Дилшодбек Ҳомидов, Азизбек Маҳкамовлар талабалар, магистрлар, профессор-ўқитувчилар олдида Ғафуржон Ҳайдаров ва профессор Назиржон Турсуновлар ҳақида чиқишлар қилди. Учрашув йиғин аҳлида кучли таассурот қолдирди.



ТАЪЗИЯНОМА




*Юрт кўксига тоза бир юрак бўлгайсен,
Эл бахтига тоғ каби тирак бўлгайсен,
Сабр айлаю иймонни саломат сақла,
Бир кун шу Ватанга сен керак бўлгайсен...*

Ўзбекистон халқ шоири, даҳо таржимон Жамол Камол 84 ёшида вафот этди. Жамол Камол 1938 йили Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Читгарон қишлоғида туғилган. Ота-онадан эрта айрилгач, тоғаси қўлида тар-

бия кўрди. Бухоро педагогика институтининг тарих-филология факультетида таҳсил олди. Ўқишни тугаллаб, шу ерда ўқитувчилик қилди. «Бухоро ҳақиқати» вилоят газетасида (1965 – 1969) ишлади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида аспирант бўлиб, «Лирик шеъриятда композиция» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади (1969 – 1972). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими масъул котиби (1970 – 1972), кейинчалик Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимларида фаолият олиб борди.

Унинг «Олам кирар юрагимга» номли биринчи шеърий тўплами 1968 йили чоп этилди. Шундан сўнг «Чўққиларга ёғилди ёғду» (1971), «Тош туғён» (1973), «Ҳасан ва ой» (1974), «Кўёш чашмаси» (1975), «Достонлар» (1978), «Тафаккур» (1979), «Сувайдо» (1983), «Умидли дунё» (1988) тўплamlари, 6 жилдлик танланган асарлар тўплами, «Армон», «Варахша», «Эшикдаги ой тўлқини», «Тош туғён», «Шаҳрибону» каби достонлари нашр этилди.





Уильям Шекспирнинг «Ҳамлет», «Отелло», «Антоний ва Клеопатра», «Қиш эртаги», «Венеция савдогари», «Қирол Генрих IV», «Макбет» каби ўндан ортиқ драмаларини бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилди.

Сўнгги йилларда унинг «Аср билан видолашув» (Сайланма, 2007), «Яна кўнглимда уч ой» (2010), «Сафар дафтари» (2012), «Бош устина, бош устина» (2016) сингари бир қатор асарлари чоп этилди. Жалолиддин Румийнинг «Маснавий маънавий» (2002 – 2004), Ҳазрати Алининг «Девон»и (2006), Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» (2006) ҳамда «Илоҳийнома», «Ас-рорнома», «Панднома ва булбулнома», «Ҳикматлар» (2007 – 2012), Абдураҳмон Жомийнинг «Гулшанинга сўлмасин Гул» (2008), Вильям Шекспирнинг «Сонетлар» (2009), Алишер Навоийнинг «Фоний гулшани» (2011) каби жами йигирма еттита асарни она тилимизга ўғирди. Шунингдек, Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий», Сотим Улуғзоданинг «Фирдавсий» каби романлари таржимаси ҳам Жамол Камол қалами билан ўзбек тилига ўғирилган.

У атоқли публицист сифатида «Маккайи Мукаррама, Мадинайи Мунаввара» (1992), «Буюқлардан буюқ Муҳаммад алайҳиссалом» (2017) асарларини яратиб, исломий маърифат ва маънавиятнинг ривожига катта ҳисса қўшди. Жамол Камол адабиётимиз ривожига қўшган муносиб хизматлари учун 1992 йили «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Андижон давлат университети ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи, «Водийнома» журнали, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди жамоалари аъзолари ўзбек бадиий адабиётининг порлоқ юлдузи Жамол Камолнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари, яқин дўстларига, кўп сонли мухлисларига чуқур ҳамдардлик билдирадilar. Илоҳим, бу буюқ сўз устасининг охирати обод бўлишини Тангри таолодан тилаб қоладilar.

Қуйида Жамол Камолнинг иккита шеърини келтирамиз:

ЎЗБЕК ТИЛИМ (қасида)

Дилбаримсан шу жаҳонда,
Дилрабо ўзбек тилим,
Ҳам гўзалсан, ҳам асал,
Оҳанрабо ўзбек тилим.
Дейдилар: форсий – шакар,
Лафзи араб – дурри гуҳар,
Сен шакардирсан, гуҳарсан,
Бебаҳо ўзбек тилим.
Неча сўз форсийдин олдинг,
Чун арабдин ҳам неча,
Баски, туркий шиддатинг ул
Сержило, ўзбек тилим.
Чин фаросат сендадир,
Сеҳру салобат сендадир,
Ул сабабдин ҳам этарсан

Маҳлиё, ўзбек тилим.
Гар мақом айтсак, жаранглаб,
Кўкка етгайдир мақом,
Алла айтсак не ажаб
Ширин адо, ўзбек тилим.
Тил илоҳийдир жаҳонда,
Сўз илоҳийдир яна,
Сўзларингда акс этар
Ҳусни Худо, ўзбек тилим.
Кошғарийдан ибтидо олдинг,
Етиб амри азал,
Яссавий бўлди сенинг
Бағринга жо, ўзбек тилим.
Шухратинг Лутфий, Атоий
Шеъриндин сочди жаранг,



Битди котиблар китобинг
Бехато, ўзбек тилим.
То жаҳон борки, жаҳонда
Қолмагайсан бенаво,
Чун насиб этди Навойдин
Наво, ўзбек тилим.
Ўксиниб ғурбатда Бобур
Сўзларингдин тизди дур,
Ашки бирдан ювди Машраб,
Чекди оҳ, ўзбек тилим.
Не эди атру уфоринг,
Огаҳий иншо этиб,
Етди унга сози Феруздin
Сафо, ўзбек тилим.
Сен ўшал Фурқат фиғони,
Сен Муқимийдин баёт,
Нодира бирлан Увайсийдин
Садо, ўзбек тилим.
Сўнгра Фитрат келди чақнаб,
Келди Чўлпон, Қодирий,
Солдилар оламга борингдин
Нидо, ўзбек тилим.
Келдилар Ойбек, Ғафур,
Қаҳҳор, Ҳамиду Зулфия,
Ҳар садойинг бўлди дардларга
Даво, ўзбек тилим.
Шумқадамлар неча айём
Этдилар ҳолинг хароб,
Бошинг узра кечди қанча
Можаро, ўзбек тилим.
Чақнатиб от сурди Эркин,
Келди Абдулло кейин,
Янги авлод сенга жон
Этди фидо, ўзбек тилим.
Мустақиллик берди имкон,
Қайтди еру осмон,
Етмагай умрингга энди

Интиҳо, ўзбек тилим.
Қайтди Қуръону Ҳадислар,
Қайтди элга Маснавий,
Бўлди кўзларга каломинг
Тўтиё, ўзбек тилим.
Сен жаҳондин баҳраманд,
Сендин жаҳон ҳам баҳраманд,
Баҳрамандлик қоматинг
Этди расо, ўзбек тилим.
Сенда қонун, сенда дастур,
Сендадур илму амал,
Айтганинг энди раёсатга
Раво, ўзбек тилим.
Мустақиллик борки, қадринг
Элда юксак, устувор,
Ҳурматинг бордир бугун
Олам аро, ўзбек тилим.
Бизга номуссан, шарафдирсан,
Тириклик чашмаси,
Бўлмасанг сен, бахтимиз
Бўлгай қаро, ўзбек тилим.
Манглайи шўр бўлсин, илло,
Ҳам сира кун кўрмасин,
Кимки бўлгай сенга бефарқ,
Бевафо, ўзбек тилим.
Дил билан Ҳаққа етишган
Тилга ҳам бергай ривож,
Шу эмасми одаимйга
Муддао, ўзбек тилим?
Барча эллар мўътабардир,
Барча тиллар муҳтарам,
Муҳтарамлар ичра сен ҳам
Подшо, ўзбек тилим.
Фахр этар кўрку камолингни
Кўриб ўғлинг Жамол.
Чиқ жаҳоннинг минбарига
Марҳабо, ўзбек тилим!..



ШАРОФ РАШИДОВГА МАКТУБ

Шароф ака, бунёд этиб юртнинг шараф-шонини,
 Доим баланд тутардингиз Ўзбекистон шаънини.
 Бутун шарқий минтақада машъал эди бу ўлка,
 Инсонларга ҳар жиҳатдан афзал эди бу ўлка.
 Яқинлар ҳам, йироқлар ҳам ҳавас билан боқарди,
 Қўни-қўшни ажаб сидқу ихлос билан боқарди.
 Бутун дунё кузатарди илмимизнинг ривожин,
 Ўзбек фани фазоларга ёзган эди қулочин.
 Ўзбек куйи, таронаси чиқиб дунё саҳнига,
 Ҳурмат эди, иззат эди адабиёт аҳлига.
 Давраларда дoston эди пахтакорлик шухрати,
 Қадру эъзоз этиларди муаллимнинг меҳнати.
 Москванинг босимидан гарчи дунё тор эди,
 Аммо арзу шикоятни эшитгувчи бор эди...
 Кўролмади шум ниятлар, сизни бадном этишди,
 Кейин улар юртни топтаб муродига етишди.
 Изингизни босолмади ортингиздан келганлар,
 Исмингизни ўчиришди сизга шогирд бўлганлар.
 Бир-биридан баттар бўлди улар иши, аъмоли,
 Орта берди бу ўлканинг машаққати, заволи.
 Ва оқибат шу бўлдиким, олтин қўлли пахтакор
 Хорижларга чиқиб, бўлди милён-милён мардикор.
 Россияда «чурка» бўлиб, қўшни юртда банди, қул,
 Орқасида неча минглаб хотинлар-чи қолди тул.
 Шароф ака, кўрсайдингиз, нелар кечди бизда ҳол,
 Чидаялмай яна инфаркт бўлардингиз, эҳтимол...
 Юртимизда ор-номус кўрғонини йиқишди,
 Эрлар тугул, аёллар ҳам мардикорга чиқишди.
 Ва оқибат шу бўлдиким, етдик шундай замонга,
 Биздан чиқиб фоҳишалар донг таратди жаҳонга.
 Шармандали бўлса ҳамки, эркак эмас ҳез бўлиб,



Уялмадик бу аҳволдан, юра бердик без бўлиб.
 Боз устига, янграй берди мақтов, ҳамду санолар,
 Дунё бизга ҳавас қилур деган қуруқ даъволар...
 Шароф ака, кошки эди, елкамиздан тушиб тош,
 Мустақиллик етишганда бўлсайдингиз элга бош.
 Унда янги чирой очиб, яшнар эди ўлкамиз,
 Минтақани марраларга бошлар эди ўлкамиз.
 Элга хизмат бўлар эди амалдорнинг хизмати,
 Эл бошига тушмас эди мардикорлик қисмати...
 Хайриятки, замонага осмон берди амрини,
 Ҳасрат ила надоматнинг кесди ногоҳ умрини.
 Ўзбекистон доврўгини тиклаймиз деб бир овоз
 Жаранглади, умидлардан ҳосил бўлди гулдурос...
 Шароф ака, шу йигитни дуо қилинг ғойибдан,
 Тангри уни йироқ тутсин ҳар хил фикри майибдан.
 Юксалишни этсин шоир, зафарларга бошласин,
 Ўзбекистон – жаннат диёр камол топсин, яшнасин!...

06.03.2017



«Академик Наим Каримов. Библиографик кўрсаткич» китобида мана бу сатрлар битилган: «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, фан аربоби, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримовнинг ушбу библиографик кўрсаткичи олим ҳақидаги мақолалар, биографик маълумотлар, расм ва ҳужжатлардан иборат.

Кўрсаткич олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва олим ҳаёти ва илмий фаолияти билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган. Тузувчилар: Зухра Бердиева, Индира Худойберганова, Сўзбоши муаллифи: Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Озод Шарафиддинов, Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев».

Кўрсаткичда академик Наим Каримов қаламига мансуб 1853 та илмий мақола, рисола, монография, ўқув қўлланма, дарсликлар номма-ном кўрсатилган. Бу нашрда сўнгги 5 йил давомида Наим Каримов томонидан эълон қилинган мақола ва асарларни келтириш имконияти бўлмаган ва бу 5 йил муддатда олимнинг ижоди акс эттирилган мақола ва асарлар навбатдаги кўрсаткичда эълон қилинажак. Қуйида олимнинг босиб ўтган ҳаётининг илмий фаолияти ҳақидаги мақолаларни келтиришни журналимиз ҳайъати маъқул топди.


ОЛИМ ҲАЁТИНИНГ САҲИФАЛАРИ

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор

Наим Каримов нима учун бошқа бирон соҳани эмас, айнан адабиёт соҳасини танлаган, унинг қалбида бу соҳага меҳр қачон ва қандай пайдо бўлиб қолган – буни аниқ билмайман. Лекин ўйлайманки, унинг бу йўлни танлашида отасининг таъсири катта бўлиши керак.

Мен Наимжондан олдинроқ унинг отаси билан танишган эдим. Уруш йиллари, адашмасам, 6-синфда ўқиб юрган кезларим. Бирдан шеър ёзгим қистаб кетди, бир-икки кун ўтириб уч-тўртта шеърни қоралаб ҳам ташладим, кейин уларни чиқариш ҳаракатига тушиб қолдим. Бу борадаги изланишларим мени Маориф халқ комиссарлигига олиб келди – у ерда аллақайси бўлимнинг бошлиғи бор экан. Ўзи хипча бўлса-да, қадди-қомати келишган, чувак

юзли, очиқ чехрали, ўзига ярашган кўзойнак таққан бўлим бошлиғи жуда бағри очиқ, ғамхўр, хушфеъл одам экан. Унинг фамилияси Фотиҳ Каримий эканини, у адабиётчи эмас, физик эканини кейин билиб олдим. Менга ижод бобидаги илк маслаҳатларни шу одам берган эди. Буни қарангки, кўпгина эски зиёлилар сингари у одам жуда кенг маданий савияга эга эди. У ўзи физика ўқитувчиси бўлса-да, адабиётни яхши





билар, кўп ўқиган, кўп ёзувчилар ва шоирлар билан шахсан таниш эди. Эҳтимол, ана шу меҳрибон одам ўғли Наимжонни адабиётшунослик соҳасига йўллаган, болалигиданоқ унга адабиёт ишқини юқтирган бўлса ажаб эмас.

Нима бўлганда ҳам, Наимжон университетда ўқиб юрган кезларидаёқ жуда синчков, илмга ташна, қизиққан нарсасининг тагига етмагунча қўймайдиган бир талаба сифатида танилди. Бунга кўп жиҳатдан адабиёт бўйича биронта ҳам дарслик ёки ўқув қўлланмасининг йўқлиги сабаб бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳа, бугун бундай аҳволни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, филология факультетининг ташкил қилинганига ўн йилдан ошиб қолганлигига қарамай, на мумтоз адабиёт, на замонавий адабиёт, на адабиёт назарияси, на халқ оғзаки ижоди бўйича биронта дарслик ёхуд лоақал ўқув қўлланмаси бор эди. Мавжуд бўлган айрим мақолалар ва рисоалар қачонлардир бир босилиб, кейин кутубхоналарнинг энг олис пучмоқларида ғойиб бўлиб кетган эди. Талаба бўш вақтининг ҳаммасини кутубхоналарда эски журналлар ва газеталарни титкилаб ўтказар, бирор тузукроқ материални нон ушоғини тергандай йиғиб олишга мажбур эди. Бу, албатта, яхши эмас эди. Лекин, эҳтимол, айна шу ҳол бошқа толиби илмлар каби Наимжонни ҳам ҳар хил кутубхоналарга қатнаб, уч-тўртта шимни кўпроқ тўзитишга, китоб устида ҳафсала билан соатлаб, балки кунлаб ўтиришга мажбур қилган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам унинг адабиётимиз тарихини жуда яхши биладиган, унинг кўпгина тафсилотларидан хабардор мутахассис бўлиб етишишига сабаб бўлгандир.

Бироқ яхши адабиётшунос бўлиш учун билим зарур-у, лекин унинг ўзи сира кифоя қилмайди. Ёзган асаринг шеъриятга бағишлангани ёхуд адиблар ижоди ҳақида баҳс юритагани, бундан қатъи назар, у китобхоннинг юрагига ҳам таъсир қилмоғи, унда муайян туйғулар, ҳаяжонлар уйғотмоғи керак. Хуллас, олимнинг қалбида адабиётга нисбатан чўнг меҳр, сўз санъатига нисбатан теран ҳурмат бўлмоғи ва бу меҳрни, иззат-ҳурматни у ёзганлари орқали китобхонга ҳам юқтира олмоғи зарур. Шунда-

гина чинакам адабиётшунос олим вужудга келади ва у илм соҳасида ҳам, ижод соҳасида ҳам ўз ўрнига эга бўлади.

Наим Каримов 1955 йилда университетни битирди. Шундан бери Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида хизмат қилиб келмоқда. У ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар яратди, турли конференциялар ва симпозиумларда маърузалар қилди, ёрқин илмий фаолияти учун Беруний номидаги республика давлат мукофоти билан тақдирланди, филология фанлари доктори, профессор бўлди. Хуллас, салкам ярим асрлик ижодий фаолияти натижасида Наим Каримов ўзбек адабиётшунослигининг ўзига хос, бетакрор намояндаларидан бирига айланди. Ҳар ҳолда, XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек адабиётидаги ривожланишни Наим Каримовсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

«Наим Каримовнинг адабиётшунослик илмига қўшган шахсий ҳиссаси нималарда кўрилади?» – деб сўралса, нима деб жавоб бериш мумкин? Менимча, биринчи навбатда, унинг матншунослик соҳасига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш керак. Мен бу ўринда XX асрдаги ўзбек ёзувчиларнинг асарларини тайёрлаш ва нашр қилиш ишини кўзда тутяпман. Маълумки, кейинги йилларда Ойбекнинг 20 жилдлик, Ҳамид Олимжоннинг 10 жилдлик, Ғафур Ғулломнинг 12 жилдлик Мукамал асарлар тўпламлари нашр этилди. Уларнинг ёнига Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳам 5 жилдлик асарлар тўпламини қўшиб қўймоқ керак. Бу ишларнинг ҳаммасида Наим Каримов ё илмий раҳбар сифатида, ё фаол иштирокчи сифатида қатнашди. Тўғри, бу асарларни нашр этиш принциплари, уларнинг таркиби масалаларида мунозара қилиш мумкиндир, масалан, Ҳамид Олимжон «Пўлат қандай тобланди» романини таржима қилган бўлса, уни шоир асарларининг мустақил жилди сифатида нашр қилиш шарт эмас эди. Лекин нима бўлганда ҳам, бу муаллифларнинг Мукамал асарлар тўпламини нашр этиш адабиётшуносликда янги бир саҳифа очди. Чунки улар биринчи марта ёзувчиларнинг архивларини, қўлёзма меросларини чуқур ўрганиш асосида қилинган эди. Бу китоблар XX аср



классикларининг ижодини ўрганиш ишини олдинга силжитади, Ҳамза ҳақидаги тасаввуримизни эса тубдан ўзгартиради.

Ёки бўлмаса, Наим Каримовнинг ёзувчилар ҳақидаги монографияларини олайлик. Маълумки, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби ёзувчилар ҳақида Наимдан аввал ҳам монографиялар ёзилган эди. Бу ўринда, масалан, раҳматли домламиз Ҳомил Ёқубовнинг Ойбек, Ғафур Ғулом ҳақидаги китобларини эслаш мумкин. Шунга қарамай, Наимжон бу ижодкорлар тўғрисида яна ёзишга журъат этди ва ўз сўзини айтишга муваффақ бўлди. Масалан, у Ҳамид Олимжон маҳоратини зукколик билан тадқиқ қилади ва унинг шеърини тўғрисида жуда кўп ўринли кузатишлар ҳамда мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Олимнинг Ойбек ҳақидаги китоби ҳам илмий кузатишларга бойлигидан ташқари жуда бой эмоционал кўтаринкиликка эга. Наимжон бу муаллифларни жуда яхши кўради ва муҳаббатини китобхондан яширмайди, балки, аксинча, улар яратган чинакам санъат асарларидан олган эстетик завқини бошқалар билан баҳам кўришга ошиқади.

Наим Каримов ким тўғрисида ёзмасин, китобида, рисоласида, ҳатто мақолаларида, албатта, бирон янги гап айтишга, ёзувчининг ижоди билан боғлиқ биронта муҳим тафсилотни баён этишга уринади.

Масалан, унинг Ҳамза Ҳакимзода вафотида бағишланган кичкина мақоласида илмий жиҳатдан анча кенг ёритилган бу ҳодисага бутунлай янгича ёндашади ва унинг ўлими тасодифий бўлмагани тўғрисидаги тахминни олдинга суради. Ёки олимнинг Усмон Носир ҳақидаги иккита рисоласи ҳам бошдан-оёқ янги материаллар асосида ёзилган.

Наим Каримов Чўлпон тўғрисида ҳам анча юксак савияда рисола яратди. Бу илк рисоалардан бири эди. Мен ҳам «Чўлпон» деган танқидий-биографик очерк ёзган эдим. Наимжоннинг китобида, меникидан фарқ қилароқ, шоирнинг туғилган жойи Андижон эмас, Ёрқишлоқ экани тўғрисидаги тахмин олдинга сурилади ёки унинг яқин қариндош-уруғлари (жумладан, Фоиқа ая)нинг хотираларидан кенг фойдаланилади. Уларнинг бари китобга ўзига

хос ранг берган ва уни Чўлпон ижодини ўрганишдаги қимматли манбалардан бирига айлантирган.

Худди шунингдек, бу йил менинг Ғайратий ижодига бағишланган мақолам чиқди. Орадан кўп ўтмай Наим Каримов ҳам шоир ҳақида қисқа бир мақола эълон қилди. Лекин мақоланинг қисқалигига қарамай, муаллиф бир қатор янги тафсилотлар ва номларни тилга олганки, натижада бу мақола ҳам тўла мустақиллик касб этган ва ҳар иккала мақола бир-бирини тўлдириб, Ғайратий ҳақида тўлароқ тасаввур берадиган даражага етган.

Мустақиллик йилларида олим истеъдодининг янги қирралари намоён бўла бошлади. Ўзининг талабалик йилларида дарсликсиз қийналиб ўқиганлари туртки бўлдим ёки бошқа бирон сабаб биланми, Наим Каримов мактаблар, олий ўқув юртлари учун дарсликлар яратиш ишига жиддий эътибор бера бошлади. Натижада унинг академик Б.Назаров, профессор У.Норматов билан бирга яратган 9-синф ўқувчилари учун «Адабиёт» китоби танловда ғолиб чиқди ва нашр қилинди. Айни чоғда, олий ўқув юртлари учун яратилган «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» деган китоби ҳам (мен ва бошқа муаллифлар билан бирга) бу соҳадаги тадқиқотларни умумлаштирувчи асар бўлди.

Мустақиллик йилларида Наим Каримов ижодида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган янги бир мавзу пайдо бўлди. Бу шўро замонидаги оммавий қатагон мавзуси бўлиб, Наим Каримов унинг адабиёт билан боғлиқ жиҳатларини ёритишга ва шу билан яқин тарихимизнинг ўқилмай қолган ёхуд нотўғри ўқилган саҳифаларини қайта тиклашга ҳаракат қилди. Бу интилиш унинг ижодида, айниқса, 1991 йилдан бошлаб жуда кенг кўламда ишлана бошлади. Масалан, ўша кезларда оммавий бўлган «Фан ва турмуш» журналида «Наркомпрос иши», «Чўлпон учун кишан», «Ассалому алайкум, дорнинг оғочи», «Қодирийнинг боши – янги йил совғаси», «Тош экан бошим...» каби мақолалари босилдики, уларда анча ихчам шаклда бўлса ҳам адабиётимизнинг шу пайтгача мутлақо тилга олинмай келган жиҳатлари очилди.



Шунингдек, Наимжон сўнгги бир неча йиллар мобайнида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ва бошқа газеталарда ҳам адабиёт, санъат ва маданиятимизнинг ёрқин намоёндалари тўғрисида кўпгина жажжи портретлар эълон қилди ва уларда адабиётшунослиқда ҳам миниатюра жанри яшашга ҳақли эканлигини, чинакам истеъдодли олим кичик ҳажмли асарда ҳам теран ва муҳим фикрлар айтиши мумкинлигини исбот қилиб берди. Бу танқидий миниатюралар катта-катта тадқиқотларнинг ибтидоси бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам, улар ўзбек адабиёти ҳамиша ёрқин истеъдодларга бой бўлганини ва шўроларнинг қатлиом машинаси бу истеъдодларга қирон келтирганини яхши очиб беради.

Наим Каримов бир неча йилдан бери мустақиллик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссиясининг раиси сифатида ишлаб келмоқда. У, айниқса, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини бунёд

этишда, шунингдек, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этишда катта жонбозлик кўрсатди. Бугунги кунда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил қилиш бениҳоя қийин иш; чунки улардан қолган суратлар, қўлёзмалар, ҳужжатлар, кийим-кечак ва бошқа ашёларни топиш ғоятда мушкул иш. Шунга қарамай, зарур экспонатлар йиғилди ва музей белгиланган муддатда очилди. Музейни республикаимиз Президенти келиб кўрди ва ўз фикр-мулоҳазаларини айтди. Ҳеч шубҳам йўқки, бу музей Ватанимизнинг кечаги аламли ўтмишини ҳам, бугунги улугворлигини ҳам ёш авлодга уқтиришда катта роль ўйнайди.

Ўйлайманки, юқорида айтилганлар, гарчи Наим Каримов фаолиятини тўла ёритишга жуда-жуда ожиз бўлса-да, унинг бутун умри адабиёт воситасида эл-юртга хизмат қилиш билан ўтганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам унинг кўксини «Эл-юрт ҳурмати» ордени беаб турибди.



ОЛИМЛИК ҚИСМАТИ

Ҳамидулла Болтабоев,
филология фанлари доктори, профессор

Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»идаги «Азал олимларнинг ёстиғин тошдин яратти» сўзларини ким қандай талқин қилишини билмайман-у, бироқ мен шу сўзларни илк бор ўқиганда кўз олдимга Наим Каримов, уларнинг илмий диапазони, тинимсиз меҳнати ва юксак инсонийлиги келган. Ҳозирга қадар ҳам олим заҳмати хусусида сўз кетганда академик Наим Каримовнинг адабиётимиз, маданиятимиз, борингки, миллат ва мамлакатимиз олдида қилган улугвор меҳнатлари кўз олдимга келади.

Академик Наим Каримовнинг илмга, адабиётга қадами Ўзбекистон Миллий университетидан бошланган. Наим ака 1950 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)га ўқишга кирган бўлса, тез орада устозларию бошқа талабаларнинг эътирофига тушган. Проф. У.Норматовнинг ёзишича, ҳали 3-курс талабаси экан, эътиборли бир журналнинг масъул котиби бўлган. Ёзувчилар уюшмасининг тўполон мажлисларидан бири адиба Саида Зуннуновани тошбўрон қилишни бошлаганида Саида опанинг инсонийлик руҳи билан суғорилган майин шеърларидан сиёсий хато излаш нотўғри эканини дадил айтиб, У.Норматов, Э.Воҳидов, И.Ғафуров ва бошқа бўлғуси миллат фидойиларининг эътиборига тушган. Бу воқеани Умарали ака шундай эслайди: *«Раис уни журнализмнинг масъул котиби учинчи курс талабаси Наим Каримов деб таништирди ва унга сўз берди. У қисқа ва лўнда қилиб шундай деди: «Саида Зуннунова шеърларини мен синчиклаб кўздан кечириб журналга киритганман, ўқиб кўринг, биродарлар, улардан ҳеч қанақа сиёсий хато тополмайсиз...» Дил розларини изҳор этишга ўша кезлари ҳукм-*

*рон бўлган «қўрқув салтанати» йўл бермасди».*¹

Талабалик йиллари проф. О.Шарафиддиновдан олган сабоқлари беиз кетмагани учун бўлса керак, ўзининг илмий тадқиқотлари учун «объект»ни XX аср ўзбек адабиёти деб белгилаган ва бутун адабиётимизнинг мана шу жабҳасига садоқат билан хизмат қилди. Бошқа бир ўринда Наим аканинг оталари ўзи физика ўқитувчиси бўлишига қарамасдан, ўқувчи Озод Шарафиддиновни адабиёт сари йўллаганини мамнуният билан тилга олади. Кейинроқ университет талабаси ҳақидаги хотираларида: *«Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам, Наимжон университетда ўқиб юрган кезларидаёқ жуда синчков, илмга ташна, қизиққан нарсасининг тағига етмагунча қўймайдиган бир талаба сифатида танилди»,* – деб ёзганди.

Университетни тамомлаши биланоқ бу истеъдодли ва заҳматкаш талабани университет аспирант (1955) сифатида ўз бағрига олди. Аспирантурани тугатиши билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига қабул қилинди (1958), шу вақтга қадар ўтган 64 йил давомида Наим Каримов институтнинг кичик илмий ходимлигидан академикликкача бўлган йўлни босиб ўтди. «Ҳамид Олимжон поэтик маҳоратининг баъзи масалалари» мавзуида номзодлик (1963), «XX аср ўзбек адабиёт-



¹ Норматов У. Олтмиш беш йиллик маслақдош дўстим // Наим Каримов. Биобиблиографик кўрсаткич. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2017. – Б.131 – 135.



тининг тараққиёт тенденциялари ва миллий истиқлол мафкураси» мавзуида докторлик (1994) диссертациясини ҳимоя қилди. Аввал профессор (1995), сўнгра академик (2017) бўлди.

Эҳтимол, кимларнидир мана шу унвону эътирофлар ҳаваслантирар, бироқ менинг кўз олдимга Наим аканинг 90 йиллик умри давомида миллатимиз учун амалга оширган ишлари ҳайратлантиради. Буни устоз О.Шарафиддинов шундай баҳолаган эди: *«Наим Каримов яқин тарихимизнинг ўқилмай қолган ёхуд нотўғри ўқилган саҳифаларини қайта тиклашга ҳаракат қилди. Бу интилиш унинг ижодиди, айниқса, 1991 йилдан бошлаб жуда кенг кўламда ишлана бошлади. Масалан, ўша кезларда оммавий бўлган «Фан ва турмуш» журналида «Наркомпрос иши», «Чўлпон учун кишан», «Ассалому алайкум, дорнинг оғочи», «Қодирийнинг боши – янги йил совғаси», «Тош экан бошим...» каби мақолалари босилдики, уларда анча ихчам шаклда бўлса ҳам адабиётимизнинг шу пайтгача мутлақо тилга олинмай келган жиҳатлари очилди»*.¹

Орада Наим Каримов «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси (1999) раёсати раиси, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси раиси ва Қатағон қурбонлари хотираси музейининг директори (2001) этиб тайинланди. Аслида, олим ва тадқиқотчи Наим Каримов учун иш энди бошланди. Шу кундан бошлаб архив ва музей маълумотларини титкилаб, ноҳақ қурбон этилган миллатимиз фидойилари ҳақида юзлаб маълумотларни юзага чиқарди. Биргина шу фаолиятининг ўзи миллат олдидаги фарзандлик бурчини бажаришга кифоя қилар эди. Бироқ Наим ака қайси вазифада бўлмасин адабиёт илмидан узоқлашмади, насримизга «маърифий роман» тушунчасини олиб кириб, «Чўлпон» (2003), «Мақсуд Шайхзода» (2010), «Миртемир» (2012) асарлари орқали бу буюк адибларга романий ҳайкал қўйди. «XX аср адабиёти манзаралари» (2008), «Катта қирғин»нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари» (2014), «Адабиёт ва тарихий жараён» (2013) каби фундаментал тадқиқотлар яратди. Ана шу сўнги китобнинг буюртмачи-

си ва ношири бўлганим сабабли у ҳақда бир оз тўхталишга тўғри келади.

Наим Каримовнинг ушбу китобига кирган мақолаларида бадиий асар таҳлили баробарида тарихий жараённи кузатиш, унинг оғриқли нуқталарини ижодкор шахс қисмати орқали англаш ва англантиш адабиёт илми учун муҳим жиҳат ҳисобланади. Бу жараёнда романга хос эпик кўлам ва миқёсли тафаккур олимга ҳам зарур бўладики, Наим Каримовнинг тарих ва адабий жараёнга бағишланган мақолалари халқ ҳаётидаги мана шундай оғир, залворли маънавий юкни ўз зиммасига олади. Китобдаги мақолалар нафақат таҳлилий қуввати билан, балки ахборий янгилиги ва замонавий талқини, жуғрофий кўлами билан ҳам романлар зиммасидаги маънавий юкни кўтара олишига қурбли асарлар эканини кузатамиз. Наим Каримовнинг айрим мақолаларини ўқиганда уларнинг мавзуси ва қаҳрамонларига нисбатан ҳам шу сўзларни ишлатишни раво кўраемиз. Миллат ўз қаҳрамонларини унутмайди, лекин ўз «жаллодлари»ни ҳам билиши керакки, токи тарих эврилганда, эрк устидан зулм баланд келганда бундай хатолар (юмшоқ қилиб айтганда) такрорланмаслиги учун улардан сабоқ оламиз.

Айни китоб ўзининг тафаккур миқёси кенглиги, фактларга бойлиги ва уларнинг шоирона бадиий ифодаси билан китобхонлар эътирофига сабаб бўлди, шу асар нашри учун «Мумтоз сўз» нашриёти Матбуот ва ахборот агентлигининг «Йилнинг энг яхши китоби – 2013» дипломига сазовор бўлди.

Наим Каримов яқин даврлар адабий тарихи тадқиқотчиси сифатида танилган бўлса ҳам, олимнинг олис тарих қатида ётган адабий ҳақиқатларни юзага чиқариш мақсадида амалга оширган ихчам тадқиқотлари алоҳида эътиборли. Нафақат тарихий силсила, хронология нуқтаи назаридан, балки улуг ўтмишдошларимиз қисматига адабий-илмий муносабат нуқтаи назаридан ҳам айни ҳолат муҳимдир. Улуг аллома Берунийнинг бадиёт оламига муносабати, бизга номаълум адабий манбаларни маълум қилишдаги далолати Наим Каримовга қадар ҳам олимларимизни қизиқтириб кел-

¹ Шарафиддинов О. Олим ҳаётининг саҳифалари // Наим Каримов. Биобиблиографик кўрсаткич. – Тошкент: МУМТОЗ SO'Z, 2017. – Б.4 – 8.



ган. Акад. А.Қаюмовнинг «Беруний ва адабиёт» (1973) асарида масаланинг умумий жиҳатларига эътибор қаратган, йирик асарларини ном-ном келтириб, уларнинг адабиёт билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаган, улуғ алломанинг араб, ҳинд ва юнон адабиётига муносабатини тадқиқ қилган.¹ Олим Н.Комилов мақоласида бевосита Беруний ва бадиий ижод соҳаси хусусида сўз юритилган, шундай қомусий даҳонинг бадиий ижод намуналари ҳам бўлиши мумкин деган ният билан Беруний меросини ўрганган.² Берунийни юнон адабиётининг билимдони сифатида танитиш орқали Наим Каримов «буюк ватандошимизнинг илмий меросини қиёсий метод асосида ўрганиш, унинг Арасту, Афлотун, Ҳомер сингари буюклар билан бир сафда туришини асослаш»ни ўзининг вазифаси деб билган. Ушбу мақола, бир жиҳатдан, Наим Каримовнинг юнон ва бошқа қадимги адабиётларни яхши билишини англатса, иккинчи жиҳатдан, улуғ аллома меросига юксак маданият ва илмий ворислик нуқтаи назаридан ёндашганининг амалий исботидир.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодининг жаҳон, айниқса, туркий адабиётларга таъсири масаласи XX аср адабиётшунослигининг муҳим қирраси сифатида қаралмоқда. Шу жиҳатдан Навоий ижодининг Фузулий, Нисорий ҳамда Махмутқули асарларига кўрсатган самарали таъсири асосида йирик тадқиқотлар яратилган. Олмон олимаси З.Клейенмихел эса эътиборни Навоий ва Аҳмад Пошо (усмонли турк шоири) мавзуга қаратиб, Навоий ижодининг оламшумул таъсири доираси янада кенгайганлигини кўрсатувчи кузатишлар эълон қилган. Албатта, бу қувончли маълумот ҳар бир ўзбек зиёлисида Ҳазрат Навоий даҳоси сари рағбат уйғотади. Наим Каримов эса мутахассис олим сифатида айна адабий таъсир ва ҳамкорлигининг таянч нуқталарини аниқлаб, унга махсус мақола бағишлайди. Табиийки, Н.Каримов мақоласидан кейин Навоий ва усмонли адабиёти, хусусан, Аҳмад Пошо ижодига ўзбек олимлари-

нинг ҳам қизиқиши ортди ва бу илмий маълумотнинг амалий натижаси ўлароқ Аҳмад Пошо девони ўзбек тилида чоп этилди ва Алишер Навоий ижодини ушбу шоир мероси билан қиёслаган тадқиқот иши яратилди.³

Наим Каримовнинг адабиёт ва тарихий жа- раён масалаларига бағишланган мақолалари орасида Тошкентда яшаб ижод қилган ёки Шоший (Чочий) таҳаллуси билан адабий асарлар яратган ижодкорлар алоҳида ўрин тутати. Ҳар бир шаҳар зиёлиси ўзининг буюк ўтмишдошлари билан фахрланиши баробарида улуғ зотлардан қолган маънавий бисотни ўрганишга, унинг талқинини замондошлари билан баҳам кўришга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан «Бобокалон шоирлар» мақоласида Абу Муҳаммад Матроний, Абу Омир ибн Аҳмад Шоший, Бадри Чочий ҳақида маълумот берилса, «Шошийлар авлоди» мақоласида Акмал Тошкандий, Ди- лафкор, Иффат, Шоиқ каби илм аҳлига деярли номаълум шоирлар ҳақида манбаларда қайд қилинганларни жамлаб, китобхонларга етказди.

«Ёрқент асири» (Фурқат) мақоласида фурқатшунослар эътиборига шоирнинг «Кажкул» тўпламини эслатиш баробарида туркшунос олим Э.Тенишевнинг 1995 йилдаги кундалик-лари асосида ўзбек фурқатшунослигини янги илмий хабарлар билан тўлдиради. «Чароғбонлар» туркуми туркий дунёнинг И.Гаспринский, С.Азизий, М.Бехбудий, А.Шакурий, М.Абдурашидхонов, Ҳусайн Жовид, Бакир Чўпонзода каби юлдузлари ижодига бағишланган. И.Гаспринский ҳақидаги мақола-тадқиқот фақат улуғ муаллимнинг ҳаёти ва фаолиятини ўзбек китобхонларига таништириш билан чекланмайди, балки И.Ғаспрати ва Туркистон мавзусининг илдизларига бориб тақалади, қримтатар муҳаррири нега Туркистонда машхур бўлиб кетди, унинг уч бора ташрифининг сабаблари нимада эди деган саволларга жавоб беради. Туркистон мустамлакачилиги билан Гаспринскийни бирлаштирган умумий мақсад эрк истаги эканини, шунинг учун ҳам ўлкада эрк туйғуларини уйғотган устоздан эркинлик-

¹ Қаюмов А. Беруний ва адабиёт // Асарлар. 9-жилд. – Тошкент: МУМТОЗ SO‘Z, 2010. – Б.149 – 272.

² Комилов Н. Беруний ва бадиий ижод // Ўзбек тили ва адабиёти. 2005. №4. – Б.4 – 7.

³ Аҳмад Пошо. Девон / Нашрга тайёрловчи Р.Ўзмонова. – Тошкент: Akademnashr, 2011.



ка чиқиш амалларини кутиб «Таржимон»га илҳақ бўлганларини англади беради. Мана муҳим хулоса: «Унинг (И.Гаспринскийнинг – Ҳ.Б.) назарида, славян-турк диалогининг мунтазам асосда йўлга қўйилиши ҳар иккала халқни ўзаро яқинлаштириш ва улар маданиятининг юксалишига хизмат қилиши муқаррар эди». Бу ҳолни табиий зарурат деб билган Н.Каримов: «Аmmo «Таржимон»нинг Туркистон учун аҳамияти, биринчи навбатда, маҳаллий ёшларда миллий уйғониш руҳини тарбиялагани, уларни маърифат ва маданиятнинг янги марраларига етаклаганидир», – дея юқоридаги саволга жавоб беради. Бу билан кифояланмай қримтатар олимини ўзбек зиёлилари билан боғлаб турган робиталарни фақат ғоядан эмас, балки қариндошлик муносабатларидан ҳам ахтаради. Чунки Н.Каримов ҳужжат билан ишлашни ёқтиради, унинг хулосалари ҳам эҳтирослар таъсири эмас, балки мана шу ҳужжатли асоснинг натижаси ўлароқ кўринади: «Бироқ И.Гаспринскийнинг Хадича исмли бошқа бир қизи 20-йилларда фалакнинг гардиши билан Тошкентга келиб, ўзининг ташқи, тазйиқлардан холи бўлмаган ҳаётини шу ерда кечирган ва шу ерда паллак ёзган (Ҳозир Тошкентда унинг фарзанд ва неваралари истиқомат қилишади)».

Айниқса, Беҳбудий ва Мунаввар қори, Шақурий ва С.Мажидов ҳақидаги мақолалар нафақат ҳужжатлилиги, балки тараққийпарвар олимларимиз ижод ва фаолиятини халқимизга танитиб улгурган бу буюк алломалар ҳақидаги қарашларимизни ҳам тўлдирди олиши билан аҳамиятлидир.

Юлдуз тунни ёритиш билан бирга у ёруғликка ошурфта қалбларни ҳам чароғон қилади. Шунинг учун унинг таратган зиёси бир-икки шахсни, ёки бир неча кишилар, борингки, бир миллат доирасидаги шахслар, балки тунда йўл топишга чоғланиб турганлар йўлини чароғон қилади. Шу маънода озар адиби Ҳусайн Жовид ва татар олими Бакир Чўпонзода ҳақида сўз юритиларкан, биз уларни худди ўз адиби-миздай суюмиз, улар яратган ойдинликлардан барча туркийлар каби баҳраманд бўламиз. Академик З.Бунёдов Озарбайжонда қатағон қилинганлар хусусида ёзаркан, «миллий кадрларни

тамомила маҳв этмак, илк навбатда, дунёга машҳур, ўзлигини англаган, дунёни мулоҳаза этган, янги фикрли олимлар, мутафаккир ва интеллектларни орадан кўтармак 30-йилларда ўлкани идора қилган раҳбар «клан» қора қўллари билан чанг солар эди» деган умумлашма билан профессор Б.Чўпонзонанинг қора кунларига доир ҳужжатлар келтиради.¹ Чунки фикр нафақат биргина олимга, балки миллатнинг гули бўлган барча шаҳид бўлган зиёлиларга тегишлидир.

2017 йил 12 декабрда таниқли адабиётшунос олим ва жамоат арбоби Наим Каримов туғилган кунга 85 йил тўлди. Бундан аввалроқ 2002 йилда «Турон» номидаги Ахборот-кутубхона маркази библиографлари Наим Каримов асарлари библиографиясини тузиб нашр этган эди. 2017 йили эса «Ўзбек адабиётшунослари» рукни остида Наим Каримовнинг библиографияси эълон қилинди. Библиографик кўрсаткичнинг бу тўлдирилган, тузатилган 2-нашрида олим ҳаёти ва илмий фаолиятининг асосий саналари, илмий асарларининг алоҳида нашрлари, вақтли матбуот ва тўпламларда босилган мақола, тақриз, таржима ва шеърлари, сўзбоши ёзган ва муҳаррирлик қилган асарларининг ўзи 2000 га яқин. Агар булар қаторига сўнгги беш йил ичида эълон қилинган асарлари, олимнинг илмий раҳбарлигида бажарилган ишлар, оппонентлик қилган диссертацияларга ёзилган тақриزلар, радио ва телевидениедаги чиқишларини қўшсак, ҳеч қайси ўзбек олимида кузатилмаган илмий ва ижодий ишлар «хирмон»ини кўрамиз. Агар шу рақамнинг Наим Каримов умрининг илмий ва ижодий ишлар билан фаол машғул бўлган 70 йилига нисбат берсак, ҳар бир китобу мақола ҳафтасига эълон қилиниб турганининг гувоҳи бўламиз. Бундай катта кўлам ва тинимсиз заҳмат остидаги 80 дан ортиқ китоб ва икки мингдан зиёд мақолаларнинг илмий юкини тасаввур қилишнинг ўзи мураккаб иш. Лекин шунга қодир инсонни эъзозлай олишимиз, унинг самарали меҳнатини эътироф этишимиз шарт.

¹ Бунёдов З. Гырмызи террор. – Баку: Азарбайсан Давлат нашриёти, 1993. – С.88.



Шундагина биз ўзимизнинг зиёлилик бурчимизни тан олган бўламиз. Бунинг учун олимпикнинг касб ёки ҳунар деб эмас, балки қисмат эканини англашимиз керак бўлади.

Наим Каримовнинг юксак инсонийлиги ҳақида кўп гапиришади, буни нафақат шогирдларидан, балки Наим акага устозлик мақомида бўлган улуғ олимлардан ҳам эшитганмиз. Бироқ бу инсонийлик соф виждон, адабий инсоф билан йўғрилганини, кези келганда Наим Каримов қатъият билан адолатни ҳимоя қилгани, ҳар ким билан ҳам тил топишиб кетавермаганини таъкидлагим келади. Бунга кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Биргина Чўлпон ҳақида сўз кетганда Наим ака бу азиз номни умрбод эъзозлаб келиши баробарида 50-йилларнинг 2-ярмидаги эрувчанлик шароитидан бошлаб унинг асарларини эълон қилиш учун курашгани, кўп

марталаб Андижонга бориб, Чўлпоннинг яқинлари билан суҳбатлашгани, қолаверса, китобда ўқиган ёки манбада кўрган ҳар бир фактини Чўлпоннинг синглиси Фойиқа аядан сўраб, аниқлаштириб боргани, кичик мақолалар асосида тадқиқот, сўнгра маърифий роман битилганининг гувоҳи бўлганман. Мана шу ижодий жараённинг ўзи нафақат олиму тадқиқотчилар, балки айрим адибларимизга ҳам намуна бўлиши лозим. Чунки кейинги йилларда керакли ҳужжат ва фактларни яхши ўрганмай туриб ушбу мавзунини «гуллатаётган» ёки ўзини жадидчи билиб, Наим ака бундан 30 – 35 йил аввал эълон қилган фактларни «кашф этаётган»лар ҳам учраб туради. Ҳар ҳолда, академик Наим Каримовнинг ҳар бир асари, ҳаётидаги ҳар бир қадам олимпнинг шогирду ўқувчиларига доимий сабоқ манбаи бўлиб хизмат қилади.




ИЛМ-ФАН ДАРҒАЛАРИДАН БИРИ

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ

Бундан 18 йил муқаддам устоз Наим Каримов 2003 йили «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Чўлпон. Маърифий роман» номли 462 саҳифалик китобини каминага тақдим этгани, унда бизнинг шаънимизга яхши фикрлар баён қилганидан бениҳоя завқландим, фахрландим.

Бу забардаст, фидойи олим Андижонга қилган ташрифларидан бирида унинг яқинлари Чўлпон ҳақида каминанинг ҳам қатор мақола, китобларида маълумотлар борлигини айтишганида у шундай ёзган эди: «Мен биродарларимга Рустамбек билан учраштиришни илтимос қилдим. Агар иложи бўлса, меҳмонхонага келса яхши бўлар эди деб айтдим. Эртасига эрталаб менинг хонамни биров тақиллатди. Эшикни очиб чиқсам, рўпарамда спорт кийимида бошида кепка билан Рустамбек турарди. Кейин билсам, бомдод намозини ўқигандан сўнг бизнинг меҳмонхонамизнинг ёнида катта теннис кортида теннис ўйнарган. Менинг ҳузуримга теннисдан нари келган экан. Саломлашгандан кейин Чўлпон ҳақидаги мақолангиз билан танишмоқчи эдим, жоиз бўлса шу мақоладан кўчирма берсангиз деб илтимос қилдим. Илтимосим ўша кунидеҳ бажарилди. Кейинчалик «Чўлпон» (маърифий роман)



номли китобимда Рустамбекнинг Чўлпон ҳақидаги янги маълумотларини иқтибосда кўрсатганман ва бу китобни эсдалик учун 2004 йил 22 февралда Рустамбекка тақдим этганман. Ана шундан кейин бизнинг ижодий алоқамиз, инсоний дўстлигимиз бошланган». Йиллар ўтиб, 2019 йили каминанинг 80 йиллиги юбилейига ташриф буюрган академик Наим Фотиҳович Каримов «Яхши одам, яхши олим» мавзуида анжуманда нутқ сўзлаганди. «Мен Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармасига раис этиб тайинланганимда, Қатағон қурбонлари хотираси

музейини ташкил этишни бошлаганимизда Рустамжоннинг ана шу фаолияти менга асқатиб қолди ва биз Рустамжонни чақириб, ҳам «Шаҳидлар хотираси» жамғармаси фаолиятида, ҳам Қатағон қурбонлари хотираси музейининг янги экспозициясини яратишда у киши йиғган манбалардан жуда самарали фойда



2004 йил 1 февраль. Тошкент. Наим Каримов 2003 йили «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун» номли китобим тақдимотига раислик қилган

ландик. Мана шу жараёнда бизнинг дўстлигимиз жуда самимий ва самарали тус олди. Баъзан ҳамкорликда Андижонда, Тошкентда, Самарқандда, Бухорода, Фарғонада илмий экспедициялар, илмий анжуманлар ташкил этадиган бўлдиқ...»

Андижон давлат университети Ўз-

бекистон тарихи кафедраси мудир, тарих факультети декани, «Мерос» илмий амалий экспедиция хайрия жамоат фонди раҳбари сифатида чорак асрдан буён илмий-тадқиқот ишларимда академик Наим Фотиҳович Каримовнинг илмий, методологик услублари, одамийлик, фидойилик, самимийлик каби фазилатлари, ўғитларидан намуна олиб фаолият кўрсатиб келмоқдаман. Бутун борлиғини илм-фан, эзгулик ишларига бағишлаган бу бағри дарё сиймонинг дўстона меҳри туфайли кўплаб монографиялар, ҳужжатлар ва материаллар, оммабоп асарлар яратдим ва яратмоқдаман. Бунинг учун реал имкониятлар яратилган эди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майда эълон қилинган фармойишида шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини ўрганиш зарурлиги алоҳида вазифа қилиб кўрсатилган эди. Ўша йили 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» қарор қилди. Ана шу икки ҳужжат «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди, унинг раҳбари Наим Каримов бошлиқ бир гуруҳ тадқиқотчилар, зиёлилар, айниқса, тарихчи, адабиётчилар учун улкан фаолият майдонини яратган эди. Тарихимизнинг таҳқирланган, бузилган фожиали са-

ҳифаларини миллий руҳ, миллий онг, чуқур ватанпарварлик ҳиссиёти билан яратишдек улуғвор вазифа кун тартибига кўндаланг қўйилган эди. Бундан руҳланиб, илҳомланиб биз 2001 йили Андижонда биринчи бўлиб «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фондиди ташкил этган эдик. «Мерос» Низомида унинг функционал вазифаси шундай ифодаланган эди: «Мерос» фаолиятининг асосий мақсади Чор Россияси ва совет мустамакчилиги даври қурбонлари, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида қатағон қилинган, шаҳид кетган ватандошларимизнинг номини аниқлаш, чет эллардаги турли манбаларни излаб топиш ва ўрганиш учун илмий-амалий экспедициялар уюштириш, унинг материалларини китоблар, монографик тадқиқотлар, архив ҳужжатлари, эсдаликлар тўпламларини яратиш ва бошқалардан иборат». «Мерос» фаолиятининг дастлабки чоғиданоқ «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди раҳбари Наим Фотиҳович Каримовдек бетакрор фан дарғасининг эътиборини ўзига жалб этди. Бевосита бу алломанинг ўғитлари, маслаҳатлари, кўрсатмаларидан «Мерос» жамоаси, Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессор-ўқитувчилари унумли фойдаланиш имконига эга бўлдиқ. Мавзу бўйича республика бўйлаб бир қанча илмий экспедициялар уюштирилди. Ҳатто табаррук ёшда бўлишига қарамасдан, бу камтарин, хокисор инсон биз билан бирга Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро вилоятлари бўйлаб экспедицияларда иштирок этди. Қулоқ қилинган, сургун этилганларнинг қолган авлодлари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилди, улар хазинасидаги ноёб ҳужжат ва эсдаликлар билан танишиш, айримларининг хотираларини видеотасвирга тушириш ишлари амалга оширилди. Биз ўз йўлида «Мерос» орқали Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари, Украина, Шимолий Кавказ, Россиянинг турли жойларида, архивларда, музейларда ишлаб, кўпдан-кўп манбаларни қўлга киритишга эришдик. Натигада Ўзбекистонда коллективлаштириш, қулоққа тортиш, сургун этиш мавзулари бўйича 2001 – 2009 йилларда умумий ҳажми 2319 босма



Андижон. 2019 йил 1 май Андижон давлат университети мажлислар залида Н.Ф.Каримов.

табоқдан иборат 7 та, Ўзбекистонда советларнинг 1937 – 1938 йиллардаги қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари мавзуга оид 11 та монографик тадқиқот – жами 3317 босма табоқдан иборат китобларимиз дунё юзини кўрди. Бундай самарали ишларимиздан Наим Каримов беҳад хурсанд эди. Чунки бу асарларнинг барчасига илмий муҳаррирлик қилган зот айна Наим Каримов бўлган.

Аллома Наимжон ака Андижон давлат университети ва «Мерос» илмий-амалий экспедиция фонди томонидан «Водийнома» журналинини ташкил этишда бизга пурмаъно фикрлари билан ёрдам кўрсатганини алоҳида

таъкидлаш жоиз. «Водийнома»нинг 2016 йил 1-сонини эълон қилиниши муносабати билан оқ йўл тилаб журналда келтирилган табригини айнан келтиришни жоиз билдим: **«Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишга шундай катта эътибор берилди ва берилмоқдаки, ҳозир қайси илмий ва илмий-оммабоп нашрнинг варақласангиз, нигоҳингиз ўзбек халқи ва маданияти тарихининг шу вақтгача ўрганилмаган ва номаълум бўлиб келган саҳифаларига тушади. Агар маданий меросни ўрганиш ишлари мамлакатимизда давлат сиёсатининг муҳим ва таркибий қисмига айланмаганида, миллий тарихимизга бўлган қизиқиш ва эътибор шунчалик қувонарли самараларни бермаган бўларди. Камина Фаргона водийсида мамлакатимиз ва халқимиз тарихининг номаълум саҳифалари ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Водийнома» илмий-тарихий журналининг нашр этила бошлашини чин қалбдан табриклайман. Шу хайрли ишнинг ташаббускори бўлган, тиниб-тинчимас тарихчи олим Рустамбек Шамсутдинов ва унинг маслакдош дўстларига катта муваффақиятлар тилайман. Оқ йўл сенга, «Водийнома»! Журналлар денгизи бўйлаб бошлаётган сафаринг хайрли бўлсин!»**



Академик Н.Ф.Каримов Андижон давлат университети фаоллар залида нутқ сўзламоқда



Шундан бери 6 йил мобайнида «Водийнома» нинг 28 сони нашрдан чиқди. Журналнинг таҳририят аъзоси, фаол муаллифи бўлган Наим Каримовнинг «Фарғона жадиждларининг сарвари» (2016. №1. – Б.63 – 67), «Абдулла Қодирий ва Амир Умархоннинг канизи» (2017. №2. – Б.82 – 90), «Эрк ва ҳуррият куйчиси» (2017. №3. – Б.79 – 82), «Чўлпон ГПУ-ОГПУ исканжасида» (2018. №2. – Б.44 – 51), «Саидносыр Мирджалолов – казначей правительства Туркестанской Автономии» (2018. №1. – Б.64 – 70), «Чўлпон қачон туғилган» (2018. №1. – Б.94 – 96), «Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши. Уруш қурбонлари» (2019. №2. – Б.67 – 75), «Туркистон легиони: Қачон ва қандай ташкил этилган?» (2019. №4. – Б.57 – 65) мақолалари кенг илмий жамоат-

чиликда катта қизиқиш уйғотганидан журнал таҳририяти беҳад хурсанд.

Андижон давлат университети жамоаси, Ўзбекистон тарихи кафедраси профессор-ўқитувчилари, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамоат фонди, Андижондаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи, «Водийнома» журнали таҳририяти Ўзбекистон ва халқаро жамоатчиликнинг эътиборини қозонган ва доимий алоқа ва мулоқотда бўлиб турган Сиз табаррук инсонни қутлуғ 90 ёшингиз билан чин қалбдан табриклайди, Сизга куч-қувват, яхши кайфият, мустаҳкам соғлиқ, ижодингизга зафарлар тилаб, 120 ёшни қаршилашингизни Тангри таолодан сўраб қолади.